

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

О. А. ҲАЙДАРОВ

**ПОЙАБЗАЛ ВА ЧАРМ-
АТТОРЛИК БУЮМЛАРНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ
АСОСЛАРИ**

Касб-хунар колледжлари учун ўкув қўлланма

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ**

2007

Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув методик бирлашмалар фаолиятини рнувофиқлаштирувчи Кенгаш нашрга тавсия этган.

Тақризчилар:

A.3. Абдуллаев «Ўзбекйенгилсаноат» уюшмасининг назорат ва илмий техника таржималар бошқармаси бошлиғи.

O. Мелиев «Андижон пойабзal» ҳиссадорлик жамияти Бошқарув раисининг муовини.

Хайдаров О.А.

Пойабзal ва чарм-атторлик буюмларни моделлаштириш асослари: Касб-хунар коллажлари учун ўқув қўлланмана.— Т.: «Шарқ», 2007. - 208 б.

Мазкур ўқув қўлланмада чарм буюмларни конструктив тавсифи ва шу буюмларни лойиҳалашда анатомо-физиологик, антропометрик ва биомеханик асослари келтирилган. Буюмларни моделлаштириш ва конструкциялаш усуллари кўриб чиқилган ҳамда пойабзal деталлар сериясини градатсияси, размер ва тўлалик ассортименти каби саволларни назарий асослари келтирилган.

Ўқув қўлланмана касб-хунар коллажлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан олий ўқув юртларида таҳсил олувчи бакалавр ва магистрлар, чарм буюмлар саноатида ишлаб турган мұхандис-техник ходимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ИСБН 978-9943-00183-1

© «ШАРҚ» нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси
Бош таҳририяти 2007-й.

МУҚАДДИМА

Хозирги даврда мустақил давлатимиз ҳалқни келажак равнақи учун юқори

талабларга жавоб берувчи сифатли халқ истеъмол молларини, шу жумладан чарм маҳсулотларини кўпайтиришга катта аҳамият бермоқда.

Аҳолининг чарм буюмларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун чарм маҳсулотлар саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини ва унинг сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш кўзда тутилади.

Чарм буюмлари деб, охирги асргача фақат чармдан тайёрланувчи кенг истеъмол моллари, яъни пойабзал ва чарм-атторлик; маҳсулотларига айтилар эди. Ҳозирги вақтда пойабзал, чамадон, қўлқоп ва бошқа атторлик маҳсулотлари чармдан ташқари жуда кўп синтетик ва сунъий материаллар ишлатилишига қарамай, қисқа қилиб чарм буюмлари деб аталади.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда пойабзал корхоналарига алоҳида жой ажратилиб, унинг олдида пойабзални моделлаштириш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ассортиментлик гурӯҳларини ривожлантириш, пойабзал сифатини яхшилаш каби муҳим вазифаларни янада такомиллаштириш кўзда тутилади.

Чарм маҳсулотларини, яъни пойабзал ва қўлқоп қурилмаларини вужудга келтириш, уни лойиҳалаш усулларини ўрганиш учун лойиҳаловчидан куйидаги дастлабки маълумотлар талаб қилинади:

1. Чарм буюмлари қурилмаларининг ривожланиш тарихи.
2. Замонавий чарм буюмларининг конструктив таснифи.
3. Кўл ва оёқ анатомия, физиология, антропометрия ва биомеханикаси тўғрисидаги маълумотлар.
4. Деталлар иши, уларнинг конструктив тавсифи ва биритиравчи чоклар тўғрисида маълумотлар.
5. Пойабзал ва қўлқопларни гигиеник ҳамда физик хоссалари.
6. Чарм буюмлар қурилмаларининг техник иқтисодий тавсифи.

Шуни таъкидлаш керакки, пойабзал ва чарм-атторлик корхоналарида, асосан, чарм маҳсулотларини моделлаштириш ҳамда конструкциялаш, яъни маҳсулотларни бичиш учун андозалар яратиш каби ишлар бажарилади ва уни йиғиши, қолиплаш, пардозлаш натижасида мақсадга мувоғиқ қурилма ҳосил бўлади.

Баъзи корхоналар пойабзалнинг ички шаклини, яъни қолипни лойиҳалаш ишлари билан қисман шуғулланади, асосан, бу йўналишдаги ишларни илмий-текшириш институтлари бажаради. Бундан ташқари илмий-текшириш институтлари маҳсулотни ратсионаллигини ва алоҳида шароитларни ҳисобга олган ҳоида, қўштмча тадқиқотлар асосида, янги оригинал қурилмаларни вужудга келтиради, пойабзал деталларини серияга кўпайтириш ва ўлчам-тўлалик ассортиментини ишлаб чиқарисб каби ишлар билан шуғулланади. Бу тадбирларни амалга оширишда касб-хунар коллежларида ва олий ўқув юртида чарм буюмлар йўналиши бўйича мутахассис бўлиб чиқадиган ходимлар катта рол ўйнайди. Бунинг учун улар маҳсус фанларни чукур ўрганишлари лозим. Ана шундай маҳсус фанлардан бири «Чарм буюмларини моделлаштириш»дир. Ҳозирги давргача чарм буюмларини лойиҳалаш ва

технотогияси курсларини ўқишида бир қанча дарслик ва ўкув қўлланмалар рус тилида мавжуд бўлиб, Ўзбекистон давлат тилида бирор-бир адабиёй чоп этилмаган.

Ваҳоланки, «Ўз фикрини мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, раҳбарлик лавозимида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин», дейилади И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида.

Юқорида келтирилган саволларни ўрганиш учун ушбу ўкув қўлланмада пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотларини лойиҳалашнинг асосий йўналишлари, кўп муаллифларнинг илмий-текшириш ишларини натижалари мужассамланган бўлиб, чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси мутахассислиги бўйича таҳсил олувчи касб-хунар колледжлари талабалари ва корхона моделерлари, муҳандис-техник ходимлари учун мўлжалланган.

Мазкур ўкув қўлланма муаллифи Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида кўп йиллардан буён олиб бораётган тажрибаси асосида ёзилди. Ўкув қўлланмани ёзишда «Чарм буюмларни конструкциялаш» фанига ва бу фанларга оид бошқа тилларда нашр этилган кўп адабиётлардан фойдаланилди.

Ўкув қўлланма қўлёзмасини кўриб чиқиб муҳим фикр-мулоҳазалар таклиф этилгани учун профессор С.С. Махсадовга, профессор Х.Қ. Турсунов ва дотсент Қ.И. Абулниязовларга, «0ъзбекенгилсаноат» уюшмасининг назорат ва илмий техника таржималар бошқармаси бошлиғи А.З. Абдуллаевга ва «Андижон пойабзал» ишлаб чиқариш хиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси 0.

Мелиевларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ўкув қўлланма биринчи марта чоп этилаётганлиги сабабли камчиликлардан ҳоли деб бўлмайди, шунинг учун мутахассислар томонидан баён этилган танқидий мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қиласди.

Муаллиф.

¹ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи (29-август 1997-йил).

1-боб.

ЧАРМ БУЮМЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. ПОЙАБЗАЛ КОНСТРУКЦИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ


Инсоният пайдо бўлган вақтдан бери пойабзал бор. Пойабзал одамнинг оёқ панжаси ва шу билан бирга бутун инсон танасини ташки мухит таъсиридан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Одам пайдо бўлган биринчи даврларда, улар ҳайвон терисини ёки дарахт пўстлоғини оёқ панжаларига илдиз, ичак ёки тери тасмаси билан боғлаб юришган. Бу даврдаги пойабзаллар жуда оддий кўриниш (конструкция)да бўлган. Ҳар хил шароит ва географик кенглиқда яшаётган ҳалқ об-ҳаво шароитига қараб турли хил пойабзалларни кийган.

Иссиқ мамлакатларда ҳаво ҳарорати нол градусдан паст бўлмаган жойларда, асосан, оёқ панжасининг таг қисмини ҳимоя қиласидиган яъни тагликни бирорта тасма ёки илдиз билан боғлаб олинадиган пойабзалларни кийишган. Ҳозирги даврда ҳам шундай пойабзалларнинг такомиллашган тури тасмали сандаллар кўп тарқалган.

Ўрта иқлимдаги ҳудудларда иссиқ ёз ўнига совук қиши келадиган ерларда, оёқ панжасининг фақат тагини эмас, балки бутун оёқ панжасини ҳимоя қилиш керак бўлган. Бу ҳудудларда, ҳозирги даврда кийилаётган туфли, кўнжсиз ботинка ва ботинкаларга ўхшаш бўлган энг оддий тузилишдаги чориқларни, асосан Россия ва Европа мамлакатларида, бизнинг эрамиздан 4 минг йил илгари одамлар кийишган (1.1-расм).

Ёз жуда қисқа, қиши эса узоқ давом этадиган ерларда, кўр бутун мавсум давомида ерни қоплаб ётадиган жойларда, асосан, этикка ўхшатиб, оддий ҳайвон мўйнасини оёқка ўраб, бойлаб юришган. Бундай пойабзалларни Узоқ Шимол ҳалқлари кийишган.



1.1-rasm. Tosh davri odamlarining ishlatgan materiali (a) va tayyor poyabzali (b).

1.1.1. ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА ПОЙАБЗАЛ КОНСТРУКЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Пойабзалнинг конструкцияси, уларни ишлаб чиқариш усуслари ҳар доим ривожланиб боради. Пойабзалнинг конструкциясини ривожланиши ишлаб чиқариш куроллари ва пойабзалда қўлланиладиган материалларни ривожланишига ўта боғлик.

Ҳар бир янги конструкция маълум бир давр одамларининг талабини қондирса, маълум вақт ўтгандан кейин унга талаб йўқолиб, янги конструкциядаги пойабзал ишлаб чиқариш керак бўлиб қолган.

Пойабзал конструкциясининг ривожианиш тарихи археологик қазилмалар асосида даврлар бўйича қуидагича бўлган: тош даври; бронза ёки суяк даври; темир даврининг боши; темир даврининг ўрталари; Ўрта асрлар; XIX аср; XX аср каби даврлар.

Ибтидоий жамоа асрларида пойабзални, асосан, яхлит битта деталдан ясашган, пойабзалга оёқ панжасининг шаклини бериш учун яхлит текис тери парчасини қайириб, шу теридан қилинган қўпол тасмалар ёрдамида четлари бириклирилган. Шундай усулда бутун дунёда пойабзал қилинганилиги тўғрисида тўла маълумотлар бор (чорик, мокасин ва бошқалар).

Қозогистон ва Тоғли Олтойда кигиздан қилинган этиклардан кўп фойдаланилган. Бу этиклар ҳозирги этикларнинг энг оддий конструкцияси бўлиб, унинг орқасини очиқ пайпоққа ўхшатиб тайёрлашган. Бундай этиклар кийилгандан кейин оёқ шаклини олган, панжа ва болдири қисми эса тўғри бурчакли бўлган.

Қадим даврларда пойабзаллар қўпол ишланган, юнги олинган теридан қилинган. Бундай пойабзалларнинг устки қисми ғижимланиб қолган ва улар юрган ҳамда чопганда оёқ панжасига ботмаслиги учун оёқ панжасини ҳар хил ўтлар билан ўраб олинган. Кейинчалик бу ғижимларни қирқиб, ҳосил бўлган йиртиқларни тикадиган бўлишган. Бу Эса пойабзални қўнж ва бетлик деталларига ажралишига олиб келди.

Яхлит бўлак теридан ясалган пойабзал кийилганда ер билан ишқаланиб, сиртқи қисми эса кўп эгиладиган жойидан тешилиб қолган. Пойабзалнинг хизмат муддатини узайтириш учун тешилган жойларига ямоқ солишган. Шундай қилиб, академик Б.А. Рибаковнинг тахмини бўйича, таг ва устки деталларга ажратила бошлаган. Бундай ажралиш пойабзалнинг конструкциясида катта инқилобий сакраш бўлиб, таг ва устки деталларга ҳар хил материалларни ишлатиш имконини берди. Кейинчалик пойабзалнинг конструкциясини мукаммаллаштириш, асосан, пойабзал шаклини оёқ панжасининг шаклига яқинлаштириш, материалларни тежамли ишлатиш ва ташки қиёфасини яхшилаш йўналишида бўлди. Деталларни теридан қилинган тасмалар билан бириклирилганда қўпол чоклар ҳосил бўлган, чунки тасмани ўтказиш учун тешиклар тош парчалари ёрдамида тешилган. Куруқ ичаклар ва пайлар ишлатила бошлагандан кейин бигиз ҳамда игналар керак бўла бошлади, олдинига уларни суюклардан, кейинчалик бронза ва темирдан ясашган. Пай, куруқ ичакларни ишлатиш кейинчалик ипларни қўллаш, ҳар хил чоклар пайдо бўлишга олиб келди. Шундай қилиб, қўйма, ағдарма ва бириктирма чоклар пайдо бўлди, бу чоклар ҳозир ҳам қўлланилмоқда.

Тикилган пойабзалга шакл бериш мақсадида оёқ панжасининг шаклидаги бир бўлак ёғоч (шон) намланган пойабзалга кийгизилар эди.

Пойабзалларни кузатишлар шуни кўрсатадики, биринчи навбатда товон ва тумшук қисмida жойлашган деталлар, биктирувчи чоклар йиртилар экан, чунки юрганда энг кўп куч оёқ панжасининг шу қисмiga тушади. Чокни йиртилишдан ҳимоя қилиш мақсадида, улар пойабзалнинг юқори қисмiga тикиладиган бўлди. Буни амалга ошириш учун тагликнинг товон ва тумшук қисмини узунроқ қилинадиган бўлди. Пойабзалнинг устки қисмida қийтим қилиб,

унга пона шаклидаги тагликнинг зийи тикилар эди. Секин-аста тагликнинг ишлатиш вақтини узайтириш мақсадида тагликлар икки қават қилинадиган бўлди.

Шундай қилиб, XII асрдан ҳозиргача сақланиб қолган, устки деталларнинг конструкцияси пайдо бўлди. Булар, асосан, бошлиқ ва орқа детал (дастак)лар ёки қўйжалар. Россияда X-XII асрларгача катта қорамоллар бўлмагани сабабли тагликка ишлатиладиган чармлар ҳам бўлмаган. Улар ҳар хил майдада ҳайвонларнинг терисини чепрак (енг қалин, зичлиги катта) қисмини таглик учун, қолган қисмини устки деталлар учун ишлатишган.

Россияда катта қорамоллар ва қалин таг чармлар пайдо бўлгандан кейин, тагликлар шу материаллардан, енгил (ечки, қўй, бузок) терилардан эса устки деталлар тайёрлана бошлаган. Улар фақат қора рангдагина эмас, балки Осиё ва Шарқ мамлакатларидан келтирилган рангли (қизил, яшил, жигар ранг) чармларни ишлатиш йўлга қўйилди. Бундай чармлар, айrim ҳолларда деталларга ҳар хил рангдаги иплар ёрдамида безатилар ҳам эди.

Устки деталларнинг товон қисми тезда едирилар ва шаклини йўқотар эди. Пойабзалнинг товон қисми ўз шаклини йўқотмаслиги учун XII асрдан бошлаб, қалин чармдан бикир дастак қўйиладиган бўлди, бу эса ўз навбатида пойабзалнинг товон қисмida қўйма чок пайдо бўлишга олиб келди.

XII асрдан бошлаб тагликнинг товон қисми тез едирилмаслиги учун тагликнинг товон қисмiga бир парча чарм бириктирилиб икки қават қилинадиган бўлди. Шундай қилиб, XII асрда янги детал —пошна пайдо бўлди. Бир нечта чарм қаватдан ташкил топган детални Россияда қўп вақтгача товон ости деб юритилди, кейинчатик пошна деб номланди. Патакнинг йўқлиги (XII—XVII аср) пошнани михлар билан бириктиришни қийинлаштириди, шунинг учун пошна ип ёрдамида ташқи чок билан тикилар эди. Пошна тез едирилмаслиги учун пошнага катта қалпоқли михлар қоқилар эди. Кейинчалик XVI—XVII асрлаида пошна остига тақа қоқиладиган бўлди. Шу даврга келиб соф рус пойабзалининг конструкциясини ривожианиш даври тугади.

Эски Полша, Венгрия, Болгария ва Болқон давлатларининг пойабзалини конструкцияси қадимиy Россия пойабзалига ўхшаш бўлган. Кейинчалик, ўрта асрлар даврида Гарбий Европа мамлакатларининг пойабзал конструкцияси бу давлатга кириб келган.

Маълумки, XVI — XVII асрларда рус маданиятида, Пётр I реформасига асосан, катта ўзгаришлар бўлди, яъни чет эл урф-одатлари, кийим ва пойабзаллари Россияга кириб келди. Пётр I нинг фармонига биноан (қамчи билан савалаш ёки сургунга юбориш жазоси бифан) рус пойабзалларини кийиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ман этилди. Ҳамма чет эл пойабзалларини кийиши шарт эди, фақат руҳонийлар ва Сибир халқлари бундан мустасно эдилар. Чет эл (Гарбий Европа) пойабзали ўзгача конструкцияга эга (патакли, бикир дастакли, айrim ҳолларда устки материаллардан қопланган ёғоч пошнали) бўлган. Устки деталлари мураккаб шаклда бўлиб, деталларга бўлиниши эскича эди. Пойабзални оёқ панжасига маҳкамлаш учун тутмалар, пистонлар, тасмалар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик пойабзалнинг устки деталини олд қисми тумшук ва бетликка бўлинди.

Секин-аста пойабзал ишлаб чиқариш ўзгара бошлади: шонлар ўрнига

қолиплар ишлатила бошлади; пойабзалнинг устки деталлари қолипга тортилиб, қолипнинг шакли берилди; устки деталларни тортиш баҳяси ипли чок ёрдамида патакка биритириладиган бўлди. Шу пайтга келиб, тагликни устки деталлар билан биритиришни мих ва мих-чўп усули, иш қуролларидан этикдўзнинг болғаси ҳамда тортиш учун омбур пайдо бўлди. Улар ҳозирги пайтгача ишлатиб келинмоқда.


Йиғма пошналарни патакка ва тагликка мих-чўп ёрдамида биритира бошланди. Ёғоч пошналар устини қоплама билан қоплаб тикиб, патакка йўғон мих билан (ўртасидан) биритирилар эди. Ёғоч пошнанинг остига чармдан пошна ости қоқилар эди.

XVIII асрга келиб, баланд пошнали пойабзалларнинг мода бўлиши натижасида, пойабзалнинг ахми қисмини мустаҳкамлаш кераклиги маълум бўлди, Чунки оёқ панжасининг ташқи гумбази таг деталларини эгиб, юрганда пошна олд ва орқа томонига ҳаракат қилиб, оёқни шикастлантирар ҳамда ўз қиёфасини йўқотар эди. Пойабзалнинг ахми қисмининг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида, пошналарнинг олд контури (фронтал томони) узунроқ (1.2 а-расм) тайёрлана бошланди, кейинчалик ташқи темир қўйгич пайдо бўлди, у пошна ости билан тагликнинг ахми қисмини туташтириб турди (1.2 б-расм).

Шуни таъкидлаш керакки, Россияга баланд пошна Осиёдан кириб келди. Ўзбек ва Қирғиз отлиқлари этикларнинг баланд пошнасини қирраси билан отларни бошқарап эдилар. Бундай этикларнинг металл пластинкаси, пойабзал ичидан патак орқали ўтиб, тагликнинг товон қисмини ўртасидан, чарм пошна орқали ташқарига чиқиб туар эди (1.2 д-расм).


Баланд пошнали пойабзалларнинг ахми қисмини мустаҳкамлаш учун чармдан ярим патаклар кўллана бошланди. Олдинги асрларда уни лубдан, кейинчалик фанер ва шакллантирилган пўлат тасма билан алмаштирилди (1.2-е расм). Пойабзалнинг конструкцияси бошқа мамлакатларда ҳам худди шундай ривожланди.

Нил дарё водийси, Тигр ва эвфрат дарёларининг орасида жойлашган қадимги шаҳарларда ўтказилган археологик изланишлар натижасида, эрамиздан олдинги V ва IV асрларда яратилган пойабзаллар топилган. Бу пойабзалларни, яъни қўпол қирқилган тери парчасини (таглик) тасма ёки ўсимлик илдизларидан тўқилган арқон ёрдамида оёқ панжасига боғлаб юришганлиги



1.2-расм. Пойабзанинг ахми қисмини ўзгариш шакли.

маълум бўлди. Улар тери-тасмани ёки арқонни тагликнинг олд қисмини тешиб ўтказиб олган



ёки бўлмаса товон қисмини қирқиб тешиклар(қулоқча)га тасмани бойлаб юрганлар (1.3-а,б расм).

1.3-расм, Ўрта Ер дengiz атрофида яшовчи аҳолининг сандаллари.

Бундай пойабзаллар йиртилганда олдин ямоқ солиниб, кейинчалик икки қават, яъни таглик ва патак пайдо бўлган.

Фарбий Европада Шарқий Европага нисбатан олдинроқ танавор қолипга тортилар ва патакка бириктирилар, сўнгра таглик ҳамда пошнани бириктиришар эди. Устки деталининг патакка бириктирадиган қисмини кейинчалик *танаворнинг тортши баҳяси* деб аталадиган бўлди.

Шундай қилиб, патак ва тортиш баҳясини пайдо бўлиши натижасида, ҳозирги пайтгача сақланиб қолган, ўзига хос тикиш технологияси вужудга келди.

Ўрта асрлар даврида Европада тумшуқ қисми узайтирилган пойабзаллар кўп тарқалган. Бу пойабзалларнинг тагига қўшимча ёғочдан таглик қўйилган бўлиб, улар лой ва бошқа ифлосликлардан сақлар эди. Бундай узун тумшуқли пойабзалларнинг, асосан, бой зодагонлар кияр ва улар қанча бой бўлишса, шунча тумшуқ қисми узун тайёрланган (1.4-расм).

XVIII асрга келиб ҳамма Европа мамлакатларида пойабзал конструкциясининг ривожлантирилиши бир йўлда борди.


XIX аср ўрталарига келиб пойабзал ишлаб чиқариши механизациялаштириш бошланди. Биринчи бўлиб таглик ва патакни қирқиш учун содда винт (бурама)ли пресслар пайдо бўлди.

XVII асрнинг охирида тикув машинасининг ихтиро қилиниши пойабзал ишлаб чиқариш технологиясини мукаммалаштириди ва ривожлантириди.

Сунъий материалларни пайдо бўлиши эса пойабзал конструкциясини ривожлантиришга катта таъсир қилди.

Резина ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш натижасида янги қўйма яхлит таглик пайдо бўлди, яъни таглик, пошна, қўйгич ва тўлдиргичлар битта қилиб маҳсус қолипларда қуйиладиган бўлди.

1932—1934-йилларга келиб «Скороход» пойабзал фабрикасида (Петербург) тагликни бириктиришда янги иссиқ вулканизатсия усули ихтиро қилинди. Бу усулда бир вақтнинг ўзида таглик ва пошна резина қоришмасидан вулканизатсия



1.4-расм. Узайтирилган тумшуқли пойабзаллар.

қилиниб, танаворга бириктирилади. Пойабзал саноатида бу усул инқилобий аҳамиятга эга бўлди. Иккинчи жаҳон


урушидан кейин шу усулга асосланган ҳолда бутун дунёда турли хил таг делалларини қудиган машиналар пайдо бўлди.

Охирги йилларда сунъий ва синтетик материаллардан тайёрланган устки деталларни, юқори частотали ток (ю.ч.т) майдони ёрдамида бириктириш усули ихтиро қилинди. Танавор худди ип билан алоҳида деталлардан тикилгандай кўринарди. Пойабзал инсон либосининг бир 1.5-расм. **Фиръавн пойабзали.**

қисми бўлиб, у фақат оёқ панжаси ва бутун танани ташқи муҳитдан ҳимоя қилиб қолмай, балки эстетик талабларга ҳам жавоб бериши керак.

Бизнинг давримизга етиб келган энг қадимиј жуда гўзал тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган пойабзаллардан бири (1.5-расм),

Фиръавн Тутанхомоннинг оёқ кийимиdir (ерамиздан олдинги XII аср). Олтой халқи бошлиқларининг қабрини археологик ўрганиш натижасида аёллар этигининг қўнжи ўта гўзал миллий нақшлар билан безатилганлиги аниқланган.



1.6-расм. Пойабзалнинг ташқи қўринишини безаш турлари.

Хозир улар эрмитаж кўргазмаси сифатида сақланмоқда. Қўнжи куритилган ичак ёрдамида тилла суви ва қалай юритилиб тикилган (1.6 арасм).

Қадимги Гретсияда бой зодагонлар ва ҳарбий бошлиқлар учун (1.6 б-

расм) алоҳида пойабзаллар тикилган. Уларнинг пойабзали омма (халқ) пойабзалидан ажралиб туриши учун устки деталларини турли (оқ, қизил, яшил ва бошқа) рангдаги чармлардан тайёрлашган.

Ненетслар ҳозир ҳам пиймаларни ҳар хил рангдаги табиий мўйнадан тайёрлашади. Эвенклар эса этикларни турли рангдаги нақшлар ва безак тошлари билан безашади (1.6 д, э-расм). Улар мўйна ва матодан қилинган бар хил апликатсиялар, турли безаклар ёрдамида ўта гўзал устки кийимга мос келадиган этиклар яратишади. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бундай пойабзалларни асосан тантанали кечаларда, байрам кунлари бой-бадавлат одамлар кийишган (1.6 ф, г-расм). Кундалик учун эса содда, миллий анъаналар асосида тикилган пойабзаллар кийишган.

Инқилобдан олдин қишлоқда одамлар кундалик учун чориқ ёки чармдан тикилган қўпол пойабзал, ишчилар эса қора рангдаги этик ва ботинкалар кийишган. Археологик изланишлар шуни кўрсатадики, Россияда ўта гўзал, ўзига хос нақшли расмлар тикилган пойабзал жуда кам бўлган.

1.1.2. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ПОЙАБЗАЛЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўрта Осиё халқлари пойабзалларининг тузилиши (конструкцияси) бир хил, қадим замонлардан бери сақлаб қолган маҳси, ковуш, этиклар (1.7-расм) бўлиб, улар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Енг қадимий ва содда қиёфадаги пойабзал чориқ — чўпонлар ҳамда камбағал халқнинг оёқ кийими бўлиб, бир парча хом терини бир томо-



1.7-расм. Марказий Осиё халқининг пойабзаллари.

нидан тикиб, тешикчалар қилиб ундан тасма ўтказиб ёки жун арқон ёрдамида боғлаб юришган. Бойлар эса ўзларига алоҳида, яхши ошланган

теридан, тўқ қизил ва бошқа рангларда, безак чокларга бой, нақшли чориқларни энг малакали этикдўзларга тикириб кийишар эди. Кейинчалик пайдо бўлган кавушларни эркаклар ҳам, аёллар ҳам ёзда ялангоёққа, қишида эса пайпоқ билан кийишар эди. Кавушларни кавушчилар тўқ жигарранг қалин чармдан тикишган. Кавушнинг бетлиги оёқ панжасининг кафт ва бармоқ қисмини тўла беркитиб калла дастакли ёки дастаксиз бўлиб, оёқ панжасининг товон қисмини беркитмас эди. Кавушнинг пошнаси таглиги билан битта бўлиб, пошна қисмига бир нечта чарм бўлак-ларини қўйиб, мих-чўп ёки мих ёрдамида бириктириб қўйилар эди.

Қишида, бой-бадавлат одамлар Хива булғори чармидан қилинган узун этикларни кийишар эди. Бу этикларни Хива этикдўзлари тикишиб, булар Хива этиги деб аталарди. Бу этикларнинг қўнжики икки бўлақдан иборат бўлиб, олд томони тиззадан юқорида, орқа томони калтароқ бўлган (1.7-расрнга қаранг). Бошлиғи эса яхлит, таг чарми ясси, паст йиғма пошнали, тумшуқ қисми юқорига кўтарилиган бўлган. Бундай этикларни ўзбеклар ва қорақалпоқлар кийишган.

Барча Марказий Осиё халқлари, туркманлар, ўзбеклар, тоҷиклар, қорақалпоқлар ва тоғлик халқлар маҳси кийишган. Маҳси ағдарма этикларнинг бир тури бўлиб, таглиги юмшоқ чармдан қилинган. Маҳсиларнинг ўша даврдаги конструкцияси ҳозир ҳам сақланиб қолган. Маҳсини қадим-қадимдан қишида калиш билан, ёзда кавуш билан кийишган.

Аёлларнинг маҳсилари кундалик (бачкан) ва кўчалик маҳсиларга бўлинниб, келинлар киядиган маҳси қизил, гул солинган бўлган. Оддий кундалик маҳсилар сариқ рангда, текис қўй терисидан, айрим ҳолларда жигар рангда ишлаб чиқарилган.

Қўнжининг орқа томонидан, айрим ҳолларда, олдидан ҳам тикишган. Қўнжни кўпинча гулчин билан бирга бир бўлак чармдан бичишиган. Таг чармини ҳам худди шу юмшоқ қизил ёки жигарранг чармдан чок ёрдамида тикишган.

Қўнж билан бетликни тикаётганда бир парча яшил рангдаги чарм, сағри қўйишар эди. Сағри бу от терисининг сағри қисмидан, ошланган яшил рангдаги чарм бўлиб, маҳсининг кўп едириладиган товон қисмига рангли иплар ёрдамида тикилар, бунинг натижасида ўша ер мустаҳкамлиги ортар эди.

XX асрнинг бошларидаёқ бой-бадавлат шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси келинлар учун маҳсус гулли маҳсилар тикишар ва бу маҳсиларга турли рангдаги чармларни тилла суви юритилган иплар билан тикиб, безашар ва маҳсус кавушлар билан кийишга мўлжаллашар эди.

Камбағал аёлларнинг кавуши эркакларнинг кавушига ўхшаш бўларди. Қўпинча қўпол қўй терисидан, қора рангда тайёрланар эди. Таглиги қалин чармдан бўлиб, кавушнинг тумшуқ қисми учли, дастаги паст, пошнаси тўғри ёғочдан ёки бир неча чарм бўлакларидан иборат бўлган.

1.2. ЧАРМ-АТТОРЛИК БУЮМЛАР КОНСТРУКЦИЯСИННИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Чарм-атторлик буюмларига кирадиган хуржун жуда қадим замонларда

пайдо бўлган, бунга афсоналар, археологик қазилмалар гувоҳлик беради.

Енг содда халта вазифасини бир парча теридан, мўйнадан ёки матодан қилинган тугун бажарган. Халта, хуржунларнинг асосий вазифаси рўзғор буюмларини, озиқ-овқатларни сақлаш ва кўтариб от-уловга ортиб юриш бўлган. Уларнинг тузилиши техника ривожланишига боғлиқ.


Техника ривожланган сари, чарм-атторлик буюмларини ишлаб чиқариш мукаммаллашиб, турли хил конструкциядаги буюмлар ҳосил бўла бошлаган.

Тоғли Олтойда ўтказилган қазилмаларда эрамиздан олдинги V асрда ишланган икки бўлак сувсар мўйнасидан тикилган қоп ва жуда мураккаб конструкциядаги халталар топилган. Масалан, биттаси яхлит тери бўлагидан ташкил топган бўлиб, четлари қайириб, зийи бўйича тикилади ва иккита чўнтак ҳосил қиласи. Чўнтакларнинг ҳажми пона шаклидаги қистирма пайлар ёрдамида тикилиб кенгайтирилган. Халтанинг ўртаси ингичка тасмалар билан ёғоч калтакка бириктирилган. Халтанинг ушлагичи чарм тасмадан қилинган бўлиб, бир томонининг чети уч бўлакка бўлинган, иккинчи бўлаги ёғоч калтакнинг икки четига, ўрта бўлаги ёғоч калтакнинг ўртасидаги қулоқчага бириктирилган. Халтада кумуш кўзгу, кичик кўзача, ясси тўртбурчакли халтача ва бошқа нарсалар бўлган. Тўртбурчакли халтача замша бўлагидан тайёрланган бўлиб, зийларига жуда гўзал шаклда чармдан ясалган мағиз, ўртасида эса ўта мураккаб конструкцияда безалган чўнтак тикилган эди.

Ўша қазилмада қалин чармдан ясалган, эътиборга лойиқ конструкциядаги, ички чўнтак ва чўнтакни ёпувчи ташқи ёпқич (клапин) ли юмшоқ юпқа чарм халта топилган. Чўнтак халтага нисбатан катта бўлиб, унинг юқори озод қисми тахланиб, халтага солиб қўйилган. Чўнтақдан фойдаланиш учун ёпқични кўтариб туриб тахланган чўнтақни чиқариб олиш керак. Халта қоплоннинг мўйнаси ва ҳар хил кўринишдаги ўрдак ҳамда фозларнинг расми (шакли) туширилган, олтин суви юритилган мис бўлаклари билан пардозланган эди. Булардан ташқари ҳар хил шаклдаги ҳамёнлар ҳам топилган.

Қадимий Новгород шаҳри қазилмаларида (ХI—XV асрлар) ҳам турли чарм буюмлар топилган. Кўпроқ турли қўринишдаги ҳамёнлар бўлиб, уларнинг конструкцияси содда, яъни икки бўлак чармдан, паст қисми ярим доира шаклида, юқори қисмида тешикчалар бўлиб, унда чарм тасма ўтказиб тортганда ёпиладиган қилиб ишланган.

Ҳамёнлар, асосан, бириктирма ва ағдарма чоклар ёрдамида тикилган. Ҳамёнларнинг ички деталлари тўқима материаллардан бўлган. Шунингдек, Новгород шаҳри қазилмаларида турли шаклдаги катта ўлчамдаги халталар ва яхлит бир бўлак ёки икки бўлак чармдан бириктирма ҳамда ағдарма чок билан тикилган қўлқоплар топилган.



Узоқ Шимол ва Узоқ Шарқ халқлари чарм-атторлик буюмларини, асосан, буғу, ит ва нерпа териларидан қилишган, Айрим ҳолларда балиқ терисини бутун ҳолда, тайёр буюм сифатида шилиб олишган.

Чарм, гилам ва тўқима материаллар билан донг

таратган Ўрта Осиё мамлакатларида халталарни гилам ва бошқа матолардан, ҳамёнларни чармдан тайёрлашган. Ҳамма Ўрта Осиё халқлари бир хил конструкциядаги хуржунлардан фойдаланишган. Бу хуржунлар очиқ, айрим ҳолларда арқон ёки тасма билан беркитиладиган бўлган. (1.8-расм).

1.8-расм. Марказий Осиё халқларининг чарм-атторлик буюмфари.

Майда тангалар учун маҳсус кўзача шаклидаги ҳамёнларни ишлатишган. Бу ҳамёнларнинг бўғизи тор бўлиб, тангаларни қўл билан олиб бўлмасди, уларни фақат силкитиб қўл кафтига тушириб олиш мумкин эди.

Тожикистонда ҳамма буюмлар, ҳаттохи хуржунлар ҳам чармдан бўлган. Нарсаларни кўтариб юриш ва сақлаб туриш учун қўзичоқларнинг терисини бутун ҳолда шилиб олиб, тагини тикиб қоп ва халталар тайёрлашган.

Кавказ ва Кавказ орти халқларидан ҳам теридан тайёрланган, усти очиқ ёки ёпиқ хуржунлар ва мусаллас, ёғ, пишлоқ солишга мўлжалжанган мешлар кўп тарқалган эди.

Қадимий даврлардан бери жуда кўп халқларда камарга боғланган ҳамёнлар ишлатилиб келинган. Ҳозирги даврда унинг турли хил такомиллашган конструкциялари қўлланилмоқда,

Халталар олдинига яхлит бир бўлак материалдан бўлиб, оғзини ип ёки тасма билан тортиб, ёпиб қўйилган. Кейинчалик қор, сув, чанг кирмаслиги учун халталарнинг юқори қисмига ёпқич(клапан) тикиладиган бўлган. Халталарнинг ҳажмини катталаштириш мақсадида ён томонига пона (паст томони кенг) шаклидаги қистирма тикиб қўйилган.

Юмшоқ материаллардан тайёрланган халталарнинг мустаҳкамлигини ошириш учун матодан қилинган астар тикилар эди, кейинчалик бар хил нарсаларни сақлаш ҳамда фойдаланиш осон бўлиши учун халтанинг ичини девор билан бўлиб, ичига чўнтак қўйиладиган бўлди.

XIII асрга келиб осиб юриладиган ва қўлда кўтариб юрадиган халталар пайдо бўлди. Уларнинг шакли квадрат ва тўғри тўртбурчакли бўлиб, ушлагичлари (тутқичлари) тикилган тасмалардан иборат бўлган. Қимматбаҳо халталарни шойи, олтин ва кумуш иплар билан тикиб, таг қисмини ҳар хил қўнғироқчалар билан безашган.

XV асргача халталарни, асосан, савдогарлар ва маҳсулот алмашувчилар ишлатишган. Камар, ҳамён уларнинг либосини ажралмас қисми бўлган. Худди шундай халталарни ва ҳамёнларни ўрта аср даврида рус савдогарлари ҳам тутишган. XV асрга келиб халталарнинг либосдаги ўрни ўзгарди. Бу даврга келиб халта жамиятнинг барча табакалари ишлатадиган буюмга айланди.

Эркак ва аёллар учун алоҳида халталар ишлаб чиқарила бошланди. Аёллар юпқа чарм ёки матодан, шойи ва металл иплар билан тикилган, узун тасма ёки занжир билан камарга осилган, эркаклар эса қўпол чармдан, текис

деворли, четлари қирқилган калта чарм илмоқ билан камарга бириктирилган халталарни тутганлар.

XVII асрға келиб әркаклар ва аёлларнинг кийимларида чўнтаклар пайдо бўлди ҳамда шунинг натижасида әркаклар камарга боғлаб юрадиган халта ва ҳамёнларни ишлатмайдиган бўлишди.

Бу билан халталар бутунлай йўқолиб кетгани йўқ. Аёлларнинг халталари XVIII асрға келиб ҳақиқий санъат асарига айланди.

Халталарнинг конструкцияси ҳозирги қиёфада XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида пайдо бўлган.

Кимё фани, техникини ривожланиши ва кенг ассортиментдаги табиий, сунъий ва синтетик материаллар чарм-атторлик буюмларининг конструкциясига катта таъсир қилди.

Назорат саволлари

1. Яшаш шароити ва иқлимига қараб қандай пойабзаллар ишлатилган?
2. Турли мамлакатларда пойабзал конструкциясини ривожланиш тарихини изоҳланг.
3. Пойабзал деталларини пайдо бўлиш тарихи ҳақида гапириб беринг.
4. Безаш турлари ҳақида гапириб беринг.
5. Марказий Осиё пойабзалларнинг ривожланиш тарихини изоҳлаб беринг.
6. Чарм-атторлик буюмлари конструкциясининг ривожланиш тарихини изоҳлаб беринг.

2-боб.

ЗАМОНАВИЙ ЧАРМ БУЮМЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ ТАВСИФИ

2.1. ПОЙАБЗАЛЛАРНИНГ КОНСТРУКТИВ ТАВСИФИ

Замонавий пойабзаллар конструкция жиҳатидан қиёфаси (кўриниши), ишлатиладиган материаллар, деталларнинг тузилиши, сони, шакли ва ўлчамлари ва шунингдек, деталларнинг ўзаро тикилиши каби белгилар билан таърифланади.

Бу белгилардан ташқари пойабзал ўзининг ички шакли, тузилиши, кимлар

учун мўлжаллангани ва ёш-жинсий гуруҳларга қараб бўлинади. Ҳар бир ёш-жинсий гуруҳ ўз навбатида ҳар хил ўлчам ва тўлаликларга ажратилади.

Пойабзал қачон ва қаерда ишлатилишига қараб, майший ҳамда маҳсус гуруҳларга бўлинади.

Майший гуруҳ ўз навбатида — кундалик, моделли (башанг) ва уй (хона)да кийиладиган турлардан ташкил топган.

Маҳсус гуруҳ пойабзални тайёрлашда оёқни ҳар хил хавф таъсиридан сақлаш мақсадида ҳимояловчи материаллар қўлланган пойабзал бўлиб, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналарида, спорт турлари бўйича ва тиббий мақсадларда ишлатиладиган пойабзаллар ҳисобланади.

2.1.1. ПОЙАБЗАЛНИНГ ҚИЁФАСИ

Пойабзал қиёфаси жиҳатидан қўйидаги 5 тури мавжуд: тасмали сандаллар, туфлилар, қўнжсиз ботинкалар, ботинкалар ва этиклар (2.1-расм)

Тасмали сандаллар — устки деталлари тасмалардан иборат ёки олд ва орқа томонлари жуда очик бўлган пойабзаллар.

Туфли — дастаги тўпиқдан паст бўлган, усти эса панжанинг сиртини тўла қопламайдиган пойабзал.

Кўнжсиз ботинка — дастаги тўпиқдан паст бўлган, устки деталлари оёқ панжасининг сиртини тўла қоплайдиган ва оёқ панжасига бирорта ёрдамчи мослама (боғич, резинка) билан маҳкамланадиган пойабзал.

Ботинка — дастаги тўпиқни беркитувчи ва оёққа бирорта ёрдамчи мослама билан маҳкамланадиган пойабзал.

Етиқ — узун қўнжли, оёқ панжасини, болдирини, айрим маҳсус ҳолларда ҳаттоқи сонни қоплайдиган пойабзал.

2.1.2. ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИШЛАТИЛАДГАН МАТЕРИАЛЛАР

Пойабзалларнинг деталлари қаерда, қайси мақсадларда ва бажарадиган ишига қараб уларда ишлатиладиган материаллар ҳам турличадир. Асосан, чарм, тўқима материал (газмол)лари, сунъий ва синтетик чармлар. ёғочлар ҳамда металлар ишлатилади.

Tasmalı sandallar					
Tusflilar					
Qo'njsiz botinkalar					
Botinkalar					
Etiklar					

2.1-расм. Пойабзалларнинг қиёфаси бўйича турлари.

Ҳамма ишлатиладиган материаллар ўз физик-механик хусусиятларига қараб танавор, яъни устки деталлар пойабзалнинг бикирлигини оширишда ишлатиладиган каркас материаллар ва таг деталлар учун ишлатиладиган материаллар каби уч гурухга бўлинади.

1. Устки деталларида ишлатиладиган, қалинлиги 1—2,5 мм, бикирлиги кам, кўп мартали эгилиш, букилиш деформатсияларига яхши ишлайдиган, эгилиш радиуси эса 0,5—1 мм бўлган материаллар.

2. Оралиқ деталларида ишлатиладиган каркас материаллар кам эгиладиган, биринчи гурухга нисбатан бикирлиги катта, асосан, чарм буюмларининг шаклини ушлаб турадиган материаллар.

3. Таг деталларида ишлатиладиган: ишқаланиш, кўп маротабали эгилиш, букилиш (эгилиш радиуси 50 мм), сиқилиш ва чўзилиш деформатсияларига яхши ишлайдиган қалин материаллар.

Пойабзал, асосан, танаворнинг сиртқи ва тагликнинг материалларига қараб турларга бўлинади.

2.1.3. ПОЙАБЗАЛНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ

Пойабзал, асосан, маълум кетма-кетликда биритирилган устки ва таг деталларидан ташкил топган.

Устки деталлар, асосан, оёқ панжасининг устки ва ён қисмини, болдирини ва айrim ҳолларда сонини беркитади. Таг деталлари эса оёқ панжасининг тагида ётади.

Ҳамма деталлар жойлашишига қараб сиртқи, ички ва оралиқ деталларга бўлинади.

Сиртқи деталлар қуидагилар: дастак, қүнж, гулчин, орқа ташқи тасма, тумшук, бошлиқ, ҳошия, мағиз, тилча, овал қистирмали, узун қанотли яхлит, ийғма ёки тилчали бетлик ва бошқалар.

Ички деталлар орқа тасма, чарм астар, тўқима астар (газрол) қўнжининг астари, жияқ, қўнжининг калта астари, бошлиқ астари, блочка ости илмоқ ости, ёстиқча, қулоқча ва бошқалар.


Оралиқ деталлар оралиқ астар (дастакники, бетликники), ёндор, бикир дастак, тумшук ости, блочка ости оралиқ астари ва бошқалар.

Танаворнинг сиртқи деталларининг сони, ўлчамлари, шакли, конструкцияси, пойабзалнинг қиёфасига, қайси мақсадда ва қачон кийилишига ҳамда замонавий моданинг йўналишига боғлиқ. Шундай бўлганда ҳам, деталларнинг ичида энг кўп учрайдиган ва пойабзалнинг қиёфасини белгилайдиган деталлар бор.


Етиклардаги шундай деталлардан қўнж 1 (2.2 а-расм), асосан, оёқнинг болдири қисмини, айрим ҳолларда сонини беркитади, гулчин 2 оёқ панжасининг товоң қисмини ва бошлиқ 3 оёқ панжасининг кафт сиртини, бармоқларини беркитади. Гулчин бошқа қиёфадаги пойабзалларда ҳам учрайди.

Юқорида келтирилган деталлардан ташқари яна, орқа ташқи тасма ва мағиз учрайди. Улар бириктирма чокларнинг мустаҳкамлигини ошириб, чок орқали нам ва сув ўтишга тўсқинлик қиласиди. Этикнинг қулоқчалари эса қўнж ичига тикилиб, этикни кийишни осонлаштиради.

Ботинкалар, қўнжсиз ботинкалар, туфлилар ва уларнинг турларида энг кўп учрайдиган деталлар: бетлик, дастак, тумшук, ташқи орқа тасма, тилча ва овал қистирмадир.



2.2-расм. Этик танаворининг конструкцияси ва деталлари.



2.3-расм. Ботинка танаворининг ва деталлари конструкцияси.

Бетликлар тузилиши, шакли, олчамларига кўра қўйидагича бўлади: қирқилган 7 (2.3-а расм) оёқ панжасининг кафт қисмини беркитиб туради; айланма 5 (2.5-а расм), оёқ панжасини беркитиб, конструктив элементларга бўлинмайди; яхлит 6(2.3-б расм), оёқ панжасининг кафт ва бармоқ қисмини беркитиб, конструктив элементларга бўлинмайди; қанотлари узайтирилган 9 (2.3-д расм), пошнанинг олд контуригача етади; тилчали 2 конструкция тилча билан яхлит бўлган (2.4-расм) бетлик; дастак 4 (2.3, 2.4-расм), оёқ панжасининг товон қисмини тўпиққача ёки тўпик тепасигача беркитиб туради. Дас-такнинг юқори олд контури тагида тилча жойлашган бўлади. У оёқ панжасини блочка ва боғич ипнинг таъсиридан сақлайди. Тумшук 8 (2.3-а расм), оёқ панжасининг бармоқ қисмини беркитиб туради. Орқа ташқи тасма, орқа чокни мустаҳкамлигини оширишда ишлатилади.

Юқорида келтирилган деталлар кўп учрайдиган деталлар бўлиб, улардан ташқари кам учрайдиган деталлар ҳошия, маҳкамлагич, кучайтиргич, тасмалар, айрим безак деталлари ва бошқалар. Бу деталлар, асосан, пойабзални безаща, бирор қисмини мустаҳкамлашда ёки кўринадиган жойига ишлов беришда ишлатилади.


Ички деталлар комплекти, пойабзалнинг гигиеник ва иссиқлиқдан ҳимоя қилиш хусусиятларини, пойабзалнинг шаклини ҳамда оёқка, сиртқи деталлар чокини таъсиридан ҳимоя қилишда ишлатиладиган деталларга *астарлар* дейилади.

Этикламинг ички деталларига қўнж астари ёки калта астари, бетлик (бошлиқ) нинг астари киради. Этикламинг ички деталларини шакли ҳамда ўлчамлари худди сиртқи деталларнинг шакли ва ўлчамларига ўхшаш ва тенг бўлади. Кўнжсиз ботинка ва туфлиларнинг асосий ички деталларига дастакнинг чарм астари (дастак остида) ва бетликнинг тўқима астари (бетлик астари) киради.

Айрим ҳолларда дастак ва бетлик остига яхлит чарм астар ҳам ишлатилиши мумкин. Бир қатор ички деталлар борки, улар чокларнинг мустаҳкамлигини ва тўқима астарларининг ҳар хил деформатсиялардан ҳимоя қилиш учун тумшук ости, бикир дастак қўйилади. Тумшук ости ва бикир дастаклар шундай материаллардан тайёрланган бўлиши керакки, у пойабзални қолипдан чиқаргандан кейин ва кийиш давомида ўз шаклини йўқотмаслиги керак.

Шунинг учун улар табиий чармдан, маҳсус картондан, юқори молекулали қоплама билан қопланган матодан тайёрланади.


Юқорида келтирилган деталларнинг бир-бирларини ўзаро тикиш усули, танаворнинг конструкциясини белгилайди. Этиклар қўйидаги конструкцияда бўлади: қўйма бошлиқли (бетликли), яъни бошлиқ қўнжга қўйиб тикилади (2.2-а расмга қаранг), тескари бўлса қўйма қўнжли деб аталади.



2.4-rasm. Qo‘njsiz botinka tanavorining konstruksiyasi va detallari.



2.5-расм. Туфли танаворининг конструкцияси ва деталлари.



2.6-расм. Тасмали сандаллар танаворининг конструкцияси ва детайлари.

Агар бошлиқ (бетлик) қўнж билан бириктирма чок ёрдамида тикилса, бириктирма бошлиқли этиклар деб аталади (2.2-д расм).

Туфлилар конструкцияси жиҳатидан жуда хилма-хил, энг қўй учрайдиган «қайиқсимон» туфлилар (2.5-а расм), тасмали туфлилар (2.5-е расм) битта ёки иккита тасмали, очиқ ахмили ёзги туфлилар, очиқ товонли, очиқ тумшуқли, очиқ товон ва тумшуқли бўлиши мумкин.


Тасмали сандаллар, асосан, ҳар хил шакл ва ўлчамдаги тасмалардан иборат бўлади. Айрим ҳолларда товон қисми яхлит дастакдан иборат бўлиши мумкин.

2.1.4. ПОЙАБЗАЛНИНГ ТАГ ДЕТАЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА КОНСТРУКЦИЯСИ

Таг деталлари ҳам худди устки деталларга ўхшаб, жойлашишига қараб сиртқи, ички ва оралиқ деталларга бўлинади.

Сиртқи деталларга қуйидагилар киради: таглик (2.7-расм), оёқ панжасининг остида ётади; ташқи капак, шакли ва ўлчамлари билан тагликни тутам ҳамда тутам қисмига ўхшаш, тагликнинг ишлаш муддатини узайтирувчи детал; пошна (2.8-расм), пойабзалнинг товон қисмини маълум баландликка кўтариб туради; пошна ости, пошна ёки тагликка бириктирилади; рант, эни 12—14 мм ли табиий ёки сунъий чармдан тайёрланади.

Тагликлар табиий чармдан, сунъий ва синтетик материаллардан тайёрланishi мумкин. Чармдан тайёрланган тагликлар ясси, яхлит ва йифма, яъни товон қисми (пошна ост) сунъий материаллардан бўлиши мумкин.




2.7-расм. Пойабзал тагликларининг конструкцияси.

Конструкцияси жиҳатидан чармдан ва сунъий материаллардан тайёрланган тилчали таглик 1 (2.7-а расм) тагликнинг товон қисми қисқартирилган бўлиб, пошна остига киради; крокули таглик 2 (2.7-б расм) тагликни крокул қисми, пошнанинг фронтал текислиги шаклида бўлиб, тайёр пойабзалларда унга бириктирилади

Сунъий ва синтетик материаллардан тайёрланган тагликлар: яssi-бутун, юзаси бўйича бир хил қалинликка эга (2.7 (д-расм); шакллантирилган-яssi бўлиб (2.7 э-расм), ҳар хил қалинликка эга; қўйма (2.7 ф-расм), пошнаси билан маҳсус қолипда яхлит қўйилган, улар тўлдиригич ва қўйгичлик, юрадиган томони расмли ёки расмсиз; яrim қўйма пошнасиз маҳсус қолипда қўйилган бўлиб. Юрадиган томоннинг кафт ва тумшуқ қисми расмли ҳамда расмсиз конструкцияда бўлиши мумкин.

Пошналар (2.8-расм) қўйма 4, йифма 5, понасимон 6, устунсимон 7, франсуазча 8, инглизча 9, хипчалаштирилган 10, узайтирилган 11, таг томони кенгайтирилган 12 конструкцияларда бўлади.



2.8-расм. Пошналарни тузилиши ва конструкцияси.

Рантлар ишлатилиш мақсадига қараб уч турга бўлинади. Асосий рантлар — таглик устки деталлар билан шу рант орқали бириттирилади (рант; парко 1, парко 2); қўйма рантлар — тагликни устки деталлари билан чокнинг мустаҳкамлигини оширади (сандал ва доппел усулларида); безак рантлар — пойабзалларни безашда ишлатилади.

Сиртқи деталларга пошна, юмшоқ таглик пошна ва патакларнинг қопламалари ҳам киради. Қопламалар қўпинча устки деталларнинг материалидан тайёрланади. Улар пошнани ён ва фронтал томонларини, юмшоқ тагликни ва патакнинг зийини қоплаб (беркитиб) туради.

Пошна ости, тагликнинг товон қисмига ёки пошна тагига осон алмаштириладиган қилиб бириттирилиши керак, чунки у тез едирилади, шунинг .. учун пошна ости тез-тез алмаштирилиб турилади.


Ички таг деталлари бевосита оёқ панжасига тегиб туради, уларга: патак, ич патак, ярим ич патак ва юмшоқ товон ости киради.

Патак оёқ панжасининг остида жойластиган бўлиб, унга танаворнинг тортиш баҳяси ва таг деталлари бириттирилади.

Патаклар конструкцияси жиҳатидан қўйидаги турларга бўлинади: яssi патак (2.9 а-расм) қолипнинг таг қисмини шаклига мос; шаклантирилган патак (2.9 б-расм); рант патаги (2.9 д-расм) махсус дўнгликка эга бўлиб, бу дўнглик патакнинг лаби деб аталади. Рант патаги лабига танаворнинг тортиш баҳяси ва асосий рант тикилади. Рант патаги сунъий, табиий бир ёки икки лабли бўлиши мумкин.

Ич патак, ярим ич патак, юмшоқ товон ости асосий патакка ёпиширилиб, пойабзалнинг гигиеник хусусиятини яхшилашга, пойабзайнинг ички қиёфасини безашга хизмат қиласди.

Ички ва сиртқи деталлар орасига қўйиладиган оралиқ деталлар қўйич тўлдиргич, юпқа таглик, юмшоқ таглик, пошна жияги (кранетс), пошна қатlam (флик)ларидир. Тўлдиргич қолипга тортилган танаворни тортиш баҳяси орасининг тумшуқ ва ту там қисмини тўлдиради. Қўйич эса товон ахми қисмининг бикирлигини ошириб, шаклини сақлаб туради (2.9 ф-расм).



Булардан ташқари пойабзалларнинг ҳамма конструкциясида металл ёки қўйгич (геленок) (2.9 эрасм) бўлиши шарт, сандал ва ағдарма усул бундан мустасно. Юпқа ва юмшоқ тагликлар шакли, тузилиши жиҳатидан ясси тагликнинг худди ўзи бўлиб, пойабзалларнинг гигиеник ва иссиқдан сақлаш хусусиятларини сақлайди.

Юпқа таглик табиий чармдан, юмшоқ таглик картондан, кигиздан ва бошқа материаллардан бўлиши мумкин.

Йиғма пошналар фтиклар(пошна қатлами)дан ташкил топган, пошнанинг баландлиги ва материалларнинг қалинлигига қараб, фликларнинг сони ҳам ҳар хил бўлади. Энг юқорида жойлашган фликка жияк (кранетс) қўйилади. Жияк-таглик билан пошна жисплашиши учун улар ораларига тақасимон чарм тасма қўйилади.

Жияклар ясси тагликларга ҳам худди юқорида айтилган мақсадда бириклирилиши мумкин.

Оёқ панжасининг товоң қисмини букилиши пошнанинг баландлигига боғлиқ. Пошна қанча баланд бўлса, оёқ панжаси юқоридан шунча калта кўринади (паст пошнали пойабзалга нисбатан).

Бундан ташқари пошна қанча баланд бўлса, оёқ панжасининг юзаси шунча кам ерга тегиб туради ва оёқ панжасининг кафт қисми эса юраётганда кам букилади.

2.1.5. ДЕТАЛЛАРНИ БИР1КТИРИШДА ИШЛАТИ1АД1ГАН ЧОКЛАР

Бириклиладиган материалларнинг хусусиятига ва ишлаш шароитига қараб чоклар уч гурухга бўлинади:

1. Қалинлиги 2 мм гача, бикирлиги кам ($D = 200:1200X$) бўлган материалларда ишлатиладиган чоклар, мустаҳкамлиги 12 дан 80 Н гача ип ва елим ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай чоклар пойабзалда эгилиш деформатсиясига кўпроқ ишлайди.

2. Қалинлиги 2:6 мм, бикирлиги ўртacha ($D = 1300:1500X$) бўлган материалларда ишлатиладиган чоклар, мустаҳкамлиги 120 дан 200 Н гача бўлган иплар ва елимлар ҳамда мих, мих-чўп ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай чоклар эгилиш деформатсиясига камроқ учрайди.

3. Қалинлиги ва бикирлиги катта материалларда ишлатиладиган чоклар асосан: мих, винт, мих-чўп ёрдамида ҳосил қилинади.

Биринчи гуруҳдаги чоклар, асосан, устки деталларни (танавор) бириклиришда, иккинчи гуруҳдагилар — тагликни устки деталлар билан бириклиришда, учинчиси — пошналарни бириклиришда ишлатилади.

а) Устки деталларни бириклиришда ишлатиладиган чоклар

Пойабзal ишлаб чиқаришда баҳяларни ҳосил бўлишига қараб уч хил баҳя ишлатилади. Машина игнаси ёрдамида материалларда ҳосил қилинган қўшни тешиклар орасидаги иплар чалишувининг битта тугалланган сикли баҳя

дейилади. Кетма-кет қатор такрорланган баҳялардан баҳяқатор ҳосил бўлади. Игна ўтган икки қўшни тешиклар орасидаги масофа баҳя қадами (йириклиги)ни ифодалайди. Баҳяқаторлар конструкция ва қаерда қўлланилишига қараб турли тикув машиналарда бажарилади. Тикув машиналарда моки баҳя ва занжирсимон баҳя ҳосил бўлади. Моки баҳя икки ипдан: устки(игна) ва остки (моки) ипларидан ҳосил қилинади. Устки ва остки ип материаллар орасида чалишиб, устида узлуксиз жойлашган ип қаторини ҳосил қиласди. Бу иплар тўғри чизик, синик чизик ёки бошқача жойлашиши мумкин. Моки баҳя машиналарда уч хил баҳяқатор: чоклаш баҳяқатор, синик баҳяқатор ва яширин баҳяқаторни бажариш мумкин.

Чоклаш баҳя қатори энг кўп тарқалган бўлиб, оммавий ишлаб чиқаришда турли тезликларда тикиладиган, баҳяни ҳосил қилиш жараёни турлича ва механизмлар конструкцияси ҳар хил бўлган машиналарда бажарилади. Чоклаш машиналари бир игнали ва кўп игнали бўлиб, улардан битта ёки бир йўла бир нечта параллел моки баҳяқатор ҳосил қилиши мумкин.

Синик баҳяланунг чоклаш баҳяқатордан фарқи шундаки, унда материал устига жойлашган иплар синик шаклида бўлади. Бу баҳя қатор ҳосил бўлаётганда машинанинг игнаси юқори ва пастга оддий ҳаракат қилишдан ташқари баҳяқаторга нисбатан кўндалангига оғади. Синик баҳя қаторининг чоки оддий чоклаш баҳяқаторга қараганда анча эластикроқ бўлиб, детал қирқимларини титилишидан сақлаш имконини беради. Бундай баҳяқатор юритиб, бостирма чок билан улаш, деталларнинг зийини йўрмаш мумкин.

Занжирсимон баҳяқаторнинг кўриниши устки томондан оддий чоклаш моки баҳяқаторига ўхшаш, остки томонидан эса занжирсимон кўринишида бўлади. Занжирсимон баҳя ҳосил қилишда моки бўлмаганлиги туфайли машинага тўла ғалтак ип тақилса, бутун иш вақти давомида бошқа ип тақмай тикиш мумкин. Икки ипли занжирсимон баҳя ҳосил қилишга, моки баҳяқаторга нисбатан икки баробар ортиқ ип сарф бўлади.


Занжирсимон баҳяқаторининг асосий хусусиятларидан бири баҳяқаторнинг охирги учидан осон сўқилишидир. Шунинг учун занжирсимон баҳялар танаворни тикишда кам ишлатилади.

Танаворни тикишда ишлатиладиган чоклар, асосан, деталларни тикаётганда ўзаро жойлашишига, вазифасига, конструкциясига кўра уч турга бўлинади: бирлаштирувчи чоклар, зий чоклар ва безак чоклар.

Бирлаштирувчи чоклар; қўйма, бириктирма, ёрма, туташтирма чоклардан иборат.

Қўйма чок (2.10-а, б, д расм) — устки деталларни бирлаштиришда энг кўп учрайдиган (50—60 фоиз) бўлиб, у сиртқи ва ички деталларни тикишда ишлатилади. Қўйма чок жуда кўп ва тўла ўрганилган. Деталларнинг бирини ўнг томонига, иккинчи детални тескари томони қўйилиб бир, икки ёки уч баҳяқатор билан бир ёки икки игнали тикув машиналарида тикилади.

Бириктирма чок пойабзалнинг дастак, гулчин, этик қўнжининг товон чизиги бўйлаб тикишда қўлланилади. Бунинг учун деталлар бир-бирига ўнг (юз) томонлар билан қўйиб баҳяқатор юритилади, (2.10-е расм) кейин 180° ағдариб дазмолланилади (2.10-ф расм).



2.10-rasm. Qo'yma, biriktirma va tutashtirma choklar.

Бириктирма чок турлари:

а) ташқи орқа тасмали бириктирма чок (2.10-г расм), бириктирма чокнинг устидан ташқи орқа тасма қўйиб, қўйма чок билан мустаҳкамланади.

б) ёрма чок (2.10-х расм) бажаришда деталлар бириктирма чок билан тикилади, ҳосил бўлган чок икки томонга ёриб, маълум оралиқда (материал қалинлиги ва моделга қараб) чокнинг икки томонидан бостириб тикилади.

д) мағизли бириктирма чок — бириктирма чокларни (2.10-ж расм) мустаҳкамлигини ошириш ва чок орқали сув ўтишнинг олдини олиш учун тикилаётган деталларни орасига мағиз (ингичка чарм тасма) қўйиб тикилади.


е) икки қават мағизли бириктирма чок (2.10-фс расм). *Туташтирма чок* — деталлар зий-зийига қўйилиб синиқ баҳяқатор юритилади (2.10-к расм). Туташтирма чок деталлар уланган чокнинг қалинлиги ошиб кетмаслиги учун ишлатилади.

Туташтирма чокни дастакни, товон чизигини, тилчани астарини тикишда ва бошқа ҳолларда қўллаш мумкин. Дастакнинг товон чизигида ишлатилганда, туташма чок ташқи орқа тасма билан қўйма чок ёрдамида мустаҳкамланиши шарт.

Зий чок — деталларнинг четларини титилиб кетишидан сақлашда, деталларнинг кўринадиган зийларига ишлов беришда ишлатилади. Зий чоклар буклама, мағиз, ағдарма чоклардан иборат.

Бувлама чок — бир марта букиб, очиқ қирқимли (2.11-а расм) ёки икки марта букиб (2.11-б расм), ёпиқ қилиб тикилиши мумкин. Ушбу чок, асосан, чарм-атторлик буюмларда ва астарсиз пойабзалларда учрайди.

Магиз чок — пойабзални ёки чарм-атторлик буюмлами қайси деталларида ва нима мақсадда ишлатилишига қараб очиқ, ёпиқ қирқимли ва маҳсус



2. 11-расм. Зий ва безак чоклар.

тасмали бўлиши мумкин. Астарсиз пойабзаллар ва чарм-атторлик буюмлар, сунъий ва синтетик чармдан, тўқима материаллардан тайёрланган пойабзал ҳамда чарм-атторлик буюмларини кўринадиган зий(кант)лари мағиз чок билан тикилади.

Очиқ қирқимли мағиз чок — (2.11 -д расм) тикишда қийиқ қилиб тикилган материал парчаси, асосий детал устига ўнгини ичкарига қаратиб қўйилади ва 3—4 мм кенгликда чок билан тикилади. Мағиз парчаси асосий детал атрофидан ўtkазилади, кейин тикилган чоқдан 1—1,5 мм нарироқда бостирма баҳяқатор юритилади.

Ёниқ қирқимли мағиз чоки (2.11-е расм) маҳсус буқлагич қўллаб тикишда, мағиз чети буқлагич билан букилиб, машина игнаси тагига узатиб берилади ва битта баҳяқатор юритиб тикилади. Ёниқ қирқимли мағиз чокни, очиқ қирқимли мағиз чок каби тикишда мағиз парчаси икки буқланиб олинади (2.11-ғ расм). Маҳсус тасмали мағиз чок тасма милкидан (2.11-ғ расм) 1 — 1,5 мм оралиғида баҳяқатор юритиб тикилади.

Ағдарма чок ёрдамида, асосан, сиртқи деталга астар тикилади. Бунинг учун асосий деталларнинг ўнгини ичкарига қаратиб қўйиб бириктирма чок тикилади, кейин чокни ёриб дазмоллаб ёки дазмолламай, деталнинг ўнгига ағдариб баҳяқатор юритилади. Баҳяқатоми юритиш сиртқи деталнинг қалинлигига боғлиқ, агар қалин бўлса, бириктирма чоқдан пастда (2.11-и расм), юпқа бўлса, юқорида (2.11-ҳ расм) жойлашган бўлади.

Безак чок — пойабзал ёки чарм-атторлик буюмларини безашда ишлатиб, тахламалар ва бўртма чоклардан иборат бўлади.

Тахламалар, асосан, чарм-атторлик буюмларида ишлатилади. Улар бириаштирувчи ёки фақат безатувчи бўлиши мумкин . Бирлаштирувчи тахламалар (2.11-ж, к, л, м, н расм) бир нечта детални бирлаштириб тахлама ҳосил қиласди.

Безак тахлама белги чизиқлар бўйлаб ўнгини ичкарига қаратиб букиб, иккинчи белги чизиқ бўйлаб тикилади. Тахламалар икки томонга ёки бир-бирига қаратилиб, моделга мувофиқ ўнг томонида баҳяқатор бостириб тикилади. *Бўртма чоклар* (2.1 л-о, *n* расм) деталнинг ўнг томонидан майда-майда тахлар шаклида, детал орасига маҳсус шнур қўйиб, бўрттирилган ёки деталнинг ҳам тескари, ҳам ўнг томонидан баҳяқатор юритиб бўрттирилган бўлиши мумкин. Бўртма чокларни тикиш учун, деталнинг ўнг томонидан безак ўрни, шакли белгилаб олинади ёки белгиламай маҳсус мослама ишлатиб, шнур қўйиб, бўртма чок тикилади.

б) Устки деталлар(танавор)ни таглик билан бириктириш усуллари ва улардаги чокларнинг турлари

Устки деталларни таглик билан бириктириш усуллари механик, кимёвий ва мураккаб гурухга бўлинади.

Механик усули ўз навбатида михли, винтли ва ипли усуллардан иборат. Ҳар бир усул деталларни бириктиришда ишлатиладиган бириктирувчи (мих, винт, мих-чўп, ип) номи билан айтилади.


Кимёвий усул елимли, қўйма ва иссиқ вулканизатсия гурухлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда елимли ва қўйма усуллар пойабзал ишлаб чиқаришнинг 70—80 фоизини ташкил қиласди.

Мураккаб усуллар, асосан, юқорида айтилган усулларнинг иккита ёки учтасини бирга келиши натижасида ҳосил қилинади, яъни қадолатли елимлаш, сандалли елимлаш, михли елимлаш ва ҳоказолар.


Механик усуллар

Михли усулда танаворнинг тортиш баҳяси патакка мих (текс) ёрдамида бириктирилиб, тортиш милкининг оралари тўлдиригич билан тўлдирилади, сўнгра мих ёрдамида асосий патакка (2.12-д, *b* расм) бириктирилади.

Михчўпли ва винтли усулларнинг чокларини конструкцияси худди михли усулга ўхшашиб, фақат тагликни бириктиришда биринчисида (2.12-д расм) мих-чўп, иккинчисида (2.12-а расм) винт ишлатиладир



2.12-расм. Михчўпли бириктириш усуллари.



2.13-расм. Ипли бириктириш усуллари.

Ағдарма усул (2.13-а, расм) танаворни тагликка бириктирма чок билан тикиб, сүнгра ўнги ағдарилади ёки яширин чок билан тикилади.

Сандал усулида (2. 13-д расм) таглик танаворни ташқи томонга қайрилган тортиш баҳасига қўйма қадолат қўйилиб, бутун периметри бўйлаб тикилади. Бундай пойабзал асосий патаксиз ва астарсиз бўлади.

Доппел усулида (2.13-е расм) танавоминг астари қолипини остига қайириб, асосий патакка бириктирилади. Сиртқи детайнинг тортиш баҳаси эса ташқи томонга қайрилиб, қўйма қадолат қўйиб ёки қўймай тагликка пошна қисмигача тикилади. Пошна қисми эса худди михли, михчўпли, елимжаш усулларига ўхшаб бириктирилиши мумкин.


Тикма усульда (2.13-ф расм) танаворнинг тортиш баҳаси асосий патакка худди михли усулдагидек бириктирилиб, тортиш милки оралиғи тўлдиргич билан тўлдирганидан кейин, таглик асосий патакка тортиш баҳя билан қўшиб тикилади.

Рант-тиқии усули (2.13-ҳ расм) яssi патакка танаворнинг тортиш баҳаси билан қўшиб тикилган рантга таглик ип билан бириктирилади.

Рант усулида (2.13-ҳ расм) танаворнинг қолип остига қайрилган тортиш баҳаси рантли патакнинг лабига мих ёки елим ёрдамида бириктирилади. Патак лабига танавор милки қўшиб тикилган рантга таглик ип билан бириктирилади. 2.13- и,л расмларда «Парко-л», «Парко-2» усуллари келтирилган.

Кимёвий усуллар

Елимлаши усулида (2.14-а расм) танаворнинг тортиш баҳяси қолип остига қайрилган бўлиб, асосий патакка елим ёки мих ёрдамида бириктирилиб, тортиш милк ораси тўлдиргич билан тўлдирилади. Таглик тортиш милкига елим билан ёпиштирилади. Елимлаш усулларида турли елимлар ишлатилади, уларнинг ичидаги энг кўп ишлатиладиган наирит ва полиуретан елимларидир.



2.14-расм. Кимёйий бириктириш усуллари.


Иссиқ вулканизатсия усулида (2.14-б расм) таглик вулканизатсияловчи пресс-қолипда резина қоришидан шакилантириш билан бирга, қолипга тортилган танаворга ёпиштирилади.

Қуйши усулида (2.14-д, э расм) таглик маҳсус дастгоҳларда қолипга тортилган танаворга босим билан шаклантирилиб бириктирилади.

Мураккаб усуллар

Рант елимлаши усулида (2.15-а расм) тагликнинг биринчи қатлами, юпқа таглик, рант усули билан иккинчи қатлами эса таглик биринчи қатламга елим билан бириктирилади.

Сандал елимлаши усулида ҳам аввал сандал усулида юпқа таглик (биринчи қатлам) бириктирилиб олиб, кейин таглик (иккинчи қатлам) елим ёрдамида ёпиштирилади (2.15-б расм).



2.15-расм. Таг деталларини мураккаб усуллар билан бириктириш

Тикиб — елимлаш усуида (2.15-д расм) юмшоқ патак танаворга ва қопламага тикиб олиниб, қолипта кийгизилади. Қопламани тортиш баҳясини юмшоқ тагликка елим ёрдамида биринчириледи ва қопламанинг тортиш милкига таглик ёпишириледи.

2.1.6. ПОЙАБЗАЛНИНГ ИЧКИ ЎЛЧАМИ (РАЗМЕРИ) ВА ШАКЛИ

Оммавий пойабзалнинг ички ўлчами (размери) ва шакли оёқка лойик ҳамда ҳар хил шароитда кийишга мос бўлиши керак. Пойабзаллар ички ўлчамлари ҳамда шакли бўйича бир нечта размерларга ва тўлаликларга бўлинади.

Хозирги пайтда пойабзал саноатида бир нечта: франсузча — штихмасли, инглизча — дюймли ва 1964-йилдан миллиметрли система қўлланиб келинмоқда.

Штихмасли системада пойабзалнинг размери деб, патакнинг узунлиги қабул қилинган. Штих (ст) Франсузча узунлик бирлиги бўлиб, $1 \text{ ст} = 2/3 \text{ см}$ га teng. Штихмасли системада бир размер иккинчи размердан 1ст га фарқ қиласди:


$$Н_{ст} = 0,15 (L_{o.n} + n \cdot c),$$

бу ерда: $L_{o.n}$ — оёқ панжасининг узунлиги; n — тумшук қисмидаги қўшимча; c — товон қисмининг силжиши.

Пойабзалнинг размерини аниқлашда тумшук қисмидаги қўшимча (π) (2.16-расм) катта аҳамиятга эга, чунки у моданинг йўналишига қараб ўзгариб туради, (c) товон қисмининг силжиши эса пошнанинг баланд ва пастлигига боғлик. Шунинг учун бу системада ҳар бир оёқ панжасининг узунлигига бир нечта размердаги пойабзаллар тўғри келиши мумкин.

Инглизча системада ҳам, пойабзалнинг размерига патакнинг узунлиги, ўлчов бирлиги қилиб эса $1/3$, (дюйм), яъни 8,46 мм, ёки $1/6$ (дюйм), 4,23 мм қабул қилинган.

Англия ва Америкада ўлчов бирлиги сифатида дюйм қабул қилинган бўлса ҳам, пойабзалнинг размери $N_{ст}$, шартли равишда бутун сонлар билан белгиланган, яъни 1-13. Масалан: энг кичик болалар пойабзали $4(1/3)$



дюйм = $1,8 (1/3)$ эса=13 гача, катталар учун ҳам $1:13$ бўлган размерлар мавжуд. Фақат катталар учун $8(2/3)$ дюйм узунликдаги патаклар учун шартли равишда 1 ракам қўйилади ва ҳоказо 13 ракамгача.

Пойабзалнинг размерини белгилашда бундай фарқлар, давлатлараро савдо қилишда чалкашликларни вужудга келтиради. Шунинг учун

2.16-расм. Пойабзал размерини аниқлаш.

1964-йилда Ю.П. Зибин томонидан пойабзал размерини белгилашда янги система яратилди. Бу системага асосан, пойабзалнинг размери деб, оёқ панжасининг узунлиги $L_{0,n}$ миллиметрда қабул қилинган. Размерлар орасидаги фарқ (оёқ панжасини «сезиш, бефарқлик чегарасини» ҳисобга олган ҳолда) 5 мм га тенг, яъни (260, 265), булғори чармдан қилинган пойабзаллар учун эса 7,5 мм га тенг.

Ҳар хил системадаги размерлар ўзаро қуидагича боғланган:

Эркаклар ва аёллар пойабзали учун	Қолган гурухдаги пойабзаллар учун
$H_{ст} = 1.27(25+Ha)$	$H_c = 1.27 (12 + Ha)$
$Ha = 0.79 H_{си} + 25$	$Ha = 0.79 H_{ст} + 12$
$H_{см} = 0.84 (6) (25+Ha)$	$H_{см} = 0.84 (6) (12+Ha)$
$H_{см} = 0.66 (6) H_{ст}$	$H_{см} = 0.66 (6) H_{ст}$
$H_{ст} = 0,15 (H_{мм} + П - С)$	$H_{ст} = 0,15 (H_{мм} + П - С)$

Хозирги пайтда Ўзбекистонда пойабзаллар 10 ёш-жинсий гурухларга бўлинади ва уларнинг ўлчамлари 1, 2-жадвалларда берилган.

1-жадвал

Оммавий пойабзал ва қолипларни ёш-жинсий гурухларга ва размерларга бўлиниши

Пойабзал гурухи	Номи	Тўлал иклар	Қолип ва пойабзал	Гурухнинг ўртча размери, мм да
0	Чақалоқлар 1-гурухи	1-7	95-125	100
1	2-гурухи	1-7	105-140	135
2	Мактаб ёшигача болалар	1-9	145+160	155
3	1 -гурухи 2-гурухи	1-9	165-200	185
4	Мактаб ёшидаги қиз болалар	1-9	205-225	215
5	Қиз болалар 1 -гурухи 2-гурухи	1-9 1-9	230 - 240 245+260	235
6	Мактаб ёшидаги ўғил болалар	1-9	205-225	215
7	Ўғил болалар 1 -гурухи 2-гурухи	1-9 1-9	230-240 245-280	240
C	Аёллар	1-9	210-275	240
9	Эркаклар	1-9	245-305	270

Булғори чармдан тавёрланган пойабзалларни ёш-жинсий гурух ва размерларга бўлиниши

Қолиплар гурухи		Қолипнинг размери, мм да	Гурухнинг ўртача размери
Номери	Номи		
3	Болалар	177-200	1853
6	Мактаб ёшидаги ўғил болалар	207-230	215
7	Ўғ болалар	237-60	245
8	Аёллар	217-285	240
9	эркаклар	240-307	270

Эслатма. Ҳар бир гуруҳда камида 3 та тўлалик бўлиши шарт.

Пойабзалларни орммавий ишлаб чиқаришда фақат узунлиги ҳисобга олиннибина қолмай, уларнинг тўлаликларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Бир разрмердан иккинчи разрмерга ўтганда, пойабзал ва қолипнинг ҳар бир кўндаланг кесими ҳам маълум қийматда ўзгарида. Битта разрмердаги оёқ панжалариминг эни ва баландлиги ҳар хил бўлади. Шунинг учун бир разрмердаги пойабзал ва қолипни бир нечта тўлаликда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Эркаклар ва аёлламинг пойабзаллари учта тўлаликда чиқарилиши шарт. Кундалик пойабзаллараинг кўндаланг кесмаси (тўлаликлири) орасидаги фарқ 8 мм. Башанг пойабзалларда эса 4 та тўлаликда — 6 мм интервал битан ишлаб чиқарилади.

Қолип ва пойабзалларнинг тўлаликлари сон ёки ҳарфлар билан шартли равишда белгиланади. Сонлар қанча катта бўлса, тўлалик ҳам шунча катта бўлади.

2.1.7. ПОЙАБЗАЛНИНГ ВАЗИФАСИ БЎЙИЧА ТУРЛАРИ

Пойабзаллар кўриниши, разрмерлари, материали, деталлар сони ва шакли, уларнинг ўзаро бириктирилишига қараб, маълурм мақсадларда ва шароитда кийишга мўлжалланган пойабзаллар қуидаги турларга бўлинади.

Маиший пойабзаллар

Енг кўп учрайдиган пойабзаллар турларига маиший пойабзаллар киради. Булар кундалик, кўчалик (башанг) ва хонада кийиладиган пойабзалларга бўлинади. Улар ўз навбатида йил фаслига қараб ёзги, қишки, баҳорги-кузги; хонада кийиладиган пойабзаллар эса фақат қишки ва ёзги бўлади.

Қиңда кийиладиган пойабзalларнинг размери каттароқ бўлади, чунки иссиқ пайпоқ ёки пайтава билан кийиш учун мўлжалланган. Қиշки пойабзalлар, асосан, оёқ панжасини кўпроқ беркитиб турадиган, устки ва таг деталлари эса иссиқликм кам ўтказадиган қалин, ғовак материаллардан

тавёрланган бўлиши керак. Бундай пойабзalларнинг астари мўйна ва бошқа шунга ўхшаш тукли материаллардан бўлади. Бу талабларга жавоб берадиган пойабзalлар ботинка ва этиклардир.

Ёзги пойабзalларнинг ички ўлчамлари (размери) қиշки пойабзalлардан киичикроқ бўлади, чунки ёзда юпқа пайпоқ билан ёки пайпоқсиз кийилади.

Тасмали сандаллар ҳамда орқа ва олд, ахми қисмлари очик туфлилар ёзги пойабзalлар хисобланади.

Баҳорги-кузги пойабзalларга ёзги ва қиշки пойабзalлар орасидаги талаблар қўйилади. Уларнинг кўриниши, конструкцияси, деталларнинг ўзаро бириктирилиши турлича бўлади. Уларга қўйиладиган талаблардан энг асосийси сувни кам ўтказиши керак. Шунинг учун тагликлар пластмассадан, резиналардан ва қалин чармлардан бўлади.

Ёзги, қиշки, баҳорги пойабзalлардан ташқари оғир (ишчи) пойабзalлар булгори чармдан (юфт) ва кирзадан тайёрланган этик ҳамда ботинкалар бор. Бу пойабзalлар бошқа гуруҳлардан материалларнинг қалинлиги, ички ўлчамлар (размерлар) ва массасининг катталиги билан фарқ қиласди. Бу пойабзalлар, асосан, қишлоқ хўжалигига ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилади.

Хонада кийиладиган пойабзalлар ўзининг енгиллиги ва юмшоқлиги билан ажralиб туради. Хонада кийиладиган пойабзalда оёқ дам олиши ва оёқ панжасини сиқиб турмаслиги керак. Кўпинча хонада кийиладиган пойабзalларни пошнасиз ёки паст пошнали, кўп қисми очик кўринишдаги туфлилар ташкил қиласди. Устки деталларни чармдан, ҳар хил рангдаги гулли ва гулсиз газмоллардан тайёрланади.

Хонада кийиладиган пойабзalлар қиշки ва ёзги бўлади. Ёзги пойабзalлар юпқа материаллардан қилинса, қишкиларда қалин драп ёки иссиқ астар, айрим ҳолларда сунъий ёки табиий мўйна ишлатилади.

Махсус пойабзalлар

Ишлаб чиқаришда, спорт турларида, тиббий мақсадларда кийиладиган пойабзalларнинг ишлатилиши шароити, майший пойабзalларникига қараганда ўзгача бўйгани учун, уларнинг қиёфасини, конструкциясини, умумий йўналишини сақлаб қолган ҳолда ҳар бир махсус пойабзalни ўзига хос талабларини хисобга олиб ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида пойабзal оёқни ёки оёқ панжасининг ҳар хил хавфли таъсиридан ҳимоя қилишда, яъни бирорта оғир нарса, қиздирилган ёки эритилган металл, кимёвий маҳсулотлар тушишидан, сув, иссиқ ва совуқ ҳавонинг муттасил таъсиридан ҳамда портлаш ва ёнғиндан хавфли хоналарда ишлагандаги керак бўлади.

Хозирги махсус конструкциядаги пойабзalлар борки, улар юқорида айтилган

барча талабларни қондиради, яъни пўлатдан ясалган тумшуқли бетукли пойабзаллар, оғир металл тушишидан ҳимоя қилса, махсус материалдан қилингандан орасига иссиқликни кам ўтказувчи (асбест) материал қўйиб тикилган пойабзаллар катта иссиқ таъсири қиласидиган корхоналарда кийилади ва ҳоказо.

Спорт пойабзали жуда турлидир, у асосан, спорт турларига боғлиқ: алпинистлар, сайёхлар, футболчилар, баскетболчилар, тенисчилар гимнастикачилар, курашчилар, боксчилар ва бошқалар.

Ҳар бир спорт туридаги пойабзалларга ўзига хос талаблар қўйилади. Масалан: айрим пойабзаллар (тоғ спорти) ўта мустаҳкам, оғир, дастаги баланд; айримлари эса (конкида югириш) енгил, дастаги баланд; (гимнастика) юмшоқ ва енгил бўйиши керак.


Тиббий пойабзаллар икки, касалнинг олдини олишга — профилактик ва касал оёқлар учун — ортопедик турга бўлинади.

2.2. ЧАРМ-АТТОРЛИК БУЮМЛАРИНИ КОНСТРУКТИВ ТАВСИФИ


Чарм-атторлик буюмлари вазифасига қараб, асосан, уч турга бўлинади: нарсаларни кўтариб юриш ва сақлашга мўлжалланган буюмлар, қўлқоплар ҳамда камарлар.

Ишлаш шароитига қараб чарм-атторлик буюмлари майший ва махсус турларга бўлинади. Нарсаларни кўтариб юришга ва сақлашга мўлжалланган буюмлар ўз навбатида кундалик, кўчалик, сафарлик, хўжалик (бозорлик) бўлиб; махсус турлари эса спорт ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиладиган буюмларга бўлинади. Камарларнинг майший турлари, асосан, соатлар ва бел (шим) камарлари ҳисобланади.


Нарсаларни кўтариб юриш ва сақлашга мўлжалланган буюмлар ўз навбатида ихтиёрий ўлчам ҳамда шаклдаги ва шакли, ўлчами унга солинадиган нарсаларнинг ўлчами ва шаклига боғлиқ буюмларга бўлинади. Нарсаларни кўтариб юриш ва сақлашга мўлжалланган буюмлар ўз навбатида киёфаси жиҳатидан: халталар (2.17-расм), жамадонлар (2.18-расм), портфел ва папкалар (2.19-расм), ҳамёнлар (қоғоз пул ва тангалар учун)



2.17-расм. Кундалик (а),
хўжалик (б), кўчалик
(д,е) халталар.



Қаттиқ (а, б.), ярим қаттиқ (д, э)
конструкциядаги жамадонлар:
1- қопқоқнинг юқори қисми,
2-қопқоқнинг ботани, 3-корпуснинг
ботани, 4— корпуснинг туби.



2.19-расм. Портфел ва папкалар.
Эркаклар (а, б), ўқувчилик (д)
портфеллари, портфел-папка (е).

2.20-расм. Майдада чарм-атторлик
буюмлари (ҳамёнлар).

(2.20-расм) га бўлинади. Шакли ва ўлчами, унга солинадиган нарсанинг шакли ва ўлчамига боғлиқ буюмларга, турли (кўзойнак, танбур, ғижжак) филофлар, жилд (дафтар, автомобил)лар ва ҳоказолар киради.


2.2.1. ИХТИЁРИЙ ЎЛЧАМ ВА ШАКЛДАГИ БУЮМЛАР ДЕТАЛЛАРИНИНГ СОНИ, ЎЛЧАМИ ВА ШАКЛИ

Деталларнинг сони, ўлчами ва шакли бўйича нав (ассортимент)лари беҳисоб бўлиб, фақат айрим, энг кўп учрайдиган турларини қўриб чиқиш кифоя.


Шу грухдаги буюмларни деталлари жойлашишига қараб сиртқи, ички ва оралиқ деталларга бўлинади.

Сиртқи деталлар ўз навбатида асосий ва қўшимча деталларга бўлинади.
Асосий деталлар (2.21-расм)

буюмнинг корпусини ташкил қилиб, унинг шаклини ва ўлчамини белгилайди. Бу деворчадан иборат бўлиб, ўз навбатида олд ва орқа 3 деворчалар деб аталади. Деворчалар тўртбурчак, трапетсиясимон, овалсимон, фигурали бўйиши мумкин. Уларнинг шакли, ўтчами, буюмнинг



2.21-расм. Чарм-атторлик буюмларининг сиртқи деталлари.



2.22-расм. Чарм-атторлик буюмларининг ички делаллари.

шакли ва ўлчамини белгилайди. Деворчаларнинг бир қисми бўлган *фалдалар* 4 чақмоқ занжирли буюмларнинг юқори қисм ҳажмини катталаштириш учун, *кокеткалар* 5 эса турли шаклда бўлиб, деворчани юқори ёки қуий қисмини ташкил қилиб, буюмларни безашда ишлатилади.


Туби 1 деворчаларини орасида жойфашган бўлиб, корпуснинг қуий юзасини ташкил қиласди.

Корпуснинг олд, орқа ва таг юзаси яхлит материалдан ташкил топган ва унинг ўлчамлари шакли деворча сингари турлича бўлиши мумкин.

Буюмларнинг ён қисмини оддийгина қилиб, буюмнинг ёни ёки бўлмаса қийиқ 2 деб аташади. Буюмнинг ён қисмининг шакли ва конструкцияси хар хил бўлиб, кўп ҳолларда текис шаклда ёки бўлмаса бир бурмали ва кўп бурмали бўлиши мумкин.

Таг — ботан — буюмнинг тубини ва икки ён юзасини, юқори ботан икки ён ва юқори юзаси, айланма ботан — тубини, ён ва юқори юзаларини (2.22-расм) ташкил қиласди. Ботан, худди қийиқга ўхшаш бир ёки кўп бурмали бўлиши мумкин.

Ёпқич (клапан) 3 буюмларнинг юқори қисмини беркитиш учун хизмат қиласди, у исталган шаклда ва ўлчамда бўлиши мумкин.



2.23-расм. Чарм-атторлик буюмларининг сиртқи деталлари.

Юқорида келтирилган ҳамма асосий сиртқи деталлар яхлит ёки йиғма (масалан, ботан, икки қисмдан иборат бўлиб, таг қисмининг ўртасида тикиладиган) бўлиши мумкин.

Кўшимча деталларга, буюмларнинг юқори қисмини ёпишда ишлатиладиган: иччиқ ёпқич 5, (2.22-расм) супфер 2, горт 1, тасма 4 ҳамда ушлагич, чўнтаклар ва безак деталлари киради.

Ички деталлар буюмларнинг ичидаги жойлашган бўлиб (2.23-расм), улар буюмларнинг ич юзасини безайди ва бўлакларга бўлади (девор 1, деворча чўнтак 2, чақмоқ занжирли чўнтак 3 ва ҳоказолар).



Оралиқ деталлар сиртқи ва ички деталларнинг орасида жойлашган бўлиб, буюмларнинг турли шаклларини ҳосил қилиш ҳамда сақлашга хизмат қиласди. Бундан ташқари айrim оралиқ деталлар сиртқи деталларнинг чокларини мустаҳкамлигини оширади.

Оралиқ деталлари учун маҳсус атторлик картонлар, пахта ва ёғоч, толалар, винипласт ва бошқа материаллар, шунингдек, маҳсус тасмалар, шнурлар, ёпишқоқ тасма (велкро)лар ишлатилади.

Оралиқ деталлар қаттиқ материаллардан бўлса. қаттиқ корпус салтлар дейилади. Қаттиқ корпусли салтларнинг ҳамма деталларига ёки кўп деталларига; ярим қаттиқ конструкциядаги салтларга, корпуснинг қисман деталларига қаттиқ оралиқ деталлари кўйилади. Юмшоқ конструкциядаги буюмларда қаттиқ материаллардан қилинган оралиқ деталлар бўлмайди.


Буларнинг ўлчамларини унинг олд деворининг горизомал йўналишдаги максимал узунлиги *У* ва максимал баландлиги *Б* ҳамда ён юзасининг максимал эни э билан белгиланади (2.24-расм).

Халталарнинг устини ёпқич (клапан), чақмоқ занжир, рамкали қулфлар ёрдамида беркитиш мумкин. Корпуснинг материали рамкали қулфининг тагидан, ёнидан ёки устидан қистириб бириктириш (2.25-расм) усуллари мавжуд. Чарм-атторлик буюмларида жуда кўп материал турфари ишлатилиши мумкин. Сиртқи



Ramkali qulfn turlari.

2.24-расм. Чарм-атторлик буюмларининг эни (*E*), узунлиги (*У*), баландлиги (*Б*).



деталларга чарм, сунъий ва синтетик чармлар, плёнкалар, газмоллар; ички деталлар учун эса тўқима ҳамда турли сунъий ва синтетик материаллар ишлатилади.

Ихтиёрий ўлчам ва шаклдаги буюмларнинг тикиш (йифиш) ҳамда кўринадиган зийларига ишлов бериш усуллари мавжуд.

Чарм-атторлик буюмларини йифишда, асосан, ағдарма ва ноағдарма усул қўлланилади.

Ағдарма усулда корпуснинг ҳамма асосий деталлари бириктирма чок ва унинг турлари ёрдамида бириктирилади. Ағдарма усул энг қулай ва осон, иш унумдорлиги юқори бўлган усул бўлиб, деталларнинг зийига қўшимча ишлов бериш талаб этилмайди. Сиртқи деталларни бириктириладиган бундай чоклар, буюмларнинг ичида жойлашган бўлиб, уларни астар беркитиб туради. Шунинг учун иплар едирилмайди. Астарсиз буюмларда мағиз чоклар қўлланилади. Ағдарма усул, асосан, сиртқи деталларга юмшоқ материаллар ишлатилганда қўлланилади.


Ноағдарма усул мураккаб усул ҳисобланади, чунки зийларга махсус ишлов бериш керак бўлади. Ноағдарма усулда буюмларнинг кўринадиган зийлари букилади, қирқилади ва мағиз (2.26-расм) ёки қавиқ чоклар ёрдамида тикилади.

Кўринадиган зийларни бириктиришнинг уч хил қўриниши бор: биринчи деталларнинг зийини, иккинчи деталнинг зийи бўйича қайрилади ва тикилади (а), биринчи деталнинг зийини қайириб, иккинчи деталнинг зийи қирқилади (б) ва иккала детал қайириб тикилади (д).

Қирқилган деталларнинг зийи материалнинг рангida бўялади.

Халталарнинг деталларини, ёпқич, чўнтақ, кокетка ва қўшимча деталларни бириктириш учун қўйма чоклар ишлатилади.

Бириктирма чоклар — ташқи ва ички деталларда ишлатилади. Бириктирма чокнинг мустаҳкамлигини ошириш ва безаш учун пойабзалдаги мағиз ўрнига кедер ишлатилади (2.27-расм).



2.27-расм. Кедерли бириктирма чоклар:
а—қирқилган, б — иккига буқланган, д—профлланган.

2.2.2. ҚҮЛҚОПЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИ БҮЙИЧА ТАВСИФИ

Қүлқоплар ишлатиш мақсадига ва шароитига қараб майший ҳамда махсус турларга бўлинади. Махсус қўлқоплар ўз навбатида спорт ва ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатиладиган турларга бўлинади. Ҳар бир турини ҳисобга олган ҳолда (боксчилар, велосипедчилар, дарвозабонлар ва ҳоказолар учун), шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш жараёнига мос келадиган қўлқоплар ишлаб чиқарилиши керак. Бу эса қўлқоплар конструкциясини кўпайишига олиб келади.

Майший қўлқоплар ўз навбатида, қишки (мўйна ва байка астарли) ва баҳорги-кузги (астарсиз) мавсумларга мўлжалланган гуруҳларга бўлинади.

Қўлқоплар ёш-жинсий гуруҳига ва размерига қараб эркаклар, аёллар, ёшлар ва болалар учун мўлжалланган бўлади.

Қўлқопнинг размери бешинчи кафт суюгини бошчаси орқали ўтказилган қучоқ ўлчами миллиметрда аниқланади.


Ёш-жинсига қараб қўлқоп размерлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Т/р	Жинси	Қўлқоп ўлчамлари, мм да
1.	Аёллар	170, 180, 190, 200, 210, 220, 230, 240, 250, 270, 280,
2.	Эркаклар	300, 200, 220, 230, 240, 250, 270, 280, 300, 310, 320,
3.	Ёшлар	190, 200, 220,
4.	Болалар	140, 150, 160, 170.


Қўлқоплар кафт рўмолчаси 1 (платок), бош бармоқ рўмолчаси 2 (напалка) ва қўлқоп милли 3 дан ташкил топган (2.28-расм). Кафт рўмолчаси яхлит ёки бўлмаса икки, кафт ва ташқи қисмидан иборат бўлиши мумкин. Қўлқопларни қўл панжасига маҳкамлаш учун махсус мосламалар қўлланилади.

Қўлқопларда, асосан, кафт рўмолчаси ва бош бармоқ рўмолчаси остига астар қўйилади. Қўлқоп деталлари, асосан, қўйма ва бириктирма чок ёрдамида бириктирилади.



2.28-расм. Қўлқоплар:

1 – кафт рўмолчаси; 2 — бош бармоқ рўмолчаси; 3 — қўлқоп милли.



Қўлқоплар, асосан, беш хил усулда ишлаб чиқарилади.

1. *Тўғри баҳя усули* — деталлар бир-бири билан қўйма чок ёрдамида тикилади (2.29 а-расм).

2. *Ярим ағдарма усул*—қўл панжасининг кафт томонидаги деталлар бириктирма чок, ташки томонидагилар эса қўйма чок билан тикилади (2.29 І-расм).

3. *Ағдарма усул*— деталлар бир-бирига ўнг (юза) томонлари билан қўйилиб, бириктирма чок ёрдамида тикилади (2.29 э-расм).

4. *Дент усули* — деталлар бир-бирига тескари томонлари билан қўйилиб, бириктирма чок ёрдамида тикилади. Чок қўлқопнинг ташки томонида жойлашган (2.29 ғ-расм).

5. *Ҳалқа қавиқ усули*— деталлар бир-бирига тескари томонлари билан қўйилиб, ҳалқа қавиқ ёрдамида тикилади (2.29 ф – расм).

Қўлқопларнинг сиртқи деталлари учун махсус ошланган чармлар, сунъий ва тўқима материалларни қўллаш мумкин. Астарлар учун эса табиий мўйна, нотўқима материал, тулди материаллар, сунъий мўйна, тўқима материаллар ишлатилиади.

Назорат саволлари

1. Пойабзалнинг конструктив тавсифи нималар билан ифодаланади?
2. Пойабзал қиёфаси бўйича қандай турларга бўлинади?
3. Пойабзал ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллари бўйича қандай турларга бўлинади?
4. Пойабзалнинг устки деталлари, уларнинг тузилиши ва ўлчамларини изоҳлаб беринг.
5. Пойабзалнинг таг деталлар, уларнинг тузилиши, конструкциясини ва ўлчамларини изоҳланг,
6. Устки деталларни бириктиришда ишлатиладиган чок турларини айтиб беринг,
7. Устки деталларни таглик билан бириктириш усуллари ва улардаги чокларнинг турларини айтиб беринг.
8. Пойабзалнинг размери тўғрисида тушунча беринг.
9. Пойабзаллар вазифаси бўйича қандай турларга бўлинади?
10. Чарм-атторлик буюмларининг конструктив тавсифини изоҳланг.
11. Қўлқопларнинг конструкцияси бўйича тавсифини изоҳланг.

3-боб.
ЧАРМ БУЮМЛАРНИ ҚУРИШДА ОДАМ
АНАТОМИЯ ВА ФИЗИОЛОГИЯСИ, АНТРОПОМЕТРИЯ
ҲАМДА БИОМЕХАНИКА АСОСЛАРИ

3.1. ҚҮЛ ВА ОЁҚ АНАТОМИЯ ҲАМДА ФИЗИОЛОГИЯСИ

Анатомия — организм ва унинг органлари тузилиши ҳамда шаклини, физиология эса яхлит организм, айрим органлар ва улар системасининг ҳаётий вазифаларини ўрганадиган фан.

Анатомия ва физиология ўзаро чамбарчас боғлиқ. Одам организмининг тузилиши ва вазифалари бир-бири билан боғлиқ ҳамда мустаҳкам ҳамкор. Одамнинг ҳар бир органи муайян вазифани бажаради. Умумий вазифалари биргаликда бажарадиган органлар, гурухлар ва систематарни ташкил этади. Органлар системалари ўз фаолиятида ўзаро боғлиқдир. Улар бир вақтда кечадиган уйғун жараёнлар бутун организмнинг ҳаётини таъминлайди. Орган бу тананинг бир қисми, у ўз тузилишига, шаклига эга ва битта ёки бир нечта вазифани бажаради. Бир хил органлар танани заарланишидан ҳимоя қиласи, бошқалари унинг ҳаракатланишини таъминлайди, учинчи хил органларда овқатни ўзлаштириб, тўртинчи хил органлар тананинг ҳамма органларига тўхтовсиз қон етказиб беради.

Ҳар бир органларда қон томирлари мавжуд, қўплари эса ингичка томирчаларга эга. Ўхшаш вазифани бажарувчи ҳар хил органлар бир системага бирлашган бўлади. Булар таянч ҳаракат, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш органлари, айриш органлари, нерв, сезги органлари, қон айланиш, ички секретсия безлари, кўпайиш органлари системаларидир.

3.1.1. СКЕЛЕТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Скелет ва мускуллар танамизнинг таянчини ташкил этади ва улар ҳаракатланиш органлари ҳисобланади. Шу билан бир вақтда скелет ва мускуллар ҳимоя вазифасини бажаради. Ҳаёт учун зарур бўлган органлар бироз шикастланганда ёқ уларнинг нормал фаолияти бузилиши мумкин. Аммо кўкрак бўшлиғида жойлашган органлар (юрак, ўпка)ни, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғида жойлашган (ошқозон, ичак, буйрак ва бошқа) органларни эса умуртқа поғонасининг пастки бўлими, чаноқ суюкларининг пишиқ мускуллари ҳимоя қилиб туради. Бош мия мия қутисининг ичидаги орқа мия эса умуртқа поғонасининг ичидан ўтган каналда ётади.

3.1. 2. СУЯКЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Суяк — асосан тўқимадан тузилган. Суяклар қаттиқ ва эластик бўлиб, таркибида ҳар хил кимёвий моддалар бор, шунга кўра, улар қайнатилганда ҳам шакли сақланиб қолади. Суяк моддаси икки хил, яъни 1/3 қисми органик (осеин, хитин, мугуз, тоғай) моддалар бўлса, қолган 2/3 қисми анорганик моддалардан

ташкил топган. Органик ва анорганик моддаларнинг сүяклар таркибидаги муносабати натижасида зарур мустаҳкамлик вужудга келади. У ёшга қараб ўзгариб боради. Ёш улғайиб бориши билан минерал тузлар сүяклар таркибида кўпаяди. Шунинг учун қарияларнинг сүяклан эластик хусусияти аста-секин йўқолиб, мўрт ва салга синадиган бўлиб қолади.

Сүяклар икки хил моддадан: зич (қаттиқ) ва ғовак моддалардан иборат. Зич модда яхлит моддага ўхшаб кўринади. Ғовак моддада эса ингичка ховонлар бир-бири билан чатишиб, ҳар хил бурчаклар ҳосил қиласида. Улар орасида майда катак(бўшлиқ)лар вужудга келади. Қаттиқ модда сүякларнинг ташки қисмида жойлашган бўлса, ғовак моддалар жуда кам бўлиб, ичкарида туради.

Сүякламиング ички қисмида, одатда, қон ва нерв толалари ўтади. Сүякнинг сиртқи юзаси устки пардаси — периост билан қопланган. Периост ўзининг сүякларини алоҳида тешикчалардан ўтиб борадиган толачалари воситасида сүяк устига мустаҳкам ёпишиб туради. Периост икки қаватдан иборат. Ташки қават толали фиброз тўқима, ички қават нерв томирларига бой, сүяк ҳосил қилинадиган қисмидир. Сүякнинг ковак (илик канал)лари суюқилиги билан тўла бўлади. Сүяк илиги организмда қон яратади ва биологик ҳимоя вазифасини бажаради. Шундай қилиб, сүякларни ҳосил қилишда, асосан, сүяк тўқималари қатнашсада, уларнинг таркибида сүяк иликлари, сүяк устки пардаси, бўғим тоғайи, қон томирлари ва нервлари бўлади.

Одам скелети деярли уч даврни ўтказиб такомиллашади: қўшувчи тўқима, парда даври, тогайланиш ва сүякланиш даврлари. Калла сүягининг тепа бўлаги ва юз қисмининг айрим сүяклари, ўмров сүякларининг кўпчилик қисми факат икки — қўшувчи тўқима ва сүякланиш даврларида такомиллашади.

3.1. 3. СУЯКЛАРНИ ТУРКУМЛАРГА БЎЛИНИШИ

Одам скелети ўз тузилиши, шаклига кўра найсимон, ғовак, яssi ва аралаш сүякларга ажратилади.

Найсимон сүяклар

Бу сүяклар ўз навбатида узун ва калта найсимон сүяклардан иборат бўлади:

а) Узун найсимон сүякларга елка билан сон, болдири сүяклари киради, улар ғовак ва зич моддалардан тузилган бўлиб, ичида илик канали бўлади. Узун найсимон сүяклар одамда узун ричаг ҳаракатига эга бўлиб, таянч ва мудофаа вазифаларини бажаради.

б) Калта найсимон сүякларга қўл ва оёқнинг панжа сүяклари киради, уларнинг вазифалари узун найсимон сүякларга ўхшаш бўлиб, факат калта ҳаракат ричагларига эга.

Ғовак сүяклар

Бу хилдаги сүяклар узун ва калта ғовак сүякларга бўлинади:

- а) Узун ғовак (қовурға ва тўш) сүяклари — асосан, ғовак моддадан тузилиб, уларни юпқа зич модда пластиинкаси қоплаб туради. Бу сүяклар ҳимоя ва таянч вазифаларини бажаради.
- б) Калта ғовак сүяклар— умуртқа, қўл ва оёқ панжа сүяклари.
- д) Сесамасимон сүяклар (бу сүяклар номи кунжут, сесама донига ўхшашигидан олинган) ғовак моддадан тузилган тизза қопқофи, нўхатсимон сүяк, қўл ва оёқ бармоқ сүяклари хисобланади. Улар ҳаракатни осонлаштиради ва мускуллар вазифаларини бажаришда қулайлик туғдиради.

Ясси сүяклар

- а) Бошнинг ясси сүяклари ҳимоя вазифасини бажаради.
- б) Ясси камар сүяклар — курак ва чаноқ сүяклари таянч ҳамда ҳимоя вазифасини бажаради.

Аралаш сүяклар

Аралаш сүякларга бош суюгининг асосий қисмини ташкил қилган ва бир неча сүякламиңг бирикишидан ҳосил бўлган сүяклар киради. Бу хилдаги сүяклар турлича ривожланган ҳар хил шаклдаги сүяклардир.

3.1. 4. СУЯКЛАРНИНГ ЎЗАРО БИРЛАШУВИ

Одамларнинг ҳамма сүяклари бир-бири билан турли даражада бирлашади. Сүяклар нималар воситасида ва қандай бирлашишига кўра қўйидаги иккита гурухга бўлинади:

1. Узлуксиз бирикмалар (ҳаракатсиз).
2. Ҳаракатчан бирикмалар (бўғимлар).

Узлуксиз равишда қўшилган сүяклар қимирамай ёки ҳаракати жуда чегараланган бўлади. Бинобарин бу бирикмаларни бўғим деб атаб бўлмайди. Ҳаракатчан бирикма (бўғим)лар эса бутунлай бошқача тузилган ва ўзгача хусусиятга эга. Сүяклар орасида бўшлиқ бўлади ва сүякларнинг учи бир-биридан анча қочиб туради, шу сабабли бўғимларда эркин ҳаракат содир бўлади. Сүякларнинг ўзаро бирлашиш воситалари икки хил бўлади.

1. Фиброз тўқималар воситасида бирлашиш.
2. Тоғайлар воситасида бирлашиш.

Сүякларнинг бундай бирлашиши уларнинг ривожланиш давридаги ўзгаришлар натижасидир. Биз юқорида сүякламиңг ривожланиш даври икки ҳолатда кечишини айтиб ўтган эдик, яъни дастлаб сүякламиңг парда ҳолида пайдо бўлиши, сўнгра уларнинг кўпчилиги иккинчи ҳолатга — тоғай ҳолатига ўтади, шундан кейин сүякланиш бошланади. Демак, сүякларнинг ораси ўзгармасдан парда ҳолида қолиб кетса, бу фиброз тўқималари воситасида

бирлашиш ҳисобланади ёки сүяклар орасидаги парда сүякланмай қолганига тоғайлар воситасида бирлашиш дейилади. Баъзи жойда сүяклар орасидаги парда ёки тоғай сүякланиб кетади.

3.1. 5. ҲАРАКАТЧАН БИРИКМАЛАР (БҮҒИМЛАР)

Сүякларнинг бир-бирига жуда яқинлашмасдан, ўртада бўшлиқ қолдириб қўшилиши бўғим дейилади. Одатда, бўғимлар ичидаги бўшлиқда *синовиал* суюқлик бўлади, шуттинг учун буни ҳаракатчан бирлашма дейилади, Ҳаракатчан бирлашмалар ҳақиқий бўғим деб ҳисобланиши учун учта асосий шартлари бўлиши лозим (3.1 а-расм).

1. Сүякламинг бўғим ҳосил қилишда иштирок этувчи учлари (бўғим юзлари) шакл жиҳатидан бир-бирига мос келиши. Масалан: бир сүякнинг уни юмалоқ шаклида бўлса, иккинчисининг уни шунга яраша ботик бўлиши.

2. Сүякнинг бўғим юзлари 0,2—0,5 мм қалинликдаги тоғай билан қопланган. Тоғай қават бўғим юзларини силлиқлаб, ҳаракатни енгиллаштиради. Бундан ташқари, тоғайлар анча юмшоқ бўлганидан сүякларнинг зарб ейиши (езилиш)дан сақлаб туради.

3. Сүякларнинг бўғим ҳосил қилувчи учлари ва улар ўртасидаги бўшлиқнинг гир атрофи бўғим халтаси билан ўралган. Одатда, бу халта бўғим юзларининг четига ёки бўғимдан узоқ қисмларига бирикиб кетади.

Бўғим халтаси икки қаватдан — фиброз тўқимадан тузилган ташқи ва ички қаватдан иборат. Фиброз ташқи қават бўғим халтасини мустаҳкамлаш учун хизмат қилса, сийрак бириктирувчи тўқимадан тузилган ички қават халта юзасини силлиқлаш учун хизмат қилади. Ички қават бўғимга ширага ўхшаш чўзилган сарғиш рангли тиник суюқлик (синовиал суюқлиги)ни чиқаради. Бу суюқлик бўғим юзларини намлаб, баъзи серҳаракат бўғимларни қизишдан сақлаб туради. Бўғим юзларининг бир-бирига мослаштириш учун бўғим бўшлиғи ичida толали тоғайдан тузилган ҳалқалар (чаноқ-сон бўғимида), тоғай пластинкалар ҳамда бўғимларни ичидан мустаҳкамлаш учун бўғимлараро бойламалар бўлади.

Бўғимларнинг ҳаракат қилиши сүякламинг бўғим юзларининг шаклига боғлиқ. Одатда, бир сүякнинг бўғим ҳосил қилувчи уни юмалоқ (шар) шаклида бўлса, иккинчи сүяк уни шунга яраша ботик (чукурча) ҳосил қилади ёки бир сүяк силиндр шаклида бўлса, иккинчиси шунга мосланган кемтик бўлади ва ҳоказо.



3.1-расм. Бўғим турларл.

Демак, бўғим ҳосил қилишда иштирок этувчи суюклар бошларининг шаклига қараб, уларнинг ҳаракатлари аниқланади ёки, аксинча, бўғимларга қараб суюклар бошининг шакли аниқланади.

Бўғимлар фақат бир ўқ атрофида ҳаракат қиласа, яъни фақат букилиб ёзилса бир ўқли бўғим деб аталади (масалан: тирсак, бармоқлардаги бўғимлар). Бундай ҳаракат суюкларнинг биттасини юзаси силиндр ёки ғалтак шаклида бўлганда содир бўлади. Агар бўғим икки тарафлама ҳаракат қиласа, яъни бир-бири билан кесишган икки ўқ атрофида айланса, икки ўқли бўғим дейилади (масалан, билак суяги билан кафт усти суюклари ўртасидаги бўғим), бундай ҳаракат суюкламинг биттасини учи тухумсимон (елипссимон) ёки эгарсимон бўлганда вужудга келади. Баъзи бўғимлар ҳар тарафлама ҳаракат қилиш хусусиятига эга. Шунинг учун улар қўп ўқли бўғим деб аталади. Бундай бўғимни ҳосил қилишда боши юмалоқ (шарсимон) суюклар қатнашади (масалан: елка, чаноқ-сон бўғимлари).

Бўғимларда, асосан, тўрт хил ҳаракат мавжуд.

1. Кўндаланг ўқ атрофидаги ҳаракат: букиш ва ёзиш ёки фронтал (тикка) ўқ атрофида икки ёнга ҳаракатланиш.

2. Сегитал (олдиндан орқа томонга кетган) ўқ атрофидаги ҳаракат: яқинлаштириш ва узоклаштириш.

3. Доира ҳосил қилиб айланиш — суюкларнинг бир учи жойда тургани ҳолда иккинчи учининг ўз доираси атрофида айланиши.

4. Ўз ўқи атрофида айланиш (бурилиш). Шундай қилиб, *a* — шарсимон, *b* — тухумсимон, *d* — эгарсимон, *f*, *x* — ғалтаксимон ва яssi қўринишдаги бўғимлар мавжуд (3.1-расм).

3.1.6. ҚЎЛ СКЕЛЕТИ


Одам скелети, асосан, тана, бош ва қўл, оёқ суюкларидан ташкил топган. Одамнинг қўл скелети билан оёқ скелети тузлишида бир қадар ўхшашлик бўлади, лекин улар вазифалари бўйича бир-биридан фарқ қиласи. Одам оёқлари воситасида бир жойдан иккинчи жойга юриб боради ва гавдани кўтариб юради. Қўл эса меҳнат қуроли бўлиб, ушлаш вазифасини бажаради. Қўл ва оёқ суюклари жойлашган ўрнига қараб камар ҳамда эркин турган бўлимларга ажратилади. Қўл ҳам, оёқ ҳам ўз камарлари воситасида тана скелетига қўшилиб туради.

ҚўИ скелети қўИ камари ва қўИ суюкларидан тузилган. ҚўИ камарининг — иккала томонини биттадан ўмров ва кўкрак суюклари (3.2-расм) ташкил қиласи. ҚўИ суюкларининг ўзи эса уч бўҲмга бўлинади:

1) елка бўлими (камардан кейин жойлашган бўлиб) найсимон елка суюгидан (3.3 *a*, 6-расм);


2) ўрта бўлим — билак, иккита узун (тирсак ва билак) суюклардан (3.3 рф-расм);

3) қўлнинг дистал бўлими қўИ панжасининг скелетидан иборатdir. Қўл панжасининг скелети кафти усти, кафт ва бармоқ (фаланга) суюкларига бўлинади (3.3 э-расм).



3.2-расм. Құл камари сняклари: а-курак саяги; б- ўмров саяги. 1-түмшүқсімон ўсимта; 2-акромиал ўсимта; 3 бүғим чуқурлиғи; күкрак бошчаси; 5— ўмров танаси; 6-акромиал бошча.

Кафт усти саяклари турлы шаклдаги саккизта майда саяклардан иборат бўлиб, тўртадан икки қатор бўлиб жойлашган. Булардан биринчى ёки проксималь қатори (бош бармоқ томонидан ҳисобланганда) қайиқсімон 37 яримойсімон 35, уч қиррали 34 ва нўхатсімон 33 саяклардан иборат.



3.3-расм. Қўлнинг эркин турган қисми саяклари: а — елка саягини олд; б — орқа томонларидан қўриниши; д-билак саяклари; э-қўл панжа саяклари. I. Бармоқ саяклари. II. Кафт саяклари. III. Кафт усти саяклари.

1-елка саягининг кичик дўмбоғи; 2-кичик дўмбоқ қирраси; 3 – тож чукурчаси 4,5- билак саяклари билан бирлашувчи бўғим юзлари; 6-саяк танасидаги ғадир- будурлиғи; 7- катта дўмбоқ қирраси; 8- дўмбоқлараро ариқча; 9-елка саягининг дўмбоғи; 10-елка саягининг бошчаси; 11-анатомик бўйинча; 12-хирургик бўйинча; 13-лотареал ўсимта; 14-тирсак сбуқурчаси; 15 - медиал ўсимта; 16-тирсак ўсимтаси; 17- яримойсімон қирқим; 18- тож ўсимтаси; 19-тирсак саяги; 20-тирсакнинг дистал бошчаси; 21- бигизсімон ўсимта; 22-бўғим юзаси; 23- билак саягининг ўсимтаси; 24- билак саяги; 25- билак саягининг бўйинчаси; 26- билак саягининг проксимал бошчаси; 27- билак саягининг чукурчаси; 28-тирноқ фалангаси; 30- асосий фаланга; 31- бешта кафт саяклари; 32- илмоқли саяк; 33- нўхатсімон саяк; 34-учқиррали саяк; 35~ яримойсімон саяк; 36-бошчали саяк; 37-қайиқсімон саяк; 38-кичик трапетсиясімон саяк; 39-катта трапетсиясімон саяк.

Ана шу түртта сүякнинг биринчи учтаси ўзаро бирлашиб, эллипс шаклида турган бўғим юзани ҳосил қиласи ва билак сүягига бирлашиб турди, нўхатсимон сүяк фақат уч қиррали сүяк билангина қўшилади.

Кафт усти сүякларининг иккинчи ёки дистал қатори катта трапетсиясимон 39, кичик трапетсия шаклдаги 38 бошчали 36 ва илмоқли 32 сүяклардан иборат. Кафт усти сүякларнинг номлари шаклларга мос келади, уларнинг ҳар қайсисида бир-бiri билан қўшиладиган мос бўғим юзалари ва баъзиларида кафт юзаларига туртиб чиқкан ғадир-будур дўмбоқлари бўлади.

Кафт усти сүяклари бир текис турмай орқа томонга қабариб, яъни олдинга, кафт томонга ботиб кирган.

Кафт сүяклари — бешта найсимон сүяклардан тузилган бўлиб, бош бармоқ томонидан саналади.

Бармоқ фаланглари — кафт сүякларига ўхшаш калта найсимон сүяклардан тузилган бўлиб, бармоқларда олдинма-кетин қатор жойлашган. Бош бармоқдан бошқа тўртта бармоқларда учтадан, бош бармоқда эса фақат иккита фаланга сүяги мавжуд. Кафт сүяклари билан қўшилиб турган асосий фаланглар проксимал ёки биринчи фаланга дейилади. Кейинги иккинчи ёки ўрта фаланглар, охирги фаланглар учинчи ёки тирнок фаланглар деб аталади.

Бош бармоқда биринчи ва учинчи фаланглар бўлиб, ўрта фаланга бўлмайди. Бундан ташқари кафт сүяги билан биринчи бармоқ фаланга сүяклари бўғим халтачаларининг кафт соҳасида иккита сесамасимон сүякчалар бўлади. Бундай сүяклар кафт билан бошқа фаланга сүяклари бўғим халтачаларида фақат биттадан учраши мумкин.

3.1.7. ҚЎЛ СҮЯКЛАРИНИНГ БЛРЛАШУВИ

Елка бўғими елка сүягининг боши курак сүягининг бўғим чукури қўшилишидан ҳосил бўлади. Елка бўғим шарсимон бўғимлар туркумiga киради ва халтаси кенг (қаттиқ тортилмаган) бўлади, шу сабабли жуда эркин ва ҳар тарафлама ҳаракат қиласи. Елка бўғимида қўйидаги асосий ҳаракатлар содир бўлади: елка сүягининг олдинга ва орқага; елкани танадан узоқлаштириш ва яқинлаштириш; елка сүягининг ичкари ва ташқарига (вертикал ва тик — ўқ атрофида) бурилиши; айланма ҳаракатлар бажарилади.

Тирсак бўғими учта сүякнинг, яъни елка сүягининг пастки(дистал) уни билан билак ва тирсак сүякларининг устки(проксимал) учларини қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу сүякларнинг ҳар бiri ўртасидаги қўшилиш ўзига мустакил ҳаракат қилиш хусусиятига эга бўлганидан, тирсак бўғимини учта алоҳида бўғимдан: елка сүяги билан билак сүяги ўртасидаги бўғирн; елка сүяги билан тирсак сүяги ўртасидаги бўғим; билак сүяги билан тирсак сүяги ўртасидаги бўғимлардан ташкил топган деса бўлади. Тирсак бўғимининг ўзига хослиги шундаки, юқорида айтиб ўтилган учта бўғимнинг ҳар қайсиси алоҳида халтага эга эмас, балки ҳаммаси умумий битта халтага ўралган. Тирсак бўғимида, асосан, битта,

яъни кўндаланг ўқ атрофида букилиш ва ёзилиш ҳаракати содир бўлади. Шунинг учун у бир ўқли бўғимлар гуруҳига киради.

Билак ва тирсак сужкларининг устки ҳамда остки учлари бўғим ҳосил қилиб кўшилади. Сужкларнинг пастки учлари ўртасида ҳосил бўлган бўғим-билак сужгининг маҳсус кемтиги билан тирсак сужгининг бошчаси қўшилишидан ҳосил бўлади. Сужкламинг юқори учларидаги бўғимда билак сужгининг бошчаси тирсак сужгининг кемтигига кириб туради, пастки учларидаги бўғимга эса аксинча, тирсак бошчаси билак сужгининг кемтигига кириб туради, шу сабабли ҳар икки бўғим бир вақтда уйғун ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлади. Бу икки бўғимнинг уйғун ҳаракати сужкламинг ўқи атрофида айланиши туфайли билакни ичкарига ва ташқарига буради, яъни қўл кафти олд-орқа томонга айланади ва силиндр шаклидаги бўғим ҳосил қиласди.

Билак-кафт бўғими икки қатор жойлашган кафт усти сужкларининг биринчи қатордаги учта сужкнинг бўғим юзалари ҳамда билак сужгининг учидаги кенг бўғим юзаси ўртасида ҳосил бўлади. Бу бўғим эллипс шаклида бўлиб, эгилиш, букилиш, ёзилиш, узоқлаштириш ва яқинлаштириш ҳаракатлари майжуд. Кафт сужкларининг биринчи билан иккинчи қатори ўртасидаги бўғимга *ўрта кафт усти бўғими дейилади*.


Кафт усти — кафт бўғими, иккинчи қатордаги кафт усти ва кафт сужкларининг проксимал учлари ўртасида ҳосил бўлади. Бу эгарсимон бўғимлар гуруҳига киради.

Кафт сужклари билан бармоқ сужклари ўртасидаги бўғимни эллипс шаклидаги бўғимлар туркумiga киритса бўлади. Бу бўғимлар кафт сужгининг дистал учидаги бошчаси билан биринчи қатордаги бармоқ сужкларининг устки учлари чуқурчасини қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу бўғимда ҳаракат икки ўқ атрофида содир бўлади, фронтал ўқ атрофида букилиш ва ёзилиш юз берса, сегитал ўқ атрофида бармоқлар букилмаган ҳолда бир-бирига II, IV, V бармоқлар III бармоқка яқинлашади ва узоқлашади.

Бармоқ сужклари ўртасидаги бўғимлар ғалтак шаклдаги бўғимлар гуруҳига киради. Бўғим II, III, IV, V бармоқларидаги биринчи ва иккинчи фалангаларни пастки ғалтаксимон юзалари билан ҳар учала фалангаларнинг устки бўғим чуқурчалари ўртасида, бош бармоқда эса биринчи ва иккинчи фалангалар ўртасида ҳосил бўлади. Бармоқ бўғимларида факат кўндаланг ўқ атрофида ҳаракат, букилиш ва ёзилиш содир бўлади.

3.1.8. ОЁҚ СКЕЛЕТИ

Қўл сужкларига ўхшаш оёқ сужклари ҳам икки бўлакка ажралган, Буларнинг биринчиси оёқ камари бўлиб, иккала томонда чаноқ сужкларидан ташкил топган бўлса, иккинчиси уч қисмдан (3.4-расм); сон қисми — узун сон сужидан, ўрта-болдир қисми — катта 17, кичик 25 болдир ва тизза қопқоғи сужкларидан тузилган ва оёқ панжа скелетидан ташкил топган. Оёқ панжасининг скелети кафт олди I, кафт II ва бармоқлар III каби уч қисмдан иборат.



3.4-расм. Оёқнинг эркин турган қисми сүяклари: *a* — тос сүяги, *b*, *d* — сон сүягининг олд ва орқа кўриниши, *e*, *f* — болдирилган сүякларининг олд ва орқа кўриниши. I. Оёқ панжасининг кафт олди сүяклари. II. Кафт сүяклари. III. Бармоқ сүяклари.

1 — тос сүягининг қов билан бирлашган жойи; 2 — қуймич сүяги; 3 — сон сүяги бирлашадиган сүяк; 4 — тос сүягини қорин томонига қараган қисми; 5 — сон сүягининг проксимал бўйинчали; 6 — кичик ўсимта; 7 — сон сүягининг проксимал бошчали; 8 — катта ўсимта; 9 — ғадир-будур ўркач; 10 — тиззаости юзаси; 11 — лотерал ўсимта; 12 — лотерал катта ўсимта; 13 — тўпиклараро чуқурча; 14 — медиал қатта ўсимта; 15 — медиал ўсимта; 16 — тизза қопқофи бирикадиган юза; 17 — катта болдирилган сүяги; 18 — катта болдирилган қирраси; 19 — мушак бириктирувчи дўнглик; 20 — бўғим юзаси; 21 — медиал тўпик; 22 — тўпиклараро дўнглик; 23 — лотерал тўпик; 24 — кичик болдирилган сүягининг проксимал бошчали; 25 — кичик болдирилган сүяги; 26 — ташки тўпик; 27 — ички тўпик; 28 — бўғим юзаси; 29 — товоң сүяги; 30 — ошиқ сүяги; 31 — қайиқсимон сүяк; 32 — учта понасимон сүяклар; 33 — асосий фалангалар; 34 — ўрта фалангалар; 35 — тирноқ фалангалар; 36 — бешта кафт сүяклари; 37 — кубсимон сүяк.

Товоң олди қисми еттита ғовак сүяқдан ташкил топган бўлиб, уларнинг номи тузилишига монанд, яъни ошиқ 30, товоң 29, қайиқсимон 31, учта понасимон 32 ва кубсимон 37 сүяқдан иборат. Оёқ кафти — бешта кафт сүяклари 36 дан тузилган. Бу сүякларнинг тузилиши қў1-кафт сүякларига ўхшаш бўлиб, уларда ҳам проксимал учи ёки асоси, танаси ва дистал учи ёки бошчали бўлади. Оёқ бармоқларининг фалангалари қўл бармоқларига ўхшаш тузилган бўлиб, бош бармоқлардан бошқа II — V бармоқлар учтадан фалангалар 33, 34, 35 дан тузилган. Бош бармоғининг фалангалари эса иккита.

3.1.9. ОЁҚ СУЯКЛАРИНИНГ БИРЛАШУВЛАРИ

Оёқ сүяклари, асосан, бўғимлар орқали бирлашади. Булар чаноқ-сон бўғими, тизза бўғими, ошиқ-болдирилган бўғимларидир.

Чаноқ-сон бўғими — чаноқ сүягидан қуймич косаси билан сон сүягининг боши бирлашувидан вужудга келади. Бу бўғимда ҳаракат асоси уч томонлама бўлади.

1. Фронтал ўқ атрофида сон букилади ва ёзилади.
2. Сагитал ўқ атрофида сон узоклашади ва яқинлашади.
3. Вертикал ўқ атрофида сон ташқари ва ичкарига букилади. Бундан ташқари, соннинг пастки учи ўз доираси атрофида айланиб келиши ҳам мумкин.

Тизза бўғими, одам гавдасидаги барча бўғимлар ичида энг каттаси ва мураккаб тузилгани ҳисобланади. Тизза бўғими — учта суюқ, яъни сон суяги, катта болдир суяги ва тизза қопқоғининг орасида ҳосил бўлади. Тизза бўғимининг ўзига хос хусусияти шундаки, бўғим ичида иккита маҳсус кесишма бойламалар, фиброз тоғайдан тузилган ярим ҳалқа (мениск) лар ва қопқоғи устида кўшимча бўшлиқ (халта) бор. Тизза бўғими ташқи томондан жуда пишиқ тизимчага ўхшаш юмалоқ ёнланма бойламалар воситасида икки томондан мустаҳкамланган. Тизза бўғими ғалтаксимон бўғимлар туркумiga киради. Унда букилиш ва ёзилиш ҳамда ичкари ва ташқарига буралиш содир бўлади.

Ошиқ-болдир бўғими — икки болдир суякларининг пастки учларидаги бўғим юзалари билан қўшилишдан ҳосил бўлади. Бунда катта болдир суягининг пастки учидаги катта бўғим юзаси ошиқ суягининг устки юзасида ва болдир суяклардаги тўпиқларининг юзлари эса ошиқнинг икки ён юзасига тўғри келади. Ошиқ-болдир бўғими шакли жиҳатидан ғалтаксимон бўғимларга таалтуқли бўлгани учун ҳаракат фақат бир ўқ (кўндаланг ўқ) атрофида пастга (орқага) ва юқорига (олдинга) букилиш содир бўлади. Оёқ панжасида қуйидаги бўғимлар ва бойламалар бор:

1. Ошиқ остидаги бўғим — ошиқ суягининг пастки томондаги орқа бўғим юзаси билан товон суягининг устки олд бўғим юзаси қўшилишида ҳосил бўлади. Силиндрнинг бир бўлагини эслатувчи бу юзалар бўғим ҳалтаси билан мустақил равишда эркин ўралган, халта эса тўрт (олд, орқа ва икки ён) томондан бойламалар билан мустаҳкамланган.

2. Ошиқ, товоң, қайиқсимон суяклар ўртасидаги бўғим — товоң суягининг олд томонидаги бўғим юзаси, ошиқ суягининг олд томонидаги остки бўғим юзаси ва боши ҳамда қайиқсимон суякнинг чуқур бўғим юзаси қўшилишдан ҳосил бўлади. Ошиқ суякнинг остки юзаси, унинг юмалоқланган бошидаги бўғим юзаси билан қўшилиб, шарсимон юзани ҳосил қиласди.

3. Кафт олди ва кафт суяклари ўртасида бўғим — учта понасимон ва кубсимон суяклар устки учларидаги бўғим юзларининг кафт суяклари билан қўшилишдан ҳосил бўлади. Бу бўғим эгарсимон бўғим бўлиб, ҳаракати чегараланган.

4. Кафт суяклари билан бармоқ суяклари ўртасидаги бўғимлар худди қўл панжаси сингари, кафт суякларининг дистал бошчалари билан бармоқ суякларининг устки (проксимал) учларидаги чуқурчалар бирлашишидан ҳосил бўлади.

Оёқда бармоқ суяклари ўртасидаги бўғимлар ҳам худди қўлдагига ўхшайди. Ҳамма бўғимлар бойламалар билан мустаҳкамланган. Умуман оёқ панжаси бажарадиган вазифаси туфайли қўл панжасидан фарқ қиласди. Одам қадам ташлаш вақтида гавда оғирлигини енгиллатиш ва оёқнинг панжасига ички (медиал) томонидан қаралса кафт суякларининг олдинги (пастки) учлари билан товон суягининг орқа дўнги ерга қадалиб, шу икки нуқта оралиғи ердан

анчагина күтарилиб, гумбаз ҳолига киради. Ташқи (латерал) томондан қараладиган бўлса, бундай ҳолатни кўрмаймиз, чунки панжанинг ташки чети ерга тегиб туради. Гумбазнинг ҳосил бўлишида узун кафт бойлами билан оёқ тагидаги мускулларнинг роли жуда катта. Агар шу бойлам ва мускуллар бўшаса оёқ гумбази йўқолиб, ясси панжа вужудга келади, бу эса юришни қийинлаштиради.

Оёқ гумбазининг икки жиҳати алоҳида аҳамиятга молик: а) юриш вақтида, орқада қолган оёқни олдинга ташлаш учун, гавданинг оғирлиги ерга қадалган оёққа тушиб, гумбаз эгилади. Сўнгра аста-секин бўшашиб, гавдани олдинга томони худди рессор сингари) итариб беради, шу билан юришни енгиллаштиради; б) оёқ панжасидаги суюклар, мускуллар, пайлар, тери ва бошқа тўқималарни озиқлантирадиган томирлар ҳамда уларни идора қиласиган нервларни эзилишдан сақлайди. Ана шунинг учун ҳам оёқ гумбази ясси панжалик кишилар узоқ масофага юра олмайдилар ва тез чарчайдилар ҳамда оёқ тагида санчиқ сезадилар.

3.1.10. МУШАКЛАР СИСТЕМАСИ

Мушаклар организм ҳаётида муҳим ўрин тутади. Марказий нерв системаси юборадиган импулслар таъсирида гавдадаги мушаклар қисқаради. Бунинг натижасида одам бир жойдан иккинчи жойга кўчади. Мушаклар шаклига қараб узун, қисқа, ясси бўлиши мумкин. Узун мушаклар аксари қўл ва оёқда жойлашган бўлиб, урчуқсимон кўринишга эга. Ясси мушаклар, одатда, гавданинг олд ва орқа томонидан жойлашган. Баъзи мушаклар бир неча жойдан, бир неча бош билан бошланиши мумкин. Бундай мушаклар икки бошли ва тўрт бошли бўлиши мумкин. Мушак толалари йўналишига қараб, тўғри, қийшиқ, кўндаланг ва айлана бўлади.

Мушакларини қисқаришига ёрдам берувчи аппаратлари бўлиб, унга куйидагилар киради:

Пайлар— ҳар бир мушакларнинг суюкка келиб бирикувчи мустаҳкам пайи бор. Пай мушакнинг гўштдор қисмидан ўзининг ялтироқ оқ ёки сарғиш ранги билан ажралиб туради. Пайлар чўзишга жуда чидамли, 1 мм кўндаланг кесимга эга бўлган пай 7 кг юкни чўзилмасдан кўтара олади.

Фассиялар. Мушакларнинг устидан қўшувчи тўқимадан иборат ўраб турадиганпарда фассия дейилади. Фассия бир мушакни иккинчи мушакдан ажратиб туради. Шунинг учун у ҳар қайси мушакнинг алоҳида қисқаришини таъминлайди.

Чарм буюмларини лойиҳалашда, асосан, қўл ва оёқ мушакларини ўрганиш кифоя. Шунинг учун, асосан, қўл ва оёқ мушаклар тузилишини кўриб чиқамиз.

а) Қўл мушаклари

Қўл одам гавдасининг эркин ҳаракатчан қисмларидан биридир. Қўлнинг эркин ҳаракати қўл мускуллари ёрдамида амалга оширилади. Қўл мушаклари елка камари ва қўлнинг эркин қисми мушакларига бўлинади. Қўлнинг эркин қисми ўз

навбатида елка, билак ва панжа мушакларига бўлинади.


Елка соҳасида узун мушаклар жойлашган бўлиб, елка суягининг бошидан охиригача ёпиб турди ва олд, орқа гуруҳларга бўлинади. Елканинг олд томонида икки бошли мушак ва елка мушаги жойлашган. Икки бошли мушакларнинг айрим тизимлари қисқарганда турли ишларни бажариши мумкин: узун боши елка суягини гавдадан узоқлаштиради ва бир оз ичкарига буради; калта боши эса елка суягини олд томонига кўтаради, елка гавдадан узоқлашган ҳолда бўлса, уни гавдага яқинлаштиришда иштирок этади. Умуман елканинг икки бошли мускули тирсак бўғимининг кучли букувчисидир. Елка мушаги 4 эса тумшуқсимон мушак бўлиб, елкани кўтаради ва гавдага яқинлаштиради. Елкани орқа томонида, (3.5-расм) елканинг уч бошли ва тирсак мушаклари билакнинг тирсак бўғимиини ёзади. Билак мушаклари жойлашишига қараб уч (олдинги, орқа ва латерал) гуруҳларга бўлинади.

Билакнинг олдинги гуруҳи мушакларига кафт ва панжани букувчи мушаклар кирса, орқа ҳамда латерал гуруҳга, асосан, ёзувчи мушаклар киради. Билакнинг олдинги гуруҳ мушаклари юза ва чуқур қаторларда жойлашган. Кафтни билак томонга букувчи мушак юза қават мушак бўлиб, билакнинг узун суюклари соҳасидан иккинчи кафт суяги томон ўтар экан, мушак пайи трапетсиясимон суюқдаги чуқур ариқчага жойлашган. Бу мушак кафтни олдинга ва билак суяги томонига букади.

Кафтни узун мускули кафт апоневрозини таранг қиласида ва кафтни букувчи мушакларининг хар бири тўрттадан алоҳида пайга айланиб II—В бармоқларини букади, бинобарин панжани ҳам букади.

Бош бармоқни букувчи узун мушак бош бармоқнинг тирноқ фалангасини букади.

Елка мушаги. Бу мушак билак орқа томоннинг латерал четида жойлашган бўлиб, елканинг уч бошли мушаги орасида турди ва билакнинг тирсак бўғимида букади. Панжани ёзувчи узун мушаги 5 панжани орқа томонга ёзади, билакни букади, Билакнинг орқа гуруҳ мушаклари, асосан, ёзувчи мушаклар бўлиб, панжани ёзувчи, жимжилоқни ёзувчи, панжани ёзучи тирсак мушаги, бош бармоқни ёзувчи, кўрсаткич бармоқни ёзувчи узун мушаклардан иборат, Кўл панжасининг орқа (дорсалес-дорсал) томонида дорсал суюкаро мушакларидан бошка ҳеч қандай мушак бўлмайди, бу ерда кафт ва панжани ёзувчи мушаклар пайларга ўтади, холос. Кўл панжасининг мушаклари факат панжанинг кафт томонида жойлашган. Кафт мушакларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булардан иккитаси бош бармоқ ва жимжилоқ томонларида жойлашган бўлиб, билак суяги томонида жойлашганлари бош бармоқ дўмбоғи, тирсак суяги томонидагилар жимжилоқ дўмбоғи деб аталади. Иккала дўмбоқ оралиғи *кафт чуқурлиги* дейилади. Бош бармоқ дўмбоғи бош бармоқни узоқлаштирувчи, бош бармоқни букувчи, бош бармоқни рўбарў қилувчи, бош бармоқни яқинлаштирувчи каби мушаклардан ташкил топган.




3,5-расм. Қўлни эркин турган қисмининг мушаклари. а — қўлни эркин турган қисмининг мушаклари: 1 — делтасимон мушак; 2 — тумшуқсимон елка мушаги; 3 — уч бошли мушак; 4 — ички елка мушаги; 5 — юмалоқ пронатор; 6 — узун кафт мушаги; 7 — бармоқларни букувчи юза мушак; 8 — бармоқларни букувчи тирсак мушаги; 9 — қўл кафтининг билак букувчиси; 10 — елка билак мушаги; 11 — елкани икки бошли мушаги, б — панжа мушаклари: 1 —узун супинатор; 2 — ички тирсак мушаги; 3 — бармоқларни юза букувчи мушак; 4 —тирсак суяги; 5 —нўхотсимон суяк; 6 — кафт бойлами; 7 —кичик кафт мушаги; 8 —жимжилоқ; 9 — ўрта фалангани ёзувчи пай; 10 — тирноқ фалангасини ёзувчи пай; 11 — бойламлар; 12 — фалангалар; 13 — суяклараро мушак; 14 —бош бармоқни букувчи узун мушак; 15 —бош бармоқни яқинлаштирувчи мушак; 16 — бош бармоқни узоқлаштирувчи қисқа мушак; 17 — бош бармоқни узоқлаштирувчи мушак; 18 — бош бармоқни ёзувчи узун пай; 19 — бармоқни ёзувчи қисқа пай; 20 — узун кафт мушаги; 21 — ички билак мушаги; 22 — тўртбурчак пронатор; 23 — ташқи бойлам; 24 — бош бармоқни узоқлаштирувчи узун мушак, Жимжилоқ дўмбоги жимжилоқни узоқлаштирувчи, жимжилоқни букувчи калта мушак, жимжилоқни рўбарў қилувчи мушаклардан ташкил топган. Кафтининг ўрта ва орқа гурӯҳ мушаклари — суяклараро мушаклар бўлиб, олдинги (кафт) ва орқа (дорсал-дорсалес) гурӯхга бўлинади. Суяклараро мушаклари кафт томонда учта, дорсал томонда тўртта бўлиб, вазифаси бирбирига зид. Агар кафт томонидаги суяклараро мушаклар II—IV—V бармоқларни ўрта бармоққа яқинлаштираса, кафт орқа суяклараро дорсал мушаклар аксинча: I—II бармоқларни латерал, III—IV бармоқларни медиал томонга тортади, натижада бармоқлар ёзилади. Суяклараро мушаклардан ташқари тўртта чувалчангсимон мушаклар бор. Бу мушаклар узун ингичка бўлиб, панжани букувчи чуқур мушак пайларнинг орасида ётади ва II—V бармоқларнинг асосий фалангасини букади ва ўрта, тирноқ фалангаларни ёзади.

б) Оёқ мушаклари

Оёқ эркин қисмининг мушаклари уч қисмга бўлинади.

1. Сон мушаклари.
2. Болдир мушаклари.
3. Оёқ панжа мушаклари.

Сон суяги ҳамма томонидан мушаклар билан қопланган (3.6-расм). Бу мушакларни уч: олдинги, медиал ва орқа гурухларга бўлиш мумкин. Олдинги гурухга соннинг тўрт бошли ва машиначилар мушаги киради. Тўрт бошли мушак болдирини ёзади, машиначилар мушаги тизза бўғимида болдирини буради. Медиал гурухга сонни иккинчи сонга яқинлаштирувчи мушаклар (узун, калта ва нозик мушак) ва тарқоқсимон мушаклар киради. Медиал гурух мушакларнинг ҳаммаси бир сонни иккинчи сонга яқинлаштиради. Тароқсимон мушак сонни бир-бирига яқинлаштиради ва букади. Нозик сон мушакларга икки



бошли, ярим пай ва ярим парда мушаклар киради. Соннинг орқа гурух мушаклари сонни ёзади, болдирини букади. Бундан ташқари, икки бошли мушак болдирини ташқарига, қолган иккита мушаклар эса болдирини ичкарига буради.

Болдир мушаклари — уч гурухга, чунончи олдинги, латерал ва орқа гурухларга бўлинади. Болдир мушаклари, асосан, оёқ панжасининг харакатга келтириш, гавданинг тик туришини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаради. Болдиринг олдинги гурух мушакларига катта болдир, II—Убармоқларни ёзувчи узун ва бош бармоқни ёзувчи узун мушаклар киради. Катта болдир мушаги оёқ панжасини ёзади, панжанинг медиал четини кўтаради, қолганлари эса бармоқларни ёзади.

Болдиринг орқа гурух мушаклари иккига, юза ва чуқур қаватга бўлинади. Юза қават — болдир, камбаласимон, товои (ёки оёқ кафти)

3.6-расм. Оёқнинг эркин қисмининг мушаклари:

1 — думба тожи; 2 — ўрта думба мушаги; 3 — таранглаштирувчи мушак; 4 — соннинг тўғри мушаги; 5 — ташқи кенгайтирилган мушак; 6 — кафт-болдир олди мушаги; 7 — бармоқларни букувчи узун мушак; 8 — кўндаланг бойлам; 9 — ташқи тўпик; 10 — кичик болдир суюгининг узун мушаги; 11 — камбаласимон мушак; 12 — ташқи болдир мушаги; 13 — соннинг икки бошли мушаги; 14 — думбанинг катта мушаги.

мушакларидан иборат. Болдир мушаги — сон суюгининг дўмбоғига ёпишади. Болдир мушаги болдир ва оёқ панжасини букади.

Камбаласимон мушак — кичик болдир суюгининг бошчасидан, катта болдир суюгининг юқори учини орқа юзасидан бошланиб, мушаги пай билан бирга товон суюги дўмбоғига ёпишади. Бу япалоқ бақувват мушак бўлиб, шакли камбала балиғига ўхшайди ва оёқ панжасини букади, ташқарига буради. Товон (ёки оёқ кафти) мушаги сон суюгининг юқори учини орқа тақим юзасидан бошланиб, товон суюгининг дўмбоғига ёпишади.

Тизза букилганда бўғим капсуласимон тортилади. Чукур қават билан юза қават орасида уларни ажратиб турувчи болдириларни фассиялари бор. Чукур қават учта мушакдан ташкил топган. Тақим мушаги, бармоқларни букувчи узун мушак бўлиб, болдириларни букувчи узун мушак — катта болдир суюгининг орқа юзасидан бошлаб, II—Vбармоқлар тирноқ фалангаларнинг остки — кафт юзасига ёпишади. Оёқ панжасининг тирноқ фалангасини букади, оёқ учида юришни таъминлайди.

Катта болдир мушаги — катта ва кичик болдир суюгининг бир-бирига ёндош четларининг орқа юзасидан бошланиб, II—IVкафт суюкларга ва учала понасимон суккя ёпишади. Бу мускул бевосита суюкларро парданинг устида бармоқлар ва бош бармоқни букувчи узун мушаклар орасида ётади. Оёқ панжасининг медиал четида болдир суюгининг юзасидан бошланиб, бош бармоқ иккинчи фалангасининг остки юзасига ёпишади.

Орқа гуруҳ мушаклар, мушаклар ичидаги энг бақуввати бўлиб, тузилишига кўра кўш патлидир. Бу гуруҳ мушаклар бош бармоқни букади, оёқ панжасини букилишида иштирок этади. Оёқ гумбазини ҳосил қилишда, мустаҳкамлашда қатнашади. Латерал гуруҳ мушаклар кичик болдир ва катта болдир мушаги бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кичик болдир суюгининг устидан ёпиб туради.

Кичик болдир узун мушаги кичик болдир суюгининг бошчаси ва юқори учининг олдинги сатхидан бошланиб, биринчи понасимон суккя ёпишади. Мушакларнинг гўштдор қисми тахминан болдириларни ўртасига келганда бақувват пайга айланади. Бу пай латерал тўпик орасидан ўтиб, панжасининг кафти томонига боради. Оёқ панжасининг кафтидан кичик болдириларни узун мушаги латерал томонидан медиал томонига қараб кесиб ўтади. Оёқ панжасининг латерал четини юқорига, медиал четини пастига тортади (прнатсия қиласи). Калта кичик болдир мушаги ҳам худди узун (болдир) мушаги сингари оёқ панжасининг латерал четини кўтариб, медиал четини пастига туширади. Оёқ панжасининг мушаклари ҳам қўл панжасининг мушаклари каби устки ёзувчи ва остки букувчи гурухларга бўлинади. Оёқ панжасида ҳам букувчи мушаклар кўп бўлади, ёзувчи мушаклар анча кам бўлади. Оёқ панжасининг орқа (уст) томонида, асосан, бармоқларни ёзувчи калта мушаклар ётади. Бармоқларни ёзувчи калта мушак товон суюгининг олдинги ва латерал (юзасидан ошиқ суюги билан чегарадош ерига яқин жойидан бошланиб) II—Vбармоқларнинг уст (орқа) юзасига ёпишади. Оёқ панжасининг устки (орқа) дўнг томонидан панжани ёзувчи узун мушак пайининг остида жойлашган бўлиб (мушак пайлари), учга бўлинган, панжани ёзувчи узун мушак пайлари билан

биргалашиб, II—V бармоқларга қараб йўналади ва II—V бармоқларни ёзади.

Бош бармоқни эса бош бармоқни ёзувчи калта мушак ёзади. Бу мушак товоң суюгининг олдинги латерал юзасидан бошланиб, бош бармоқ асосий фалангасининг тубига ёпишади. Оёқ панжасининг кафт (остки) томонидаги мушаклар қўл кафт мушаклари сингари медиал (бош бармоқ), латерал (жимжилоқ) ва ўрта гуруҳларга бўлинади.

Медиал гурухга бош бармоқни узоқлаштирувчи, букувчи, яқинлаштирувчи мушаклар киради. Бош бармоқни узоқлаштирувчи мушак товоң суюгининг медиал ўсимтасидан бошланиб, бош бармоқ биринчи фаланга асосига, сесамасимон суякка ёпишади. Узун патсирон мушак, оёқ панжасининг медиал чекка юзасига жойлашган ва бош бармоқни бошқа бармоқлардан узоқлаштиради, медиал томонга тортади.

Бош бармоқни букувчи калта мушак бош бармоқ асосий фалангасини буқади. Аввалги мушакка қарагандა калтароқ бўлиб, қисман ўша мушак билан ёпишиб туради. Бош бармоқни яқинлаштирувчи мушак бош бармоқни бошқа бармоқларга яқинлаштиради.

Латерал гурухга—жимжилоқни узоқлаштирувчи, букувчи, калта мушак ва рўбарў қилувчи мушаклар киради. Бу гурухга киравчи мушаклар, асосан, оёқ панжасининг остидаги гумбазни латерал томонини мустаҳкамлаб туради. Ўрта гурухга қуйидаги мушаклар киради, II—IV бармоқларни букувчи калта мушак, оёқ кафти квадрат мушаги, оёқ панжасинингчувалчангсимон мушаклари, суяклараро мушаклар тўрттаси оёқ панжасининг устки (дорсал) томонида ва учтаси (плантар) кафт томонида жойлашган. Бармоқларни букувчи калта мушак оёқ гумбазини мустаҳкамлайди ва II—IV бармоқларни буқади. Квадрат мушак эса бармоқларни букишга ёрдам беради. Чувалчангсимон мушаклар II—IV бармоқларни буқади ва медиал томонга тортади. Суяклараро мушаклар икки гурухга бўлинади. Тўрттаси оёқ панжасининг устки (дорсал) томонида, учтаси кафт (плантар) томонида жойлашган ва III, IV ва V бармоқларни медиал, II—III ва IV бармоқларни латерал томонга тортади. Оёқ мушаклари умумий фассия билан қопланган. Оёқ панжасининг уст томонидаги фассия болдирип фассиясига қарагандা юпқароқ. Оёқ панжасининг ост томонидаги фассия эса аксинча, жуда қалин. Оёқ панжасининг ост томонидаги фассия шунча қалинлашадики, натижада кафт апоневрозига айланади. Кафт апоневрозлардан чукур мускулларга қараб фиброз тўсиқлар ўсиб чиққан, Кафт апоневрознинг қалинлиги турли қисмда турлича; товоң остида 3—4 мм бўлса, кафт суяклари остида эса 1 мм га teng. А.И.Кобзин изланишларига қарагандা, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган одамларда кафт апоневрози жуда ривожланган ва унинг товоң суюги остидаги қалинлиги 5,2 мм га teng. Ҳамма бўғимлар жуда мустаҳкам бойламалар билан мустаҳкамланган.

3.1.11. ТЕРИНИНГ ТУЗИЛИШІ ВА ВАЗИФАСИ

Тери уч қаватдан иборат бўлиб, сиртида юпқа қават — эпидермис, ички қавати анчагина қалин ва у чин тери (дерма) дейилади. Уснинчи қаватида эса тери ости ёғ клетчаткаси ётади, бу ерга, асосан, ёғ тўпланган бўлади. Терига ундаги шох тузулма (ҳосил)лар — соч ва тирноқлар ҳам киради.

Епидермис эпителий тўқимасидан ҳосил бўлган, унинг сиртида бир-бирига зич тақалган, деярли рангиз тангачалар шаклидаги шохга айланган ўлик хужайралар бор. Ана шу тангачалар терининг ҳимоя қаватини ҳосил қиласди, бу қаватдан қаттиқ зарралар кира отмайди ва теварак атрофидаги муҳитдан суюқлик ва газлар деярли ўта олмайди. Эпидермиснинг юқори қатлами остига тирик хужайралар жойташган. Улар бир неча қават бўлиб ётади. Бу хужайраларнинг таркибида пигмент бўлади. Одамлар терисини оқ ёки қорача бўлиши ана шу пигментнинг миқдори ва таркибига боғлиқ. Қуёш нурининг таъсири остида тери пигментатсияси кучаяди.

Чин тери бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган, бу тўқиманинг хужайралараро моддаси қайишқоқ толалардан иборат. Шундай толалар терига эластиклик беради. Агар тери, масалан, қўл панжасининг орқа териси тортиб кўрилса, у чўзилади, аммо у қўйиб юборилган заҳотиёқ олдинги ҳолатга қайтади. Тери ана шу эластиклиги туфайли одам томонидан бажариладиган ҳар қандай ҳаракатга тўсқинлик қиласди. Чин тери ўз дўмбоқчалари ва ғўлачалари билан эпидермисга кириб туради. Бу терининг асосий қисмидир. Бу ерда ретсепторлар — ёғ ва тер безлари, жун халтачалари, қон ва лимфатик томирлар бўлади.

Тери ости ёғ клетчаткаси бириктирувчи ёғ тўқимасидан ҳосил бўлган терининг энг чуқур қаватидир. Бу қават организмни ҳаддан ташқари совиб кетишидан сақлайди. Тери ости ёғи клетчаткаси танага ташқаридан бўладиган турткilarни маълум даражада юмшатади. Бундан ташқари, уларда организмнинг ортиқча ёғи тўпланади. Ёғ, тери ва соchlарни мойлаб, уларни юмшатади.

Одам танасини қоплаб турган терининг ўртача юзаси $1,5 \text{ м}^2$ га teng, қалинлиги эса 1 мм дан 4 мм гача бўлади. Энг юпқа тери, бу қош ости териси, энг қалини оёқ панжасининг остидадир.

Терида кўп миқдорда ёғ ва тер безлари мавжуд. Тер безлари чин терида жойлашган. Бу безларнинг ҳар қайсиси пухта ўралган тугунчадан бошланувчи найдан иборат. Бундай найданинг тўғри қисми тер безининг чиқариш йўли — тери сиртига тешикча билан очилади. Тер безларининг умумий сони одамда 2 млн ни ташкил этади. Тер безлари одам танасида ҳар хил жойлашган. М.Ф. Иванискийнинг гистологик (илмий) текширишига қараганда, тер безлари, асосан, оёқ панжа ости (бешта оёқ кафти) суякларида жойлашган. Бу ерда 1 см^2 га 300—350 тер безлари тўғри келади.

Оёқ панжаси устига, товон остига, оёқ панжасининг ички ва ташқи томонларига ўртача 1 см^2 га 200—250 тер безлари тўғри келади.

Тер таркибининг 98—99 фоизи асосан сувдан ҳамда ош тузи, мочевина, ёғли учувчи кислоталар, керотин, ёғ, холестерин ва бошқа моддалардан ташкил топган.

Буйрак касалига чалингандада унинг айрим функцияларини тери ўз зиммасига олади. Терининг кўп-оз чиқиши фақат тер безларининг жойлашишига қараб эмас, балки уларнинг интенсив ишлашига боғлиқ.

М.Ф.Иванискийнинг тадқиқотига қараганда, оёқ панжасига босим ортган сари тер ҳам кўпаяди. Терининг кимёвий таркиби ҳар доим бир хил эмас. Унинг таркибига қуруқ қолдик 0,5 фоиздан 2,5 фоизгача ўзгариб туради. Тер таркибига кирадиган бактериялар таъсирида тер тез парчаланиб, ўзидан ёқимсиз ҳидли учувчи моддалар ҳосил қилиб, унга ишқорий таркиб беради. Организм қаттиқ қизиб кетиши мумкин бўлган вақтда одамда тер ажралиш жараёни рефлектор равишда кўпаяди. Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда, иссиқ овқат истеъмол қилингандада, оғир жисмоний иш бажарилганда, одам қаттиқ кўркқанда ёки жуда хурсанд бўлганда тер чиқиши кучайиб кетади.

Одам организми ўз териси орқали бир кеча-кундуз мобайнида 0,5 литрдан 10 литргача тер ва сув чиқариши мумкин.

Ю.П. Зибин ва Г.П. Булатовларнинг илмий изланишлари шуни кўрсатадики, герметик беркитилган оёқ панжаси тинч ҳолатда (ўрта жисмоний иш бажарган) ўртacha 1,2 гр/соат дан 2,5 гр/соат гача, оғир жисмоний иш бажарганда 6—12 гр/соат тер чиқаради. Тер пойабзалнинг устки деталларини емирилишига таъсир қилувчи омиллардан биридир.

Терининг пойабзал деталларига таъсирини ўрганиш шуни кўрсатадики, ишқорий муҳит чармнинг кислородни ютишга, чарм таркибидаги оқсил ва танидларни оксидланишига олиб келади. Тер таъсирида пойабзалнинг чарм деталларининг бикирлиги ортади.

Тери хилма-хил вазифаларни бажаради. Тери химоя органидир. У тери остида ётган тўқималарни механик шикастланишдан саклайди, организмни кўп сув йўқотилишига тўқсинглик қиласи, тана ичкарисига чет моддалар ҳамда касаллик туғдирувчи микробларни киришига йўл қўймайди.

Тери нафас олиш вазифасини бажаради. Унинг тўқималари орқали кислород ўтади ва модда алмашинувида иштирок этади. Терида кўп қон томирлари бор. Уларда 1 литргача қон мавжуд. Кўпинча теридаги қон томирларнинг 1/3 қисми ишлайди. Аммо одам қаттиқ жисмоний меҳнат қилгандаги қон томирларининг ҳаммаси ишга тушади. Нихоят, тери организм учун ҳаддан ташқари муҳим, тана ҳароратини доимий сақлаб туриш вазифасини бажаради. Оёқ панжасининг ости ҳарорати тана ҳароратидан анча паст. Оёқ панжасининг устки қисмининг ҳарорати оёқ панжасини ости ҳароратидан 1,5°C юқори, болдириларнинг ҳарорати эса оёқ панжасининг устки ҳароратидан 3,7°C га юқори. Ташқи муҳит таъсирида оёқ панжасининг ҳарорати пасайса, одам шамоллаш касалликларига чалинади.

3.2. ОЁҚ АНТРОПОМЕТРИЯСИ

Организмнинг шаклланиш ва ривожланишига одам яшаб турган жойларни иқлим-географик шароити, ижтимоий тузуми ҳам таъсир қиласи. Буларни антропология фани ўрганади.

Антропометрия — бу антропологиянинг изланиш усулларидан бири бўлиб, инсон танасининг турли ўлчамларини олишда ишлатилади.

3.2.1. ОЁҚНИ ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

Одамлар оёқларининг тузилиши бир хил бўлганлиги билан уларнинг ўлчамлари бир-биридан жуда катта фарқ қиласди. Оммавий пойабзал ишлаб чиқариш учун оёқ панжасининг тузилишини ўрганиш кифоя қилмай, балки истеъмолчиларнинг оёқ панжасининг ўлчамларини ҳам билиш керак.

Агар ҳар бир истеъмолчи учун алоҳида пойабзал тикиладиган бўлса, оммавий пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйилган ва бир корхонада сон-саноқсиз қолиллар ишлатилишига тўғри келадиган бўлар эди.

Оммавий пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида бундай ишлаш имконияти йўқ ва шундай ишлаш ҳам шарт эмас.

Пойабзал корхоналари маълум муддат ичида замонавий мода йўналишига қараб пойабзаллар ишлаб чиқаради. Бу ишлаб чиқарилган пойабзаллар ўлчамлари билан аҳолининг талабларини қондириши керак.

Оёқ панжасини оммавий ўлчаш ва ўрганиш натижасида, уларнинг шакли ва ўлчамлари бўйича гурухларга бўлинади. Бу муаммога бағишлиланган жуда қўп рус тиббиёт ва антрополог олимларнинг илмий ишлари мавжуд.


Аҳолининг оёқ панжаларини оммавий ўлчашда иштирок этган пойабзалчи технологлар Ю.П. Зибин, Б.П.Хохлов, Х.Х. Лиокумович, К.И. Ченсова, О.В. Фарниева О.А. Ҳайдаров (Ўзбекистон аҳолиси учун) ва бошқалар, тиббиёт ва антрополог олимлар М.А. Петров, В.В. Бунак, П.Р. Зенкевич, П.Н. Башкиров, М.В. Игнатев, В.М. Кранс ва бошқалар билан бирга илмий тадқиқот ишларни олиб бориш натижасида, пойабзал саноатида аҳолига қулай ва оёқ панжасининг ўлчамларига мос келадиган пойабзал ишлаб чиқариш имкони яратилди.

3.2.2. ОЁҚ ПАНЖАСИ ВА БОЛДИРИНИ ЎЛЧАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБ ҲАМДА МОСЛАМАЛАР

Оёқ панжаси ва болдирини ўлчашда қуйидаги асбоб ҳамда мосламалар ишлатилади:

а) Плантограф (3.7-а расм), оёқ панжасининг контури ва изини (плантограммасини) олишга мўлжалланган мослама. Бу мослама жуда содда бўлиб, асос 3 га шарнир ёрдамида бириктиритган рамка 2 дан ташкил топган. Рамкага тўқима(дока) материалл ва поливинилхlorид плёнка 1 тортилган бўлади. Босмахона бўёғини докага суриб, асосга оқ қофоз 4 ни қўйиб, рамка ёпилади, сўнgra ўнг оёқ панжасини плёнка устига қўйиб, унинг контури чизиб олинади.


б) электрконтактли контурограф (3.7-б расм) оёқ панжаси плантографга қўйилгандан кейин унинг контурини чизиб олишда ишлатиладиган асбоб, унинг учбурчак шаклидаги ишчи қисми 2 да чизиш учун игна 1 бўлади. Оёқ панжасига таъсир қиладиган босимни назорат қилиш учун электр схема билан таъминланган.



3.7-расм. Планограмма хосил қилувсби асбоб.

Агар оёқ панжасининг контурини чизаётганда контурографни нормал босимда оёқ панжасига теккизиб, унинг контури бўйича юргизилса, биринчи лампочка 4 ёнади (3.7-д расм), нормадан ортиб кетса, иккинчи лампочка 3 ёнади. Бу эса оёқ панжасининг контурини чизишда хатога йўл қўйилаётганини билдиради.

д) Оёқ панжасини ўлчайдиган асбоб (3.8-расм) Ю.П. Зибин ва В.К. Макаричева томонидан ихтиро қилинган. Унинг рамкали асоси 9 шаффофф тиник таянч пластмасса 1 дан ташкил топган, бу пластинкада паз 15бўлиб, унда штир 4 жойлашади. Штир узунлик бўйича йўналтирувчи 2 пружинали втулка 3 га ўрнатилган. Штир 4 шаффофф пластинканинг узунлиги бўйича ҳаракат қиласи, Чизғичлар 14 пластинка 11 ёрдамида ўзаро бирлаштирилган бўлиб, асоснинг йўналтирувчи 2 пазида ҳаракат қиласи. Оёқ панжасининг товон қисми




3.8-расм. Оёқ панжасини ўлчаш асбоби.

Иккита ён 12 ва битта орқа 13 пластинкага тегиб туриши керак. Улар 7 ва 8 втулкалар ёрдамида сток 6 орқали пластинка 11 га бириктирилган. Улар ўз навбатида пружинали созланадиган стержен 10 ва 5 орқали пластинка 13 ва сигнал бериш системаси 16 га уланган. Ўлчаш системаси (3.8-б расм) асос 22 га бириктирилган оёқ панжасининг энини ўлчайдиган ўткир учли 23 горизонтал чизғич 17дан ва баландлигини ўлчайдиган вертикал чизғич 18 дан ташкил топган. Вертикал чизғич 18 нинг нол нуқтаси муфта 19 нинг юқори сатҳига тенг бўлади, қачонки горизонтал чизғич 17 нинг ўткир учли 23 шаффоф таянч пластинкаси юқори юзасига тегиб турса. Горизонтал чизғичнинг нол нуқтаси муфта 20 нинг ён сатҳи билан тенг жойлашади, қачонки унинг ўткир учли 23 чизғич 14 ларга параллел ўқда ётса. Бу ўлчаш системаси оёқ ўлчагичнинг узунлиги бўйича ҳаракат қиласиди. Оёқ панжасини оёқ ўлчагичга шундай қўйиш керакки, штир 4 иккинчи ва учинчи бармоқлар орасида, товоң қисми ён ва орқа пластинкаларга тегиб туриши керак. Оёқ панжасининг товоң қисми пластинкаларга тегиб турганда уни эзилиш даражаси сигнал системаси орқали назорат қилинади.

е) Оёқ панжаси ва болдирилни ўлчайдиган ўлчаш асбоби (3.8-д расм), асос 27 га миллиметрли шкаласи бор чизғичли сток 24 бириктирилган. Бу стокга горизонтал кўрсаткич 28, ҳаракатланувчи муфта 25 ёрдамида бириктирилади. Ундаги маҳсус тешик 26 орқали, анатомик нуқталарнинг баландлик ўлчамлари ёзиб олинади. Қучоқ ўлчамлари эни 6—7 мм бўлган миллиметрли тасмаларда ўлчанади.

3.2.3. ОЁҚ ПАНЖАСИ ВА БОЛДИРНИ ЎЛЧАШ УЧУН АСОСИЙ АНАТОМИК НУҚТАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Оёқ панжаси ва болдирилни ўлчаш учун унинг асосий анатомик нуқталарининг ўрни белгиланиши керак (3.9-а, б расм). Булар товоң қисмининг орқа томонидаги энг бўртиб чиқсан жойи 1, букилиш нуқтаси 5, оёқ панжасининг узунлигини ўртаси 4, кафт суюкларининг биринчи 6 ва бешинчи 3 дистал бошчасининг маркази, биринчи ёки иккинчи бармоқнинг олд нуқтаси 2, бешинчи бармоқнинг охири 9, ташки тўпиқнинг маркази 10, ички тўпиқнинг маркази 11, қайиқсимон суюкнинг бўртиб чиқсан жойи 12,



биринчи кафт бармоқ бўғимининг марказини энг бўртиб чиқсан нуқтаси 8, болдирининг энг ривожланган қисм 13 ларидан иборат.

VIII IX X XI

3.9-расм. Оёқ панжасини (а), болдирини

(б) анатомик нуқталарини белгилаш ласвири.

3.2.4. ОЁҚ ПАНЖАСИ, БОЛДИРНИНГ УЗУНЛИК ВА БАЛАНДЛИК ЎЛЧАМЛАРИНИ ОЛИШ

Узунлик ва баландлик ўлчамларим олиш учун ўнг оёқ панжасини юкорида айтилганидек қўйилади. Одам танасининг оғирлиги иккала оёққа бир хил тушиши ва улар орасидаги масофа 200 мм бўлиши керак. Шундай ҳолатда оёқ панжасининг узунлик ўлчамлари 1 нуқтадан то 2, 3, 5, 6, 9, 10, 11 нуқталаргача (3.10-а расм), баландлик ўлчамлари эса таянч текислигидан то 1, 8, 7, 10, 11 нуқталаригача ўлчанади. Болдирининг баландлик ўлчамлари эса таянч текислигидан то 13, 14 (3.9-б расм) нуқталаргача ўлчанади.


3.2.5. ОЁҚ ПАНЖАСИННИГ ИЗИ, КОНТУРИ ВА УНИНГ ЭН ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Оёқ панжасининг изи ва горизонтал проексиясини олиш учун плантографга (3.6-а расм) босмахона бўёғини суртиб, асосга оқ қоғоз қўйилади ва поливинилхлорид плёнкали рамка ёпилади.

Поливинилхлорид плёнкага ўнг оёқнинг панжаси қўйилади ва электроконтактлик контурограф ёки бўлмаса оддий, учи яхши очилган қаламни таянч текислигига тик қилиб, оёқ панжасининг контури чизиб олинади.

Контур чизаётганда 3, 6 ҳамда бармоқларнинг орасидаги нуқталар белгилаб қўйилиши керак (3.8-а расм.).

Оёқ панжасининг эн ўлчамлари ва бош бармоқларнинг оғиш бурчаги плантограммадан олинади (3.10-расм).



Плантограммага К.И. Ченсова тавсия қилган қўйидаги усул билан ишлов берилади. Товоң қисмининг ўртаси Φ ҳамда иккинчи ва учинчи бармоқлар ўртаси орқали оёқ панжасининг бўйлама ўки ўтказилади. Оёқ панжасининг контурида белгиланган 3,5 нуқталар орқали бўйлама ўққа тик туширилади ва улар ўз навбатида горизонтал проексиянинг контури билан кесишгунча давом эттирилади (m ва Φ нуқталар) 2- Φ нуқталар орасидаги масофа ички тутамнинг $Ш_{u.m}$ ва 5- m нуқталар орасидаги масофа ташқи тутамнинг $Ш_{mm}$ энларини билдиради.

Оёқ панжасини товоң қисмининг горизонтал проексиясини энг кенг жойида товоң қисмининг эни $Ш_m$ ўлчанади.

Оёқ панжасининг горизонтал проексияси контурига

(2) нуқта орқали уринма *ОБ* ўтказилади. Бош бармоқ контурига ўтказилган уринма билан *ОБ* орасидаги бурчак бош бармоқнинг оғиш бурчаги a_7 ни билдиради.

3.1-расм. Оёқ панжасининг

плантограммасигасига

ишлиов бериш.

Агар:

$\alpha_1 \geq -10^\circ \div 10^\circ$ бўлса, нормал ҳолат;

$\alpha_1 \geq 10^\circ \div 15^\circ$ бўлса, ташқи томонга бурилган;

$\alpha_1 \geq 16^\circ$ дан катта бўлса, қийшиқ бош бармоқ ҳисобланади.

Оёқ панжаси гумбазининг ҳолатини плантограммада яққол кўриш мумкин. Оёқ панжаси гумбазининг ҳолатини белгиловчи коефитсиент (K) ни топиш учун (3.10-расм) оёқ панжасининг ички ва ташқи бурчакларга ажратувчи, Φ , 16 тўғри чизифи ўтказилади. Оёқ панжасининг изини ташқи томонга, энг бўртиб чиққан, нуқталар 5ъ ва С орқали уринма ўтказилади. 5ъ ва С чизигига А ва X нуқталардан тик тушириб, э ва Xъ нуқталари топилади. Топилган э Xъкесма оёқ панжасини изининг узунлигини билдиради.

Е нуқтадан уринма эXъ бўйича $\bar{E} = 0,46 \cdot \bar{e}X$ кесма қўйилади.

Топилган Б нуқтадан, уринма эXъ га тик туширилади ва кесмалар эXъ ҳамда ИГ ўлчанади. Бу ерда эXъ ташқи гумбазнинг эни, ИГ изнинг эни.

Коефитсиент K қуидаги тенглама бўйича топилади:

$$K = \frac{IG}{VZ}.$$

Коефитсиент K қуидаги қийматлари бўйича гурухларга бўлинади:

$K = 0,5$ ёки кичик бўлса, гумбази кўтарилилган;

$K = 0,51 \div 1,1$ нормал;

$K = 1,11 \div 1,2$ гумбази паст;

$K = 1,21 \div 1,31$ 1-даражали ясси;

$K = 1,31 \div 1,5$ 2-даражали ясси;

$K = 1,5$ ва катта бўлса, 3-даражали ясси оёқ панжа дейилади.

3.2.6. ОЁҚ ПАНЖАСИ ВА БОЛДИРНИНГ ҚУЧОҚ ЎЛЧАМЛАРИНИ ЎЛЧАШ


Қучоқ ўлчамлари чўзилмайдиган миллиметр шкаласи бор тасма ёрдамида ўлчанади. Ички ва ташқи тутамларнинг қучоқ ўлчамларини ўлчанаётганда, тасманинг чети товон томонга йўнаиган бўлиб, ўз навбатида 2ва 5нуқталарда ётиши керак. Оёқ панжасининг ўртасини кўндаланг периметри ўлчанаётганда тасма 4 нуқтада ётади. Қийшиқ қучоқ ўлчами Об.т, ўлчанаётганда тасма оёқ панжасининг букилиш нуқтаси 5 ва товоннинг бўртиб чиққан 6 нуқтаси орқали ўтиши керак.

Болдиминг қучоқ ўлчамлари 01, 02, 03, 5, 13, 14 нуқталар орқали 5 ўлчанади. Ўлчанаётганда тасма болдирга ёпишиб, болдирнинг шартли вертикал ўқига тик бўлиши керак.

3.2.7. ОЁҚ ПАНЖАСИ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШ

ҚОНУНИЯТЛАРИ

Оёқ панжасининг шакли, ўлчамлари одамнинг жинсига, ёшига ва яшаш географик шароитига боғлик. Шунинг учун оёқ панжасини бир неча гуруҳга жинси, иқлим ва географик шароитлари бўйича ажратиб



ўлчанади. Тўғри ва ишончли натижалар олиш учун ҳар бир гуруҳда камидаги 500 та одам бўлиши керак.

Кўп сонли илмий ишлар натижаси шуни кўрсатдиги, оёқ панжасининг ўлчамлари маълум қонуниятлар орқали тақсимланади. Оммавий ўлчашлар натижасида Ю.П. Зибин томонидан пойабзалларни лойиҳалашда асос бўладиган тўртта қонун яратилди.

3.11-расм. Оёқ панжасининг узунлиги ўлчамлари бўйича тақсираланиши: X — Узунлик ўлчами; Y — Берилган қийматдаги одамлар сони.

Биринчи қонун. Оёқ панжасининг ўлчамлари бир хил жамоада текис тақсимланиши қонунга бўйсунади.

3.11-расмдан кўриниб турибдиги, ўлчаш натижалари (устун шаклда), қўйидаги текис тақсимланиш қонуни тенгламаси ёрдамида қурилган эгри чизиққа мос келади:

$$Y = \frac{1}{\sigma \sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-M)^2}{2\sigma^2}}$$

Бунда: Й- жамоадаги берилган x қийматга эга бўлган оёқ панжасининг сони; σ — квадрат четланиш; x — оёқ панжасининг узунлиги бериладиган ўзгарувчи қиймат; M — бериладиган жамоанмг оёқ панжасини ўртача узунлиги.

Оёқ панжасининг бошқа ўлчамлари (ени, баландлиги, қучоқ ўлчамлари) ҳам шу қонуният билан текис тақсимланади. Шундай экан, бирор ўлчамнинг ўртача қиймали M ва унинг дисперсияси σ^2 ёки квадрат четланиши а маълум бўлса, у ёки бу ўлчамнинг сонини ҳисоблаб топиш мумкин.

(x-M) Агар $\sigma=1$ ва $\frac{(x-M)}{\sigma}$ ни т қийрнат билан алмаштирилса, юқоридаги ифода қўйидаги кўринишда бўлади:

$$3t = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{t^2}{2}}$$

Бунда, тақсимланиш сонлари қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:


$$Y = 3t \frac{x}{\sigma} .$$

Бунда: x метрик системада бир размердан иккинчи размерга ўтишдаги фарқ 5 мм га тенг. Бундан ташқари В.М.

Игнатевнинг [5] номограрниси ёрдамида тахминий усулдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иккинчи қонун, Оёқ панжасининг кўндаланг кесимининг ўртача ўлчамлари унинг узунлиги билан $y = kx + b$ кўринишда тўғри чизиқли боғланган.

$$O_{mm} = 0,6 L_{o.n.} + 94 \text{мм}$$



3.12-расмда оёқ панжасининг узунлиги билан ўртача қучоқ ўлчами Отт орасидаги боғланиш кўрсатилган, катта ёшдаги эркаклар учун эмпирик боғланишни билдирадиган эгри чизиқнинг тенгламаси асосида чизилган тўғри чизиқ билан алмаштириш мумкин:

Узунлик ўлчови ,мм

3.12-расм. Оёқ панжасининг узунлиги

X билан тутам қисмининг қучоқ ўлчами Y ўртасидаги боғланиш.

Оммавий ўлчаш натижаларига математика йўли билан ишлов берилганда, оёқ панжасининг эни ($Ш_{mm}$) билан ($L_{o.n.}$) орасидаги ўзаро боғланиш қуидагича ифодаланади:

$$Ш_{mm} = 0,22 L_{op} + 27 \text{ эркаклар учун;}$$

$$Ш_{mm} = 0,24 L_{op} + 32 \text{ аёллар учун;}$$

$$Ш_{mm} = 0,22 L_{op} + 27 \text{ мактаб ёшдаги ўғил ва қиз болалар учун.}$$

Иzlанишлар шуни кўрсатадики, ҳамма кўндаланг ўлчамларнинг ўртача қийматлари, оёқ панжасининг узунлиги билан тўғри чизиқли тенглама ёрдамида боғланган. Бу тенгламани пойабзалчилар қолиплар ва пойабзал деталлами сериаларга кўпайтиришда кўллашади.

Учинчи қонун. Оёқ панжасининг ҳамма узунлик ўлчамлари унинг узунлигига пропорсионал равищда ўзгаради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оёқ панжасининг узунлиги ва унинг узунлик ўлчамлари L_{it} , L_{tt} ва ҳоказолар бир-бири билан бўлган регрессия тенгламасини $y = kx$

каби пропорсионалик тенглама билан алмаштириш мумкин.

Илмий izlанишлар натижасида қуидаги пропорсионаллик коеффицентлари аниқланган:

Товоң қисмининг энг бўртиб чиқсан нуқтасидан:

пропорсионаллик коеффиценти, K

товоң қисмининг ўртасигача	0,18
ташқи тўпиқнинг марказигача	0,20
оёқ панжасининг букиш нуқтасигача	0,42

оёқ панжасининг гумбаз нуқтасигача	0,55
ташқи тутамгача (т.т.)	0,62
ички тутамгача (и.т.)	0,73
бешинчи бармоқ охиригача	0,80

Тўртинчи қонун. Оёқ панжасининг ҳамма кўндаланг кесим ўлчамлари, унинг эни ёки қучоқ ўлчамлари ва бошқа кенглик ўлчамлари билан пропорсионал боғланган.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, оёқ панжасининг эни қучоқ ўлчамлари билан бошқа кенглик ўлчамлари каби аниқ боғланмаган.

Шундай бўлса ҳам технологик мақсадда бу ноаниқликни ҳисобга олмай, ҳосил бўлган тенгламалардан фойдаланиш мумкин.

Қуйида катта ёшдаги ахолилар учун ташқи кафт-бармоқ бўғими эни ($Ш_{tt}$)га нисбатан пропорсионаллик коефитсиенти K келтирилган.

Пропорсионаллик
коефитсиенти

Оёқ панжасининг эни билан:

биринчи кафт суюгининг дистал	
бошчасининг маркази бўйича $Ш_{и.т.}$	0,95
товоң қисренинг энг кенг қисмида	0,73
қучоқ ўлчамлари:	
оёқ панжасининг ўртаси	2,58
кафт-бармоқ бўғими бўйича	3,45

3.2.8. ОЁҚ ПАНЖАСИНИ ОДАМ ТАНАСИНИНГ УЗУЛНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Одам панжасининг узунлиги одам танасини узунлиги билан жуда яхши коррелатсион боғланишда эканлиги маълум. Оммавий ўлчамлар шуни кўрсатадики, оёқ панжасининг узунлиги одам танаси узунлигининг 15% ни ташкил қиласди ($p = 0,75 — 0,85$). Одам танасининг узунлиги P билан оёқ панжасининг узунлиги $L_{o.p}$ орасидаги боғланиш катта ёшдаги ахоли учун қуйидагича бўлади:

$$\text{Эркаклар учун } L_{op} = 0,14P + 29$$

$$\text{Аёллар учун } L_{op} = 0,14P + 22$$

Бу ифодани соддалаштириб: оёқ панжасининг узунлиги эркаклар тана узунлиги учун 15,8 фоизини (аёллар учун эса 15,5 фоизни) ташкил қиласди деб ҳисоблаш мумкин.

3.2.9. ОЁҚ ПАНЖАСИ БИЛАН ҚЎЛ ПАНЖАСИНИНГ ЎЛЧАМЛАРИНИ ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ

Одам қўл панжасининг муштини қучоқ ўлчами O_k билан, оёқ панжасининг узунлиги орасидаги боғланиш ($p = 0,6$) қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$L_{\text{оп}} = 0,65O_k + 86$$

Оёқ панжасининг узунлиги ўртача қийматга эга бўлганда, қўл панжасининг муштини қучоқ ўлчамига тенг дейиш мумкин:

$$O_k = L_{\text{оп}}$$

Оёқ панжасининг узунлиги катта бўлганда унинг ҳар бир сантиметрига нисбатан, муштнинг қучоқ ўлчами тахминан 3,5 мм катта, оёқ панжасининг узунлиги кичик бўлса, ҳар бир сантиметрига 3,5 мм кичик бўлади. Шунингдек, муштнинг қучоқ ўлчами билан оёқ панжасини кафт бармоқ қучоқ ўлчамлари орасида жуда яхши коррелатсион боғланиш бор ($r = 0,8$).

3.3. ҚЎЛ ПАНЖАСИНИНГ АНТРОПОМЕТРИЯСИ

Қўлқопларнинг размери ва шакли, қўл панжасининг размери ҳамда шаклига монандлиги қўлқопнинг сифат ва қулайлиги каби кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

3.3.1. ҚЎЛ ПАНЖАСИНИНГ УЗУНЛИК ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

1. Қўл панжасининг орқа (дорсал) томонини узунлиги D қўл панжасининг асосини ўртаси (C_d) дан то энг узун (учинчи) бармоқнинг охириги нуқтасигача (3.12-а расм);

2. Қўл панжасининг кафт (флексор) томонини узунлиги I_k — қўл панжаси асосининг ўртасидан (C_k) то энг узун бармоқнинг охиригача;

3. Кафт узунлиги l_o бешинчи бармоқнинг нурини давомида — қўл панжасининг асосидан то тўртинчи ва бешинчи бармоқлар орасидаги пардагача. Бу узунлик ўлчамларини ўлчаётганда қўл панжаси осилиб, бармоқлар эса тўғри туриши керак.

4. Бешта бармоқнинг ҳар бирини флексор (флеҳор) узунлиги (кафт томонидан) l_1, l_2, l_3, l_4, l_5 ва дорсал узунлиги (орқа томонидан) D_1, D_2, D_3, D_4, D_5 бармоқлар орасидаги нуқтадан то бармоқлар охиригача.

5. Тенар (тҳенар) нинг (бош бармоқ дўмбоғи) асосидан, кафт томондан қўл панжасининг асосигача X .

6. Ҳар бир бармоқнинг тирноғи ўртасидан то бармоқнинг охиригача Y_1, Y_2, Y_3, Y_4, Y_5 , (3.12-а расм).

7. Биринчи бармоқнинг охиридан тенарнинг асосигача бўлган масофа L_1 (3.12-б расм).

8. Тенарнинг асосидан то биринчи ва иккинчи бармоқларнинг орасини ўртасигача.


Бу бешта ўлчамларни олаётганда қўл панжаси столда дорсал томони билан ётган бўлиб, биринчи бармоқ иккинчи бармоқнинг олдида жойлашиши, яъни биринчи бармоқ иккинчи бармоқга нисбатан 350 бурчак остида ётиши керак.

9. Биринчи бармоқлар орасидаги нұқта бүйлаб ўтказилған ёрдамчи қизиқдан то иккінчи бармоқнинг радиал қозасидан ўтказилған үқгача бўлган масофа, С.

3.3.2. ҚЎЛ ПАНЖАСИ ВА БАРМОҚЛАРНИНГ ҚУЧОҚ ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

1. Қўл панжасининг бешинчи кафт-бармоқ бўғими бўйича қучоқ ўлчами O_k (3.13-а расм), бешинчи кафт суюгининг дистал бошчаси орқали, қўл панжасининг бўйлама ўқига тик қилиб миллиметрик тасма ёрдамида ўлчанади.

Қўл панжаси стол устида, бармоқлар тўғриланган ҳолатда ётади. Бош бармоқ ўлчанмайди.



3.13-расм. Қўл панжасининг ўлчаш тасвири.

2. Биринчи бармоқ тирноғини ўртаси бўйича қучоқ ўлчам O_1 (3.13-б расм).

3. Биринчи кафт-бармоқ бўғими бўйича қучоқ ўлчам O_L .

3.3.3. ҚЎЛ ПАНЖАСИНИНГ ЭНИ ЎЛЧАМЛАРИ ВА БАРМОҚЛАР ҚАЛИНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

1. Қўл панжасининг эни $W_{k,n}$ бешинчи кафт суюгининг бошчасидан то иккінчи бармоқнинг радиал четигача бўлган масофа. Қўл панжасининг кафт томони билан столга қўйилган ҳолда ўлчанади.

2. Иккинчи, учинчи, тўртингчи, бешинчи бармоқ тирноқларини ўртаси бўйича қалинлиги m_2, m_3, m_4, m_5 (3.13-б расм). T_4 ва T_5 расмда кўриннайди.
3. Биринчи бармоқнинг қалинлиги T_1 , биринчи бармоқлараро нуқтада.
4. Иккинчи, учинчи, тўртингчи, бешинчи бармоқларнинг қалинлиги T_2, T_3, T_4, T_5 бармоқлараро нуқта.
5. Тенарнинг биринчи ёйини узунлиги ℓ_1 d_1 (3.13-б расм) миллиметрли тасма ёрдамида биринчи бармоқнинг «арикчасидан» то ёрдамчи чизиққача, тенарнинг энг кенг жойида ўлчанади.
6. Тенарнинг иккинчи ёйини узунлиги ℓ_1 jc_1 . Тенарнинг узунлигини учдан бир қисмида жойлашган бўлиб, биринчи бармоқнинг арикчасидан то ёрдамчи чизиққача бўлган масофа.

3.3.4. ОЛИНГАН ЎЛЧАМЛАРНИ ЎРТА ТИПИК ҚИЙМАТЛАР БИЛАН СОЛИШТИРИШ

М.В. Ломоносов номли Москва давлат университети қошидаги Д.Н. Анучин номли антропология илмий-текшириш институтида олиб борилган қўл панжасини оммавий ўлчаш натижалари шуни кўрсатадики, қўл панжасининг ўлчамларини тақсимлаш ва ўзаро боғланиши худди оёқ панжасининг тақсимланиши ва ўзаро боғланиши қонунларига мос келади.

Кўл панжасининг ўлчамларини тақсимланиши текис тақсимланиши қонунига бўйсинади:

$$\bar{Y} = \frac{1}{\sigma \sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-Mx)^2}{2\sigma^2}}$$

2. Кўл панжасининг кўндаланг кесими ўртача ўлчамлари, унинг узунлиги билан $y = kx + b$ кўринишда тўғри чизиқли боғланган:

$$\begin{aligned} \text{Эркаклар учун } O_k &= 142,2 + 0,092l_3. \\ \text{Аёллар учун } O_k &= 116,9 + 0,099l_3 \end{aligned}$$

3. Кўл панжасининг узунлик ўлчамлари l_1, l_2, l_3, l_4, l_5 ҳам унинг узунлиги D билан $y = kx$ кўринишда пропорсионал боғланган:

$$\begin{aligned} l_1 &= 0,285D; \quad l_2 = 0,35D; \quad l_3 = 0,425D; \\ l_4 &= 0,38D \quad l_5 = 0,29D \end{aligned}$$

4. Кўл панжасининг ҳамма кўндаланг кесим ўлчамлари унинг қучоқ ўлчами O_{kp} билан пропорсионат боғланган. Қуйида пропорсионат боғланган:

Кўл панжасининг эни	0,41
Баррақламинг қалинлиги;	0,08
бармоқларо нуктада	0,09
биринчи T_1	0,30
учинчи T_3	0,31
бармоқлараро нуктада қучок ўлчарнлари	0,31
биринчи 0,	0,30
иккинчи 0;	0,30
учинчи 0;	
тўртинчи 0 ₄	
бешинчи 0..	

Кўл панжасини флексор (кафт) узунлиги $L_{к,п}$ ва учинчи бармоқларнинг узунлигига l_3 асосланиб, қолган ўлчамлар тенглама ёрдамида топилади ва жадвал тўлдирилади, сўнгра топилган қийматларни ҳақиқий ўлчанганд қийматлар билан солиштириб хуоса ёзилади.

Текис тақсимланиш сонини фақат қўл панжасининг қучок ўичами $O_{кп}$ учун топилади. Бунда эркакларнинг қўл панжаларининг ўртача қучок ўлчами $O_k = 214$ мм, аёллар учун эса $O_k = 190$ мм, $O_k = 9$ мм га тенг бўлади.

3.4. ОЁҚ ПАНЖАСИННИГ БИОМЕХАНИКА АСОСЛАРИ

Оёқ панжасининг бажарадиган иши

Қолип ва пойабзалларни тўғри конструкциялаш ҳамда лойиҳалаш учун оёқ панжасининг бажарадиган ишини статика (тинч ҳолат)да ҳамда динамика (ҳаракат)да ўрганиш зарур.


Кулай ва бежирим пойабзаллами қуриш оёқ панжасининг шакли ва унинг таянч қисми билан тўғридан тўғри боғланган. 3.14-а расмдан кўриниб

турибидки, ясси текисликда турган одамнинг оғирлиги текис тарқалмай, балки қўпроқ товон суюги ҳамда биринчи ва бешинчи кафт суюклари остига тушади.

3.14-расм. Оёқ панжасининг таянчга нисбатан босим картограммаси.

Агар оёқ панжаси ўзининг плантар (таг) қисмiga ўхшашиб текисликда турса, у ҳолда босим бир текис, товон қисмидан то кафт суюкларининг бошчалари остигача тарқалади (3.14-б расм). Шунинг учун қулай пойабзалларда патакнинг товон қисмини шакли оёқ панжасининг товон қисмини шаклига ўхшашиб ёки товон қисмини шаклига яқинроқ бўлиши керак.

Оёқ панжасининг товон қисми кўтарилиганда босимнинг таянч текислигига тарқалиши ўзгаради. Товон қисми кўтарилиганда Бн кафт ва бармоқ бўғими




остида босим пропорсионал равища ўзгармай(3.14-а расм)егри чизик бўйича ўзгаради. Оёқ панжасини тутам қисмининг босимини(Птут) товоң қисмига тушаётган босимга нисбатан (Товоң) пропорсионаллик коеффиценти қуидаги ифодадан топилади:

$$K = \frac{\text{Птут}}{\text{Товоң}}$$

Егри чизикдан кўриниб турибдики, товоң қисми 30 мм кўтарила, босим бир текис тарқалади, агар товоң қисми $B_h = 70$ мм га кўтарила, оёқ панжасининг олд қисмига тушадиган босим 5 баробарга ортади. Шунинг учун қулай пойабзалларнинг товоң қисми бироз кўтарилиган бўлиши шарт.

Одам танасининг оғирлиги натижасида оёқ панжасининг узунлиги ўртача 2—3 мм, қучоқ ўлчамлари 7—12 мм га катталашади.

Юрганда оёқ панжаси товоң қисмидан тумшук қисмига думалайди ҳамда босим бир оёқдан иккинчи оёқка тушади. Юриш механизмини




ўрганадиган бўлсак, инсон танаси ҳар қадам қўйишдан олдин тана озгина оғиб, яъни танани мувозанатидан чиқариб, оғир-лик марказини таянч текислигидан силжитади. Шу пайтда болдир-панҷа 3 ва кафт-бармоқ 1бўғимлари эгилади (3.15-расм).

Худди шу ҳолат товоң қисмини пошна баландлигига кўтарганда ҳам рўй беради. Бунда оёқ панжаси кафт-усти 2 бўғимларида озгина эгилади.

3.15-расм. Оёқ панжасининг кафт-бармоқ бўғимидағи шартли тебраниш маркази.

Кафт суюкларининг эгилиш (тебраниш) маркази уларнинг бошчалари маркази атрофида, таянч текислигидан кўтарилиган ҳолатда жойлашади.

Кафт суюкларининг ўлчамлари турлича бўлгани учун эгилиш (тебраниш) маркази товоң қисмининг орқа томонини энг бўртиб чиқсан



3.16-расм. Товоң баландлигига оёқ панжаси узунлигининг таъсири.

жойи 4 дан турли масофаларда ётади. Шартли равища тебраниш марказининг ўқлари, биринчи бармоқ охири ва бешинчи кафт суюкларининг бошчаси, яъни $0,73 L_{oh}$ ва $0,8 L_{oh}$ масофада ётади деб ҳисобианади.

Оёқ панжасини думалаши иккита

шартли тебраниш ўқига нисбатан, яъни биринчи ва бешинчи бармоқламинг

тебраниш ўқлари ёрдамида вужудга келади.

Шундай қилиб, оёқ панжасининг ўлчамлари юрганда ўзгарар экан. Оёқ панжаси тутам қисмига таяниб турганда ўзининг энг максимал узунлигига эга бўлади, унинг таянч юзаси 17—21 мм гача узаяди, тутам қучоқ ўлчамлари эса 4—5 мм катталашади. Иккала оёққа таяниб турганга нисбатан товоң қисмининг узунлиги 5,5 мм гача қисқаради, эни эса 4—6 мм га кичраяди, айrim қучоқ ўичамлари эса 15 мм гача катталашади.

Оёқ панжасининг асосий эн ва қучоқ ўлчамлари кўтарилиб турганида энг кичик қийматларга эга бўлади.

Одам гавдасининг оғирлиги натижасида оёқ панжасининг ўлчамларини ўзариши оёқ гумбазининг пружина хусусияти ҳамда кафт-бармоқ бўғимида оёқ панжасини сиқилиши ва чўзиши, ёғ қатламларининг энини катталashiши, яъни қалинлиги бўйича сиқилиши натижасида содир бўлади.

Назорат саволлари

1. Антропология ва биомеханика фани тўғрисида умумий тушунча беринг.
2. Одам скелетининг тузилиши ва вазифаси тўғрисида умумий тушунча беринг.
3. Суякларнинг турқумларга бўлиниши тўғрисида тушунча беринг.
4. Суякларнинг ўзаро бирлашувини изоҳланг.
5. Бўғимлар турларини айтиб беринг.
6. Кўлнинг эркин турган қисмининг скелети ҳақида тушунча беринг.
7. Кўл суякларининг бирлашувини изоҳланг.
8. Оёқнинг эркин турган қисмининг скелетини изоҳланг.
9. Оёқ суякларининг бирлашувини изоҳланг.
10. Мушаклар системаси ҳақида тушунча беринг.
11. Кўлнинг эркин турган қисмининг мушакларини изоҳланг.
12. Оёқнинг эркин турган қисмининг мушакларини изоҳланг.
13. Теринг тузилиши ва вазифаси тўғрисида маълумот беринг.
14. Антропометрия нима?
15. Оёқ панжаси ва болдирини ўлчашда қандай асбоб ва мосламалар ишлатилади
16. Оёқ панжаси ва болдири ўлчамларини олиш ҳамда уларга ишлов бериш усусларини изоҳланг.
17. Оёқ панжасини ўлчамларининг асосий тақсимланиш қонуниятларини изоҳланг.
18. Кўл панжасининг антропометрияси тўғрисида тушунча беринг.
19. Оёқ панжасининг бажарадиган иши тўғрисида тушунча беринг.
20. Оёқ панжасининг букилиши ва ўлчамларини ўзариши ҳақида тушунча беринг.

4-боб. ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИНИНГ ИШИ

а) Устки деталларнинг иши

Пойабзал кийганда унинг деталлари ва уларни бириктирадиган чоклари оддий ҳамда муракқаб, такрорланувчан ҳамда ўзгарувчан кучлар таъсирида бўлади.

Пойабзалнинг сиртқи деталлари оёқ панжасида жойлашиши ва бажарадиган ишига қараб ўта мухим ҳамда мухим деталларга бўлинади. Биринчисига оёқ панжасининг олд қисмини, иккинчисига кафт, товон ва болдими беркитувчи деталлар киради.

Тумшук пойабзалнинг энг чиқиб турган қисми бўлиб, у ҳар доим ўзининг шаклини, берилган қиёфасини сақлаб туриши керак. Шу билан бирга у жуда қўп ташқи мухит таъсирига дуч келади. Шунинг учун тумшук ўта чидамли, ташқи кўриниши чиройли ва ҳар хил ифлосликлардан яхши тозаланадиган материалдан тайёрланиши керак.

Одам юрганда пойабзалнинг юзи аҳамиятли ишларни бажаради. Оёқ панжаси букилганда юзи ҳам букилади, бунинг натижасида сиртқи деталда, оёқ панжасининг бўйига тик ёки унга $85^{\circ}\div120^{\circ}$ бурчак остида қат-қат (тах) лар пайдо бўлади. А.Н.Калитанинг илмий тадқиқотлари шуни қўрсатдики, қўлланиладиган материалнинг қалинлигига қараб тахлар юпқа ва юмшоқ материаллар учун 0,5—1 мм, қалин ва бикир материаллар учун 5—10 мм (булғори чарм) ҳар хил эгрилик радиусига эга бўлар экан.

Кўп маротабали эгилиши натижасида материаллар йиртилади. Устки деталламинг материали, пойабзални кийиш давомида камида 1,5 млн. марта деформатсиясига чидаши керак.

Н.Н. Черников бўйича сиртқи деталларида, кўп марта эгилиш натижасида, материални йиртилиш ўртacha муддатда қўрсатилган.

Делал	Юзаки нуқсонлар	Йиртилиши
-------	-----------------	-----------

Бетлик: хром тузлари билан ошланган; шеврет; Бошлиқ булғори чармдан	7,5 ойда 3,5 ойда —	12 ойда 7 ойда 7,5-8 ойда
---	---------------------------	---------------------------------

Қат-қатлар (тахлар), асосан, бетлик ($0,62—0,78 \text{ } L_{\text{он}}$ масофа)да ҳосил бўлади. Бундан ташқари устки деталлар кафт-бармоқ бўғими бўй йўналишида 15—20 фоиз сиқилади. Бунинг натижасида табиийки, қат-қат ҳосил бўлади. Қат-қатнинг баландлиги ва сони, устки деталларни оёқ панжасига ёпишиб туришига, материалнинг қалинлиги ва бошқа омилларга боғлик.

Агар устки детал қанчалик оёқ панжасига ёпишиб турмаса, тахлар шунча катта ва баланд бўлади. Асосан, деталлар эгилганда эгрилик радиуси 1 мм дан кичик бўлса, материал қат-қат бўйича йиртилади. Бундан ташқари ҳосил бўлган қат-қатлар оёқ панжасини терлаши натижасида ҳосил бўлган терни ўзига шимади ва натижада устки деталлар емирилиши тезлашади.

Булғори чармдан тайёрланган бошлиқлар оғир шароитларда фойдаланилганлиги учун хром тузлари билан ошланган чармлардан бичилган бетликларга нисбатан тез емирилади.

Устки деталлар, оёқ панжасини шаклига, пойабзални 2—3 ҳафта кийиш давомида мослашади. Шуни айтиш керакки, яхшилаб қолипга тортилган танавор, қолипдан туширилгандан кейин кўндаланг йўналишда 4—5 фоиз «ўтиради» (қисқаради).


Пойабзалнинг қолган сиртки (кўнж, дастак ва бошқа) деталларига камроқ талаблар қўйилади ва улар камроқ деформатсияларга учрайди. Астарлар ва оралиқ астарлар ҳам худди сиртки деталлар сингари, кўп марта эгилиш, чўзилиш, сиқилиш деформатсияларига учрайди. Сиртки ва ички деталларнинг материалини танлаётганда бир хил вазифани бажараётган деталларга битта система деб қаралади.

Чармдан бичилган сиртки деталламинг мустаҳкамлиги, газмолдан бичилган ички деталларнинг мустаҳкамлигидан каттароқ. Пойабзалдан фойдаланганда, унинг астари кўпроқ оёқ панжасининг товон ва бармоқ қисмида, ишқаланиш натижасида емирилади. Пойабзалнинг ички деталларини очиқ қисми (юқори зийи, тасмалар) тез едирилади, чунки улар оёқ панжасига жипс ёпишиб туради, айrim ҳолларда эса, ҳатто, оёқ панжасининг юмшоқ қисмiga ботиб туради. Масалан, «қайиқсимон» туфлиларнинг бетлиги. Шунинг учун астарларнинг юқори зийлари чармдан ёки сунъий чармдан бичилиши керак,

6) Таг деталларининг бажарадиган иши


Таг деталлари пойабзални кийиш давомида энг кўп ва турли таъсирларга дуч келади. Одам юрганда биринчи бўлиб пошна остининг кичик юзаси, таянч текислигига маълум бурчак остида текканда ҳосил бўладиган катта солиштирма босим $2 \cdot 10^4 \text{ Па}$ га teng бўлиб, натижада у тез едирилади (4.1-расм). Шунинг учун пошна остини тез-тез алмаштирилиб туришга тўғри келади.

Оддий конструкциядаги пойабзалларда



таглик энг асосий ишни бажаради. Тагликлар кўпинсба ишқаланиш, кўп маротабали эгилиш ва чўзилиш деформатсияларига ишлайди. Таг деталларининг конструкцияси ва материалларининг физик-механик хусусиятларига, қалинлигига ва бикирлигига қараб, тагликлами эгилиш радиуси 4—8 см бўлади. Чарм тагликлар эгилганда уларнинг юзасининг нисбий узайиши 16% ни ташкил қиласа, қалин ва шаклланган резина тагликларнинг айрим қисмларида нисбий Узайиш 25% га етади. Патак материали қалинлиги қанча юпқа ва юмшоқ бўлса, у шунча осон эгилади. Таг деталлари эгилганда таглик чўзилади, патак эса кўндаланг йўналишда кисқаради. Айрим патаксиз

4.1-расм. Поинанинг таянч текислигига текканда (а) бўйлама,(б)кўндаланг



4.3-расм.

**4.2-расм. Н.Н. Черников
бўйича тагликни едирилиш
топографияси.**

Солиширма босим тагликларнинг ташки қатламларида турлича бўлади ва оёқ панжасининг олди қисми тузилиши ҳамда одамнинг юришига боғлиқ. Айрирн ҳолларда солиширма босим 10^6 Па дан катта бўлади. Одатда, у тагликнинг олд қисмida ($4 \div 7$) • 10^5 Па ва тутам қисмida $2 \cdot 10^5$ Па ташкил қиласи. Одам нормал ҳолатда юрганда тагликнинг таянч текислигини ишқаланаётган юзаси едирилади. Тагликларнинг едирилиш топографияси Н.Н. Черниковнинг тадқиқотларига кўра, оёқ панжасининг босимини таянч текисликдаги тақсимланишига боғлиқ. Энг кўп едирилиш кафт-бармоқ бўғимлари ва биринчи бармоқ остида кузатилади.

Тагликларнинг едирилиш тезлиги турли материалларда турлича. Яхлит қўйрна резина

тагликлар 60—80 кунда 1 мм га едирилса, чарм тагликларнинг едирилиши турли қатламларда турлича. Қалинлиги 4,7 мм бўлган чарм тагликнинг юза қисми 14 кунда 1 мм едирилса, ўрта қисми 45 кунда, айрим қисмлари эса 68 кунда едирилади. Тагликларнинг едирилиш тезлиги, пойабзални қайси касб эгаси кийишига, таянч текислигининг ҳолатига (тош йўл, асфалт, ер), йил фаслига ва пойабзални

кияётгандаги об-ҳаво шароитига ҳамда пойабзалга қараш (парваришилаш) га боғлиқ.

Патаклар ҳам худди тагликларга ўхшаб, сиқилиш ва тутам қисмда кўп марта эгилиш деформатсиясига учрайди. Бундан ташқари патаклар оёқ панжасининг кафтбармоқ қисми(бўғим)да оёқ панжасининг ҳаракати туфайли ишқаланади. Патакни эгилиш радиуси тагликникидан кичкина бўлиб, тахминан 10—15 мм бўлади. Агар патаклар ва тўлдиргичлар юмшоқ ҳамда юқори пластик хусусиятига эга бўлган материаллардан ясалса, у ҳолда янги пойабзал тез кунда оёқ панжасини таг қисмининг шаклини олади, яъни патақда оёқ панжасига мос рельеф пайдо бўлади (4.3-расм). Бунинг натижасида тагликка тушаётган босим текис тарқалиб тагликларнинг хизмат муддати узаяди. СНИИКП маълумотларига кўра пойабзалга кигиз тўлдиргич қўйилган бўлса, 91 кунда тўла (тешик ҳосил бўлгунча) едирилади.

Қўйич (геленка) пойабзалларда рессор вазифасини бажаради. Унга оёқ панжаси орқали катта куч таъсир қиласи. Одам юрганда қўйичлар ўзгарувчи деформатсиялар таъсирида бўлади. Шунинг учун қўйичларда гоҳ мусбат, гоҳ манфий эгиш моментлари пайдо бўлади. Юрганда қўйичларда ҳосил бўладиган кучланиш тургандагига нисбатан 2—2,5 марта кўп, шунинг учун қўйичлар, қўпинча маҳсус пўлатлардан тайёрланади.

Назорат саволлари

1. Пойабзал устки деталининг иши ҳақида тушунча беринг.
2. Пойабзал устки деталининг емирилиш сабабларини тушунтиринг.
3. Пойабзал таг деталининг ишини изоҳланг.
4. Пойабзал таг деталининг емирилиш сабаблари нималардан иборат?

5-боб.

ПОЙАБЗАЛНИНГ ГИГИЕНИК ВА ФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хар қандай пойабзал эстетик, гигиеник, техник талабларга жавоб бериси, одамни дам олишда, меҳнат қилишда, спорт билан шуғулланишда қулай бўлиши керак. Оёқ панжаси ва умуман одам организми нормал фаолият кўрсатиши учун пойабзал ичидаги маҳсус (майнин) иқлим пайдо қилиши шарт. Бунга пойабзалнинг керакли конструкциясини яратиш ҳамда материалларни тўғри танлаш билан эришилади.

Пойабзал учун энг яхши материал, бу яхши ошланган табий чарм ҳисобланади, ҳозирги пайтда чарм маҳсулотларининг танқислиги туфайли турли сунъий ва синтетик материаллар кўп ишлатилмоқда. Бу эса пойабзал ва унга ишлатиладиган материалларнинг хусусиятларини мукаммал ўрганишни тақозо қиласи. Шунинг учун бу хусусиятларини ўрганиш ва уларни аниқлай билиш катта аҳамиятга эга. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, сунъий ва синтетик материалларни таг деталларга ишлатиш пойабзалларнинг гигиеник хусусияти ва қулайлигига катта таъсир қилмайди.

Гигиеник хусусиятларига, асосан, устки деталларнинг материали ва конструкцияси таъсир қиласи. Пойабзалнинг конструкцияси, унда ҳосил бўлган статик электр токини ўтказа оладиган ва ўз вақтида оёқ панжасидан чиқадиган сув, газ, иссиқлик ва терларни пойабзалнинг ичидан ташқарига чиқара оладиган бўлиши ва ўз навбатида ташқаридан сув, совуқ ҳаво ва иссиқликни ичига ўтказмаслиги керак. Пойабзал ичидаги майнин иқлим нисбий кўрсаткичларга эга, яъни температураси 21—33°C, намлиги 60 дан 73 фоизгача бўлса, қулай ҳисобланади. Гигиеник хусусиятларнинг энг асосий омиллари нам алмашиниш, нам ва иссиқдан ҳимоя қилиш, пойабзалнинг бикирлиги ва массаси ҳисобланади.

5.1. ПОЙАБЗАЛНИНГ НАМ АЛМАШТИРИШ ВА НАМДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Пойабзалнинг нам алмаштириш хусусияти оёқ панжаси чиқарадиган намни ўзига ютиб, сўнгра уни ташқарига чиқара олиш билан белгиланади. Нормал

метеорологик шароитда одам териси ўзидан сув буғи кўринишида нам чиқариб туради. Агар ташқи мухит ҳарорати 30°C ва ҳавонинг нисбий намлиги катта бўлса ҳамда қаттиқ жисмоний меҳнат қилинганда сув буғи билан бирга тер ҳам чиқади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда пойабзал ичидаги ҳавонинг нисбий намлиги 60—75 фоиздан ортмайди, фақат қаттиқ жисмоний меҳнат қилганда ва ташқи мухитнинг температураси 30°C дан юқори бўлганда нисбий намлик 90—95 фоизга кўтарилиши мумкин.

Агар пойабзалнинг ички деталларининг материали(астари)ни нам ўтказиш хусусияти яхши бўлса, материал буғ ва намларни ўзига шимиб олиб, пойабзални ёчгандан кейин ташқи мухитга чиқариш имкониятига эга бўлади.

Замонавий пойабзалларнинг устки деталларининг юзасини 42% нам ва терларни ташқарига чиқаришда иштирок этмайди. Нам ва терлар, асосан, бетлик орқали ташқарига чиқади, бу устки деталларнинг 30 фоизини ташкил қиласди. Бунинг натижасида пойабзалнинг гигиеник хусусияти ёмонлашиб, бетликларни эскириши тезлашади. Пойабзаллар ўзидаги намни чиқариши билан бирга намдан ҳимоя қилиш хусусиятига ҳам эга бўлиши керак. Намдан ҳимоя қилиш хусусияти, асосан, пойабзалларнинг таг деталлари ва танаворнинг сиртқи деталларини материалига боғлиқ.

Баҳорги-кузги ва қиши мавсумларга мўлжалланган пойабзалларнинг тагликлари кўпинча сувга тегиб туради. Шунинг учун улар синтетик ва сунъий материаллардан қилинади, чунки улар сувни ўтказмайди. Устки деталларга таг деталларига нисбатан сув камроқ тегади ва сиртқи деталларнинг шакли туфайли, унга тушган сувнинг кўп қисми думалаб тушиб кетади, сувнинг озгина қисмини материал шимади. Пойабзалларнинг ичига сув деталларнинг материали ва деталлар бириктирувчи чокларнинг тешиклари орқали ўтиши мумкин. Материал орқали сув ўтиш тезлиги материалларнинг ҳўлланиш ва сув ўтказиш хусусиятига боғлиқ. Чарм деталлари учун, чармнинг қалинлигига, капилларларнинг сони ва үлчамларига, толаларни сув таъсирида бўкиши ва ҳўлланишига боғлиқ. Пойабзалнинг ичига сув ўтиш ҳар доим ҳам унинг деталларини тўла ҳўл бўлишига боғлиқ бўлмайди. Кўп ҳолларда сув устки деталлар билан таг деталларини бириктиришда ишлатиладиган чоклар орқали ҳам ўтади. Бу қўпроқ михаш, винтли, мих-чўп ва ипли бириктириш усулларида учрайди, кимёвий усулларнинг нам ўтказмаслик хусусиятлари жуда юқори бўлади.

5.2. ПОЙАБЗАЛНИ ИССИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ташқи ҳаво температураси паст бўлганда пойабзал, асосан, муҳофаза вазифасини бажаради ва бадандан чиққан иссиқликни ташқи мухитга кам ўтказади. Пойабзалнинг иссиқдан ҳимоя қилиш хусусияти деб, оёқ панжасидан чиққан иссиқликни ташқи мухитга чиқишига тўсқинлик қилишига айтилади.

Пойабзалларни иссиқдан ҳимоя қилиш хусусиятига астар ва ич патак материалларнинг иссиқлик хусусияти катта таъсир қиласди. Деталлари ғовакли материаллардан қилинган пойабзалларнинг конструкцияси юқори иссиқлик қаршилигига эга бўлади. Шундай экан пойабзалнинг устки ва таг

деталларига материаллар танлаш билан исталган иссиқдан ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлган пойабзалларни лойиҳалаш мумкин. Пойабзалларни иссиқдан ҳимоя қилиш хусусиятига пойабзалнинг намлиги катта таъсир қиласди. Тажрибалар (Л.В.Кедров) шуни кўрсатадики, агар материал ҳаводан 50—60 г намни шимган бўлса, пойабзалнинг иссиқлик ўтказишга қаршилиги 33—43 фоизга катнаяди. Шундай қилиб, пойабзални лойиҳалаётганда об-ҳаво шароитига ва йил фаслига тўғри келадиган; қишида ўта совиб кетишдан, ёзда ўта қиздб кетишдан сақлайдиган конструкциялар ва материаллар танлаш керак.

5.3. ПОЙАБЗАЛНИНГ БИКИРЛИГИ

Пойабзални кийиб юрганда ҳосил бўладиган, оёқ панжасининг турли деформатсияларига қаршилик кўрсатиш қобилияти *пойабзалнинг бикирлиги* дейилади.

Маишӣ пойабзаллар оёқ панжасининг шаклини яхши олиш ва осон эгилиши, яъни эгилувчан (букулувчи) бўлиши, айрим маҳсус пойабзаллар эса оёқ панжасини турли жароҳатлардан ҳимоя қилиш учун ўрта бикирликда бўлиши керак. Эгилувчан пойабзални кийиш қулай бўлади, чунки юрганда пойабзални эгиш учун оёқ панжаси кўп энергия сарф қилмайди.

Пойабзалнинг бикирлиги 3 хил бўлади:

1. *Эгилиши бикирлиги* — пойабзални кўп марта эгилишига қаршилиги. Кўпроқ юрганда ва чопганда, устки деталларга оёқ панжаси сиртининг босим қучлари таъсири сифатида эгилиш бикирлиги намоён бўлади.

2. *Йиртиши бикирлиги* — пойабзалнинг шаклини ўзгаришига, унинг кўндаланг кесимларини оёқ панжасига (тахминан кафт-бармоқ бўғимида) кўрсатадиган қаршилигига айтилади. Бу турдаги бикирлик турганда ва юрганда оёқ панжасининг сиртини ҳамда ён юзаларини пойабзалга таъсири натижасида ҳосил бўлади.

3. *Таянч бикирлик* — таг деталларини, оёқ панжасининг шаклини олишга кўрсатадиган қаршилиги ҳисобланади.

Эгилиш бикирлиги. Пойабзалнинг эгилувчанлиги (букилувчанлиги) 25° га букиш учун кетган кучни (учинчи марта букканда) тагликнинг эгилган жойини энига бўлиб топилади. Эгилувчанлик жуда кўп омилларга боғлик. Улардан энг асосийлари таг деталларининг бириктириш усуллари ва материалларини хусусиятлари ҳисобланади. Пойабзал эгилганда тагликлар чўзилади, патактар эса қисилади. Қаттиқ таг ҷармларни қисилишга қаршилиги, уни чўзилишга қаршилигига нисбатан 10 марта каттароқ. Шунинг учун пойабзалнинг эгилувчанлиги қўпроқ патакнинг бор ёки йўқлигига ва унинг материалини хусусиятига боғлик. Тагликнинг материалини хусусияти патакнинг материалини хусусиятига қараганда эгилувчанликка камроқ таъсир қиласди. Шунинг учун патакларнинг қалинлиги ва бикирлигини камайтириш мақсадида танаворларни қолипга елим ёрдамида тонишни қўллашга ҳаракат қилинмоқда, чунки танаворни елим ёрдамида қолипга тортганда патакнинг қалинлиги ва бикирлиги катта аҳамиятга эга эмас.

Патакларнинг эгилувчанлигини ортириш мақсадида, уни қалинлигини камайтириш ёки тутам қисмининг (55—60 мм кенгликда) қалинлигини 1/3 қисми

кўндалангига кесиб қўйилиши ёки перфоратсия қилиш кўзда тутилади. Пойабзалнинг эгилувчанлиги тўлдиргичлами, юпқа ва юмшоқ тагликларни бор ёки йўқлигига ҳамда уларнинг материалларига боғлиқ.

Йиртиш бикирлиги. Пойабзалларнинг йиртиш бикирлиги жуда кам ўрганинган. Маълумки, одам юрганда оёқ панжасининг кўндаланг ўлчамлари катталашади, бунинг натижасида пойабзалнинг устки деталлари ўз ўлчамлари ва шаклини ўзгартириб, оёқ панжасининг шаклини олишига *йиртиш бикирлиги* дейилади. Агар пойабзалнинг устки деталлари қалин материалдан қилинса, оёқ панжасининг шаклини олиш қийин бўлади, бунинг натижасида оёқ шикастла нади, тескариси бўлса, пойабзал тезда ўз шаклини йўқотади.

Таянч бикирлиги. Таянч бикирлик таг деталларининг сиқилиш деформатсиясига қаршилик кўрсатиш хусусияти бўлиб, одам танасининг оғирлигини пойабзалнинг таянч текислигига бўлган босимини текис тарқатиш қобилиятидир. Бу бикирлик пойабзалнинг таг деталларининг материаллари хусусиятига боғлиқ.

Л.И.Молебная, О.В.Фарниева, э.А.Мирошниковалар таянч бикирлигини аниқлаш учун қуидаги формулани тавсия қилдилар:

$$\Delta A = \frac{P}{A},$$

бунда: P — юрганда пойабзалнинг таг деталларини ички юзасига тушадиган оғирлик; ΔA — абсолют сиқилиш деформатсияси; A — материаллар системасини бошланғиш қалинлиги.

Илмий изланишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, сиқилиш деформатсиясига, асосан, тўлдиргичнинг материали катта таъсир қиласин. Бу хил куч таъсир қилганда, тўқима ва нотўқима материалларидан қилинган тўлдиргич материаллар системасининг сиқилиш деформатсияси, махсус картондан қилинган тўлдиргич материаллар системасининг қисилиш деформатсиясидан икки марта катта ва шунга мувофиқ таянч бикирлик эса икки марта кичик бўлади. Қулай пойабзал лойиҳалаш учун оёқ панжасини кафт суюкларининг бошчалари ва бош бармоқ суюкларининг босимини таг деталларига текис тақсимланиши керак. Бунга таг деталларининг материаллари, асосан, тўлдиргич ва патакларай тўғри танлаш билан эришилади.

Пойабзалнинг сифат кўрсаткичили бўлган таянч бикирлик ҳаммадан ҳам ўсаётган ва шаклланаётган болалар оёқ панжаси учун катта аҳамиятга эга. Таянч бикирликни камайтириш оёқ панжасини тўғри шаклланиши ва иш қобилиятини бир меъёрда сақлашга ёрдам беради.

Назорат саволлари

1. Пойабзалнинг гигиеник хусусиятларига таъриф беринг,
2. Пойабзалнинг нам алмаштириш ва намдан ҳимоя қилиш хусусиятлари қандай амалга оширилади?
3. Пойабзални иссиқдан ҳимоя қилиш хусусиятлари қандай амалга оширилади?

4. Пойабзалнинг физик хусусиятларига таъриф беринг.
5. Пойабзалнинг бикирлигини аниқлаш турларига таъриф беринг.

6-боб. ПОЙАБЗАЛ КОНСТРУКЦИЯСИННИГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

Пойабзални конструкцияси пойабзал корхоналарининг асосий техник-иқтисодий күрсаткичларидан бири ҳисобланади, чунки унинг таннархига, пойабзалнинг қиёфаси, конструкцияси катта таъсир қилади. Пойабзалнинг таннархини камайтириш енгил саноатнинг асосий вазифаларидан бири.

Пойабзалнинг таннархи асосий ва ёрдамчи материалламинг нархи, асосий ишчиларнинг иш ҳақи, ёқилғи ҳамда ёнилғилар нархи, амортизатсия нархи ва қўшимча (сех ва корхона) харажатлар каби элементлардан ташкил топган.

Таннархнинг 76% ни асосий ва ёрдамчи материалларнинг нархи ташкил қилади. Шунинг учун материаллар сарфини камайтириш, яъни конструкциясини такомиллаштиришга катта эътибор бериш керак.

6.1 ПОЙАБЗАЛНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИНИ МАТЕРИАЛ САРФ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ

Агар материаллар харажатини 1 % камайтирилса (СНИИКП маълумоти), бир йилда хром тузлари билан ошланган пойабзалнинг:

сиртқи деталларидан.....	58
астарларидан.....	30
сунъий материалиларнинг	
сиртқи ва ички деталларидан.....	29
таглик табиий чармлардан.....	30

млн. дм² миқдорда материалларни тежаш мумкин.

Материалнинг пойабзалга сарф бўлиш миқдори кўп омилларга боғлик. Улардан энг асосийси, пойабзалнинг устки деталлари оёқни беркитиш даражаси, пойабзалнинг размер ва тўлалиги ҳамда детал андозаларини ўзаро жойлашиниши. Кўринадиган зийларига ишлов бериш усуллари, материал билан

оёқни беркитиш даражаси ва унга сарф бўлган материал миқдори, пойабзалнинг қиёфаси билан белгиланади. Қуйида 4-жадвал ҳар хил қиёфадаги пойабзалларга, ўртача сарф бўладиган материалларнинг қиймати келтирилган.

4-жадвал

№	Пойабзал қиёфаси	Беркитиш даражаси	Сиртқи деталларнинг ўртача юзаси, дм ²
1	Етиклар	2,4	41,7
2	Ботинкалар	1,0	17.4
3	Кўнжсиз ботинкалар	0,8	13.9
4	Туфлилар	0,6	10.5
5	Тасмали сандаллар	0.4	7.3

эслатма. Ботинканинг сиртқи деталларини юзаси бир деб олинган.

етиклар, ботинкалар ва қўнжсиз ботинкаларда дастак (қўнж) нинг баландлиги ҳамда шаклини ўзгартириш хисобига оёқни беркитиш даражасини ўзгартириш мумкин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, айrim пойабзалларнинг дастак ёки қўнжининг баландлиги давлат стандарти томонидан белгилаб қўйилади, айrim пойабзалларда эса моделернинг хошишига боғлик.

Устки деталларнинг юзасига, патак ва дастакни қалинлиги таъсир қиласди. Агар патак ёки оралиқ деталларни 1 мм га қалин қилинса, тортиш баҳясининг энини 1 — 1,5 мм катталаштириш керак.

Материал сарф бўлишига, пойабзалнинг размери, тўлалиги, кўринадиган зийларига ишлов бериш учун қўшимчалар, чоклар ва тортиш баҳаси жуда катта таъсир қиласди.

5-жадвал СНИИКП нинг тавсиясига биноан, бир размердан иккинчи размерга, бир тўлалиқдан иккинчи тўлалиқка ўтишдаги деталлар комплектини юзасининг ўзгариши, тагликни бириктириш усули, деталларнинг кўринадиган қисмларига ишлов беришдаги қўшимчалар қийматлари келтирилган. 5-жадвалда келтирилган қийматларга асосан, деталлар комплекти юзасини ўлчамасдан, чизмасини кўрмасдан бир хил конструкциядаги танаворнинг, сериядаги ҳамма размерлари ҳамда конструкциясини ва кўринадиган зийларига ишлов бериш усулларини ўзгартириб, сериядаги деталлар размерлари ва комплектининг юзасини топиш мумкин. Деталлар комплектининг юзаси қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$\Pi_{\kappa.k.} = \kappa \Pi_{\beta.k.} = \sum_n,$$

бунда: $\Pi_{\kappa.k.}$ — қидирилаётган комплект деталларнинг юзаси (дм^2); $\Pi_{\beta.k.}$ — берилган конструкциядаги комплект деталлар юзаси (дм^2); E_n деталлар комплекти соғ юзасининг конструкцион аломатларига қараб ўзгаришининг алгебраик йифиндиси;

$$\sum_n = \Pi_p + \Pi_m + \Pi_{k.a} + \Pi_{ши.бэр.} + \Pi_{б.у.}$$

Π_p — бир размердан иккинчи размерга ўтишдаги деталлар комплектининг юзасини ўзгариши; Π_m — бир тўлалиқдан иккинчи тўлалиқка ўтишдаги деталлар комплектининг юзасини ўзгариши; $\Pi_{k.a}$ — бир конструкциядан бошқа конструкцияга ўтишдаги (кирқилган деталлардан, яхлит деталларга) деталлар комплектининг юзасини ўзгариши; $\Pi_{ши.бэр.}$ — кўринадиган зийига ишлов бериш тури (букиш, куйдиришга) ўзгарганда, деталлар комплектининг юзасини ўзгариши; $\Pi_{б.у.}$ — тагликнинг бириктириш усули ўзгарганда деталлар комплектининг юзасини ўзгариши.

5-жадвалда келтирилган қийматларга асосланиб, осонлик билан моделнинг конструкциясини тежамли ёки тежамсизлигини аниqlаш мумкин. Бунинг учун янги ҳисобланган модел деталларини комплект юзасини, деталлар комплектини меъёрланган юзаси билан солиштирилади.

Деталларнинг юзасига чоклар сони катта таъсир қиласи. 5-жадвалда келтирилгандек, қирқилган дастакли конструкциядан яхлит дастакка, қирқилган бетлиқдан яхлит бетлиқка ўтилганда, материал 1,97% дан 3,59% тежалади, чунки деталларни тикиш учун бериладиган қўшимчалар бўлмайди.

Маълумки, деталларнинг ўртача юзаси камайтирилса, яъни деталларнинг сони орттирилса, ишлатиладиган материалдан унумли фойдаланилади. Аммо танаворнинг деталларини сони ортган сари, чоклар кўпаяди, бу эса деталлами йиғишига кўп вақт сарф бўлишига олиб келади.

5-жадвал

Ботинка ва қўнжсиз ботинка деталлар комплектининг юзасини ўзгариши (%)

Пойабзалнинг жинсий гурухи	Деталларнинг комплект юзаларини ўзгартирувчи						
	бир размердан иккинчигача	бир тўлалиқдан иккинчигача	тортиш баҳасининг кенглигини 1 m^2 ўсиши	кирқилган дастакдан яхлит дастакка ўтиш	кирқилган бетлиқдан яхлит бетлиқка ўтиш	зийни кирқишдан букишга ўтиш	
Эркаклар	2,9/2,9	2,5/2,5	0,9/1,15	2,8/3,5	1,8/2,3	4,7/6,0	
Аёллар	3,2/3,1	2,7/2,7	0,8/1,23	2,0/2,9	1,2/1,8	4,3/6,3	
Қиз болалар	3,4/3,3	2,8/2,8	0,9/1,27	2,2/3,1	1,3/1,9	4,8/6,7	
Ўғил болалар	3,2/3,2	2,7/2,8	0,1/1,12	2,9/3,7	1,2/2,2	4,8/6,2	
Мактаб ёшидаги	3,4/3,4	2,8/2,9	0,9/1,23	3,0/3,8	2,1/2,8	5,1/6,7	
Болалар	3,9/4,0	3,1/3,2	0,8/1,24	2,6/3,3	1,8/2,6	5,3/7,4	
Ёш болалар	4,4/4,4	3,6/3,5	0,7/1,01	2,4/3,2	1,8/2,4	5,9/8,1	
Чақалоқлар	5,3/5,2	3,9/4,0	0,8/1,05	2,7/3,6	2,1/2,8	6,7/8,9	

Эслатма .Суратда ботинкалар , маҳражда қўнжсиз ботинкалар учун

қийматлар келтирилган. 2 ва 4 устундаги қийматларни танаворнинг бошқа турлари учун қўллаш мумкин ҳамда таг деталлари ва астарларнинг юзаларини ўзгариши учун қабул қилиш мумкин.

Ясси материалдан тайёрланган тагликнинг юзаси, асосан, патакнинг юзасига, устки ва оралиқ деталларнинг қалинлигига, тагликнинг кўринадиган зийининг энига, кўринадиган зийига ишлов беришга ва таг деталларнинг устки деталлар билан биректириш усулига боғлиқ.

Материал сарф бўлишига технологик жараёнларни бажариш аниқлиги катта аҳамиятга эга.

Материал сарфига деталларни бичаётганда, андозалар орастдаги чиқиндилар, деталларнинг шакли, уларнинг ўзаро жойлашиши орқали ифодаланади. Деталлар қанчалик зич жойлашиб, андозалар орасидаги чиқиндилар кам бўлса, жойлашиниш коефитсиенти шунча кўп бўлади.

Жойлашиниш коефитсиенти қуидаги *формуладан* аниқланади:

$$Y_K = \frac{M_k}{Q_k}$$

бунда: M_k — ҳамма деталлар комплектини соф юзаси; K_k — ҳамма деталлар кирган параллелограмм юзаси.

Чарм пойабзаллар кенг ассортиментини комплект деталлар жойлашинишини тахлил қилиш шуни кўрсатдики, устки деталларини ўртамиёна жойлашинишни \bar{Y}_K , 90,4 дан 94,65 % гача ўзгариб туради.

Андозалар комплекти ва параллелограммнинг майдонини ўлчаб, қуидаги б-жадвалга келтирилади.

б-жадвал

Деталлар номи	Комплектидаги деталлар сони (н)	Юза, дм ²					Комплектнинг ўрта миёна жойлашиниш и (Y_k , %)
		бир деталнинг (a)	комплектга кирувчи деталларнинг (M_k)	2 детал кирувчи параллелограммнинг (к)	комплект деталлар кирувчи параллелограммнинг (K_k)		

6.2. ПОЙАБЗАЛНИНГ МЕҲНАТ САРФ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ


Пойабзал ишлаб чиқариш саноатида иш ҳақи, маҳсулот таннархининг 14 % ни ташкил қилишига қарамай, корхонанинг техник ва иқтисодий кўрсаткичига катта таъсир қиласи. Мехнат харажатларини камайтириш учун иш унумдорлигини орттириш керак. Иш унумдорлиги пойабзалнинг конструкциясига, технологиясияга, механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. 7 жадвалда ҳар хил турдаги пойабзалларнинг иш ҳажми берилган. Келтирилган рақамлар шуни кўрсатадики, иш ҳажмига, устки деталларнинг таг деталлар

билин бириктириш усули ва тагликнинг материали катта таъсир қилас экан.

7-жадвал

Эркаклар қўнжсиз ботинкаси учан технологик иш ҳажми

Пойабзал тури	Технологик иш ҳажми, 100 жуфт/соат	
	Тикиш бўлимида	Йиғиш бўлимида
Елимлама усул		
Оммавий, таглик ғовак резина, пошна қўйма	22,63	26,18
Оммавий, таглик чарм, пошна қўйма:		
Таглик бириктирилмасдан олдин ишлов	26,24	27,45
Таглик бириктирилгандан кейин ишлов	28,24	32,94
Таглик чармсимон резина, ишиов берилган, қўйма:		
кундалик	28,24	28,88
башанг (моделли к)	39,18	30,20
Рант усули		
Таглик чарм, қўйма пошна:		
кундалик	24,31	54,11
башанг	33,96	64,91
Рант-елимлама усули		
Таглик ғовак резина ва юпқа чарм		
кундалик	24,31	49,41
башанг	34,89	59,57



6.1-rasm. Tikuv mashinasida buyumni igna tagiga uzatish tezligini o'zgarish diagrammasi.

Пойабзални лойиҳалашда иш ҳажмига устки деталларни конструкцияси жуда катта таъсир кўрсатади. Танаворнинг деталларини сони камайган сари, бичиш ва тикиш сехларининг иш унумдорлиги ортади. Танаворнинг деталларини сони ортган сари, тикиш сехидаги меҳнат харажатлари пропорсионал равишида ортади.

В.М. Ключникованинг изланишлари шуни кўрсатдики, танаворни йигиш учун деталларни тикиш, четини шилиш ва четини букиш учун кетган машина вақтлари, деталларнинг узунлигига, эгрилигига ва тикиш паузасига боғлиқ. Тикиши паузаси деб, бир йўналишда тикаётган тикиш машинасини тўхтатиб, бирор бурчакка буриш учун кетган вақтга айтилади.

Чокни тикиш машинасида тикаётганда, машинанинг тезлиги секин-аста оширилади, кейин эса максимал тезликда тикилади ва ниҳоят секин-аста тўхтатилади. Тўғри чизиқли чокларнинг тикишни бошлишда ва охирида тезлик тўғри чизиқ бўйича ўзгариб, бошқа қисмida эса максимал (V_{max}) тезликда тикилади (6.1-расм)

Тикиш учун кетган вақт қуйидаги ифодадан топилади:

$$T = T_m + T_{o.t.} \quad (1)$$

Бунда: T_m — максимал тезликда (V_{max}) тикиладиган чок; $T_{o.t.}$ — тезликни ошириш ва тўхтатиш учун кетган вақт.

Агар тезликни ошириш ва лўхташ вақтлари бўлмагандан, чок бир хил максимал тезликда (V_{max}) бажарилар эди.

Тезликни ошириш ва тўхташ вақтларини бўлиши V_{max} тезликни V_n тикиш тезлигига туширади (V_n —номинал тикиш тезлиги).

Чокнинг узунлиги қанча қисқа бўлса, тезликнинг камайиши шунча катта бўлади. Чокнинг узунлиги 30 см дан катта бўлса $V_n \rightarrow V_{max}$, $T_{o.t.}$ ва T_t нинг вақти шунча кичик бўлади. Бу ўзгариш солиштирма иш ҳажми коеффиценти ёрдамида қуйидагича белгиланади:

$$K = V_{max} / V_n \quad (2)$$

Тўғри чизиқли чоклар учун солиштирма иш ҳажми чокнинг узунлиги L га тенг бўлса, қуйидагича ҳисобланади:

Бунда, (1) тенгламага асосланиб, қуидагида ёзиш мүмкін:

$$\frac{L}{V} = \frac{L_{OL}}{V_{OT}} + (L - L_{OL}) \cdot V_{MAX}$$

(2) тенглама математик үзгаришлардан кейин қуидаги тенглик ҳосил бўлади:

$$K = \frac{L}{V} (V_{MAX} \cdot T_{OL} - L_{OL}) + 1$$

Тажриба ёли билан бир ишчи бажараётган ҳамма чоклар учун T_{OL} , ва L_{OL} бир хиллиги аниқланган, шунинг учун ҳисоблашга доимий сонни олиш мүмкін. Максимал тезлик (V_{max}) ҳам маълум русумдаги машиналар учун доимийдир.

Хулоса қилиб, бир хил иш шароитда бир ишчи бажарганда (3) тенгламадаги қавс ичини доимий сон (a) билан алмаштириш мүмкін:

$$a = V_{MAX} \cdot T_{OL} - L_{OL}$$

У ҳолда (3) тенглама қуидаги кўринишда бўлади:

$$K = aL^{-1} + 1$$

Тикув машиналарининг максимал тезлиги V_{max} , 30 см узунлиқдаги тўғри чоклами тикишда аниқланади.

Кўпгина тадқиқотларга кўра $a = 1,95$ га тенглиги аниқланган. Шундай қилиб, узунлиги L бўлган тўғри чизиқли чоклар, солиширма иш ҳажми билан қуидагида боғланган.

$$K = 1,95 aL^{-1} + 1$$

Узунлиги L бўлган тўғри чизиқли чокни тикиш учун кетган вақт қуидаги тенглама ёрдамида топилади:

$$T = \frac{LK}{V_{MAX}} \cdot \varphi$$

бунда: φ — тузатиш коеффиценти, у чокнинг вазифасига, қайерда ва нима мақсадда ишлатилишига боғлиқ.

Кўп ҳолларда тикилаётган деталларни контури мураккаб геометрик шаклга, бир вақтнинг ўзида битта ёки бир нечта радиусга ега бўлади. Тикилаётган контурнинг радиуси қанча кичик бўлса, машинанинг тезлиги ҳам шунча кичик боиади, солиширма иш ҳажми эсакатта бўлади.

Солиширма иш ҳажми егрилик радиуси R билан қуидагида боғланган:

$$K_R = mR^{-1} + n$$

бунда: m — коеффицент, n — тенгламанинг озод сони.

Тажриба ёли билан m ни 1,6 га тенглиги, n эсаузунлиги L билан

гипербола боғланишда бўлар екан, яъни $n = bL^{-1} + 1$; бунда $b = 1,95$ га тенг.

Юқоридаги қийматларни (5) тенгламага қўйилса қуйидаги тенглама ҳосил бўлади:

Агар деталда бир нечта радиус бўлса, у ҳолда:

$$K_R = 1,95 L^{-1} + 1,6(R_1^{-1} + R_2^{-1} + \dots + R_n^{-1}) + 1$$

Тикиш учун кетган вақт эса(4) тенглама билан аниқланади, фақат K нинг ўрнига K_R қўйилади.

$$T_m = \frac{LK}{Vm} \varphi$$

α — бурчак остида бир-бири билан кесишган деталдаги чоклар учун машинани тўхташ зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун тикиш паузаси T_{mn} га сарфланган вақт қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$T_{mn} = \frac{C}{\alpha} + d$$

Бунда: α — деталнинг буриш бурчаги;

C ва d параметрлари ишчини малакасига ва тикилаётган чокларга, пойабзалларга қўйилган (кундалик, башанг) талабга боғлиқ.

Тажриба ёли билан С нинг қиймати 6 дан 14,5 гача, ўртачаси $C \geq 10$, d — детални маълум бурчакка буриш учун тикув машинасининг тепкисини кўтариш ва тушириш учун кетган вақт 1,08 дан 1,45 гача аниқланган. $C \geq 10$ бўлганда $d=1,2$ га тенг бўлади ва юқоридаги (6) тенглама қуйидагича бўлади:

$$T_{t.p.} = \frac{10}{\alpha} + 1,2$$

Танаворни тикиш учун кетган умумий вақт еса

$$T_m \cdot \sum \frac{LK_R}{V_{max}} \cdot \varphi + T_{t.p.}$$

тенглама билан ҳисобланади. Шундай қилиб, (7) тенглама орқали назарий ёл билан янги лойиҳаланаётган пойабзалнинг тежамкорлиги аниқланади.

Танаворни тикиш учун кетган вақтни ҳисоблашдан олдин, пойабзалнинг

устки деталларини йиғма чизмасида ҳар бир деталларни тикиладиган, букиладиган ва чети шилинадиган контурлари аникланиб, элементар участкаларга бўлиб олинади. Машинани тўхтамасдан бир ёла тикиладиган участкага элементар участка дейилади. Ҳар бир элементар участкани узунлиги L , егрилик радиуслари R_1 аникланиб, Кёки K_R ва T ҳар бир элементар участка учун аниклангандан кейин танаворни тикиш учун кетган умумий вақт ΣT аникланади.

Деталларнинг четини букиш ва шилиш учун ҳам солиштирма иш ҳажмлари 6.5-жадвалда келтирилгандек топилади.

Деталларнинг четини шилиш учун кетган вақт қўйидаги ифодадан топилади:

$$T_{sh} = \sum \frac{LK_{sh}}{V_{max}}$$

Бунда: $V_{max} = 15,2$ см/сек.

Танаворни тикиш, деталларнинг четини шилиш ва букиш учун солиштирма иш ҳажмларини ҳисоблаш тенгламалари

Ишлов бериш контурининг тури	Солиштирма иш ҳажми		
	Тикиш учун	Шилиш учун	Букиш учун
Тўғри чизикли Егри, 1 радиусли Кўп радиусли	$1,95L^{-1}+1$ $1,95L^{-1}+1,6R^{-1}+1$ $1,95L^{-1} + 1,6 (R^{-1}_1 + R^{-1}_2 + \dots R^{-1}_n) + 1$	$L^{-1}+1$ $L^{-1}+0,5R^{-1}+1$ $L^{-1}+0,5 (R^{-1}_1 + R^{-1}_2 + \dots + R^{-1}_n) + 1$	$7 L^{-1}+1$ $7L^{-1}+3,8R^{-1}+1$ $7L^{-1}+3,8 (R^{-1}_1 + R^{-1}_2 + \dots + R^{-1}_n) + 1$

Деталларни четини букиш учун кетган вақт қўйидагича аникланади:

$$T_b = + \sum \frac{LK}{V_{max}} (D - 200) \cdot 0,007,$$

бунда: $V_{max} = 9,3$ см/сек.

D — устки деталлар учун материални қаттиқлиги (бикирлиги). Танаворни йиғиши учун кетган умумий вақт, тикиш, шилиш ва букиш учун кетган вақтламинг йифиндисидан иборат.

$$T_M = \sum T_m + \sum T_{sh} + \sum T_b.$$

Хозирги даврда тикиш, шилиш ва букиш учун солиштирма иш ҳажми коеффитсиенти ҳамда машина вақт сарфи маҳсус дастурлар ёрдамида ЕНМ

да ҳисобланмоқда.

Назорат саволлари

1. Пойабзалнинг конструкциясини материал сарф ҳажми қандай аниқланади?
2. Пойабзалнинг конструкциясини меҳнат сарф ҳажми қандай аниқланади?
3. Меҳнат сарф ҳажмини аниқлашда солиштирма иш ҳажми коеффитсиенти тенгламасини келтиринг.
4. Танаворни тикиш учун кетган умумий вақт сарф тенгламасини келтиринг.
5. Танавор деталларини шилиш учун кетган умумий вақт сарф тенгламасини келтиринг.
6. Танавор деталларини букиш учун кетган умумий вақт сарф тенгламасини келтиринг.

7-боб.

ПОЙАБЗАЛ ИЧКИ ШАКЛИ (ҚОЛИП)НИ ЛОЙИХАЛАШ

Пойабзалнинг энг асосий сифат кўрсаткичларидан бири, унинг қулайлиги, асосан оёқ панжасинмг ўлчамлари ва шаклига мувофиқ келадиган қолипларнинг конструкциясига боғлиқ. Қолипларнинг конструкцияси, пойабзал ички шаклини белгилаш билан бирга, энг асосий иш қуроли ҳам ҳисобланади. Чунки пойабзални шакллантириш, йиғиш ва пардозлаш каби технологик жараёнлар қолип ёрдамида бажарилади. Қолипнинг ўлчам ва тузилишларини асос қилиб олиб, айрим пойабзал машиналарининг ишчи органлари ҳам лойиҳаланади. Шунинг учун қолипларни тўғри лойиҳалаш ва аниқ ишлаб чиқариш, қулай ҳарада лойик пойабзаллар ишлаб чиқаришда ва технологик жараёнини аниқ бажаришда катта аҳамиятга. Эга. Пойабзалнинг ички шаклини, яъни қолипларни лойиҳалаш билан қўргина олимлар шуғилланишган. Ю.П.Зибин, Б.П.Хохлов, Х.Х.Лиокумович, К.И.Ченсова, А.А.Риндич, О.В.Фарниева, Т.С.Кочеткова, В.А.Фукин, А.Д.Бопеев, В.К.Макаричева, А.А.Ҳайдаров ва бошқаларнинг илмий изланишлари пойабзалнинг қулай ички шаклини, яъни қолипни лойиҳалашга бағишлиланган. Қолипларнинг асосий ўлчамлари Давлат андозаси (стандарти)да берилган.

7.1. ПОЙАБЗАЛ ҚОЛИПЛАРИНИНГ КОНСТРУКТИВ ТАВСИФИ

Қолиплар ёш-жинсий гурухи, мақсади ва технологик вазифа, конструкцияси, материали, товон қисмининг таянч текислигидан қўтарилиш баландлиги бўйича бир қанча турларга бўлинади.

Қолиплар ёш-жинсий гурухи бўйича худди пойабзалдагидек (1-жадвалга қаранг) гурух ва размерларга бўлинади.

Технологик вазифаси бўйича қолиплар икки турга бўлинади:

1. *Асосий* (тортиш) қолиплар, асосан, танаворни шакллантиришда ишлатилади.

2. *Ёрдамчи* қолиплар технологик жараённи бажаришда қўлланилади. Шунинг учун қолипларнинг номи, технологик жараённинг номи билан, я ни пардозлаш ва дазмоллаш қолиплари деб аталади. Ёрдамчи қолипларга иссиқ вулканизатсия ва қуиши усулларининг пуансонлари ва тайёр Пойабзаллармъинг шаклини сақлаш (шон) ва таъмирлаш учун ишлатиладиган қолиплар ҳам киради,

Асосий қолипларнинг таг юзаси, танаворларни қолипга тортиш усулларига қараб металл пластинкали, товон қисми, товон ва ахми қисмлари металл пластинкали ва металл пластинкасиз бўлиши мумкин.

Михли, винтли ва мих-чўпли бириктириш усуллари ва танаворни қолипга мих ёрдамида тортганда михнинг уни пластинкага теккандан кейин орқасига қайрилиб, патакка кириши учун тортиш қолипларига металл пластинка қўйилади,

Устки деталларни таг деталлари билан бириктиришда ипли усуллар қўлланилса, қолиплар металл пластинкасиз ишлаб чиқарилади. Пойабзалнинг доппел ва рангли бириктириш усулларида танаворнинг товон қисми мих ёрдамида қолипга тоитилади. Шунинг учун тортиш қолипларининг товон қисми металл пластинкали бўлади.


7.1.1. ҚОЛИПЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИ

Конструкцияси жиҳатидан асосий (тортиш) қолиплар қуидаги турларга бўлинади: яхлит, арраланган понали, туташ ва силжийдиган.

Яхлит қолиплари асосан енгил ва ёзги пойабзалларни ишлаб чиқаришда ишлатилади, чунки бу пойабзалларни яхлит қолипдан ечиш жуда осон. Яхлит қолипларни ишлаб чиқариш ҳам осон ва содда.

Арраланган понали қолиплар (7.1-а расм) пойабзалларни ташқи усул билан шакллантиришда ишлатилади. Арраланган понали қолипнинг танасида бир-

бирига нисбатан 75° бурчак бўйлаб йўналган иккита штифтлар ёрдамида устки понани ушлаб туради. Штифтларнинг биттаси (юқори қиррасидаги) пружина билан таъминланган бўлиб, понани кийгизаётганда ва ечаётганда штифтни босиб, қолипнинг танасига беркитилади. Бундай конструкциядаги қолиплар-



7.1-расм. Қолиплар конструкцияси.

нинг энг асосий камчилиги, пойабзални қолипдан ечаётганда устки ва таг деталлари катта деформатсияга учрайди. Пойабзални қолипдан ечиш учун унинг олд қисми қолипда турганда, орка қисмини қолипдан силжитиш керак. Бундай силжиши натижасида пойабзалнинг юқори зийи 17% чўзилади, чунки қолипнинг қуий қисми юқори қисмидан 17% катта.

Туташ қолиплар (7.1-б расм) — пойабзалларни қолипдан ечаётганда ҳосил бўладиган деформатсиялардан сақлайди. Бундай қолипларнинг товон қисми олд қисми билан шарнир орқали бирлаштирилган. Бу бўлаклар ораси 35° ёки 55° бурчак остида қирқиб қўйилади.

Пойабзани қолипдан ечаётганда олдин товон қисми чиқарилади, сўнгра осонгина ҳеч қандай деформатсиясиз пойабзал суғуриб олинади.

Туташ қолиплар ўз ўлчамларини ўзгартирмаслиги учун, асосан, пластмассадан тайёрланади. Шарнирларни тез ишдан чиқиши ва бўлаклар туташган қисмининг бикирлигининг камлиги, уларнинг энг асосий камчиликлари ҳисобланади.

Силжийдиган қолиплар—ички усул билан танаворни қолипга тортишда ишлатилади. Бу усулда ҳажмли танаворлар ишлатилиб, қолип танаворга кийгизилади, сўнгра махсус механизм ёрдамида қолипнинг узунлик ўлчамлари бўйига $9 \div 0,5$ мм га силжитилади. Бунинг натижасида танавор қолипнинг шаклини олади.

Силжийдиган қолипларнинг уч хил конструкцияси бор:

1. *Тўғри қирқилаган* — қолипнинг олд ва орка қисми бўйига ҳаракат қиласи


(7.1-д расм);

2. Ёйсимон қирқилган — қолипнинг олд қисмини ёйсимон сирпаниб ҳаракат қилиши натижасида орқа қисми бўйига силжийди (7.1-е, ҳ расм);

3. Ёйсимон қирқилган — қолипнинг орқа қисмини ёйсимон сирпаниб ҳаракат қилиши натижасида олд қисми бўйига силжийди (7.1-ф, к расм).

Ёрдамчи қолиплар конструкцияси жиҳатидан асосий қолиплардан шакли ва ўлчамлари билан фарқ қиласади.

Пардоzlashi қолипларнинг ўлчамлари (7.2-а расм) шу размерга мос келадиган тортиш қолипларининг ўлчамларидан: таг юзасининг узунлиги 5—



7.2-rasm. Yordamchi qoliplar:
a — pardozlash, b — dazmollash, d — shon.

10

мм, ён

сиртининг узунлиги 3 мм, таг юзаси товоң қисмининг эни — 5 мм, қолган қисмида 1 мм, қучоқ ўлчамлари 5—8 мм кичик бўлади.


Дазмоллаши қолиплари — тайёр пойабзалнинг таг юзини механик усулда дазмоллашда ишлатилади (7.2-б расм). Улар металл пластинкалар билан мустаҳкамланган бўлади. Дазмоллаш қолипларининг ўлчамлари ҳам асосий қолипларнинг ўлчамларидан; узунлиги бўйича 13—14 мм, таг юзаси товоң қисмининг эни 8—10 мм, тутам қисми 1 мм, тутам қисмининг қучоқ ўлчами 10 мм га кичик бўлади. Дазмоллаш қолипларининг кўтарилиш қисми кисқартирилиб, юқори майдончаси узайтирилган бўлади.

Таъмирлаши қолиплари ёки *шонлар* (7.2-расм). Тайёр пойабзалнинг шаклини сақлаш ва таъмирлаш учун маҳсус конструкциядаги қолиплар ишлатилади. Улар ичи бўш олд қисми (1), металл пружина (2) дан ва товоң таянчи (3) дан иборат. Бундай қолипларнинг турли конструкциялари бор. Франсияда синтетик материалдан ичи бўш қолиплар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ичи ҳаво билан тўлдирилганда пойабзалнинг шаклини олади.

7.1.2. ҚОЛИПЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИШЛАТИИАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

Асосий қолиплар кўпинча ёғочдан тайёрланиб, асосан, эман, бук ва граб каби қаттиқ дараҳтлар ишлатилади. Танқис бўлган ёғочларни иқтисод қилиш мақсадида

ҳозир кўпроқ турли русумдаги, катта мустаҳкамликка эга бўлган полиетилен (пластмасса) қолиплар ишлаб чиқарилмоқда. Полиетилен қолипларнинг афзалиги шундаки, эскирган (модадан қолган, ёрилган) қолипларни қайта қуийб, ишлатса бўлади. Маълумки, полиетилен қолипларнинг массаси катта бўлиб, бу эса уларнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Шунинг учун, қолипларни ишлаб чиқаришда полиетиленларга маҳсус (ғовак ҳосил қилувчи) моддаларни кўшиб, уларнинг физик-механик хусусиятларини, мустаҳкамлигини, технологик хусусиятларини ўзгартирмаган ҳолда массаси енгиллаштирилади.



7.3-расм. Пластмасса қолиплар:
***а* — армиранган, *б* — ичи бўш, *д* — ғовак қобиқли.**

Пластмасса қолиплар (7.3-расм) яхлит қуийлган, армиранган, ичи бўш бўлиши мумкин. Яхлит қуийлган, армиранган (орасига ёғоч ва бошқа энгил материал қуийлган) қолиплар қуийш усули билан ишлаб чиқарилади, чи бўшлари эса ҳаво ёрдамида шакллантирилади.

Силжийдиган қолиплар ёғочдан, олд ёки орқа қисми сирпаниб силжийдиган алиплар енгил қоришмали пўлатлардан ишлаб чиқарилади.

7.1.3. ҚОЛИПЛАРНИНГ ТОВОН ҚИСМИНИ КЎТАРИЛИШ БАЛАНДЛИГИ


Қолиплар товоң қисмининг таянч текислигидан кўтарилиш баландлиги бўйича x_n бир неча гурухга бўлинади:

Пошна баландлиги x_n (мм)

Пошнасиз пойабзаллар учун	0
Паст пошнали.....	5, 10, 15, 20, 25
Ўрта пошнали.....	30 - 40
Баланд пошнали.....	50 — 60
Ўта баланд пошнали.....	60 дан юқори

7.1.4. ҚОЛИПНИНГ ИНДЕКСИ

Хар бир қолипда фасонни белгиловчи 5—6 рақамдан иборат индекслар бўлади. Биринчи рақам — қолипларнинг ёш-жинсий гуруҳини; иккинчи рақам — қиёфасини; учинчи рақам — товоң қисмини кўтарилиш баландлигини; тўртинчи рақам — тумшуқ қисмининг фасонини; бешинчи ва олтинчилари — қолипларнинг индексидаги тартиб рақамлар билан белгиланади. Агар қолип башанг пойабзал учун мўлжалланган бўлса M ҳарфи билан, кекса одамлар учун бўлса P ҳарфи билан тўлдирилади. Индексни қандай тузиш кераклиги 9-жадвалда келтирилган.



7.4-расм. Қолипни тумшуқ қисмининг шаклини аниqlаш тасвири.

Масалан, қолипнинг индекси 91223 бўлса, у ҳолда:

- 9 — эркаклар пойабзали;
- 1 — ёпиқ пойабзаллар (туфли, қўнжсиз ботинка);
- 2 — паст пошнали 15—20 мм;
- 2 — қолипнинг ўрта шаклидаги тумшуқ қисми;
- 3 — тасдиқланган моделнинг тартиб номери деб таърифланади.

Индекс тузишда тўртинчи рақам тўғрисида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қолип тумшуқ қисмининг шакли, K коефитсиенти билан ифодаланиб, ΣP кўшимча, қолипнинг изини Лоп қисмидаги B кенглигининг нисбатига teng, яъни $K = \Sigma P / B$ (7.4-расм). Агар ҳосил бўлган $K = 0,25$ бўлса, қолипнинг тумшуқ қисми кенг; $K = 0,251 — 0,549$ бўлса, ўрта; $K > 0,550$ бўлса, тор ҳисобланади.

7.2. ҚОЛИП ЛОЙИХАЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Қолипнинг геометрик қиёфаси жуда мураккаб, ноқонуний эгри чизик ва текисликлардан иборат шаклга эга. Уни лойиҳалаш ва чизмада тасвирлаш учун муҳандис графика ҳамда амалий геометрия усулларидан фойдаланади. Шунинг учун қолипни график равишда уч текисликда ҳосил бўлган тўғри бурчакли координаталар системасида (7.5-расм), яъни: I-горизонтал; II-бўйлама вертикал, таг юзасининг шартли ўқи бўйича, III қўндаланг-вертикал, I ва II текисликларга перпендикулар ҳолда тасвирланади. Қолипни ло-йиҳалашда I текислик негиз (базис) текислиги бўлиб, у O ва Y нуқталари орқали ўтади. O

нуқта қолипнинг товон қисмининг из ўқида, Ў эса уни тумшук қисмининг давлат стандартида белгиланган қўшимча $P_{\text{мн}}$ нуқтасида жойлашган. Бу текислик пойабзал қолипини $P_{\text{мод}}$, яъни безак қўшимчасини ҳисобга олмайди ва қолипнинг товон қисмини ҳар хил баландлигини лойиҳалашда. унинг кўндаланг кесимларини солиштириш имконини беради.

9-жадвал


Пойабзал қолипларини индекслаш системаси

Индекс шифри	индекс рақамлари			
	биринчи биринчи	иккинчи	учинчи	тўртинчи
	Ёш-жинсий гурӯҳи ва қолипнинг размерлари	Пойабзалларнинг тури	Товон қисмининг кўтарилиш баландлиги	Тумшук қисмининг шакли
0	Чақалоқлар 1 гурӯҳи 95-125	—	Пошнасиз	
1	Чақалоқлар 2 гурӯҳи 105-135	Вопиқ пойабзаллар (ботинка, кўнжсиз ботинка, сандалет)	Паст 5- 10	Кенг
2	Ёш болалар 140-170	Енгил пойабзаллар (сандаллар, хонада, дам олишда кийиладиган)	Паст 15-20	Ўрта
3	Болалар 175-195	Ёзги очик пойабзаллар (очик тумшуқли, товон қисмли туфли)	Ўрта 30-35	Тор

4	Мактаб ёшидаги қиз болалар	Иссиқ, калта қүнжли этик	Үрта 40-45	
5	Қиз болалар	Етиклар, қайиқсимон туфли	Баланд 50-55	
6	Мактаб ёшидаги ўғил болалар	Булғори чармли этик ва калта қүнжли этик	Баланд 60-65	
7	Ўғил болалар 230-280	Хром тузлари билан ошланган чарм этик	Үта баланд 70-75	
8	Аёллар 215-275	Спорт турлари учун пойабзal	Үла баланд 80-85	
9	Эркаклар 245-305	Махсус пойабзal	Үта баланд 90-95	

Еслалма. Индексдаги 5-6 рақамлар шу турдаги қолиппеларни тасдиқланган моделининг тартиб номерини билдиради

Қолипнинг проексия ва юза кесимларини радиус-график усул билан лойиҳалаш қолипни график равишда тасвирилашни осонлаштиради. Қолипни эҲМ ишлатиш, яъни унинг шаклини, юзасини мураккаб чизиқларини эҲМ хотирасида шакилантириш ва лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш имконини беради. Қолипнинг чизмаларини чизишда ўрта типик оёқ ўлчамлари асос қилиб олинади. Оёқ панжасининг фазовий



7.5-расм. Қолипни график тасвирилаш.

шаклидан қолипга ўтишда, оёқ панжаси юриш мобайнида ўлчамларини ўзгариши, эстетик ва технологик талаблар ҳисобга олинади. Оммавий ишлаб чиқариш учун пойабзal қолипларини лойиҳалаш, асосан, қолипнинг таг юзасини (патакни), унинг габарит ўлчамларини, бўйлама-вертикал ва горизонтал проексияларини график равишда тасвирилашдан иборат бўлиб, шу чизмалар ва ўлчамларга асосланиб ёғочдан этalon қолип моделлаштирилади.

7.3. ҚОЛИПНИНГ АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАРИНИ ЎЗГАРИШИ

Пойабзал турига ва пошна баландлигига қараб қолипнинг асосий ўлчамларини ўзгариши Давлат стандартида келтирилиб, у қуидагилардан иборат; патакнинг кенглиги ёзги очиқ пойабзаллар учун 0,68 $L_{o.p}$ кесимида 1 мм га ва 0,18 $L_{o.p}$ кесимида 2 мм га кенгайтирилади; иссиқ ботинка ва этиклар учун 0,55 $L_{o.p}$ кесимидағи қучоқ ўлчамлари тегишли равища 10 ва 15 мм га оширилади; сандалетлар учун шу кесимдаги қучоқ ўлчами 5 мм га оширилади. Пошна баландлиги 30—40 мм пойабзаллар учун мўлжалланган қолипларнинг патак кенглигини 0,68 $L_{o.p}$ ва 0,18 $L_{o.p}$ кесимларида 2 мм га; 50—60 мм баландлиги учун 0,68 $L_{o.p}$ да 4 мм га ва 0,18 $L_{o.p}$ да эса 3 мм га; 70-80 мм баландлиги учун 0,68 $L_{o.p}$, да 5 мм ва 0,18 $L_{o.p}$ да 4 мм га қисқартирилади. Тумшуқ қисмининг баландлиги χ_n ёзги очиқ пойабзал учун мўлжалланган қолипларда 2 мм га орттирилади, эркаклар ёзги пойабзали учун эса 2 мм га камайтирилади.

Қолипнинг бўйлама-вертикал кесимини товон контури эркаклар иссиқ пойабзал, ёпик пойабзаллар қолипига нисбатан 5 мм қўйма билан қурилади, яъни гулчин баландлиги нуқтасидан бошлаб ташқарига силлиқ равища қайрилади; қолган гурӯҳлар учун бу қайрилиш 2,5 мм ни ташкил қиласди. Шу билан биргаликда қолипнинг товон қисмининг баландлиги ҳам оширилади.

7.4. ҚОЛИПЛАРНИ (УНИФИКАТСИЯЛАШ) БИР ШАКЛГА КЕЛТИРИШ

Унификатсиялаш асосида пойабзалларни ёш-жинсий гуруҳи, қиёфаси ва қолипларнинг товон қисмини кўтарилиш баландлиги жиҳатдан қолипнинг аниқ таснифи ётади.

Пойабзал кенг ассортиментини қўйма деталлар (бикир дастак, қўйгич, ярим патак, таглик ва пошналар) билан таъминлаш учун қолипнинг танаси 0.5 $L_{o.p}$ кесимида изи ва бўйлама-вертикал профили эса — 0,62 $L_{o.p}$ кесимида унификатсиялаштирилади. Шу мақсадда қолипни учта ёнма-ён тўлаликлари ҳам унификатсиялашган ўрта тўлаликда тайёрланади. Қолипларни унификатсиялаш қолип хўжалигини ва корхоналардаги пресс формалар сонини сезиларли қисқартиришда ва пойабзал корхоналарини автоматлаштириш имконини беради.

Назорат саволлари

1. Пойабзалнинг ички шакли (қолип) тўғрисида умумий тушунча беринг,
2. Пойабзал қолипининг технологик вазифаларини таърифланг.
3. Пойабзал қолипининг конструкцияси бўйича бўлиннишини изоҳланг.
4. Пойабзал қолiplари учун ишлатиладиган материаллар ҳақида айтиб беринг.
5. Пойабзал қолипининг индекси нималарни ифодалайди?

6. Пойабзал қолипларини лойиҳалашда, у координата ўқларига қандай жойлаштирилади?

7. Қолипнинг асосий ўлчамлари оёқ панжасининг ўлчамларидан қандай фарқланади?

8. Қолипларни унификациялаш қандай амалга оширилади?

8-боб.

ЧАРМ БЮОМЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

8.1. ПОЙАБЗАЛНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Пойабзал саноатида янги нусхадаги пойабзалнинг моделини яратиш деб, эскиз ёрдамида бирор моделнинг чизмасини чизиб, сўнгра деталларни бичиш учун андазаларни тайёрлашга айтилади.

Бичилган деталларни ўзаро тикиш ва уларга ишлов бериш натижасида янги ўйланган конструкциядаги пойабзал пайдо бўлади. Пойабзалларни устки деталларини лойиҳалашни график усулини биринчи бўлиб веналик этиқдўз (Австрия) Роберт Кнёффел 1876-йилда яратди.


Бу усулда пойабзални лойиҳалаганда оёқ панжаси ёки қолипнинг ўлчамлари асос қилиб олинади. Бу ўлчанган қийматлар ёрдами чизиқлар кўринишида, маълум бурчак ва қонуниятлар ёрдамида чизмага чизилади (8.1-расм). Шуни қайд этиб ўтиш керакки, бу ҳосил бўлган бурчактар ва ўлчамлар, Роберт Кнёффелнинг узоқ йиллик тажрибасига асосан олинган бўлиб, турли размердаги пойабзаллар учун турлича эди.

Ҳосил бўлган контурнинг ичига моделнинг деталлари чизилади, сўнгра тортиш баҳясининг эни қўшилади. Чизмага асосан ишчи, яъни тикиш ва кўринадиган зийларига ишлов бериш учун қўшимчалар берилган андазалар

тайёрланади.

График усулда пойабзалларни лойиҳалашда аниқ қолипнинг шакли, ўлчамлари ҳисобга олинмайди, шунинг учун унинг деталларини бир неча марта тайёрлаб, тузатишлар киритилади. Бу эса қўп вақт ва материал сарф тўлишига сабаб бўлади.

Кейинчалик пойабзал тайёрлайдиган кичик-кичик устахоналар бирлашиб, катта корхоналар ташкил топгани натижасида, пойабзалларни лойиҳалашни янги усувлари пайдо бўлишига эҳтиёж туғилди.



8.1-расм. График усули бўйича қўнжсиз ботинканинг танаворини қуриш.


XIX асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб Келлер (Олмония) қолип шаклини, тузилишини ҳисобга оладиган янги усулни яратди. Унинг асосини қолипларнинг ён ва таг сиртларидари олинган шартли нусхалар ташкил қиласди. Нусха лойиҳаланаётган пойабзалнинг шакли, қиёфаси, қолипнинг шаклини тўлароқ акс эттира бошлади. Бу янги усул *нусхалаш* усули деб аталади.

Қолипнинг шартли нусхасини Кнёффелнинг ёрдамчи чизиқларига жойлаб *график-нусхалаш* усули яратилди. Бу усул Келл эр-Кнёффел усули ҳам дейилади. График-нусхалаш усули ривожлантирилиб, Траферс нусхаларни координата ўқларига жойлаштирумай, барча чизмаларни нусхани ўзида бажарди. График-нусхалаш усули тўла мукаммал лойиҳалаш усули бўлмаса ҳам, пойабзалларни лойиҳалашда олдинга қўйилган биринчи қадам эди. Бу усул ишлаб чиқариш тажрибаларига асосланиб такомиллаштирилди ва унга тузатишлар критилди. Бу усул ҳозирги пайтда ҳам айрим давлатлар (Болгария, Венгрия, Олмония, Италия ва бошқалар)да кенг қўлланилмоқда.

1935-йилга келиб рус олим Ю.П. Зибин қолипнинг шартли нусхасига, оёқ панжасининг анатомик нукталарини белгиловчи базис (асосий) чизиқлар ўтказишни таклиф қиласди (8.2-расм). Базис чизиқларининг коеффитсиентлари, аҳолининг оёқ панжасини оммавий ўлчаш натижасида олинган қийматлар бўлиб, аниқ илмий асосга эгадир.

Пойабзал лойиҳалашнинг назарий асосларини яратишда рус олим Ю.П. Зибиннинг хизматлари жуда катта. Б.Х.Хохлов, Ф.В.Пешиков, Х.Х.Лиокумович, В.Х.Лиокумович ва бошқалар график-нусхалаш усулидан

фойдаланиб, барча турдаги пойабзалларнинг лойиҳасини яратиши. А.М.Симис, В.Г.Стерлин, А.А.Еремин ва А.Х.Петросянлар тикиб-елимлаш усулидаги пойабзалларни лойиҳалашга катта эътибор бердилар. Бу соҳада э.А.Дубинскийнинг ишлари ҳам эътиборга лойик, у қолипларни лойиҳалаш, пойабзалларнинг моделини ва градир машинасининг кинематикасини яратишида катта илмий изланишлар қилди.



8.2-расм. Ю.П. Зибин усули бўйистига ўрта нусхага базис члзиқларини ўтказиши.

Қолипнинг шартли нусхаларини олишни аниқ усуллари Ю.П. Зибин раҳбарлигига Т.В.Казлова, В.Л.Раятскас, э.А.Дубинский, Г.И.Рослик, В.П.Апанасенко, Л.А.Тонковидлар томонидан яратилди.

XX асрнинг 60-йилларига келиб Москва енгил саноат технологияси институти(МТИЛП)нинг чарм буюмлар технологияси кафедрасида Ю.П.Зибин раҳбарлигига олиб борилган илмий изланишлар натижасида, пойабзалларнинг моделини лойиҳалашни, яни танаворнинг устки деталларини деформатсион хусусиятларини ҳисобга олувчи бикир қобиқ усули яратилди. Куйида пойабзалларни лойиҳалашнинг замонавий усуллари келтирилган.

8.2. ПОЙАБЗАЛ ТАНАВОРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИ

Хозирги пайтда республикамизда ва барча ҳамдўстлик давлатларида энг кўп тарқалган усувлар қўйидагилар: график-нусхалаш усули, бикир қобиқ усули я Италянча усул. Аммо айрим малакали моделерлар ҳозир ҳам устки деталларнинг лойиҳалашда нусхалаш усулидан фойдаланадилар.

8.2.1. НУСХАЛАШ УСУЛИ

Нусхалаш усули бўйича пойабзал танаворини лойиҳалаш пойабзалнинг модели, эскизига, асосан, қолипнинг ён сиртига чизиб олиниб, сўнгра «хитой»

қофоз (калка) ёки бошқа бирорта шаффоф материаллар ёрдамида ишчи чизмасисиз, деталлар кўчириб олинади. Бу усулда қолипнинг ён сиртларига ёрдамчи ва базис чизиқлари, яъни оёқ панжасининг асосий аноматик нуқталарини белгиловчи чизиқлар ўтказилмайди. Катта тажрибага эга малакали моделерларгина бу усулни қўллашлари мумкин.

Нусхалаш усули асосан, тасмали-сандаллар ва очиқ типдаги пойабзалларни лойиҳалашда қўлланилади.

Моделер лойиҳаланадиган пойабзалнинг эскизини танлагандан кейин, ўз тажрибасига ва малакасига асосан, қолипнинг ён сиртларига моделни чизади. Сўнгра деталнинг тахминий шакли ва ўлчамидаги «хитой» қофозини қолипга резина елими ёрдамида ёпишириб, моделнинг барча деталлари кўчириб олинади. Сўнгра пойабзалнинг моделини нусхаси туширилган «хитой» қофозни юпқа қофозга ёпишириб, уни бир неча бор қолипга қўйиб қўриб, керак бўлса тузатишлар киритади. Олинган нусхалар кейинчалик деталларнинг андаза асоси бўлиб хизмат қиласи, яъни улар ёрдамида ишчи (бичиш) ва йиғиш андазалари тайёрланади.

Йиғма модел — бу ўзаро тикилган (йиғилган) устки деталларнинг ёйилган қўринишидир. Йиғма моделни қолипга кийгизиб яна бир бор аниқлиги текшириб қўрилади, керак бўлса яна тузатишлар киритилади.

Нусхалаш усулининг афзалликлари шундан иборатки, қимматбаҳо материаллар талаб қилмайди ҳамда ассиметрик деталларга эга бўлган моделларни лойиҳалашнинг яққол тимсоли бўлиб хизмат қиласи.

Моделернинг юқори малакали бўлиши, деталлар нусхасининг олишни мураккаблиги ва бу усулни баланд дастакли пойабзалларни лойиҳалашда қўллаб бўлмаслиги, бу усулнинг камчилиги ҳисобланади. Бундан ташқари оёқ панжасининг аноматик нуқталари чамалаб белгиланади, бу эса пойабзалларни лойиҳалашда хатоликларга олиб келади. Қолипга бир неча марта расм чизилиши натижасида, у ишдан тез чиқади.

8.2.2. ГРАФИК-НУСХАЛАШ УСУЛИ

График-нусхалаш усулида, олдин қолипнинг ён сиртларидан нусха олиб, қолипнинг ўртача нусхаси топилади, сўнгра график усулда пойабзалнинг моделини деталлари чизилади. Чизмани чизаётганда оёқ панжасининг анатомик ва физиологик тузилиши, тайёр пойабзалнинг деталларини давлат стандарти бўйича асосий ўлчамлари ҳисобга олинади ҳамда моделер (конструктор)нинг малакаси катта аҳамиялга эга бўлади.

Пойабзалнинг эскизини танлаб олгандан кейин, моделер тегишли қолип ён сиртларидан ўртача нусхани (ҚЎН) бирорта аниқ ва қулий усулда олиб, уни координата ўқларига жойлаб, оёқ панжасини анатомик нуқталарининг ҳолатини белгиловчи базис чизиқларини ўтказади. Сўнгра давлат стандартининг талабига асосан, тайёр пойабзалнинг назорат чизиқлари ўтказилади,

Базис ва ёрдамчи чизиқларни ўтказгандан кейин қабул қилинган қўлланмага асосан турли қиёфадаги пойабзалларни чизмаси чизилади:

а) қолипни ўлчамлари ва тузилиши;

б) оёқ панжасининг анатомик ва физиологик тузилиши;

д) пойабзал корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли конструкциядаги пойабзалларни лойихалаш амалий тажрибалари ҳамда моделерни малакаси ҳисобга олинини график-нусхалаш усулининг афзалликлари ҳисобланади.

График-нусхалаш усулини ўрганиш жуда осон бўлиб, турли конструкциядаги пойабзалларнинг лойихалаш назарий билимларини мустақил ўрганиш, тезда назарий билимларига ижодий ёндашган ҳолда уларни амалда кўллаш мумкин.

Бу усулининг камчилиги шундан иборатки, эскизда чизилган, ҳажмли чизикларни ясси чизмада чизиш қийин бўлиб, айрим ҳолларда бадий ўйланган фикрдан четлашишлар юз беради.

8.2.3. БИКИР ҚОБИҚ УСУЛИДА ЛОЙИХАЛАШ

Бикир қобиқ усулида пойабзалларни лойихалаш бир нечта босқичда амалга оширилади:

а) бикир қобиқни «кайгизилган» қолипда ҳосил қилиш;

б) устки деталларни бадий макети (чизмаси)ни яратиш;

д) макетдан шартли нусхаларни олиш;


е) ясси деталларнинг контурини чизиш.

Бу усулда қолип ён сиртининг нусхасини олиш учун танланган қолипга, ички ва оралиқ деталлар худди тайёр пойабзалдагидек кийгизилади. Барча деталларнинг қалинликлари давлат стандарти талабига мос бўлиши керак. Сўнгра «кайгизилган» қолипни Москва енгил саноат технологияси институти олимлари томонидан яратилган маҳсус вакуум аппаратга кўйиб термопластик плёнка ёрдамида ёки қолипга материал тортиб, унга маҳсус елим суртиб бикир қобиқ ҳосил қилинади.

Бикир қобиқقا моделнинг расмини чизиш учун унга оёқ панжасининг анатомик нукталарини билдирувчи ёрдамчи чизиклар ўтказилади. Сўнгра давлат стандартига, асосан, деталларнинг асосий ўлчамлари белгилаб олинади ва бикир қобиқقا эскизга мос равишда пойабзалнинг расми чизилади. Бикир қобиқ усулида пойабзалларнинг лойихалаётганда уларнинг устки деталларида ишлатиладиган барча материаллар ҳақида тўла маълумотларга эга бўлиш керак. Чунки бар бир конструкциядаги пойабзаллар учун материаллар системасини умумий чўзилиши, мустаҳкамлик чегараси лойихалаётган моделнинг конкрет деталларининг деформатсияси ҳисоблаб топилиши керак.

Бикир қобиқ усули билан пойабзалнинг иккита макети тайёрланади ва улар бадий кенгашга тақдим этилади. Бадий кенгаш моделни тасдиқлагандан кейин, биринчи макет бадий кенгашда сақланади, ясси деталлар аниқ лойихаланганини ва тайёр пойабзал тўғри ишлаб чиқарилганини текшириш

учун, иккинчисини танаворни фазовийлигига қараб қирқиб, текисликка ёйилади танаворни қолипга тортганда ҳосил бўладиган деформатсияларни ҳисобга олган ҳолда, ясси шаклдаги деталларнинг андозалари тайёрланади (8.3-расм).



8.3-нисм. Бикир қобиқ ёрдамида қолипдан нусха олиш.

8.3. БИКИР ҚОБИҚ УСУЛИДА ПОЙАБЗАЛ ТАНАВОРИ ДЕФОРМАТСИЯСИНИ ҲИСОБЛАШ

Бикир қобиқ ёрдамида «күйинтирилган» қолипдан шартли ёйилмаси олиниб, уларга тааллукли корректировка ва ўзгартиришлар киритилгандан кейин пойабзал танаворини деформатсияси ҳисобланади. Танавор Ю.П.Зибин, Д.И.Анохин, В.С.Скатерной, М.П.Куприяновларни тадкиқотлари асосида аниқланган.

Танаворни бўйлама деформатсияси $\varepsilon, (\%)$ қўйидаги тенглама билан аниқланади:

$$\varepsilon = \varphi A_c K_{\text{дон}}^{0,5}$$

бунда: ε — танаворни қолигга шакллантириш пайтида унинг нисбий чўзилувчанлик миқдори (%); E — танаворнинг қиёфаси ва конструкциясини ҳисобга оловчи коефитсиент ва у ўз навбатида $\varepsilon = E_1 \varepsilon_2 \varepsilon_3 \varepsilon_4$ лардан иборат; ε_1 — ҳар хил конструкциядаги танаворларнинг нисбий деформатсиясини коефитсиенти (қўйма дастакли қўнжксиз ботинка учун $\varepsilon_1 = 1,18$; «қайиқсимон» туфлилар учун $\varepsilon_1 = 1,3$); ε_2 — танаворни текисликка ёйганда унинг қанотларини ёйилиш бурчакларини ҳисобга оловчи коефитсиент ($\alpha = 10^\circ$ бўлса, $\varepsilon_2 = 0,9$; $\alpha = 160$ бўлса, $\varepsilon_2 = 1$; $\alpha = 21^\circ$ бўлса $\varepsilon_2 = 1,1$); ε_3 — танаворни устки зийини қолигга ёпишиб туриши учун бериладиган қисқартириш миқдори (a , мм) ни

хисобга олувчи коефитсиент ($a = 0,8$ мм бўлса $\varepsilon_3 = 0,3$; $a = 5$ мм бўлса $\varepsilon_3 = 0,33$; $a = 10$ мм бўлса $\varepsilon_3 = 0,36$); ε_4 — танаворни геодезик чизик бўйлаб ҳақиқий узунлигини хисобга олувчи тузатиш коефитсиенти ($E_4 = 0,9$); A_c — танавор деталларига кирувчи, параллел ва кетма-кет уланган материаллар системасининг чўзишишини хисобга олувчи коефиттиент; $K_{\text{дан}}$ — танаворни шакилантириш учун жоиз бўлган кучланиш (X).


Системанинг чўзишиш коефиттиенти A_c , танаворда берилган материалларни чўзишишига боғлиқ бўлиб, намуна модельнинг узайиш диаграммасидан олинади. Бунинг миқдорини аниқлаш учун шундай материаллар намунасини тайёрлаш керакки, унда пойабзалдаги ҳамма устки деталларни ва берилган конструкциядаги танаворнинг биректириш усулларини тақлид қиласин. Бунинг учун шартли ёйилмада геодезик чизик AB бўйлаб устки деталлар узунлиги аниқланади (8.4-расм).

Пойабзалнинг устки деталларини материалидан кенглиги 50 мм ва узунлиги l_b , l_c чок учун бериладиган қўшимчаси билан намуналар кесиб олинади. деталларнинг четларига, ПТ-250 машинасининг қисқичларига мустаҳкамлаш учун яна 20 мм дан қўшимча берилади (8.4-*a* расм).

Ички ва оралиқ материаллардан ҳам худди шундай намуна деталлар кесиб олинади. Уларнинг ҳам эни 50 мм, узунлиги эса чизма бўйича аниқланади. Агар астар ва оралиқ астарлар тўқима материалдан бўлса, улар танда ипларига нисбатан 15—20° бурчак остида кесиб олинади.

Материаллар намунасини параллел ёки кетма-кет усул билан тикув машинасида биректирилади ва намуна-модел ҳосил бўлади.

Бу намуна-моделни динамометрда яримграб усули билан синалади ва 100мм/мин тезликда узайиш диаграммаси (8.4-*b* расм) ёзиб олинади.



8.4-расм. Танавор юзасини деформатсия миқдорига ўзгартириш.

Диаграммадан 100Х га тенг кучланиш ҳолатида намунанинг абсолют чўзилиш миқдори Ас аниқланади.

Ас сон жиҳатидан 100Х кучланишдаги нисбий чўзилувчанлигига тенг бўлгани учун унинг миқдори қуидаги тенгламадан топилади:

$$A_c = \frac{Л_1}{Л_3} \cdot 100$$

Бунда: $Л_3$ — танаворнинг (намуна-моделни) узунлиги.

Шаклланиш пайтида ҳеч бир материал йиртилиб кетмаслиги учун K_{don} ни йиртилиш пайтидаги кучланиш P_{yirt} дан 1,5 марта кичик (мустаҳкамлик захираси) олинади, яъни $Q_{yirt} = \frac{P_{yirt}}{100}$; $K_{don} = \frac{P_{yirt}}{1,5}$ ёки $Q^{0,5} = \sqrt{Q_{yirt}/(15 * 10)}$ тенгламатари билан аниқланади. Э, A_c , K_{don} миқдорлари аниқлангандан кейин юқоридаги тенглама асосида бўйлама деформатсия миқдори аниқланади. Бу миқдор танаворни шакллантиришда бўладиган деформатсияни, ёйилмани майдонига ўзгартиришлар киритишга имкон беради. Танаворнинг узунлиги бўйича деформатсиялар тенг тақсимланмагани учун, ҳар бир детал учун нисбий ўзгарувчанлик (деформатсия) аниқланади. Кўйма дастакни қўнжсиз ботинкалар бетлиги учун Σ_c ва дастак учун Σ_b ўзаро боғланиши қуидагича аниқланади: бетлик билан дастак чокига астарни чоки тушмаса $\Sigma_c = 1,54 \Sigma$, бетлик билан дастак чокига астар ҳам қўшиб тикилса $\Sigma_c = 1,8 \Sigma$ га тенг бўлади; дастак учун эса $\Sigma_b = (0,6-0,7) \Sigma$ га тенг. «Қайиқсимон» туфлилар учун $\Sigma_c = 1,3 \Sigma$, $\Sigma_b = 0,8 \Sigma$ га тенг бўлади. Агар қақайиқсимон туфлида бетлик ва дастак кесилмаган бўлса, геодезик чизик бўйлаб IV базис чизигигача бетлик ва қолгани дастакка шартли равища бўл инади. Бетлик C_c ва дастак C_b учун абсолют деформатсия эса,

$$C_{c=} \Sigma_c * \Lambda_c / 100 ; \quad C_{b=} \Sigma_{cb} * \Lambda_b / 100$$

тенгламалари билан аниқланади ва натижада бетликнинг тумшук қисмида C_c миқдорига камайтириб, илгариги контур (И) чизик билан текис бириктирилади (8.4-б расм). Дастакнинг товон қисмида C_b миқдорига қисқартириб товон контурига эквидастал равища тузатиш киритилади. Кейин тортитиш баҳяси учун ҳамма периметри бўйлаб бир хил қуидаги норматив бўйича қўшимча (2 чизик) берилади.

Елимли усул учун тортилиш баҳяси $15 \pm 0,5$ мм

Рант усули учун тортилиш баҳяси $14 \pm 0,5$ мм

Доппел усули учун тортилиш баҳяси $12 \pm 0,5$ мм

Ички ва оралиқ деталларининг лойиҳалаш устки детайларини контурига, асосан, умумий услугуб бўйича бажарилади.

8.4. ГРАФИК-НУСХАЛАШ УСУЛИДА ПОЙАБЗАЛ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ

График-нусхалаш усулида пойабзалларнинг устки деталларини лойиҳалаш куйидаги босқичларда амалга оширилади:




**8.5-расм. Битта модел ёрдарава унификациялашган қатор
эскизини чизиш.**

1. Пойабзалнинг эскизини чизиш.
2. Қолипнинг ўртача нусхасини олиш.
3. Қолипнинг ўртача нусхасини координата ўқларига жойлаштириш, базис ва ёрдамчи чизиқларни чизиш.
4. Пойабзал устки деталларининг ўлчамларини ҳисоблаш.
5. Устки деталларни йиғиши, кўринадиган жойларига ишлов бериш.
6. Пойабзалнинг ички деталлари (астарлари)ни лойиҳалаш.
7. Оралиқ деталларини лойиҳалаш. Моделнинг эскизини (8.5-расм) яратиш-замонавий моданинг йўналиши ва Республика пойабзал модалар уйининг тавсияси ҳисобга олинади. Эскизда пойабзалнинг қиёфаси, деталларни тузилиши, шакли, чокининг сони, ишлатиладиган материалларнинг ранги ва номи кўрсатилиши керак.

8.4.1. ҚОЛИПНИНГ ЁН СИРТИНИНГ ШАРТЛИ НУСХАСИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Хозирги вақтда қолипнинг ён сиртининг нусхасини турлича олиш мумкин. Аммо битта қолипдан турли усул билан олинган андозаларининг шакли, ўлчамлари бир-биридан фарқ қиласди, чунки унинг узунлигига, қолипнинг ўлчамларига турли тузатишлар киритилади. Пойабзал қолiplари жуда мураккаб фазовий шаклга эга, уни оддий математик боғланиш билан ифода қилиб бўлмайди. Шунинг учун сиртини чизмачилик геометриясининг методикаси асосида ёйиб бўлмайди. Шундай сиртларни

ёйилмайдиган сирт(юза)лар дейлади.



Ёйилмайдиган сиртлардан олинадиган шартли нусхаларни умумий асослари қуидагича (8.6-расм): асоснинг радиуси P , юқори айланасининг ирадиуси $r = P/2$ ва ён сиртининг узунлиги $l = 1,05 P$. Кесилган ярим сферани кўриб, чиқамиз. Бу ярим сферани пластик материал билан тортиб, қоплаб, унга сфера шакли берилади. У ўз шаклини ярим сферадан ечгандан кейин ҳам сақлаб туриши керак. Бу ҳосил бўлган ярим сфера шаклидаги қобиқни текисликка ёйиш учун уни турли йўналишда чуқур қилиб кесиш керак. Лекин унинг бир қисмида кесилмаган жой қолдирилиши шарт.

Мисол учун, кесилмаган жойни юқори қисмида (8.7-а расм) қолдириб, ярим сферани текисликка ёйса, 8.7-б расм кўринишидаги шакл пайдо бўлади. Агар шу кўринишдаги шаклда детал қирқиб олиб тикилса, берилган ярим сфера ён сиртининг шакли пайдо бўлади.

Агар кесилмаган (таянч) жойи қуий қиррасида (8.7-д расм) бўлса, унда 8.7-е расмдаги кўринишда шакл ҳосил бўлади.

Кесилмаган қисми ярим сферани ўртасида жойлашса (8.7-ф расм), ярим ҳалқа (8.7-ғ расм) кўринишда шакл ҳосил бўлади. Шундай қилиб, таянч жойи ярим сферанинг қуий асосига яқин жойлашса, уни текисликка ёйгандаги шакли тўғри тўртбурчакка яқинлашиб боради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ясси андазаларнинг шакли, қаттиқ қобиқнинг кесишини йўналишга ва таянч жойи

(кесилмаган қисми)ни ўрнига боғлиқ. Пойабзалнинг тумшук қисмининг шакли, яrim сферанинг чорак қисми шаклига ўхшайди.

Қолипни ён сиртларининг нусхасини олишни қуидаги: соддалаштирилган, бикир қобиқ, Италянча усуллари мавжуд.

1. Соддалаштирилган усул. Бу усул бир нечта кўринишда, аммо асоси бир хил бўли б, қоғоз андаза ёрдамида нусха олинади. В.П.Апанасенко, Л.А.Тонковид, Г.И.Рослик, э.А.Дубинский усуллари бир-биридан факат аниқлиги билан фарқ қиласди. Юқорида келтирилган муаллифларнинг усуллари кўп ваqt талаб қиласди, шунинг учун жуда кам қўлланилади. Факат соддалаштирилган усул энг кўп тарқалган ҳисобланади. Қандай усул қўлланилишидан қатъий назар қолипларни:


- а) ён сиртларининг нусхасини олишга тайёрлаш;
- б) қоғоз ёки футор ёрдамида андазани тайёрлаш;
- д) қолип ён сиртларининг нусхасини олиш; й
- э) қолипнинг ўртача нусхасини олиш каби босқичларда бажарилади.

а) Қолипни ён сиртларининг нусхасини олишга тайёрлаш

Нусхаси олинадиган қолипни асосий ўлчамлари давлат стандартига тўғри келиши текширилади, унга ён сиртларини ташқи ва ички томонларга ажратувчи чегара чизиклари ўтказилади.

Агар қолипнинг таг қисмида металл пластинка бўлмаса, у ҳолда шу қолип Учун тасдиқланган патакнинг шаблони ёрдамида, ахми қисмининг ички томонини, яъни ён сирти билан таг қисмининг чегара чизиги чизиб олинади. Чегара чизиклари товон қисмида B_k , B_c , B_b ва B (8.8-б расм), юқори қирраси ва тумшук тутам қисмида B_e , C_L , H_b ва H_c нуқталари орқали ўтади (8.8-г расм).

B_k нуқта товон қисмининг тагини ўртаси, H_b нуқта тумшук қисмининг ўртаси, B_c эса товон қисмининг энг бўртиб чиқсан жойининг ўртаси ҳисобланиб, $B_k B_c = 1/3 B_b B$ га teng (8.8-д,ф расм).



B_b нуқта қўнжсиз ботинкаларнинг баландлигини қиймати жадвалдан олинниб, орқа контурнинг эгри чизиги бўйича белгиланади. B_e нуқта юқори

қиррасининг ўртаси бўлиб, товоң қисмининг энг бўртиб чиқсан жойидан 0,55 P_{on} масофада жойлашади. Шу нуқта орқали қолипнинг кучоқ ўлчами ўлчанади. C^I нуқта юқори қиррасининг тугаш қисмида жойлашади.

Бунда $CC^I = 0,5$ ($C P_{t.t} - C P_{i.t.}$) бўлиб, $P_{t.t}$ ва $P_{i.t}$ нуқталари $P_{t.t}$ ва $P_{i.t}$ нуқталар проексияси ҳисобланади.

Белгиланган нуқталарни маҳсус андаза ёки ингичка эгилувчан чизгич ёрдамида туташтириб, қолипни чегара чизиқлари ўтказилади (8.8-д расм).

б) Қоғоз андазани тайёрлаш


Соддалаштирилган усулда қолип ён сиртларининг нусхасини олиш учун қолипнинг ички томони билан, икки қават юпқа ёки хитой қоғозга, қолипнинг таг томонини тик қилиб қўйган ҳолда, унинг контури чизиб олинади. Ҳосил бўлган контурга бутун периметри бўйича 25—30 мм қўшимча берилиб (8.9-а расм), қирқиб олинади. Қирқиб олинган қоғоз андазани тумшуқ ва товоң қисми нурсимон, қолган қисмлари контурга нисбатан тик: эни 8—10 мм, чуқурлиги 15—50 мм масофада кесилади (8.8-б расм).

Қолипни нусха оладиган контурининг эгрилиги қанча мураккаб бўлса, қоғоз андазанинг япроқларини эни шунча кичик ва чуқур бўлиши керак.

д) Қолип ён сиртларининг нусхасини олиш

Икки қават қилиб кесилган қоғоз андазаларни ажратиб олиб (8.9-д расм), навбатма-навбат ён сиртларига, резина елим ёрдамида ёпиштирилади. Қоғоз андазанинг япроқчаларини ғижимламай текислаб, бир-бирига чиқармай, қолипнинг чегара чизиқлари қоғозга ўтказилади. Аммо тумшуқ ва товоң қисмида япроқчалар бир-бирининг устига чиқади, ахми қисмида эса улар ораси очик бўлади. Бунинг натижасида қолипнинг аниқ нусхасини олиш имкони бўлмайди, шунинг учун уни *шартли нусха* дейилади.

Қоғоз андазага қолипдаги ҳамма чегара чизиқларини белгилаб бўлгандан кейин, унга товоң қисмининг энг юқори нуқтаси *B* ва тумшуқ қисмининг энг бўртиб чиқсан нуқтаси *H_b* белгиланади. Кейинчалик



8.9-расм. Қолипнинг ён сирти шартли нусхасини олиш учун андаза тайёрлаш.

қолипнинг ўртача нусхасини олиш учун қоғоз андазани эҳтиётлик билан қолипнинг ён сиртидан кўчириб, қалинроқ тоза қоғозга ёпиштирилади. Ён сиртининг контурига тузатиш киритиб (япроқчаларини текислаб), кесиб олинади. Унга қолипнинг фасони, размери, тўлалиги ва ён (ташқи ёки ички) сиртининг номи ёзилади.


8.4.2. ҚОЛИПНИНГ ЎРТА НУСХАСИНИ ОЛИШ

Қолипнинг ташқи ва ички ён сиртларидан оиинган нусха бир-биридан шакли ҳамда ўлчамлари билан фарқ қиласи.

Пойабзални лойиҳалаш қулай бўлиши учун қолипнинг ўртача нусхаси (ҚҮН) дан фойдаланилади. Қолипнинг ўртача нусхасини олиш учун, ён сиртларидан олинган бирини оқ қоғозга ингичка (ёрдамчи) чизиқ билан чизиб олинади, сўнгра иккинчи нусхани шундай қўйиш керакки, иккала ён сиртларнинг B ва H_c нуқталари бир жойда ётиши шарт (8.10-а расм). Шу ҳолатда ён сиртни контури ёрдамчи чизиқ билан чизиб олинади. Ҳосил бўлган иккита контур орасидаги масофани teng иккига бўлиб, қалин (асосий) чизиқ ёрдамида қолипнинг ўртача нусхасимнг контури чизиб олинади, тумшук-тутам ва қисман ахми қисмидан ташқари. Агар шу қисмда ички ва ташқи ён сиртларнинг контури орасидаги фарқ 3 мм дан катта бўлса, иккала контур қолдирилади, кичик бўлса, ўртача чизиқ ўтказилади (8.10-расм).

Соддалаштирилган усулни қўллаш жуда осон ва арzon бўлиб, кўп қимматбаҳо материаллар ҳамда асбоблар талаб қилмайди. Қолипнинг ўртача нусхасига қолип фасони Φ , размери H , тўлалиги W , товон қисмининг баландлиги x_π ва қолипнинг ўртача нусхасини узунлиги $L_{QO'N}$ ёзиб қўйилади.

Қолип ўртача нусхасининг узунлигини топиш учун, уни орқа, контурининг баландлигини $1/3$ қисми (B_v нуқта) белгиланади. B_v нуқта билан тумшук қисмининг нуқтаси H_c туташтирилиб, унинг узунлиги ўлчанади (L қўн).



8.10-расм. Қолипни ўрта нусхасини олиш.

8.4.3. ҚОЛИПНИНГ ЎРТАЧА НУСХАСИНИ КООРДИНАТА ЎҚЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИШ, БАЗИС ВА ЁРДАМЧИ ЧИЗИҚЛАРНИ ЧИЗИШ

Чизмачилик қоғозининг чап паст бурчагида координата ўқлари XOY ўтқазилади. O нуқтадан ҚЙ ўқида B^1_k нуқтаси белгиланади. ($O B^1_k = \dot{x}_n + 5$ мм); бунда \dot{x} — қолипнинг пошна қисми баландлиги мм да, 5 мм эса устки деталларамг қалинлиги (8.11-а расм).

Қолипнинг ўртача нусхасини B^1 нуқтасига ўрнатиб, тутам қисмини энг чиқиб турган нуқтасига OX координата ўқини уринма қилиб, қолип ўртача нусхасининг уч қисмини белгилаб олинади (H^1_c нуқта).

B^1_k нуқтада қолипнинг нусхасини ушлаб туриб, тумшуқ қисми соат мили бўйича бурилади, то ҚҮН нинг ички тутам чизифига OX ўқи уринма бўлиб ўтгунгача ва ўртача нусханинг уч қисмини белгилаб олинади (H^{11}_c). H^1_c ва H^{11} нуқталарини бирлаштириб ўрта нуқтаси (H_1) белгиланади. H_1 нуқтасига ҚҮН уч қисмини ўрнатиб, унинг контури ёрдамчи чизик билан чизилади.

Қолипнинг ўртача нусхасини ёрдамчи чизик ёрдамида чизгандан кейин янги координата ўқи ($X_0 O_1 \bar{Y}^1$) ўтказилади. Янги координата ўқини ўтказиш учун: B_k нуқтадан, OX ўқига $B_k^1 P_c = 0,62$ Л_{қўн} радиусида ёй чизиб P_c нуқта аниқланади B^1_k ва P_c нуқталар орқали янги X_1 ўқи ўтқазилади. O_1 , \bar{Y}^1 ўқи эса $B_k^1 X$ га тик ва ўз навбатида қолипнинг ўртача нусхасининг орқа қисмини энг бўртиб чиқсан нуқтасига уринма бўлиб ўтади. Бу янги $X' O_1 \bar{Y}^1$ ўқи пошнанинг баландлигини ҳисобга олувчи ўқ бўлади.

ҚҮН ни товон қисмининг бўртиб чиқсан нуқтасидан асосий (базис) чизикларигача бўлган масофа $X^1 = \alpha L_{\text{қўн}}$ тенгламаси ёрдамида ҳисобланади. Оёқ панжасининг анатомик нуқталарини ва (а) коеффицентини билдирувчи куйидаги асосий базис чизиклар мавжуд.


Анатомик нуқталар	Асосий	Коеффицент
Ички тўпиқ маркази	I	0,23
Оёқнинг букилиш нуқтаси	II	0,41
Оёқ панжасининг ўртаси	III	0,48
Биринчи кафт суюгининг дистал	IV	0,68
Бешинчи бармоқ охири	V	0,78

Асосий чизикларини ҚҮН га маҳсус селулоидли андаза ёрдамида чизилади. Селулоидли андазани қалинлиги 1,2 мм бўлиб, уни В.Пешиков

ихтиро қылган. Бу андаза бурчакли (1) ва ҳаракатчан (2) чизгичдан ташкил топган бўлиб, горизонтал йўналишда ҳаракат қиласи (8.11-б расм).

Горизонтал йўналишдаги чизгичда 0,5 мм аниқликда шкала бор. Ҳаракатчан вертикал чизгичда Нониус бўлиб, у горизонтал йўналишдаги шкалани 0,5 мм аниқликда белгилашга имкон беради.

Базис чизикларни ўтказиш учун $X^I O_I Y^I$ координат ўқининг O_I нуқтасига андазанинг O_I нуқтаси қўйилади, горизонтал чизгич эса ўқида ётиши



шарт (8.11-д расм).

Шу шароитда асосий базис чизикларини масофаси аниқланиб, вертикал ҳаракатланувчи чизгич ёрдамида чизилади. Агар махсус селлуюидли андаза бўлмаса, оддий учбурчакли чизгич ёрдамида асосий базис чизиклари ўтказилади. Кейин КЎН га катта ва кичик ёрдамчи назорат чизиклари ўтказилади. Катта ёрдамчи чизик B_3G , гулчиннинг баландлиги B_3

$$O_I B_3 = 0,15 H_{mm} + 12,55 \text{ мм}$$

ва V базис чизигининг масофасини ўртаси G нуқта орқали ўтади (8.11-е

тасм). Γ^1 ва Γ^{11} нүқталари ҚҮН билан V базис чизигининг учрашган нүқталари. Кичик ёрдамчи $B_\delta \Delta$ чизик B_δ нүқтадан

$$O_1 B_\delta = 0,15 H_{mm} + 25,5 \text{ мм баландлиқда.}$$

$B_3 \Gamma$ чизигига параллел ҳолда, Π -базис чизиги билан учрашгунча ўтказилади.

Π -базис чизиги билан катта ёрдамчи чизикнинг ($B_3 \Gamma$) учрашган нүқтасини Δ^1 деб белгилаб, B_δ нүқтаси билан туташтирилади ва $B_\delta \Delta^1$ чизигининг I базис чизиги билан кесишган нүқтасини Δ^{11} деб белгиланади. $\Delta^1 \Delta^{11}$ ва $B_\Gamma \Pi$ чизикларини тенг иккига бўлиб, $\Delta_1 E^1 \geq \Delta^{11}$ э², ва $B_\Gamma \geq \Delta \Pi_n$, э E^1 нүқталари туташтирилади.

Назорат CK ва LK чизиклари бўлиб, CK чизик қўйма дастакли қўнжсиз ботинка ва ботинкаларда мустаҳкамлик чокини жойлашиш чегарасини билдиради, LK назорат чизиги бўлса, «Лоафер» туридаги пойабзалларда бетликни тикиш чегарасини билдиради.

8.4.4. ПОЯБЗАЛЛАР УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Пойабзалларнинг асосий ўлчамлари қўнжсиз ботинка, туфли, ботинка, сандалетларнинг дастагини баландлиги, этик, калта қўнжли этикларнинг қўнжини баландлиги, гулчинни, қаттиқ дастакнинг баландлиги, ботинкаларнинг дастагини, этик ва калта қўнжли этикларнинг қўнжини эни, қаттиқ дастакнинг қанотларини ва тумшуқ остини узуулиги, тортиш баҳясининг эни ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ўлчамларнинг айримлари Давлат стандарти томонидан белгилаб қўйилади (10-жадвал). Устки деталларни лойиҳалашда керак бўладиган айрим ўлчамлар эса антропометрия қонунлари асосида ҳисобланади.

1948-йилда Б.М.Хохлов ва унинг шогирди Ф.В.Пешиков томонидан штихмасли системада, кейинчалик (11-жадвал) метрик системада пойабзалларнинг устки деталларининг ўлчамларини аниқлайдиган тенгламалар яратилди.

Қўнжсиз ботинка, ёпик туфли ва сандалетларнинг дастагини баландлиги куйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$B_k B_n = 0,15 H_m + C$$

Бунда С озод сон бўлиб, Давлат стандартига асосан, турли ёш-жинсий гурухлар учун ҳар хил.

Қайиқсимон ва товон қисми очиқ туфллар учун дастакнинг баландлиги, пойабзал оёқ панжасига яхши ёпишиб туриши учун қўнжсиз ботинкалардан 3 ва 5-6 мм баланд бўлади.

$$B_K B_m = B_K B_n + 3 \text{мм}, \quad B_K B_{m.o.} = B_K B_n + 5 - 6 \text{ мм}.$$

Бунда: B_m — «қайиқсимон» туфлиларнинг дастак баландлиги, $B_{m.o.}$ — товоң кисми очиқ туфлининг дастак баландлиги.

10-жадвал

Давлат стандарти томонидан белгилаб қўйилган пойабзалнинг баландлик ўлчамлари, мм да

Пойабзалнинг жиусий гуруҳи	Ўрта размери	Ботинкани	Кўнжсиз ботинкани	Етикни		Баландлик	Бикир дастакни
				Чармдан толькима	Калта Кўнжли этикни		
Эркаклар	270	126	66	410	440	180	48
Аёллар	240	156	61	345	-	180	44
Ўғил болалар	240	117	61	195	—	160	44
Қиз болалар	235	143	61	190	-	160	44
Мактаб ёшидаги ўғил	215	110	57	170	-	140	42
Қиз болалар	215	135	57	170	-	140	42
Мактаб ёшигача болалар	185	УС	49	170	—	-	42
Чақалоқлар	135	94	43	120	—	—	30

Тикма (юмшоқ) патакли қўнжсиз ботинкалар ва туфлиларнинг дастагини

баландлиги $4 \div 5$ мм га кичик бўлади:

$$B_k B_{\Pi} (\text{тирма}) = B_k B_{\Pi} - (4 \div 5).$$

Бунда B_{Π} —тирма патакли қўнжсиз ботинка ва туфлининг дастак баландлиги.

Пойабзалларнинг баландлиги, фақат тасдиқланган нусхасига асосан, истеъмолчиларнинг талабига кўра ўзгариши рухсат этилади. Тумшук остининг узунлиги, тайёр пойабзалнинг тумшук қисмини $2/3$ бўлагини ташкил этади,

яъни кундалик пойабзалларда $L_{t.o.} = 0,2 L_{k.y.}$, башанг пойабзалларда

$$L_{t.o.} = 0,15 L_{k.y.}$$

тeng бўлади.

II-жадвал

Пойабзалларнинг устки деталларини баландлик ўлчамлари метрик системада, (мм)

Пойабзалнинг жинсий гуруҳи	Ўрта размери	Тўлалиги	Дастакнинг B_5		Қаттиқ дастакнинг, $B_{k.d.}$	Ботинка дастакнинг юкори қисм кенглиги III_d
			ботинка Уолинка	Конжсиз ботинка		
Чақалоқлар I гуруҳи	110	3	0.3H+55	—	—	0.4H+2W+20
II гуруҳи	135	3	0.3H+53	0.15H+23	0.15H+9	0.4H+2W+18
Мактаб ёшигача болалар	185	3	0.3H+62	0.15H+21	0.15H+9	0.4H+2W+17
Мактаб ёшидаги қиз болалар	215	3	0.4H+49	0.15H+25	0.15H+8	0.4H+2W+13
Мактаб ёшидаги ўғил болалар	215	4	0.3H+45	0.15H+25	0.15H+9	0.4H+2W+16
Қиз болалар	235	3	0.4H+49	0.15H+25	0.15H+9	0.4H+2W+14
Ўғил болалар	240	4	0.3H+45	0.15H+25	0.15H+9	0.4H+2W+9
Аёллар	240	4	0.4H+60	0.15H+25	0.15H+8	0.4H+2W+24
Эркаклар	270	4	0.3H+45	0.15H+25	0.15H+8	0.4H+2W+11

Эслатма: H — пойабзал; W — пойабзал тўлалиги.

Қаттиқ дастакнинг қанотлари узунлиги пойабзалнинг конструкциясига ва пошнанинг баландлигига боғлиқ бўлади. Куйида турли пойабзаллар учун қаттиқ дастак қанотларининг узунлигини, қолипнинг ўртача нусхасини узунлигига

нисбатан коеффицентлари берилган.

Пойабзал пошнасининг баландлиги	Қаттиқ дастакнинг қанотлар узунлигини коеффициенти
баланд пошна	0,48-0,55 Л _{күн}
ўрта пошна	0,44-0,45 Л _{күн}
пастт пошна	0,41-0,42 Л _{күн}
астарсиз пойабзалларда	0,30-0,35 Л _{күн}

Тортиш баҳасининг эни, танаворни қолипга тортиш усулига, сиртки деталларни материалига ва тагликни устки деталлар билан бириктириш усулига боғлиқ. Турли конструкциядаги пойабзалларнинг тортиш баҳасини эни 12-жадвалда келтирилган.

Хром тузлари билан ошланган чармдан қилинган деталлар учун тортиш баҳасининг эни

Пойабзалнинг тури	Бириктир иш усули	Тортиш баҳасининг қиймати (мм)					
		Тумшук қисмида		Тутам қисмид	Ах ми қисмид	Товон қисмида	
		узунлиги	ени			узунлиг	ени
Ботинка ва қўнжсиз ботинка	Рант	15-16	15-16	16-17	18-20	15-16	15-16
Ботинка ва қўнжсиз ботинка	Елимлаш, қўйиш	16-17	15-16	17-18	20-22	15	15-17
Қайиқсимон	Елимлаш	12-13	14-15	15-16	21-23	15	15-17
Очиқ туфли	Елимлаш	—	17-18	18-20	20-21	—	—
Ботинка ва қўнжсиз ботинка	Доппел	13-14	14-15	15-17	17-18	15	15-17
Сандал	Сандал	5	6-7	8-9	9-10	10	10

8.4.5. ТАНАВОРНИ ЙИГИШ ВА КЎРИНАДИГАН ЗИЙЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН ҚЎШИМЧАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Деталларни йигиши учун қўшимчалар уларни тикиладиган жойларига, чокларнинг конструкциясига, материалнинг турига, бажарадиган вазифасига, чокларни сонига қараб берилади. Пойабзалламинг устки деталларини йигишида жуда кўп ҳолларда қўйма чок ишлалилади.

Кўйма чок учун бериладиган қўшимчани, чокларнинг сони, деталнинг зийидан чокгача ва баҳя қаторлар орасидаги масофани, перфоратсиянинг шакли ҳамда диаметри, шилинган жойгача бўлган масофалар, шилинган

жойнинг эни қўшилиб топилади.

Кўйида пойабзал саноатида ишлатиладиган чоклар учун белгиланган меъёрий қўшимчалар қиймати келтирилган.

Масофалар (мм)

Кўйма чок учун:

Деталнинг четидан биринчи баҳя қаторигача:

чарм материаллари учун 0,8÷-1,0

сунъий чармлар учун 1,5÷2,0

Баҳя қаторлар орасидаги:

перфоратсиясиз 1,0÷4,0

диаметрис \varnothing бўлган перфоратсияли д + 1,6

Охирги баҳя қатордан қуи деталнинг шилингтан жойигача 0,8÷1,0

Шилингтан жойнинг эни 3,0÷4,0

Бириктирма чок учун 1,0÷2,0

Ағдарма чок учун 4,0÷5,0

Барча пойабзалларнинг сиртқи ва ички деталларни қўринадиган зийлари, пойабзалнинг конструкциясига, вазифасига, материалига қараб, қуйидаги усулларнинг бири билан ишлов берилиши керак: қайриш (букиш), куйдириш ҳошия тикиш ва ҳоказолар.

Башанг пойабзалларни ташқи қўриниши бежирим бўлиши учун уларнинг деталларини қўринадиган зийи кўпинча букилади. Баъзан истеъмолчилар билан келишилган ҳолда башанг пойабзалларни сиртқи деталларининг (лак, шевро, замша ва оқ рангли чармлардан ташқари) қўринадиган зийларини куйдириш ёки ҳошия тикиш ва айрим мураккаб конструкциядаги пойабзалларда эса очик қирқимли бўлиши мумкин.

Нотўқима толали асосга эга бўлган сунъий чарм ва лақдан, синтетик чармдан бичилган деталларнинг қўринадиган зийлари очик қирқимли, бўялган ёки бўлмаса юқори частотали токлар билан куйдирилган ҳам бўлиши мумкин.

Сунъий чармдан, сунъий лақдан, сунъий замшадан, тўқима материаллардан бичилган деталларнинг юқори ва олд контурлари қайрилган (ёпиқ қирқимли), магиз ёки тасма тикилган ҳамда ағдарма чок ёрдамида тикилган бўлиши керак.

Астарларни қўринадиган зийлари қирқилган (очик қирқимли), қайрилган, ағдарилган, ҳошия (тасма) тикилган бўлиши ва сиртқи деталларнинг зийидан чиқиб турмаслиги лозим.

Барча турдаги пойабзалларнинг чарм астарларини қўринадиган зийи очик қирқимли лойиҳаланиши мумкин.

Кўйида устки деталларни контурига бериладиган қўшимчаларни қиймати (мм) келтирилган.

Қайриш (букиш) учун	3,5-4,0
Куйдириш учун	0,5
Бўяш учун	0
Ағдарма чок учун	4,5-5,0
Кирқилиб кетиш учун	2,0

8.4.6. ПОЙАБЗАЛНИНГ ИЧКИ ДЕТАЛ (АСТАР)ЛАРИНЛЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ

Астарни куриш учун танаворнинг сиртқи деталларини контури (грунт-модел) асос қилиб олинади.

Дастакнинг чарм астарини қуришда: учта нарсага эътибор бериш керак:


1) чарм астарларни (ташқи ва ички дастакнинг) бир-бири билан ўзаро бирлаштиришига;

2) чарм астарларни, дастакни юқори зийига бирлаштираётганда; қўлланиладиган чокларга ва дастакни кўринадиган зийига ишлов бериш усулларига;

3) чарм астарнинг сиртқи деталлари билан бирлаштиришда қўлланиладиган, параллел ёки кетма-кет усулни қўлланишига алоҳида эътибор бериш керак ва уларнинг таърифи қўйида келтирилган.

Чарм астарларни бир-бири билан бирлаштириш

Чарм астарларни (ташқи ва ички дастакларнинг) бир-бири билан бирлаштиришни уч усули бор.



8.1.2-расм. Пойабзалнинг ички деталларини лойиҳалаш.

Биринчи усул. Иккала (ички ва ташқи) чарм астарининг узунлиги бир хил бўлиб (8.12-а расм), орқа қжсмида тикиладиган чок бўлмайди, улар бир-бирини устига чиқиб туради ва расмда кўрсатилганидек қурилади, яъни астарни дастакнинг юқори зии контурига нисбатан чапга 7 мм қўшиб, товон қисмини тортиш баҳяси контуридан 3 mm қисқартирилиб чизилади.

Иккинчи усул. Иккала (ички ва ташқи) чарм астарнинг узунлиги бир хил бўлиб, орқа товон чизизи бўйлаб, бириткирма чок орқали тикилади (8.12-б расм). Астар сиртқи детални контурига нисбатан орқа товон чизизининг энг бўртиб чиқкан жойида ва қўйи қисмида, бикир дастак ҳамда оралиқ астар қалинлигини хисобга олиш учун 7 mm га қисқартирилади.

Учинчи усул. Чарм астар иккита, узунлиги ҳар хил бўлган, деталлар-дан ташкил топган бўлиб, ўзаро қўйма чок орқали тикилади, чок орқа букилиш чизизидан 55 mm


масофада жойлашади (8.12-рф расм). Φ_6 чизиги астарни (узун томонини) букиш чизиги дейилади. Айрим ҳолларда чарм астар уч бўлақдан иборат бўлиши мумкин (8.12-е расм). Иккита ён қисми, ички ва томонда бўлади.

Астар битан дастакни юқори зий бўйича бирлаштириш

Астар билан дастакни юқори зий бўйича бирлаштириш, зий чокларини кўлланилишига қараб, бир неча усуллари бор. Зий чоклари пойабзал детал четларини титилиб кетишидан сақлайди ва қўринадиган зийларини безашда ишлатилиади. Зий чоклар буклама чок, мағиз чок ва ағдарма чоклардан иборат.

Юқорида кўрсатилган чокларнинг қайси бирини ишлатилишига қараб қўйидаги усуллар қўлланилади:

1. Астар ҳам, дастак ҳам очиқ қирқимли. Бунинг учун иккала детални тескари томони билан бир-бирига қўйиб, деталларни зийидан $0,8—1$ мм масофада баҳя қатор юритилади (8.13-а расм).



8. 13-расм.

2. Сиртқи детал ёпиқ қирқимли (букилган), астар эсаочиқ қирқимли. Иккала детал тескари томони билан қўйиб зий чок билан тикилади (8.13-*b* расм).

3. Сиртқи детал ҳам, астар ҳам букилиб (қайтарилиб) зий чоки билан тикилади (8.13-*d* расм).


4. Сиртқи деталга мағиз парчаси қўйиб астар билан бирга мағиз чок ёрдамида

тикилади ёки бўлмаса махсус тасма ёрдамида, тасма четини букмай туриб, тасма милкидан 1 — 1,5 мм оралиқда баҳя қатор юритилиб тикилади (8.13-*e* расм).

5. Сиртқи детал ва астарни мағиз парчаси ёки махсус тасма билан қоплаб мағиз чок ёрдамида тикилади (8.13-*f* расм).

6. Ағдарма чок ёрдамида сиртқи деталлар ва астар тикилади. Бунинг жчун асосий деталламинг ўнгини ичкарига қаратиб қўйиб, бириктирма чок йуритилади, кейин чокни ёриб дазмоллаб ёки дазмолламай, детални ўнгига иғдариб баҳяқатор юритилади (8.13-*g* расм). Баҳя қаторни юритиш сиртқи иетални қалинлигига боғлик, агар у қалин бўлса бириктирма чокдан пастда, упқа бўлса юқорида жойлашган бўлади (8.13-*h*, *i* расм).

Чарм астарни сиртқи деталлар билан бириктиришда қўйидаги усуллар қолланилади.



Параллел усулда сиртқи (қўйма дастакли қўнжсиз ботинка, ботинка ва ҳоказо) деталларни ўзаро тикаётганда устки детал (бетлик + дастак) лар ва астар (чарм + тўқима) лар бир йўла тикиб юборилади (8.14-*a* расм).

Кетма-кет усулда эса чарм астар, тўқима астари билан; дастак, бетлик билан алоҳида-алоҳида тикиб олинади. (8.14-*b* расм).

Юқорида келтирилган усулларга асосланиб, барча турдаги пойабзалларнинг астарларини лойиҳалаш мумкин.

8.4.7. ОРАЛ1Қ ДЕТАЛЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Оралиқ деталларнинг шакли, ўлчамлари сиртқи деталларнинг шакли, ўлчамларига боғлик. Шунинг учун сиртқи деталларнинг контуруни алоҳида-алоҳида чизиб олиб, унга нисбатан кичикроқ лойиҳаланади. Оралиқ деталларни қураётганда қўйидаги талабларга қатъий риоя қилиш керак:

1. Тайёр пойабзалларда оралиқ деталларни қирралари билинмаслиги керак.
2. Оралиқ деталлар тикилаётганда улар чокга ва тортиш баҳясига тушиши шарт. Агар тушмаса, у ўз мазмунини йўқотади.

Оралиқ (астарларни) деталларнинг қуий контуруни, тортиш баҳясига параллел ёки тўғри чизиқ ҳолда чизиш мумкин.

Назорал саволлар

1. Пойабзал танаворини моделлаштириш тарихи ҳақида айтиб беринг.
2. Пойабзал танаворини моделлаштиришда нусхалаш, график-нусхалаш усули қандай амалга оширилади?
3. Бикир қобиқ усули бўйича лойиҳалаш босқичларини келтиринг.
4. Бикир қобиқ усулида пойабзал танаворининг деформатсияси қандай

аниқланади?

5. Материаллар системасининг чўзилишини ҳисобга олувчи коеффитсием A_c қандай ҳисобланади?

6. Танаворини қиёфаси ва конструкциясини ҳисобга олувчи коеффитсиент э қандай аниқланади?

7. График-нусхалаш усулида танаворни моделлаштириш босқичларини келтиринг ва изоҳланг,

8. Колип ён сиртларининг шартли нусхасини олиш усулларини келтиринг ва изоҳланг.

9. Колип ён сиртларининг шартли нусхасини координата ўқларига қандай жойлаширилади?

10. Базис, яъни асосий чизиқлар нимани ифодалайди ва қандай аниқланади?

11. Дастак ва гулчмнинг баландликлари қайси тенглама билан аниқланади?

12. Танаворини йиғиш ва кўринадиган зийларига ишлов бериш учун кўшимчалами ҳисобланг.

13. Пойабзal ички детал (астар) ларини моделлаштириш усулларини келтиринг,

14. Астарни сиртқи деталлар билан бириктириш усулларини келтиринг.

9-боб.

Қўнжсиз ботинкаларнинг устки деталларини лойиҳалаш

Қўнжсиз ботинкаларнинг устки деталлари яхлит ёки қирқилган деталлардан ташкил топиши мумкин.

Кўп ҳолларда юқори ва олд зийи букилган, қолган кўринадиган зийтари бўялган бўлади. Дастакларнинг орқа қисми бириктирма чок билан тикилган ёки туташтирма чок билан тикиб, орқа ташқи тасма билан мустаҳкамланган бўлади.

Қўнжсиз ботинкаларнинг танавори юқорида келтирилган (параллел ёки кетма-кет) усуллардан бирини қўллаб йиғилади.

Қўнжсиз ботинкаларнинг вазифаси, конструкцияси, устки деталларининг материалига уларни йиғиш ва кўринадиган зийларига ишлов бериш усуллари танланади.


Кўйида кўйма дастакли, кўйма бетликли, резинкали, «Лоафер» туридаги қўнжсиз ботинкаларнинг сиртқи, ички, оралиқ деталларини лойиҳалаш усуллари келтирилган.

9.1. Қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш

9.1.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш

Пойабзalнинг устки детатларини қуриш, юқорида айтилганидек ҚўНни координата ўқларига жойлаб, ҳамма базис ва ёрдамчи назорат чизиқларини

(8.11-расм) ўтказгандан кейин пойабзal орқа қисмини қуришдан бошланади (9.1-расм). Пойабзalнинг орқа қисмини қуриш учун



9-1-расм. Қуида қўйма дастакли кўнжсиз ботинкани сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

B'_k , B_δ , B_θ нүқталарни белгилаб олиш керак. B'^1_k — нүқтасиган чапга 2—2,5 мм (B''_k нүқтаси) ва B_δ — нүқтасидан 2—1,5 мм (B'_δ), B_δ нүқтадан $B_\delta D$ чизигини $B_b B'^1 = 0,33 B_b E$ қийматида қисқартириб, B'^1_δ нүқтаси қўйилади. B'_θ , B'_δ , B'_k , B^3 нүқталари лекала ёрдамида туташтирилади ва тортиш баҳясининг эни қўшилади. Дастакнинг юқори зийи (канти) D'' ва э нүқтадан э E^1 чизиклари орқали ўтади.

Бурчак $BdE''E$ ихтиёрий радиус ёрдамида текис туташтирилади. Шунда э¹
 э¹¹ 10—20 мм масофага teng бўлиши керак. Е— нуктасида Қўннинг контурига нисбатан 1—2 мм пастроқда, унга параллел ҳолда, У нуктасигача тўғри чизик ўtkазилади.

Эъ эҮ бурчак ихтиёрий радиус орқали текис туташтирилади. ЭҮ масофа ихтиёрий бўлиб, исталган қийматга эга бўлиши мумкин. Бу асосан моделга ва пойабзални эскизда яратилган кўринишига боғлик. Дастакнинг олд контурига ҳам худди юқорида айтилганидек, эскизда чизилгандек ўтказилиши ва L , L' нуқтаси орқали ўтиши шарт. L 'нуктаси L нуқтасидан 10—12 мм пастроқда жойлашган. L нуқтасини топиш учун бетликнинг букиш чизигини ўтказиб олиш керак. Бунинг учун олдин мустаҳкамлик чокининг ўрни белгилаб олинади, яна КС ёрдамчи чизигида

$$C_{\delta}^I \equiv 0,35 \; KC ; \quad C_{\delta} \equiv 0,5 \; KC$$

тenglamalari ёрдамида b ва b' нукталари лопилади, $b b'$ масофасининг исталган жойида (кўпинча ўртасида) L нуктаси ётади, у дастак чокининг мустаҳкамлик ўрнини билдиради. Қолип нусхасидаги тумшук қисмининг энг бўртиб чиқсан нуктасидан X_6 3—4 мм пастида b нуктаси белгиланади, кейин чизмада тўғри

бурчакли учбурчакли чизгич шундай жойлаштириладики. битта катети L нуқтасида, иккинчи катети эса b нуқтасидан түғри бурчакни чўққиси эса ҚҮН да (b_1) ётиши керак. Шу ҳолда b b_1 нуқталари туташтирилади ва b нуқтасидан ўнгга, b_1 нуқтасидан чапга давом эттирилади. Бу ҳосил бўлган түғри чизик бетликнинг букиш чизиги дейилади. L нуқтасидан букиш чизигига параллел ҳолда $L\bar{L}=12-15$ мм чизик чизилади. Сунъий ва синтетик материаллардан қилинган танаворлар учун букиш чизиги X^l_b ва b_1 нуқталари орқали ўтади. Бетликнинг букиш чизигини ўтказгандан кейин дастакнинг контурини қуриш давом эттирилади. L нуқтасидан B_3G назорат чизигига параллел қилиб түғри чизик чизилади. Бу түғри чизикни III базис чизиги билан кесишган нуқтасидан чапга 3—5 мм давом эттириб M нуқтаси топилади. ҚҮН контурининг II ва III базис чизиклари орасидаги масофасини teng иккига бўлиб, M нуқтаси белгиланади. M ва M' нуқталари түғри чизик орқали туташтирилади. Дастакнинг олд контурини чизишка, асосан деталларни бичаётганда уларни ўзаро яхши жойланиши, чиқиндининг камайиши ва умуман пойабзалнинг кўриниши гўзал бўлишига эътибор бериш керак. Бунинг учун дастакнинг юқори зийини қолипнинг ўртача нусхаси билан кесишган жойини U деб, ундан чапга букиш чизиги бўйича 8—10 мм қўйилади ва U нуқтаси топилади.

Бетликнинг тумшуқ қисмини C X_2X_3 бўлагини калкага чизиб олиб, X_2 нуқтасини U нуқтасига қўйиб, бетликнинг букиш чизигида эса, калканинг $C\bar{X}_2$ букиш чизиги ётган ҳолда X_2X_3 контурини ингичка чизик ($U\bar{X}_3$) билан чизиб олинади. Дастакнинг $L'' M M'$ контурига тикиш учун (8—10 мм) қўшимча берилиб, бетликнинг қаноти L нуқтасигача чизилади. Тилчани чизиш учун бетликнинг букиш чизиги дастакнинг юқори зийи билан кесишган ауқтасидан L чапга 5—6 мм (L ё нуқтаси) қўйиб, L'' нуқтасидан букиш чизигига тик туширилади ва тилча энининг ярим қиймати қўйилади (C нуқта).

Тилчанинг эни кўп ҳолларда 48 мм га teng бўлади, тилча асосан оёқ анжаси шикастланмаслиги учун блочканинг остини беркитиб туриши шарт.

L нуқтасида 1,5—2,5 мм радиусли доира чизилади. Назорат чизиги KC эса L нуқтада шу доирага уринма бўлиши керак. C нуқтасидан шу доирага иринма қилиб түғри чизик ўтказилади. Бурчак $L'' C L$ ёй ёрдамида текис туташтирилади. $L C$ түғри чизигида L риуқтани белгитаб олиб $L_1 U$ чизигига параллел қилиб 6 мм масофада тилчанинг олд контури чизилади. Қолипнинг ўртача нусхасини товон ахми ва ташки тутам қисми контурларига нисбатан тортиш баҳясининг эни қиймати қўйилиб a , g , d , z , u нуқталари лекала ёрдамида текис туташтирилади. Тортиш баҳясининг эни пойабзалнинг бириктириш усулига ва деталларнинг материалига қараб 12-жадвалдан олинади.

9.1.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ


Пойабзалнинг ички деталларини қуриш учун сиртки деталларнинг контури асос қилиб олинади, яъни оқ қофозга ёрдамчи чизиклар орқали сиртки

деталларнинг контури (грунт-модел) чизиб олинади (9.2-расм).

Чарм астарнинг юқори ва олд контурлари А L_1 , қисми дастакнинг юқори ва олд контурига нисбатан 2 мм юқорида, унга параллел ҳолда чизилади. Астарнинг ва дастакнинг бундай жойлашиниши, ишчига тикаётганда қулайл ик түғдиради. Ишчи тикиб бўлгандан кейин, ёки бўлмаса тикиш билан бир вақтда астарнинг ортиқаси қирқиб ташланади. Бъд А бўлагида 12—14 мм узунликда эса астарнинг контури, дастакнинг контуридан 1 мм пастда ётади. Танаворни тикаётганда ишчи астарни дастакнинг юқори зийидан 2 мм юқори қўйиб тикади, шундай қилганда астарнинг товон қисми ғижимланиб қолмайди. Астарнинг L_1 нуқтасидан паст контури эса деталларни параллел (8.14-расм) ёки кетма-кет усулда йиғишга боғлиқ. Биринчи параллел усулда йиғиладиган (9.2-б расм)

пойабзалда астарнинг контурини L_1 нуқтагача чизгандан кейин, L_1 нуқтадан пастга 6 мм давом эттирилади (L_2 нуқтаси). L_2 нуқтасидан мустаҳкамлагич L L_1 чокига тенг ва параллел қилиб тўғри чизиқ ўтказилади. (L_3 нуқтаси). L_3 нуқтасидан L_2 L_3 чизигига тик L_3 L чизиги ўтказилади. L_3 нуқтасидан чапга 1 — 1,5 мм масофани қўйиб L_5 нуқтаси топилади.

L_5 нуқтасидан ўтказилган вертикал чизиқни дастакнинг контуридан 4—6 мм пастга давом эттириб L_4 нуқтаси топилади (L_5 , L_4 чизиги). Астарни бичаётганда L_3 L чизиги бўйича қирқиб қўйилади. Бу қирқим орқа узелни, олд узелга тикаётганда танаворни йиғишни осонлаштиради.



9.2-расм. Қўйида қўйма дастакли қўнжсиз ботинкани ички деталларини лойиҳалаш тасвири.

Биринчи параллел усулда йигиладиган (9.2-б расм) пойабзалда астарнинг контурини L_1 нуқтагача чизгандан кейин, кетма-кет усулда йиғишига боғлик, дастакнинг контурига 4—6 мм қўшимча бериб, унга параллел қилиб чизилади. Чарм астарни тортиш баҳяси эса дастакнинг тортиш баҳясидан 5—7 мм қисқарилиб B_nB_n чизиги чизилади (елимлаш усулида), михлаш усули учун бу масофа 2—3 мм га teng. Чарм астарнинг орқа контурини қуришда эса юқорида кўрсатилган (8.12-расм) уч хил усулдан бири қўлланилади. Чарм астарни қуришда биринчи (параллел) усулдан бири қўлланилганда, бетлик учун тўқима астарни қанотлари B_cB_c L , бетликнинг қанотларини контурига мос келади. L нуқтадан L_3 нуқтасигача эса 9.2-расмда кўрсатилгандек чизилади.

Тўқимачилик астарини букиш чизиги бетликнинг букиш чизиги билан бир хил бўлади. Тортиш баҳяси эса бетликнинг тортиш баҳясидан 5—7 мм қисқа бўлади. Кетма-кет усулда чарм астарни юқори зийи (9.2-а расм) бўйича L_1 нуқтагача чизиб, ундан 6—7 мм давом эттирилади (L_2 нуқтаси). L_2 нуқтадан $L_2 L_3 = 4—5$ мм чизик ўтказилади. $L_2 L_3$ чизиги $L L_2$ ни давомида ётади. Чарм астарни тортиш баҳясида ($B_n B_n$) узунлиги

75—100 мм га teng бўлиши керак, яъни қаттиқ дастакнинг қанотларини беркитиши шарт.


Чарм астарни $L_3 B_n$ қисми ихтиёрий қурилади, унда деталларни ўзаро жойлашиши ҳисобга олинади. Чарм астарни бичаётганда $L L_2 L_3$ чизиги бўйича қирқиб қўйилади.

Тилчанинг чарм астари, тилчани $L \times C_1 L$ контурига нисбатан 2 мм катта бўлади ($L_1 C_1 L L_4$). $L_3 L_2$ чизиги эса бетликнинг букиш чизигига тик бўлиши керак.

Чарм астарнинг ($B_n L_4 L_3 \mathcal{J} L_2$) (дастакни, тилчани) контурига нисбатан чок кенглигига параллел ҳолда, бетликнинг тўқима астарини B_cB_c $B_c B_3$ контури чизилади. Бетлик тўқима астарнинг букиш чизиги $L_3 X_n$, бетликнинг букиш чизигига мос тушади. Астарнинг тортиш баҳясини контури эса сиртқи деталнинг тортиш баҳясидан 5—7 мм қисқа бўлади.

9.1.3. ОРАЛИҚ ДЕТАЛЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Оралиқ деталларни лойиҳалаш учун сиртқи деталлар алоҳида-алоҳида чизиб олинади. Қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларда дастак, бетлик ва блочка остиларнинг — оралиқ астарлари бўлади. Оралиқ деталларнинг шакли, сиртқи деталларнинг шаклига ва ўлчамига боғлиқ. Оралиқ деталлар умумий услубдаги талабларга мувофиқ, 9.3-расмда кўрсатилгандек лойиҳаланади.




9.3-расм. Қуида қўйма дастакли қўнжсиз ботинкани оралиқ деталларини лойихалаш тасвири.

9.2. ҚҰЙМА БЕТЛИКЛИ ҚҮНЖСИЗ БОТИНКАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Кўйма бетликли кўнжсиз ботинкалар бетлик, дастак, тилча, ички астарнинг товон қисми, блочка ости, тўқима астари, бетлик ва дастак оралиқ астарлари каби деталлардан иборат.

Колипнинг ўртача нусхасини, координата ўқларига жойлаштириш, базис ва ёрдамчи чизиқларни ўтказиш, пойабзал товон қисмининг $B_n B_0$ юкори зийини \mathcal{D} ъ э, тортиш баҳасининг $B_n X_2$ контурларини лойиҳалаш худди қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш услугуга ўхшаш бажанлади.



9.4-расм. Қўйма бетликли қўнжсиз ботинкани сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

9.2.1. БЕТЛИКНИ ЛОЙИХАЛАШ

Бетликнинг букиш чизиги ўтказилади. Бунинг учун қолипнинг ўртача нусхаси ҚҮН билан IV базис чизиги кесишган C нуқтасидан (9.4-расм) 3—4 мм чапга қўйиб C_1 нуқтаси топилади. Кейин қолипнинг ўртача нусхасини тумшук


қисмидан энг бўртиб чиққан C_1X_6 нуқтаси топилади. Букиш чизиги Y_6 ёки C_1X_6 нуқталари орқали ўтади. Бетликнинг ўймасини чизиш учун C_1 нуқтасидан C_1X_6 чизигига тик ўтказиб, назорат чизиги (KK_1) билан кесишгунча (A нуқтаси) давом эттирилади ва I ва G чизиги ўтказилади. Бурчак C_1AP_1 ни биссектриссаси бўйлаб 21 мм қўйилади ва ҳосил бўлган нуқтадан $r = 16$ мм радиус билан текис туташтирилади.

Кейин AP_1T бурчагининг биссектриссаси бўйлаб 59 мм қўйилади ва радиуси $R = 48$ мм бўлган ёй билан туташтирилади.

Бетлик қанотининг узунлиги, ўймаси, конструкцияси жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Улар эскизга мувофиқ, деталларнинг ўзаро жойлашишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади. Битта бетликнинг қаноти, иккинчи бетликнинг ўймасига кириб турадиган бўлса, материалнинг сарф фоизи ошади, яъни чиқиндилар камаяди.

9.2.2. ДАСТАКНИ ЛОВИХАЛАШ

Юқорида айтилганидек, дастак D' дан э нуқтасигача, худди қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларнинг дастагидек курилади. Э нуқтасини тўғри жойлаширишга катта эътибор бериш керак. Бу нуқта II ва III базис чизикларининг ўртасида, ёки ҚЎН контурида чап томонга энг қўпи билан II ва III базис чизиклари орасидаги масофани 1/3 қисмигача қўтариш



9.5-расм. Кўима бетликли қўнжсиз ботинкани ички деталларини лойиҳалаш тасвири

мумкин. Паст чегараси эса III базис чизигигача бўлиши мумкин. Э ва C_1 нуқталари тўғри чизик билан туташтирилади ва бурчак $\angle C_1Y$ биссектриссаси 14 мм бўлган радиуси 11 мм ли ёй билан туташтирилади.

Дастакнинг олд контурига C_1J бетлик ўймасини марказига тикиши учун бериладиган қўшимча 2—3 мм га, қолган қисмига нисбатан кўпроқ бўлади. Бу масофа бетликни тикмасдан туриб дастакнинг ички ва ташқи томонини ҳам ўзаро тикиш учун берилади. Қолган контури эса бетликнинг контурига нисбатан параллел ҳолда 6—8 мм кенглиқда чизилади.

Бетлик дастакга тикилиш пайтида улар оралиғига мустаҳкамлагич қўйиб тикилиши керак. Орқа ташқи тасма 9.4-б расм, тилча 9.4-д расмларда кўрсатилгандай курилди.

9.2.3. АСТАРЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Астарни лойиҳалаш 9.5-расмда келтирилган *a* ёки *b* кўринишда бўлиши мумкин. Блочка остининг эни, ҳамма жинсдаги гурухлар учун 18 мм дан кичик бўлмаслиги керак, фақат болалар ва ёш болаларнинг қўнжсиз ботинкаларида 15 мм га тенг.

Бетликнинг тўқима астари икки бўлакдан иборат бўлиб, С нуктасида 6 мм қўшимча берилади ва букиш чизиги бўйича қўйма чок билан тикилади. Қолган деталларини қуриш, яъни оралиқ астарлар қўйма дастакли пойабзалда келтирилган услубга асосан қурилади.

9.3. РЕЗИНКАСИ ЁН ТОМОНИДА ЖОЙЛАШГАН ҚЎНЖСИЗ БОТИНКАЛАРНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Пойабзал ён томонда жойлашган резинка ёрдамида оёқ панжасига ёпишиб туради. Пойабзални кийиш ва ечиш пайтида ҳамда оёқ панжаси букилганида (одам юрганда) резинка чўзилади.

Тайёр пойабзалда резинка ўз вазифасини бажариши учун қолипга танаворни тортаётганда у чўзилмаслиги керак. Шунинг учун танаворни йиғаётганда, резинканинг юқори зийига 10-12 мм тасма қўйиб, дастак билан қўшиб тикилади ёки дастак ва тилча остига чарм астар яхлит қилинади, кейинчалик тайёр пойабзалда у қирқиб ташланади.

Резинкали қўнжсиз ботинкаларни (9.6-*a* расм) кийиш, танаворни қолипга тортиш ва қолидан ечиш пайтларида қулай бўлиши учун резинканинг жойини ва унинг ўлчамларини тўғри аниқлаш, бу турдаги пойабзалларни лойиҳалашни ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади.

9.3.1. СИРТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Ён томонда резинка жойлашган қўнжсиз ботинка моделини лойиҳалаш учун қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш услуби асос қилиб олинади. Қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалашдан фақат бетликнинг юқори қисми — тилчани ва резинкани қуриш билан фарқ қиласди (9.6-*b* расм).


Қолипнинг ўртача нусхасини координата ўқларига жойлаб, базис ва ёрдамчи чизиклари ўтказилгандан кейин, назорат чизиги КЛ1 ўтказилади, Назорат чизиги КЛ1 ясси турдаги танаворларда (Лоафер туридаги, маҳсус мосламаларсиз ва бошқа туфлилар), бетликнинг чукурлашиш нуктасини Г, юқори чегараси бўлиб хизмат қиласди.

Тайёр пойабзални кийиш қулай бўлиши учун Г нукта, назорат чизиги КЛ1 ни бўб1 кесмаси орасида лойиҳаланиши керак.

$$K_{b1} = 0,35 \text{ КЛ1}; K_b = 0,5 \text{ КЛ1}$$

Г ва б" нукталарини аниқлаб олгандан кейин тўғри бурчакли учбурчак ёрдамида бетликни букиш чизигининг ҳолати ва С нукта аниқланади. Б нуктадан пастга 2-3 мм (ББ1қ 2-3 мм) қўйиб Б1 нукта топилади. Б ва С

нуқталар туташтирилиб, ёрдамчи чизик ўтказилади, бу чизик тайёр



9.6-расм. Резинкаси ён томонида жойлашган қўнжсиз ботинкани сиртқи деталларини лойиҳалаш тасрири.

пойабзалда, бетликни қўтарилиган ҳолатини билдиради. B_1 нуқтадан ёрдамчи B_1C чизикга тик тушуриб, унда 30 мм масофани қўйиб, B_1D бетлик тилчасининг энини ярми топилади, D, Γ ва э нуқталари туташтирилса, тилчали бетликнинг контурини $B^1\Gamma D$ биринчи ҳолати (9.6-д расм) ҳосил бўлади.

Бетликнинг қаноти, уларнинг ўзаро яхши жойлашишини ва қолипга яхши тортилишини ҳисобга олган ҳолда, эскизга мувофиқ лойиҳаланади.

Дастакнинг контурини лойиҳаташ учун, B_1 нуқтадан $B_n a^1$ чизигига нисбатан 120—130° бурчақда ёрдамчи чизик ўтказилади. Шу ёрдамчи чизикқа параллел қилиб D нуқтадан D^1D чизиги, резинканинг юқори зийини ҳолатини белгиловчи чизик чизилади. Резинканинг узунлиги, оёқ панжасини кафт-бармоқ бўғимида букилгандаги ўлчамларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоблаб топилади. Оёқ панжасининг шартли букилиш ўқи IV базис чизигида ётади ва P нуқта билан белгиланади ($PK^1 = 1/3 KK^1$).

Пойабзални кийиш пайтида товоннинг энг бўртиб чиқкан нуқтаси X_b , дастакнинг X_n нуқтасига тегиб туради (9.6-а расм). Бу вақтда оёқ панжаси букиш ўқида P букилган ва бетлик тилчасининг ўлчамлари, резинканинг узайиши ҳисобига B^1B^{11} катталашган бўлади. B^1PB^{11} ва бурчакларини ўлчаганда, улар ўзаро тенг ва 10° дан бўлади. $B_1PB^{11} = a^\circ$ деб белгиланади. Бурчак a пойабзални оёқка кийиш ва ечиш пайтида бетликнинг тилчасини дастакка нисбатан чўзилиш қийматини билдиради. Шу пайтда B_1B_1 , бурчак орасидаги энг калта масофа бўлади (B^1 нуқтадан бурчакнинг иккинчи томонига тик тушуриб B^{11} нуқта топилади).

Резинканинг чўзилиши 50—70% ни ташкил этишини билган ҳолда, унинг ўрта қиймати 60% деб қабул қилинади. Агар резинканинг максимал чўзилишини ($B^1 B^{11}$) 60% га тенг десак, унда резинканинг узунлиги қўйидаги ифодадан топилади:

$$L_{pez} = B^I B^{II} 100/60$$

D нуқтадан $D^I D$ чизигида $L_{pez} = A D$ масофани қўйиб, A нуқта топилади. Резинканинг юқори чизиги, $A D$ чизигидан 1—2 мм пастда лойиҳаланади. Резинка қуи қисмининг узунлиги $G G^I$, пойабзалнинг ташки кўриниши ва эскизга мувофиқ аниқланади. Дастакнинг юқори зийи A нуқтагача $B_n a^I$ чизиги бўйича лойиҳаланади.


Сиртқи деталларнинг асосий контурларини чизиб тортиш баҳясининг эни ва тикиш учун қўшимчалар берилгандан кейин, яхлит бетлик курилади. Бетликнинг юқори контурининг (тилчасини) $C B^I D G$ «хитой» қофоз калкага чизиб олиб, қирқилган андазани G нуқтада ушлаб туриб, бетликни букиш чизиги бўйича шундай буриладики, B^I нуқта ∂ ҳолатни, D нуқта эса ∂^I ҳолатни эгалласин (9.6-д расм). Тилчани бургандан кейин яхлит бетликнинг узунлиги CC^I қиймат қанча катта бўлса, бетлик қолип шаклини олиши шунча қийин бўлади.

Мураккаб фигурали тилчаларни букиш учун «Хитой» қофоз (калка)-дан қилинган андазани икки томондан, таянч қисми 2—3 мм қилиб қирқилади (9.6-е, ϕ расм). Қирқилган андаза C ва G нуқталарида ушлаб турилади. Бетликнинг чуқурлашиш нуқтасини G танланадиганда қуидагилар ҳисобга олиниши керак: яхлит бетлик тилчасининг эни $C G$ чизиги қанча кичик бўлса, қолипнинг шаклини шунча яхши ва осон олади; яхлит бетликнинг контури G нуқтасида ўткир бурчакли бўлмаслиги керак, акс ҳолда танаворни қолипга тортаётганда йиртилиб кетади.

Резинкали қўнжсиз ботинкаларнинг барча деталлари, бетликнинг биринчи ҳолатига нисбатан лойиҳаланади. Бетликни бичиш эса тилчани бургандан кейинги ҳосил бўлган контури бўйича бажарилади.

9.3.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Астарларни лойиҳалаш учун бетликни тилчаси дастлабки ҳолатда бўлган, сиртқи деталларнинг контури асос қилиб олиниди. Астарларни лойиҳалаш (9.7-а расм) тилчанинг чарм астарини букиш чизиги $B^I T$ ни чизишдан бошланади. T нуқта $B^I C$ чизигини давомида ётиши ва бетликнинг букиш чизигидан T нуқтагача бўлган масофа 3 мм дан катта бўлмаслиги керак. Чарм астарининг олд контурини тўқима астарига тикилишининг қулайлигини ва чарм материалларини камроқ сарф қилишни мўлжаллаган ҳолда лойиҳаланади. Чарм астар бетлик билан резинкани тикиш чокига 3—4 мм кириб туриши керак. Тикиш учун қўшимча уу, чизиги бўйича 5—6 мм ни ташкил қиласи. Тўқима астарининг букиш чизиги TT ъ ни, деталларнинг қалинлигини, астарларнинг деформатсиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак. Шунинг учун у, бетликнинг букиш чизигидан $X^I T^I = 5—6$ мм пастда лойиҳаланади.



9.7-расм. Резинкаси ён томонида жойлашган қўнжсиз ботинкани ички деталларини лойиҳалаш тасвири.

Тўқима астарининг тортиш баҳяси сиртқи деталларнинг контурига нисбатан 2—3 мм қўшимча билан, ёки бўлмаса тўқима астари, тортиш баҳяси бўйича бетликка тикилса, 6—8 мм га қисқа қилиб лойиҳаланади.

Дастакнинг чарм астарининг товон қисми, умумий услубда келтирил-ган усувлардан бирини кўллаб (8.12-расм) лойиҳаланади.

9.4. «ЛОАФЕР» ТУРИДАГИ ҚЎНЖСИЗ БОТИНКАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

«Лоафер» сўзи франсузча бўлиб, ишбилармон, тадбиркор (одам) маъносини билдиради. Ишбилармон, тадбиркор одамларга мўлжалланган пойабзал кийиш учун кўп вақтни олмаслиги керак. Шунинг учун бетликнинг тили кўринадиган қисми остида яширин резинка жойлашган бўлади. Ўрганда резинка чўзилиши, лекин бетлик остидан кўринмаслиги керак.

Бетлик дастакка бутун периметри билан эмас, э¹ Г чизиги бўйича стаҳкамлик чоки ГГ₂ га тикилади (9.8-расм). Натижада бетликнинг ўрта қисми дастакка нисбатан кўпроқ чўзилиш хусусиятига эга бўлади. Худди ён томонида жойлашган резинкали қўнжсиз ботинкалар сингари, «Лоафер» конструкциясидаги пойабзалларни, дастакнинг юқори зийини чўзши ҳисобига оёққа кийиш ва ечиш мумкин. Бундай конструкциядаги пойабзалларнинг астарини очик ёки сиртқи детал билан тикиладиган қилиб лойиҳалаш мумкин, эса унинг ўлчамларига ва сиртқи деталларнинг қиёфасига таъсир қиласи.


Тикилган астарли қўнжсиз ботинкаларни йиғишга, очик астарликка нисбатан меҳнат кам сарф бўлади, аммо исталган конструкциядаги сиртқи деталларни лойиҳалаб бўлмайди. Сиртқи деталлари: яхлит бетлиқдан, дастаклардан, резинкадан энли орқа ташқи тасмадан иборат бўлган, бетлик билан дастакнинг юқори зийи букилган, орқа тасма ва бетликнинг қанотларининг кўринадиган зийи бўлган, очик астарли танаворни йиғиш қўйидагича бўлади. Бунда дастакнинг сиртқи деталларини ўзаро тикиб (орқа ташқи тасма+дастаклар) дастакнинг узели, астарлар дастакни чарм астарлари+бетликни тўқима астари) ни ўзаро тикиб астарнинг бойлами ҳосил қилинади. Сўнгра бу икки бойламни (дастак + астарлар) ўзаро юқори зийи бўйича тикиб олгандан кейин, бетликнинг бойламини (бетликка тилчанинг чарм астари тикилган ҳолда), дастакнинг бойламига қўйиб, очик астарни қайириб туриб, қўйма чок ёрдамида ва ГГ₂ чизиги бўйича мустаҳкамлик чоки тикилади. Охирги навбатда тилчанинг чарм астари,

дастакнинг дъъ Γ_3 чизиги бўйлаб қўшимча чок ёрдамида тикилади. Бу чок билан астар орасидаги бўшлиқни йўқотиш учун қилинади.

9.4.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

«Лоафер» туридаги пойабзалларнинг сиртқи деталларини лойиҳалашда кўйма дастакли ва ён томонида жойлашган резинкали қўнжсиз ботинкаларни куриш услубидан фойдаланилади. Координата ўқларини, базис ва ёрдамчи чизикларни ўтказиб, чизмада фигурали бетликнинг юқори қисмининг шакли қоиипнинг ўртача нусхасида аниқланади (9.8- *a*, *b* расм). B , B_2 Г ва э нуқталар орқали тайёр пойабзалда оёқ панжасига яхши ёпишиб туриши учун бетликнинг биринчи ҳолати лойиҳаланади.

Б юқтадан қолип ўртача нусхасининг IV ва V базис чизиклари орасида контуридан 4 мм юқорида ётган A юқтаси ($AA' = 4$ мм) орқали $B''X''$ чизиги ўтказилади, (9.8- *a*, *b* расм) AA' — 4 мм дан катта бўлмаслиги керак. Кейин ҚЎН тумшук қисмини K нуқтасига нисбатан $B''X''$ чизиги уринма бўлгунча (соат мили бўйича) бурилади. Бетликнинг тортиш баҳясининг кенглиги, ўрта нусханинг иккинчи (бурилган) ҳолатига нисбатан лойиҳаланади. Бетликнинг букиш чизигини бундай ҳолати, унинг тортиш баҳясининг периметри қисқартирилиб, танаворнинг юқори қисмида ортиқча материал ҳосил қиласи ва уни қолипга ўрнашиш хусусиятини пасайтиради.



9.8-расм, «Лоафер» туридаги қўнжсиз ботинкани сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

Шу камчиликни йўқотиш учун бетликнинг қанотига тузатиш киритиш, яъни уни юзасига $\varrho_2 \Gamma^1$ - қўшимча берилиши керак, $\varrho_2 \varrho = 5-12$ мм га тенг бўлади. Дастак учун тикиш қўшимча Ш эчизифи бўйича лойиҳаланади, бетлик эса $\Gamma \varrho_2$ контури бўйича бичилади.

Бетликни дастакка тикаётганда, уларнинг тортиш баҳяси бир текис туташ чизиқ бўйича ётмайди. Бетликни, ён томонида жойлашган резинкали қўнжсиз ботинкаларнинг бетлигини қуришга ўхшатиб, (9.8-б расм) яъни тўғри бурчакли учбурчак ёрдамида бетликни юқори қисмини, букиш чизигига нисбатан (соат милига нисбатан тескари) буриб лойиҳалаш мумкин. Бундай лойиҳалаганда АА¹ масофа катталашиб, бетликнинг кўндаланг ўлчамларига ФФ¹ чизифи бўйича тузатиш киритиш (9.8-д расм), ёки бўлмаса тортиш баҳясининг тутам кафт қисмининг кенглигини ўзгартириш керак.

Дастакнинг юқори зийи ва резинканинг узунлигини ҳисоблаш худди олдинги моделларга ўхшашиб, фақат деталнинг қалинлигини ҳисобга олиш учун э нуқтадан 2—3 мм масофада, ϱ^1 нуқта ётади ($\varrho\varrho^1 = 2-3$ мм). Дастакнинг олд контури ($E^1 \Gamma_3 K$) 9.8-а, б расмда кўрсатилгандек лойиҳаланади. Дастакни оёқ панжасининг гумбазига ёпиб турадиган қисми, қўйма чок ёрдамида тикилади ва унинг бир томонига 6 мм қўшимча $d^1 d^{11}$ берилади (9.8-д расм). Мустаҳкамлик чоки $\Gamma \Gamma_2$ бўйича, дастакни бетликка тикиш учун 14—15 қўшимча билан лойиҳаланади. Кенг ташқи орқа тасмани лойиҳаланаётганда юқори қисмида B^1_n , B^{11} ва паст қисмида $B_k B_k^{11}$ 9.8-б расмда кўрсатилгандек тузатишлар киритилади. Пойабзалнинг орқа қисмини кенг орқа ташқи тасмасиз ҳам лойиҳалаш мумкин. Астар билан сиртқи детални э Γ гача бир йўла тикадиган конструкциядаги пойабзалларнинг дастагини олд контури 9.8- д расмда кўрсатилгандек лойиҳаланади.


9.4.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

«Лоафер» туридаги қўнжсиз ботинкаларнинг ички деталларини лойиҳалашда, сиртқи деталларни чизмаси асос қилиб олинади. Астарларни лойиҳалаш, уларни деталлар билан бириктиришни параллел (9.9-д расм) ёки кетма-кет (9.9-а расм) усулда йиғишига боғлиқ.

Чарм астарлар умумий услугга асосан лойиҳаланади.

Биринчи вариантда (9.9-а расм), яъни кетма-кет усулда лойиҳалашда, чарм астарни товон қисмида, ўрта чизигига нисбатан 2—3 мм қўшимча, бериб, қўйма чок, дастакни олд қисмида елимли чок d^1 ёки қўйма чок (9.9-б расм) ёрдамида бириктирилади. Чарм астарнинг олд қисмини ўзаро бириктирганда қалин бўлиб кетмаслиги учун, ташқи дастакни контуридан, тўқима астарини қўшимчасини (8 мм) ҳисобга олган ҳолда кенгроқ қилиб d^{11} Т масофада лойиҳаланади. Чарм астарларни олд қисмида ўзаро бириктирадиган чокни, ташқи дастак томонига ўтказиш керак

(9.9-



b. rasm). Betlikning to'g'ima astarini bukish chizigi $T = 7$, betlikning bukish chizigini, tumshuq qismidan 5—6 mm ($f/P = 5 + 6$), T nusqa esa 3 mm pastda loyihalanadi. Shunday qilganda tayyor povahzalning astari g'umla-nib qolmaydi. Betlikning to'g'ima astari lining kontunga tumshuq-tutam qismida 3 mm, axmi qismida (K nusqada) charm astaiga nisbatan 2 mm qo'shimcha bitan loyihalanadi (9.9-a rasm). Tilchaning charm astarini dastakni charm astariga 2-3 mm ya mustahkamlik chokiniitg ("nugtasida 3-M mm (9.9-a rasm) qo'shimcha berib loyihash kerak, chunki tilchaning charm astari qolyma chok yordamida, <"/> chizigi bo'yicha tikiladi.

Ikkinchchi variantda ya'ni parallel usulda sirtqi detallami o'zaro tikavotganda (betlik + dastak), astarlar (charm astar + to'g'ima astari) bilan bir yola tikib xiboriladi (9.9-d rasm). Betlikning to'g'ima astariga, tilchaning charm astarini tikib (yoki velimlab), betlikka velim yordamida binktiriladi. Betlikning to'g'ima astarini xugori qismi, tilchaning charm astariga nisbatan 15—20 mm qo'shimcha bilan tortish baxvasi bo'yicha esa 5—7 mm qisqa qilib loyihalanadi.

Tilchaning charm astari xuddi oldingi variantda gidek loyihalanadi fagaq *uv* permetni «nugtada 1—2 mm qisqartiniladi, bu esa tilchada g'um paydo bolishining oldini oladi. Astarlami loyihashning boshqa variantlari ham bolishi mumkin (9.9-e rasm).

Nazorat savallari

Qo'nisizbotinkalar ustki detallarining konstruksiyon tafsifini izohlang. Qolyma dastakli qo'nisiz bolinkalar sirtqi detallarining loyihasini tasvirinang. Qolyma dastaklı qo'nisiz botinkalar ichki detallarining loyihasini tasvirinang. Qo'nisiz botinkalar oraliq detallarining loyihasini tasvirinang. Rezinkasi yon tomonda joylashgan qo'nisiz botinkalarini sirtqi, ichki, oraliq detallarining loyihasini tasvirinang.

6. -Loafer turidagi qo'nisiz botinkalami sirtqi, ichki, oraliq detallarining loyihasini tasvirinang

10-боб.


«ҚАЙИҚСИМОН» ТУФЛИЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

«Қайиқсимон» туфлиларда дастакнинг юқори зийи билан бетликнинг ўймаси бир чизиқда ётган бўлиб, юқори зий ва бикир дастакнинг қанотларини чўзилиши ҳисобига оёқ панжасида туради. Бетликнинг ўймасини шакли ва юқори зийи моданинг йўналишига, пошнанинг баландлигига, пойабзалнинг вазифасига, технологик жараёнига, устки деталларнинг материалига ва кўринадиган зийига ишлов бериш усулига қараб ўзгаради.

Юқорида айтилганларга асосан, «қайиқсимон» туфлиларнинг бетликларини ўймаси уч хил; овал (а), айланда (б), каре (д) шаклида бўлади. (10.1-расм)

Бетликнинг ўймасини шакли ва юқори зийи шундай лойиҳаланиши керакки, пойабзални кийганда оёқ панжасида қулайлик яратилиши, юрганда оёқ панжасига зич ёпишиб туриши, оёқ панжасининг сирт қисмини шикастлантирмаслиги ва бармоқлар очилиб қолмаслиги керак.

Бетликнинг ўймаси чукур (оёқ панжасини сирти кўпроқ очик) ва юза бўлиши мумкин. Бетликнинг ўймаси билан пошнанинг баландлиги орасида ўзаро боғланиш бор. Шу қонуниятни ҳисобга олиб, оёқ панжасининг тутам қисмининг эгилиш ва ёзилиш миқдори пойабзал пошнасининг баландлиги билан ифодаланади. Масалан, паст пошналик пойабзалларда оёқ панжасини эгилиш миқдори юқори бўлса, баланд пошналик пойабзалда эса минимумгача камаяди. Баланд пошнали «қайиқсимон» туфлиларни чукур ёки юза ўймали бетлик, тўғри ёки фигурали юқори зийли қилинганда ҳам, ёқ панжасига бир хил ёпишиб туриши керак.



10.1-расм. «Қайиқсимон» туфли бетликларининг шакли ва пошна

баландлигига нисбатан қанотларини ҳолати:

а-паст ва ўрта; б-баланд; д-ўта баланд пошналар учун,


Баланд ва ўрта баланд пошнали пойабзалларнинг юқори зийи, ахми қисмида асимметрик, ички томонини ташки томонига нисбатан оёқ панжасининг ички томонидаги табиий гумбаз остини беркитиш учун; паст пошнали туфлиларда эса бетликни ўймасини ўртача чукурликда, ташки ва ички дастакнинг юқори зийини симметрик қилиб лойиҳалаш румкин. Шундай лойиҳаланганда туфли оёқ панжасига ёпишиб, танаворни қолипга тортганда, материалларнинг бир хил чўзилишига эришилади.

10.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

«Қайиқсимон» туфлиларни лойиҳалашда КЎН (қолипнинг ўртача нухсаси)ни координата ўқларига жойлаш, базис ва ёрдамчи чизикларни чизиш, тортиш баҳасининг кенглигини қўйиш, деталларни ўзаро биректириш учун бериладиган қўшимчалар ва кўринадиган зийига ишлов бериш умумий услугга асосан бажарилади.

10.2-расм. «Қайиқсимон» туфлиларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

«Қайиқсимон» туфлиларни дастагининг орқа контурини (10.2-а расм) чизиш учун КЎНни орқа контуридан ўнг томонга $B_b B_{b''} = 3,5—5$ мм



ва B_{δ} , B_{κ} нуқталардан чапта $B_{\delta}=1—1,5$ мм, B_{κ} $B_{\kappa} = 2$ мм масофалар күйилади. Топилган B_{δ} , B_{κ} , B_{κ} нуқталари текис туташтирилади.

«Қайиқсимон» туфлиларни лойиҳалашда бетликнинг букиш чизигини ўтказиш катта аҳамиятга эга. Букиш чизигини ўтказиш учун дастакнинг қанотларини ёзилиш масофасини ярмини аниқлаш керак. Бу масофа пойабзалнинг пошнасини баландлигига x_n боғлиқ ва қуйидагича аниқланади:

$$B_{\delta} B_{\delta} = 0,5 (60 - x_n) \text{ мм}$$

B_{δ} контури ҚҮН нинг товон контури бўйича $B_{\delta} B_{\delta}$ масофа күйилади.

Шундан сўнг бетликнинг маркази C нуқтаси топилади. C нуқта C_1 ; C_2 , кесманинг ихтиёрий жойида бўлиши мумкин. C_1 нуқта C нуқтадан 10 мм чапда, C_2 эса 18 мм ўнгда, қолипнинг ўртача нусхасини контури бўйича жойланади.

Бетликни ўймаси пошнанинг баландлиги ва мода йўналишига боғлиқ. Пошна қанча баланд бўлса, шунча бетликнинг ўймаси очиқроқ бўлиб, O_1 нуқтаси C_2 нуқтасига яқинроқ жойлашади. Агар пошнанинг баландлиги

$x_n = 20—25$ мм бўлса, C_1 нуқтаси C_1 нуқтага яқинроқ ёки C_1 нуқтада ётади. B_{δ} ва нуқталарини тўғри чизиқ билан туташтириб, бетликни букиш чизиги ўтказилади, X_c нуқтасидан тортиш баҳясини кенглигига давом эттирилади.

Бетликни юқори, ташқи ва ички зийини тўғри чизиш учун назорат

K_1 , K_2 , P_1 ва P_2 нуқталари топилади. Бунинг учун $KK_1 = 0,4$ $KK_2 = 0,55$ KK , $PP_1 = 0,45$ PP_c , $PP_2 = 0,6$ PP_c кесмалар күйилади.

$$PP_1 = 0,45 PP_c$$

$$PP_2 = 0,6 PP_c$$

K_1 ва P_1 нуқталари бетликни ташқи томонини юқори зийини (четини) паст чегараси, K_2 ва P_2 нуқталар эса, бетликни ички томонини юқори чегараси бўлиб хизмат қиласди.

Агар бетликнинг ўймаси юза бўлса, бетликнинг ташқи ва ички томонларининг юқори зийлари симметрик қилиб, тескариси бўлса юқори зийлари асимметрик қилиб қурилади.

«Қайиқсимон» туфлиларни бичаётганда материал кам чиқитга чиқиш учун бетликнинг ички томони(қаноти)ни қирқиб қўйиш тавсия қилинади (10.2- б расм), чунки яхлит бўлганда кўп материал сарф бўлади. Бундай қилганда танавор икки сиртқи деталдан ташкил топади: бетлик ва дастакдан. Айрим ҳолларда бетликни ташқи ва ички томонидан қирқиб қўйилади (10.2-д расм).

Дастакни қирқиши чизигини жойлашиши асосан, бетликнинг ўймасини шаклига боғлиқ бўлиб, 2 хил йўл билан аниқланади.

Лойиҳаланган сиртқи детални контурини (букиш ва тортиш баҳаси кенглиги билан) қалин қофозга чизиб, андоза қирқиб олинади ва бетликнинг чизиги Xc_1 (10.2-б расм) ўтказилади. Оқ қофозга тўғри чизик чизиб олинади, андазани букиш чизиги Xc_1 ни тўғри чизикка қўйиб, андазанинг контури олинади. Андазани 180° буриб, қофозга чизганда шундай жойлаштириш керакки, унинг қаноти қофозга чизилган бетликнинг ўймасига кириб туриши ва уларнинг орасида, иложи борича кам чиқит ҳосил бўлиши керак.

Букиш чизиклари Xc^1 ва $X^1C_1^1$ ўзаро параллел ҳолатда андазани контури

чишиб олинади (2-холат). Бетликнинг ички томонидаги қирқиши чизиги, 2 ҳолатдаги андазаларнинг юқори зийларини кесишган жойи a ва b нуқталар орқали ўтади. B нуқтани юқори зийларининг кесишган нуқтаси в дан (1-ҳолат) 7—6 мм масофада жойлашади. Шундай қилиб, 2 та детал, $ab \times HC^1$ бетлик нуқталар орасида, дастак abb^1D_bEa нуқталар орасида ҳосил бўлади.

Агар дастакни ташқи ва ички томонидан ҳосил қилиш керак бўлса, 2-усул қўлланилади (10.2-д расм). Сиртқи деталнинг андазасига бетликни букиш чизиги HC_1 ва $P_c P_c^1$ ни панжа-кафт қисмининг ташқи ва ички нуқталарни туташтирувчи тўғри чизик ўтказилади. Оқ қоғозга андазанинг контури (2) қалин туташ чизиқ билан чизилади ва андазадан бетликни букиш HC^2 ва P_c^1 чизиқлари ўтказилади. Андазанинг тумшук қисмини оқ қоғоздаги бетликнинг ўймасига (2) шундай жойлаштириш керакки, HC^1 ва X^1C^1 ўзаро параллел ва 2 ҳолатдаги андазаларнинг кесишган нуқталари a ва a^1 , $P_c P_c^1$ чизигига иложи борича яқинроқ жойлашиши керак.

Бетликни қирқиши чизиги a ва a^1 нуқталаридан товоң томонига $ab = a^1b^1 = 6—7\text{мм}$ сурилган бўлиши керак, чунки бетлик билан дастакни тикадиган чок оёқ панжасининг кўп ечиладиган қисмига тушмаслиги керак.


Пойабзал эскизига асосан, b ва b^1 нуқталаридан bg ва b^1g^1 чизиқлари ўтказилади (10.1-б расм). Деталларни ўзаро яхши жойлашиши учун бетликнинг тумшук қисмida (3) ва қанотининг бурчагини ва $g g^1$ нуқталари расмда кўрсатилгандек, қирқиб кўйиш керак. Бу нуқталар, асосан, тортилиш баҳясида бўлгани учун пойабзал сифатига таъсир қилмайди.

Деталларни қирқилган жойида тикишга қўшимча берилиши керак. Асосий деталлами чизмасидан фойдаланиб, қўшимча сиртқи деталларни тасвирлаш мумкин.

10.2. ИЧКИ ДЕТАЛ (ЧАРМ ВА ТЎҚИМА АСТАР) ЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Ички деталларни лойиҳалашда пойабзални сиртқи деталларини контури асос қилиб олинади. «Қайиқсимон» туфлиларни ички деталл, яъни астари иккита деталдан ташкил топган (10.3-а расм): товоң-ахми қисмida, чарм астар l , ўзининг олд контури билан бетликни юқори зийини остида ҳам жойлашган ва тўқима астари 4 бетликнинг остида бўлади. Астарсиз пойабзалларни ички деталларига (10.3-б расм), қаттиқ дастакка чўнтак 2, товоң-ахми қисмини ва юқори зийини мустаҳкамлаш учун жияк 3 лойиҳаланади.

Астарни лойиҳалашда керак бўладиган қийматлар 10.3-расмда келтирилган. Чарм астарни товоң-ахми қисмини ва юқори зийини лойиҳалаш худди қўнжсиз ботинкаларни чарм астарини лойиҳалашга ўхшаш.



10.3-расм. «Қайиқсимон» туфлиларнинг ички деталларини лойиҳалаш тасвири.

Чарм астарни олд қисмини эни 18 мм га teng бўлади ва a_1/a_2 чизиги бўйича бириктирма ёки кўйма чок ёрдамида тикилади. Тўқима астарни лойиҳалаш, кўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларнинг тўқима астарларини лойиҳалашга ухшаш.

Назорат саволлари

1. «Қайиқсимон» туфлилар устки деталларининг конструксион тасвифини изоҳланг.
2. «Қайиқсимон» туфлилар сиртқи деталларининг лойиҳасини тасвирланг.
3. «Қайиқсимон» туфлилар сиртқи деталларининг лойиҳасини ласвирланг.

11-боб. БОТИНКАНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Ботинкалар устки деталлари яхлит ёки қирқилган деталлардан ташкил топган бўлади. Ботинка танавори юқорида (8.14-расм) келтирилган (параллел ёки кетма-кет) усуллардан фойдаланиб йигилади.

Кўп ҳолларда дастакнинг юқори ва олд зийи букилган ёки юқори қисми ағдарма чок билан олд зийи букилган, бошқа кўринадтган зийлари букилган ёки бўялган бўлиши мумкин. Дастакнинг орқа қисми бириктирма ёки туташтирма чок билан бириктирилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки. туташтирма чок ишлатилганда, бу чок орқа ташки тасма билан мустаҳкамланган бўлиши шарт.

Ботинкалар вазифаси, конструкцияси, устки деталларини материалига қараб, уларни йигиши ва кўринадиган зийларига ишлов бериш усуллари танланади.

Қўйида қўйма бетликли, қўйма дастакли ва резинкали ботинкаларни сиртқи, ички ва оралиқ деталларини лойиҳалаш келтирилган.

11.1. ҚЎЙМА БЕТЛИКЛИ БОТИНКАЛАРНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Қўйма бетликли ботинкалар энг характерли устки деталлари бор конструкциядаги пойабзаллар турига киради. Бу турдаги пойабзалларнинг устки деталини лойиҳалаш услубидан, бошқа турдаги ва қиёфадаги пойабзалларнинг устки деталларни қуришда фойдаланилади. Деталлар ўзаро яхши жойланиши, бичаётганда чиқити кам бўлиши ҳамда танаворни йигаётганда технологик жараён осон ўтиши керак.

Деталлар қолипга тортилганда яхши тортилиши ва уларга берилган шаклни тайёр пойабзалда сақлаб туриши ҳамда деталларнинг ўлчами ҳамда шакли оёқ панжасининг анатомик тузилишига мос келиши керак. Сиртқи деталларни лойиҳалаётганда оёқ панжасининг иши ва физиологияси ички деталларнинг қалинлиги ҳарада уларнинг деформатсияси ҳисобга олинниши шарт.

Лойиҳаланаётган модел қўйма бетлик қирқма деталлардан ташкил топган слимлаш усулидаги ботинка бўлиб, унинг бир жуфти, асосан, 16 та сиртқи, 12 та ички ва 12 та оралиқ деталлардан ташкил топган.

Сиртқи деталлар тумшуқ 1, қирқма бетлик 2, дастак 3, тилча 4, гулчин 5, орқа ташки тасма 6, мустаҳкамлагич 7 лардан иборат (л.л.л-а расм).

Ички деталлар асосан (11.2-расм) асосий тўқима астар (1), блочка ости (2), жияк (3), ички орқа тасма (4) лардан иборат.

Оралиқ деталлар эса (11.3-расм) тумшуқ ва бетликни 2, дастак 3 ва

гулчини 6 оралиқ астарлари, блочка ости 4, оралиқ илмоқ ости 5, ёндор 8, қаттиқ дастак 7 ва түмшүқ ости 9 лардан ташкил топган.

Сиртқи деталлар, ички деталлар билан құринадиган зийи бүйича буқлама, мағиз ва ағдарма чоклар ёрдамида тикилиши мумкин. Ҳамма сиртқи деталлар иккى қатор чок билан, түмшүқ эса қирқма бетликка уч қатор чокда тикилади.

Бахяқаторлар орасида 1—2 мм ли перфорация бўлиши мумкин. Бетликни дастакка тикаётганда мустаҳкамлагич 7 қўйиб (11.1-а расм) бириктирилади.

Дастак ва гулчинларни орқа контурлари туташтирма чок билан тикилиб, орқа ташки тасма билан мустаҳкамланади. Пойабзal оёқ панжасига боғичлар орқали беш жуфт блочка ва тўрт жуфт илмоқлар ёрдамида маҳкамланади.


11.1.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Сиртқи деталларини лойиҳалашда ҚЎН дан фойдаланилади. ҚЎН ни координата ўқларига жойлаш, базис ва ёрдамчи чизиқларни ўтказиш умумий услугга асосан бажарилади. Ботинкалар қуришда энг характерли нуқталардан бири, бу ташки тўпиқнинг ўрнини аниқиаш, бунинг учун I базис чизигини ҚЎН билан кесишиган B нуқтасидан I базис чизиги .бўйича $BM = 0,21 \text{ Л.о.п}$ масофани қўйиб, MB^1 нуқталари тўғри чизик билан туташтирилиб B нуқтасигача давом эттирилади, B_kB чизигини иккига бўлиб B' нуқтаси топилади. B' нуқтасидан ОХ ўқига тик тушириб, дастакнинг баландлиги $B_6B_6^1 = 0,3 \text{ Нм} + 45$ қўйилади, дастак энини чизиш $B_6-B_6^1$ чизигига $83-86^{\circ}$ бурчак остида ўтказилади, чунки танаворни қолипга тортганда дастакнинг олд қисми пастга силжиб тайёр пойабзалдагидек, таянч текислигига параллел бўлиб қолади (11.1-б расм).

Дастакнинг эни $III^I = 0,4H_m + 2W + 11$ тенгламаси ёрдамида топилади. Товон томонига $B_6^1III = 0,54 III^I$, олд томонига $B_6^1III = 0,46 III^I$ масофаларни қўйиб, III ва III^I нуқталари аниқланади. Шундан кейин дастакнинг товон с ҳизиги $B_k^{II} B_6^1 B_3^1$ аниқланади, бунинг учун $B_k^1 B_k^{II} = 2 - 2,5 - 3 \text{ мм}$ ва $B_3^1 B_3^1 = 2 \text{ мм}$ га teng қиймат қўйиб чиқилади.

Дастакнинг орқа контурини юқори қисмини қуришда (11.1-с расм) ёрдамчи $III B_3^1$ чизиқни ўтказиб, унинг ўртаси (3 нуқта) дан тик чизиги чизилади. Сўнг 3—4 мм қўйиб 3^1 нуқта топилади ва у B_3^1 нуқтаси билан туташтирилиб $3^1 B_3^1$ ёрдамчи чизиги ўтказилади. Уни иккига бўлиб I нуқта, I нуқтасидан ўнгга 1,5 мм қўйиб I^1 нуқта топилади.

Дастакнинг орқа контури $III^I I^1 B_3^1 X_6^1 B_k^{II}$ нуқталари орқали оёқнинг анатомик тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Дастакнинг олд контурини чизиш учун III^I нуқтасида III^I чизигига тик ўтказилади ва G нуқтасидан ҚЎН га уринма III^I гази чизиги ўтказилиб, С нуқтасигача давом эттирииади. III^I гази бурчак биссектрисасига 52 мм қўйилиб, радиуси 46 мм бўлган ёй билан III^I ва g_c^1 чизиклари текис туташтирилади (11.1-б, э расм).



11.1-расм. Қўйма бетликли ботинкаларнинг ички делалларини лойихалаш тасвири.

Бетликни қуриш учун C нуқтани ва бетликни букиш чизигини аниқлаб олиш керак. Пойабзални кийиш давомидаги қулайлиги, қолипдан чиқаётганда ўз шаклини йўқотмаслиги, C нуқтасини жойлашишига боғлиқ, у IV базис чизиги билан қолипнинг ўрта нусхасини юқори контури кесишган K нуқтада жойлашади, лекин танаворни қолипга тортганда чўзилишини ҳисобга олиб, K нуқтадан 4 мм чапга қўйиб C топилади (11.л-д расм). Бетликнинг букиш чизиги C ва b нуқталари орқали ўтади ва $\bar{b}\bar{b}' = 0 \div 2$ мм га teng (11.-д, э расм). Бетликни контури танлаб олинган эскизга, асосан, деталларни бичганда қанотлари бир-бирига кириб турадиган, ўзаро яхши жойлашадиган қилиб лойихаланиши керак (11.1-ж расм). C нуқтадан букиш чизигига тик чизик туширилади (11.1-д расм) ва назорат чизиги B_3' a билан кесишгунча давом эттирилади ($\Phi''\Phi'$), $\Phi''\Phi'$ нуқтасидан назорат чизиги бўйича ёки бўлмаса озгина юқоридан, ёки пастроғидан $\Phi''\Phi''$ чизиф ўтказилади. Бетликнинг контурини қолган қисми юқорида айтилганидек эскизга асосан курилади. Бурчаклар C $\Phi''\Phi'$, 14—16 мм ва бурчак $\Phi''E''$ э эса, 10—11 мм радиусли ёй ёрдамида текис туташтирилади.

Тумшуқ ва ғулчинни лойихалаш. Тумшуқ яхлит бетликни уч қисми бўлиб, B

базис чизигига бўлган қисмини ташкил қиласди. Танаворни қолипга тортаётганда тумшук катта деформатсияга учрайди. Шунинг учун унинг юқори контурини тўғри чизик бўйича эмас, балки радиуси $P = 240 \div 300$ мм бўлган ёй орқали чизилади (11.1-г расм). Тайёр пойабзалда у деформатсия ҳисобига тўғри чизикка айланади. Материалнинг қалинлиги қанча кам бўлса, у шунча чўзилувчан, радиуси ($P = 240$ мм) кичик бўлади. Қалин бўлса, радиуси катта ($P = 300$ мм) бўлади.

Гулчин дастакнинг бир қисми бўлиб, ёрдамч назорат чизиги B_3 а бўйлаб ва орқа B_3^1 нуқтасидан юқорига 2 мм қўйиб B_k^{11} назорат чизиги билан туташтириб чизилади (11.1-х расм).

Сиртқи деталларни ташқи ва ички контурларини чизиб бўлгандан кейин, уларга тикиш, кўринадиган зийларига ишлов бериш ҳамда тортиш баҳяси учун қўшимчалар берилади.

Тилчани лойиҳалаши. Тилча оёқ панжасини блочкалар таъсиридан сақлайди. Тилчанинг эни блочкаларнинг маркази билан дастакнинг олд контури орасидаги масофа ва блочкаларнинг диаметрига боғлиқ, тилчанинг эни юқори қисмида 44—50 мм, паст қисмида 22—25 мм бўлади (11.1-к расм). Узунлиги дастакнинг юқори зийидан чиқмаслиги ёки айрим конструкцияларда 3—4 чиқиб туриши мумкин.

Орқа ташқи тасмани лойиҳалаши. Орқа ташқи тасма туташтирма чок билан бириклирилганда дастакни мустаҳкамлигини ошириш учун ишлатилади. У энг юқори қисмида 10мм, пастки қисмида 20мм га teng, узунлиги эса дастакнинг орқа контурининг узунлигига букиш учун қўшимча берилади (11.1-ф расм).

Чарм мустаҳкамлагиҷ (11.1-а расм) (7) қўйма бетликли ботинканинг танаворини йиғаётганда ишлатилади. У доира, овал ёки тўртбурчак шаклида, эни ёки диаметри 15—20 мм бўлади.

11.1.2. АСТАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ


Астарни лойиҳалаш учун сиртқи (11.1-д расм) деталларнинг контури асос қилиб олинади.

Астарларни лойиҳалаш блочка остидан бошланади (11.2-а расм), чунки унинг 2 ўлчамлари бошқа деталнинг ўлчамларига боғлиқ эмас. Блочка остининг олд контури дастакнинг контурига 2 мм қўшимча қўшиб чизилади, эни $18 \div 20$ мм бўлиши мумкин. 2 мм қўшимча дастакни тикиб олгандан кейин кирқиб ташланади, айрим маҳсус тикиш машиналари бир вақтнинг ўзида ҳам тикади, ҳам ортиқласини қирқиб ташлайди.

Жияк 3 эни $16 \div 17$ мм ли чарм тасмадан иборат бўлиб, тўқима материалдан тайёрланган астарларнинг чети титилиб кетмаслиги ва юқори зийни мустаҳкамлигини ошириш учун қўйилади. Жиякнинг юқори контури, блочка остининг контури билан бир хил бўлади. Букиш чизиги дастакнинг орқа контури (W нуқта) дан 2 мм калта бўлади. Қўйма бетликли ботинкаларнинг тўқима астарининг, бошқа конструкциялардаги астарлардан фарқи улар букиш чизиги T T' бўйича бир-бири билан қўйма чок орқали тикилади. Танаворни

тўғри йиғиш учун тўқима астарининг ўрта T T чизигини аниқ лойиҳалаш керак. T нуқтаси C нуқтасидан Cb чизиги бўйича $3\div4$ мм, пастда ётади (11.2- d, e расм). Астарнинг периметри тумшуқ қисмида деталларнинг қалинлигини, чўзилишини ҳисобга олган ҳолда $X_{Tb} = 3\div4$ мм га қисқаради.

Астарнинг тумшуқ ва панжа-кафт қисмида тортиш баҳяси бетликнинг контурига нисбатан 2 мм қўшимча билан ($TT'' = 2\div3$ мм) ахми қисмида бетликнинг контури билан бир хил, товон қисмида орқа ички тасманинг контурига нисбатан 2 мм қўшимча билан чизилади (11.2- d расм). Тўқима астари орқа ички тасма, блочка ости ва жияклар билан қўйма чок ёрдамида тикилади. Шунинг учун уларнинг контурига нисбатан 8 мм қўшимча бериб тўқима астарини лойиҳалаш тугалланади. Орқа ички тасманинг букиш чизиги ва дастакнинг (11.2- a расм) орқа контури орасидаги масофа $X_{b} X_{b'} = 10\div11$ мм ва $3\div3''$ нуқталарига $2\div3$ мм (11.2- ϕ , ϕ' расм) га teng масофа қўйилади. Деталларнинг қалинлиги катта бўлса, $3\div3'' = 4\div5$ мм бўлади. Агар орқа ички тасманинг букиш чизиги жиякнинг букиш чизигига тўғри келмаса, унда тўқима астарга тузатиш киритилади. Орқа ички тасманинг эни ёйилганда юқори қисми камидаги 20 мм, таг қисми 40 мм бўйиши керак. Орқа ички тасманинг контури сиртқи детайнинг контуридан $3\div4$ мм калта бўлади.



11.2-расм. Қўйма бетликли ботинкаларнинг сиртқи деталларни лойиҳалаш тасвири.


11.1.3. ОРАЛИҚ ДЕТАЛЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Күйма бетликли ботинка танаворини оралиқ деталлари 11.3-расмда көлтирилгандар.

Оралиқ астарларнинг қирралари тайёр пойабзалда билинмаслиги керак. Оралиқ астарлар, деталларни бириктирувчи чоклар орасида ҳамда тортиш баҳясига бўлиши шарт, тушмаса деталлар қолипга тортилаётганда йиртилиб ёки чўзилиб кетиши мумкин. Оралиқ астарларни лойиҳалашда сиртқи деталларнинг контуридан ойдаланилади. Расмда көлтирилганд қийматларга асосан барча оралиқ деталлар қуриллади. Устки деталларнинг қалинлиги бетлик ва дастақда 0,8мм дан қалин бўлса, яхлит чарм астар ва табиий мўйнали астар ишлатилгандар, Давлат стандарт талабига биноан оралиқ астар қўйилмайди. Сиртқи деталлар шаброндан, хром тузлар билан ошланган эчки терисидан, шевретдан, упукадан бичилгандар, уларнинг қалинлигидан қатъи назар, оралиқ астарлар ишлатилиши шарт.

Оралиқ блочка ости сиртқи деталларни қалинлаштирмаслик учун букилган зийларига тушмаслиги керак. Бу детал дастакнинг олд контуридан 3—4 мм, юқори контуридан 7—9 мм кичик қилиб қуриллади. Бетликни тикиладиган контурига нисбатан эса чокнинг мустаҳкамлигини ошириш учун 6—8 қўшимча берилади. Оралиқ блочка остининг эни блочкининг диаметрига ва дастакнинг зийидан, блочкининг марказигача бўлган масофага боғлиқ. Блочкининг маркази, дастакнинг юқори ва олд ва зийидан $10\div 2$ мм, бетликнинг тикиладиган чизигигача $8 \div 10$ мм, блочкининг ўзаро марказлари орасидаги масофа ботинкаларда $10\div 12$ (етикларда $18\div 20$ мм), оралиқ блочка остининг юқори контури овал паст контури эса тўғри бурчак шаклида бўллади.

Ёндор 8 пойабзалнинг панжа-кафт қисмини шакл сақлаш қобилиятини ошириш учун кўлланилади.



11.3-расм. Кўйма бетликли ботинкаларнинг оралиқ деталларни лойиҳалаш тасвири

Ёндорлар, асосан, түкима материаллардан, бумазей-корд, диагонал, тик-саржадан тайёрланади. Уларнинг эни $25\div30$ мм га teng, тортиш баҳясидан $6\div7$ мм кичик қилиб лойиҳаланади. Узунлиги бикир дастакларнинг қанотини $15\div20$ мм беркитиши ва тумшук қисмида В базис чизиғигача бўлиши шарт.

Сиртқи деталлари қалин ва оралиқ астари бумазей-корд, мўйна ва яхлит чарм астарли пойабзалларда ёндорлар ишлатилмаса ҳам бўлади.

11.2. ҚЎЙМА ДАСТАКЛИ БОТИНКАЛАРНИ ЛОИХАЛАШ

11.2.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОИХАЛАШ

Қўйма дастакли ботинкаларни лойиҳалаш қўйма бетликли ботинкаларнинг қуриш услубига ўхшаш, қолипни ўртача нусхасини координата ўқларига жойлаб базис ва ёрдамчи чизиқлар ўтказилади (11.4-расм).

Қўйма дастакли ботинкалар, сиртқи деталларининг ташқи контурларини кўринадиган зийларига ишлов бериш, ички деталларининг сони ва ўзаро бириктириш қўйма дастакли қўнжсиз ботинкалар каби, орқа узел билан олд узел бир вақтда параллел усулда тикилади, яъни бир вақтнинг ўзида тўрт қатлам материаллар мажмуюи тикилади.

Худди олдинги моделни йифгандек қўйма дастакли ботинкаларни йиғиш ҳам шартли равищда уч босқичга бўлинади:

- дастак бойламини йиғиш;
- бетлик бойламини йиғиш;
- орқа бойламни олд бойламига ўзаро тикиш.


Қўйма дастакли ботинканинг сиртқи деталларини лойиҳалаш, қўйма бетликли ботинканинг сиртқи деталларини лойиҳалашдан қуидаги фарқ қиласиди.

Дастакнинг орқа контурминг чизганда бериладиган қўшимча, қўйма бетликли ботинкага нисбатан кўпроқ, яъни:

$$ХБХбъ = 3\text{-}4 \text{ мм}, БЗБЗъ = 3\text{-}5 \text{ мм}, БкъБкъ = 3,5 \text{ мм}$$

Дастакнинг эни Бъб нуқтадан teng иккига бўлиб қўйилади, яъни:

$$\text{БбШ}=\text{БбШъ}.$$



11.4-расм. Қўйма дастакли ботинкаларнинг сиртқи деталларни лойиҳалаш

тасвири
11.2.2. АСТАРИНЖ ЛОЙИХАЛАШ

Иссиқ астарли пойабзаллар учун мустаҳкамлик чоки «б» нұқтасига яқынроқ жойга ўрнатиласы. Дастаннинг олд контури худди қўйма дастанкли қўнжсиз ботинкаларнинг контурига ўхшабқурилади (11.4-расм).

Қўйма дастанкли ботинкаларнинг ички деталларини қуриш ҳам (11.5-расм) худди қўйма бетликли ботинкаларини ички деталларини қуришга ўхшашиб, фақат блочка ости ва тўқима астаридаги қийтиқ билан фарқ қилади. қийтиқлар бетлик бойламини дастаннинг сиртқи деталл билан астар орасига кийгизиш учун керак бўлади.


Қийтиқ, қўйма дастанкли қўнжсиз ботинкаларнинг чарм астаридагидек, бир нечта қўринишида бўлади (11.5-*a*, *b* расм).

Бетликнинг тўқима астари, тилча тикиладиган контурига нисбатан 3—4 мм қўшимча билан, бетликни қанотларига нисбатан эса 2 мм қисқартирилиб ёки айрим ҳолларда 2—3 мм қўшимча билан лойиҳаланади. Бетликнинг астари тортиш яси бўйича, қалин вағижимланиб қолмаслиги учун бетликнинг контуридан 2—3 мм қисқа қилиб лойиҳаланади. Бундай лойиҳаланганди, танаворни қолипга жараёнларини аниқ бажариш учун, бетликни тортиш баҳяси билан астарнинг тортиш баҳясини, тумшук ва тутам қисми тикилиши керак.

Агар астар билан бетликнинг тортиш баҳяларини тутам қисмida бир хил тумшук қисмida 2—3 мм қўшимча берилиб лойиҳаланса, уларни тикиш шарт эмас.

11.3. ЭРКАКЛАР РЕЗИНКАЛИ БОТИНКАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ
11.3.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Резинкали ботинкаларнинг сиртқи деталларини лойиҳалашда, қўйма бетликли ботинкаларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш услубига асосан бажарилади. Аммо резинкали ботинканинг ён томонида бўлиши айрим қўшимчалар киритишни




11.5-расм. Қўйма дастанкли ботинкаларнинг ички деталларни лойиҳалаш тасвири.

талаб қилади. Дастанкнинг баландлиги 150 мм га, эни эса 130 мм гача катталаштирилади. Дастанкнинг баландлиги M нуқтадан туширилган тик чизифида ва B_b нуқтадан $B_b = 150$ мм масофада қўйилади. Бетлик ва дастанки қуриш худди қўйма бетликли ботинкани лойиҳалаш (11.6-а расм) каби бажарилади,

Резинканинг ўрни, ўлчамлари, пойабзалнинг ташқи қиёфасми белгилайди. Шунинг учун унинг эни ва баландииги ҳисоблаб топилади.

Пойабзал оёқка кийилаётганда оёқ панжаси тутам қисмида букилади. Оёқ панжасининг товон қисми сурилиб, пойабзанинг тўла кийиб бўлгунча дастанкнинг кўндаланг ўлчамлари, резинкани чўзилиши ҳисобига ўзгаради. Дастанкнинг эни 130 мм бўлганда, бу қиймат



11.6-расм. Резинкали ботинкаларнинг сиртқи деталларни (а) ва ички деталларини (б) лойиҳалаш тасвири.

пойабзални кияётгандан анча катта, яъни 180 мм бўлиши керак. лар оёқ панжасининг товон ва букилиш нуқталари бўйлаб ўтказилган периметри, оёқ панжаси осилиб тургандагига нисбатан 4—5 % га камайиши ҳисобга олинса, бу қиймат 171 мм га teng бўлади, яъни 41 га дастанкнинг лойиҳа энидан кўп бўлади. Резинканинг узунлигини иобга олиш учун унинг чўзилишини 60 % деб олинса, 41 мм га ;такнинг энини узайиши қўйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади.

$$L_n = 41 \cdot 100 / 60 = 68,3 \text{ мм}$$

Резинканинг узунлиги 68 мм бўлса, ботинкани кияётганда дастак-иг юқори қисми, резинкани чўзилиши ҳисобига, 171 мм га teng бўлади. Резинканинг юқори контури, дастакнинг юқори контури *ШШ* ёдан 2—2,5 мм га қисқароқ чизилади. Резинкани дастак билан тикиш учун 10 мм қўшимча берилади.

11.3.2. АСТАРЛАРШНИ ЛОЙИХАЛАШ

Дастакни товоң қисмида қўйма чок ёрдамида бириткириладиган чарм астар, деталларнинг қалинлигини, чўзилишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади. Уларни ўзаро тикиш учун орқа ўрта чизифи *a*, *b* бўйича 2,5—,3 мм қўшимча берилади (11.6-б расм).

Жияк 1 дастакнинг олд қисмини резинка билан контурига нисбатан 4 мм ва *II* чизифи бўйлаб 1—1,5 мм қўшимча билан лойиҳаланади.

Назорат саволлари

1. Ботинкалар устки деталларининг конструксион тасвирини изоҳланг.
2. Қўйма бетликли ботинкаларни сиртқи, ички, оралиқ деталлари лойиҳасини тасвирланг.
3. Қўйма дастакли ботинкаларни сиртқи, ички, оралиқ деталлари лойиҳасини тасвирланг.
4. Эркаклар резинкали ботинкаларининг сиртқи, ички, оралиқ деталлари лойиҳасини тасвирланг

12-боб. ЕТИК ВА КАЛТА ҚҮНЖЛИ ЭТИКЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Етикларнинг устки деталларини лойиҳалашда, оёқнинг оммавий ўлчанган ўлчов қийматлари, қолипнинг нусхаси ва лойиҳаланаётган пойабзалнинг конструкцияси асос қилиб олинади.

Етикларнинг конструкцион белгилари ва ишлатиладиган материаллари. Конструктив фазилатлари шундан иборатки, деталларнинг энг катта қисми қўнжига тўғри келади, у оёқнинг болдирик қисмини беркитиб, танаворни қолипга тортишда иштирок этмайди. Шунинг учун қўнжнинг ўлчамлари, болдиринг ўлчамларини ва ички деталларнинг қалинлигини ҳисобга олиб, оёқни юрганда бажарадиган иши ва замонавий моданинг йўналишига боғлиқ.

Етикларнинг устки деталларини қўйи қисми қолипнинг размери ва шаклига, деталларнинг қалинлиги ҳамда қолипга тортилаётгандаги деформатсияга боғлиқ.

Етикламинг асосий конструкциялари, оёқда ушлаб туришга мўлжалланган мосламаларсиз, чақмоқ занжирлик, маҳсус боғичли, оёқнинг болдирик қисмига ёпишиб турувчи сунъий, юқори эластик материал-ардан тайёрланган этиклар ҳисобланади.

Ярим этиклар — ботинканинг бир тури бўлиб, уларнинг дастаклари ботинкага нисбатан баландроқ бўлади, қўйма дастакли ва қўйма бетлик ҳамда ёпиқ ва ярим ёпиқ клапанли бўлши мумкин.

Ўз навбатида этиклар, деталларнинг конструкцияси ва тикилишига қараб, бириктирма бетликни, овал қистирмали, қўйма бетликли, қўйма дастакли бўлади.

Қишики этиклар иссиқ, баҳорги-кузгилар эса юпқа астарли лойиҳаланиши мумкин.

Қўнжнинг юқори зийи бўйича жиякли, мўйнали, тасмали, ағдарма чокли, буклама чокли, мағиз чокли бўлиши мумкин.

Устки деталлар учун қўйидаги материаллар ишлатилади. Хром тузлари билан ошланган (қўл бола бузоқ, ярим тана, новвос, сигир тана ва той, тойча) чармлар, булғори чарм, кирза ва бошқалар.

Аёллар этиклари ва ярим этиклари хром тузлари билан ошланган шаброн, велюр каби юқори эластиклик чармлар, сунъий ва тўқима материалларидан тайёрланади. Болалар этиклари, асосан, табиий чарм ва болалар иссиқ этиги учун эса нотўқима материаллар ишлатилиши мумкин.

Қишики этиклар ва ярим этикларнинг астарларига табиий ҳамда сунъий мўйналар, бир ёки икки томони тукли ип матолар ишлатилади.

Баҳорги-кузги этик ва ярим этикларнинг астарига чийдухоба, трикотажли поролон, шотландка ва бошқа материаллар киради, айрим ҳолларда табиий чарм ишлатилиши мумкин. Ҳамма этик ва ярим этикларнинг товон қисмида ички орқа тасма ёки дастак қўйиш учун чўнтак чармдан бўлиши керак, чарм астарли этиклар бундан мустасно.

«Чақмоқ занжирли» аёллар этикларида сиртқи деталларнинг материали ёки астарли чармдан клапан лойиҳаланади.


12.1. ЭТИК ВА КАЛТА ҚҮНЖЛИ ЭТИКЛАРНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ

Одамларнинг болдириларини оммавий ўлчаш натижаларига, асосан, болдирининг ўртача нусхасининг андазаси (БҮН) курилади. Ҳамма жинсий гуруҳлар учун болдирининг ўртача нусхасини қуриш услуби бир хил бўлиб, уларнинг ўлчамлари 13, 14-жадвалларда келтирилган. Болдирининг ўртача нусхаси ва қолипнинг ўртача нусхаси(ҚҮН)га ва жадвалларда кўрсатилган ўлчамларга асосан, пойабзал модалар уйида этик ва ярим этиклар учун кўп учрайдиган (типик) конструкциялари ишлаб чиқилган.

Болдирининг ўртача нусхасининг андозасини қуриш

Ҳамма жинсий гуруҳлар учун болдирининг ўртача нусхасини қуриш услуби бир хил. Мисол учун аёлларнинг размери 240, тўлалиги 5 бўлган этиклари учун болдирини ўртача нусхасининг андозаси (БХН) ни кўриб чиқамиз (12.1-расм). Болдирининг ўртача нусхасини қуриш учун X2X3 горизонтал чизигида O2 нуқтасини белгилаб, X2 X3 чизигига нисбатан 02Й2 тик чизиғи ўtkазилади.


$X2X3 = 115\text{мм}$, $02\bar{Y}2 = 400 \text{ мм}$ га teng вертикал чизигида x_1, x_2, x_3, x_4, x_5 , нуқталарини монанд равишда 67, 97, 230, 300 ва 380 мм масофада O2 нуқтадан кўйилади. Топилган нуқталардан $84-86^\circ$ буростида ёрдамчи чизиқлар ўтказилади. Товон ва тумшук томонига 13-жадвалда кўрсатилган болдирини ўртача нусхасининг ўлчамлари кўйиб чиқилади, X2a ва X3b нуқталари тўғри чизиқ билан туташтирилади. Қолган Т, Д, э, Ж, Ш ва З, И, Ф, А, Шъ а, г, д, э, ф, м ва б, т, у, к, и, с нуқталар лекала ёки Ф.Е. Пешиковнинг андозаси ёрдамида туташтирилади.



14-жадвалда ($H = 240$; $W = 5$ учун) болдири нусхасининг ҳар хил тўлалик ўлчамлари берилган ва бу жадвалдан кўриниб турибдики, тўлаликлар орасидаги фарқ 6 мм га teng.

Болдирининг ўртача нусхаси қалинроқ қофоздан, картондан ёки селлулойддан қирқиб оиниади. Андазага бигиз ёрдамида ҳамма чизиқлари ўтказилиб, ҳарф ва сонлар ёзиб кўйилади.

в,



12.2-расм. Болдирини ва қолипнинг ўрта нусхаларини координата ўқларига жойлаштириш тасвири
 Қолипнинг ўртача нусхаси(ҚҮН)нинг таг томонидаги контурини I базис чизиги билан кесишган B нуқтасидан. $BM=0,21 \cdot L_{o.n}$ масофани қўйиб, M нуқтаси топилади, B_k ва M нуқталари орқали то ҚҮН билан кесишгунча, тўғри чизик чизилади. B_k нуқтасидан 15-жадваида кўрсатилган масофани қўйиб, B нуқта топилади. B_kB тўғри чизигини иккига бўлиб, M' нуқтадан OX ўқига тик ($B_1 B_2$) туширилади (12.2-расм).

БҮН чизмага шундай қүйиладики, андазанинг $O_2\bar{Y}_2$ чизиги $B_1 B_2$ чизигини устида ётиши, андазанинг X_2X_3 чизиги эса B нүктадан ўтиши керак. Мана шу ҳолатда БҮН контури ва ёрдамчи чизиклари чизмага чизиб оиниади.

Болдирининг ўртача нусхаси ёрдамида этикларни лойиҳалаш асослари этикларни қўнжини лойиҳалашда, оёқ болдирини қоплаб турган деталларни қалинлиги (БЎН нинг иккала томонида), модданинг йўналиши, оёқ панжасининг бемалол ҳаракат қилиши учун қўшимча ва қўнж болдирини эркин қоплашини ҳисобга олиниши керак.

Етикнинг пастки қисми, ботинканинг куриш услуби бўйича лойиҳаланади. Фақат *B_kB* ва болдирилган энг тор қўндаланг кесими t_e га қўшимча берилади. Оёқ панжасининг бемалол ҳаракатланиши ва юрганда қулайлик яратиш учун астаминг қалинлиги ҳисобга олинмаган ҳолда аёллар этигини лойиҳалашдаги асосий ўлчамлар меъёри бўйича қийматлари 15-жадвалда келтирилган.

Ишлатилаётган ички деталларини материалга қараб, конкрет моделни лойихалаётганды бу кийматларга қўшимча қўшилади.

Етик ва ярим этикларнинг баландлиги Давлат андозалари томонидан белгиланиб, 10-жадвалга асосланган ҳолда қўйилади.

Конструктор (моделер) янги ассортмент лойиҳалаётганда қўнжнинг баландлигини, моданинг йўналишини, икътисодий омилларни, иш ҳажмини ҳисобга олиш керак. Масалан, тайёр маҳсулотнинг нархи қўнж баландлигига қараб қўйилади. Қўнжнинг баландлиги $210 \div 250$ мм га teng бўлган этиклар бир хил нархда, шунга ўхшаш $251 \div 300$ мм, $301 \div 350$ мм, 351 мм ва баландроғи монанд равишда ўзгариб боради. Шунинг учун янги моделни лойиҳалаётганда қўнжнинг баландлиги ошган сари, кўп материал сарф бўлади ва таннархи ортади.

12.2. ЧАҚМОҚ ЗАНЖИРСИЗ ЭТИК ВА КАЛТА КҮНЖЛИ ЭТИКЛАР МОДЕЛИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Чақмоқ занжирли ва чақмоқ занжирсиз этикларни лойихалаш бир хил ва ўхшаш, юқорида келтирилган услугб ёрдамида болдирилниг ўртача нусхасига асосланган холда бажарилади.

Болдирининг ўртача нусхаси ёрдамида ва усиз лойиҳаланган этикларнинг

күнжини ўлчамларини текшириш учун: B_1B_2 — этик күнжини олдинги чизиги ва BH''_6 оёқни этикка ўтиш жойи (12.2-расм), чизикларини ўтказиш керак. B_1B_3 чизиги B нүктадан OX ўқига тик, BH''_6 чизиги эса B_1B_3 чизигига 700 бурчак остида ўтказилади.

12.1-жадвал

Болдираинг ўртача нусхаси (БХН) ни ҳар хил жинсий гурухлар учун ўлчамлари

Үрта размер	Жинсий Гурух	БҮНнинг ўртача парameiri	Болдиринг ўрта нусхаси (БҮН)нинг ўлчамлари, мм да						
			<i>аб</i>	<i>T3</i>	<i>ДИ</i>	<i>ЕФ</i>	<i>ЖА</i>	<i>ШШ</i>	X_2X_3
155	2	Баландлиги Ени Товон томонига Уч томонига	46 94 37 52	88 76 33 42	148 95 52 43	188 114 76 48	223 122 72 50	227 120 72 4C	- 94 62 32
185	3	Баландлиги Ени Товон томонига Уч томонига	52 105 42 63	98 88 38 50	!64 107 57 50	207 126 73 53	245 134 79 55	307 132 77 54	- 105 78 27
215	4	Баландлиги Ени Товон томонига Уч томонига	60 116 48 68	109 100 45 55	181 119 64 55	228 139 80 59	270 147 87 60	338 140 82 58	- 116 78 38
240	8	Баландлиги Ени Товон томонига Уч томонига	67 124 59 65	97 116 59 59	230 157 96 61	300 182 116 66	380 172 112 60	400 169 110 59	- 115 102 13
270	9	Баландлиги Ени Товон томонига Уч томонига	70 133 63 70	140 122 62 60	260 168 102 66	328 194 125 69	390 191 124 67	- - - -	- 127 100 27

14-жадвал

Болдиринг ҳар хил тўлаликлар ўлчамлари (8-гурух учун)

Болдиринг тўлалиги	БҮНнинг эни бўйича ўлчамлари ($H=240; W=5$)					
	<i>аб</i>	<i>гф</i>	<i>ду</i>	<i>ек</i>	<i>фи</i>	<i>мс</i>
Тор	118	110	151	175	167	163
Үрта	124	116	157	181	173	169
Кенг	130	122	163	187	169	175


Чакмоқ занжирсиз (ҳамма жинсий гуруҳдаги) этикларни лойиҳалашдаги энг асосий шартлардан бири B_kB чизигини оёқни этикка ўтиш жойи H''_6 га тахминан тенг бўлишидир.

Етикни кийиш давомида қулай бўлиши учун қўпинча BH''_6 , масофа B_kB дан, астарнинг қалинлигини ҳисобга олиб, 3—5 мм га катта бўлади.

12.2.1. «КАЗАЧОК» ТУРИДАГИ ЭТИКЛАРНИ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИНГ ЛОЙИХАЛАШ

Тұғри қүнжли этиклар, болдирнинг энг тор қисмida, майда-майдың жиһимлар хосил бўлгани учун бундай конструкциядаги этикларни «КАЗАЧОК» дейишади.

Сиртқи деталларни лойиҳалаши. Бундай конструкциядаги этиклар, болдир ва қолипнинг ўртача нусхаларига асосан, умумий услугуга биноан қурилади (12.1.1 12.2-расм ва 15-жадвал). «Казачок» туридаги этикларнинг лойиҳалаш тасвири



12.3-расм. «Казачок» туридаги этикларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

12.3-а расмда кетирилган. B_1B_2 чизигини қолипнинг ўртача нусхасининг пастки контури билан кесишган нуқта B_c дан юқорига қўнжнинг баландлиги кўйилиб B_c нуқта ва охирги нуқтадан 84—86 бурчак остида тўғри чизик ϕ иштказилади.

Болдирнинг ўрта нусхасига 15-жадвалда берилган қийматлари кўйилиб, қўнжнинг олди контури ϕ , k , a , b'' ва орқа контури ϕ , ε , d , ϱ , B_3 , B_k нуқталари орқали Ф.В.Пешиков андазасига биноан иштказилади.

«Казачок» туридаги этикларнинг қуришда аҳамиятли жойи шундаки (тайёр пойабзал қўнжининг паст қисмидаги ғижимларни ҳисобга олиш учун) болдирни ўртача нусхасидаги, эк чизиги 40 мм юқорига, яъни э"к"гача кўтариш керак (12.3-б расм).

Қолипни ўрта нусхасининг III ва IV базис чизиклари орасидаги юқори контурини тенг иккига бўлиб, T нуқта топилади $CT=CK/2$ ва b'' . T нуқталари лекала ёрдамида текис туташтирилиб, қолипнинг ўрта нусхасини юқори контури билан давом эттирилади.

Тортиш баҳясининг кенглиги товон ва ахми қисминини иккинчи контуридан,

яъни патак ва оралиқ деталлар қалинлигини ҳисобга олган ҳолда; кафт, тутам ва түмшүк қисмидә эса қолипнинг ўртаса нусхасига нисбатан қўйилади.

Қўнжнинг юқори зийи, болдирни тузилишига қараб ташқи томони, ички томонига қараганды 10—12 мм юқорида ва ташқи томонида a , \bar{a} , қийтиқ бўлиши керак ва уни эни $a\bar{a}$ нуқталар орасидаги масофа 13—14 мм га teng, узунлиги эса эк чизигигача, яъни болдирни энг бўртиб чиқсан жойигача келади.

Ташқи томонининг юқори зийи (контури)ни чизиш учун (*ит* чизигининг ўртаси b нуқтадан юқорига) 6—7 мм b ва пастга (4—5 мм) b_2 нуқталари қўйилади. ϕ , b , b_2 , i ва ϕ , b_2 , i нуқталари бирлаштирилиб, қўнжини юқори зийининг ташқи ва ички томони чизилади.

15-жадвал

Аёллар этикларининг БЎН ва ҚЎН асосида лойиҳалашдаги меъёрий қийматлар

Пошна баландлиги	Чақмоқ занжирсиз эйикларда					Чақмоқ занжирли этикларда			
	20	40	60	80	100	20	40	60	80
Белгилар									
<i>B_kB</i>	168	166	164	162	165	168	166	164	162
<i>BB_b</i>	10-12	9-10	8-9	5-6	2	5-6	4-5	3	1-2
<i>B_kB_k</i>	1-2	1-2	1-2	1-2	1-2	1-2	1-2	1-2	1-2
<i>B₃B₃</i>	2-3	2-3	2-3	2-3	2-3	2-3	2-3	2-3	2-3
<i>ee</i>	16-17	15-16	15-16	15-16	15-16	7-10	7-10	7-10	8-10
<i>dd_b</i>	5-6	5-6	2	4-5	4	2-3	2-3	2	0-1
<i>ee</i>	0-1	0-1	2-3	1-4	0-1	0-1	0-1	0-1	4
<i>ff</i>	7-8	7	7	7	7	7-8	7-8	7-8	5
<i>ii</i>	3	2	2	2	2-3	4-5	4-5	4-5	4
<i>kk_b</i>	1-2	1-2	1-2	1-2	2	0-1	0-1	0-1	0-1
<i>yy</i>	7-8	8	8-9	9-10	10	3-4	3-4	3-4	3-4
<i>tt_b</i>	—	-	—	—	20	—	—	13-15	11-12
<i>bc_bc</i>	335	385	400	400	433	-	—	—	—

Яхлит қўнж ва бошлиғи бўлган этикларни қуришда олд ва орқа томонлари бўйича тикиладиган этикларнинг контуридан фойдаланса бўлади.

Яхлит бошлиқли этикларни қураётганда эскизга, асосан, моданинг йўналишига қараб ва деталлари бичилаётганда кам чиқитли ҳамда қолипга тортганда шаклини яхши сақлашига эътибор бериш керак. Яхлит бошлиқни лойиҳалаётганда С нуқтани конструктор ўзини ижодий фикри ва замонавий модага асосан белгилайди (12.3-*a*, *d* расм).

Бундай яхлит бошлиқлар W-40 АН русумли «Шён» фирмасининг маҳсус машинасида, қўнжга тикишдан олдин қолипда шакллантирилади ва куйидаги босқичларда лойиҳаланади:

1. Биринчи навбатга бошлиқнинг контури, букиш чизигисиз чизиб олинади (12.2-*d* расм);
2. Ярим бошлиқ ҳолида қирқиб олинади $C_1X2\bar{y}$;

3. Ч орасидаги масофа тўғри чизик ва эгри чизиқлари бўйича ўлчаб, уларнинг орасидаги фарқ Δl топилади;

4. С ва X нуқталаридан OY ўки бўйича $CC' = 1/2 \Delta l + (5 \div 6)$ ва, $X X' = 1/2 \Delta l + (5 \div 6)$ кесмалар қўйилади, чунки бошлиқни маҳсус дастгоҳда қолипланганда OY чизиги бўйича бетлик 9—11 мм га кичраяди;

5. Бошлиқни узунлиги букиш чизиги бўйича 8—10 мм масофада бўлакларга бўлинади. Ҳосил бўлган нуқталардан букиш чизигига (OY) тик ўтказилади ва тик чизиқнинг бетликни юқори контури билан кесишган 2ъ, 3ъ, 4ъ ва паст контури билан 2", 3", 4" ва ҳоказо нуқталари белгиланади;

6. Ҳар бир тик 2, 3, 4 ва ҳоказо нуқталардан 2ъ-2", 3ъ-3", 4ъ-4" кесмалари қўйилади ва ҳосил бўлган (2"ъ, 3ъ", 4ъ") нуқталар текис туташтирилади;

7. Бошлиқ тикишда, олдин маҳсус дастгоҳда шаклланган, ташқи ва ички томонларининг контури асиметрик бўлганлиги учун, бетликни бичиши периметрига тахминан 4 мм қўшимча берилади (II контур);

8. Қолиплангандан кейин бошлиқнинг I контуридан ортиқчаси қиркиб ташланади.

Сиртқи деталлар қуриб бўлганидан кейин тортиш баҳясининг кенглиги, таг деталларини танавор билан бириктириш усулига қараб қўйилади.


Ички деталларини лойиҳалаш. Астарни лойиҳалаш учун (12.4-а расм) сиртқи деталларни (ингичка туташ чизик) тикиш ва зийларига ишлов бериш қўшимчаларсиз, контуридан фойдаланилади. Чақмоқ занжирсиз этикларнинг астарини тумшук, панжа-кафт қисмини шакли, сиртқи деталлари шаклига боғлиқ.

Агар этикнинг қўнжи икки (ташқи ва ички) деталдан ташкил топиб, олд ва орқа контури бўйлаб тикиладиган бўлса, астарлар ҳам худди шундай икки деталдан ва орқа ички тасмали бўлади.

Астар контурини қуришда (қалин туташ чизик) керак бўладиган қийматлар, сиртқи деталларга нисбатан (ингичка чизик) 12.4-расмда келтирилган.

Астарнинг ҳамма деталларини қуриб бўлгандан кейин, тикиш ва кўринадиган зийтарига ишлов беришга қўшимчалар берилади.

Астар жунли, тукли ип мато ёки репсдан бўлса, олд ва орқа томонларини бириктирма чок билан тикиш учун 5—7 мм, трикотажли поролон учун 3 мм,



12.4-расм. Чақмоқ занжирсиз этикларнинг ички деталларини лойиҳалаш тасвири

кўйма чокка 6—8 мм, ағдарма чокка 1,5—2 мм кўшимчалар берилади (12.3-б расм). Орқа ички тасма икки деталдан $r\delta$ (12.4-а расм) ёки букилиш чизиги δe бўлган яхлит деталдан (12.4-е расм) иборат бўлиши мумкин.

Яхлит орқа ички тасма баланд эд ёки паст гд. бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар, орқа ички тасма, оёқ панжасининг энг кўп ишқаланадиган товон қисмини беркитиб туриши керак.

12.3. ЧАҚМОҚ ЗАНЖИРЛИ ЭТИКЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

12.3.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Чақмоқ занжирли этиклар ҳар хил материаллардан, ҳамма ёш-жинсий гурухлар учун ишлаб чиқарилиши мумкин. Чақмоқ занжирни бўлиши этикнинг оёққа кийилишини осонлаштиради, лекин иш ҳажмини ва пойабзалнинг таннархини оширади. Шунинг учун оёққа ёпишиб турадиган этиклардагина чақмоқ занжирни қўллаш керак. Чақмоқ занжирни қўнжнинг ич ён томонига ёки олдига тикиш мумкин.

Чақмоқ занжирли этиклами лойиҳалаш юқорида келтирилган умумий услуб асосида, худди чақмоқ занжирсиз этиклами лойиҳалашга ўхшаш. Ҳамма керакли ўлчам қийматлари 13, 14, 15-жадвалларида келтирилган. Асосий фарқи чақмоқ занжирни тикиш жойини аниқлаш.


Қўнжнинг ички томонидан жойлашган чақмоқ занжирли этикни лойиҳалаш 12.5-расмда кўрсатилган. Чақмоқ занжирни яхши ишлаши ва жойлашиши учун, I ва IV базис чизикларини қолипнинг ўрта нусхаси билан кесишган юқори C ва қуий V нуқталари орқали, C B назорат чизиги ўтказилади. Бу чизик чақмоқ занжирни қуий чегараси бўлиб хизмат қиласди.

Чақмоқ занжирни энг қулай жойлашиши, бу CB назорат чизиги үртаси бўлиб, ($B\bar{b} = 0,4 CB$, $B\bar{b} = 0,5 KB$) бўй кесмасидир.


Чақмоқ занжирнинг юқори қисми-қўнжнинг ўртасида жойлашган ёки товон томонига сурилган, чақмоқ занжирнинг йўналиши тўғри ёки озгина эгри чизикли бўлиши мумкин.

Кўнжнинг ички деталида қирқим лойиҳаланади. Қирқим эгри чақмоқ занжирининг ишчи қисмини эни (8 мм) дан каттароқ, яъни 10 мм бўлиши керак. Чакмоқ занжир қўнжнинг олд қисмида лойиҳаланса, белгиланган қўнжнинг олд контурига 5 мм масофадан параллел чизик чизилади ва бетликнинг С нуқтасида радиус орқали текис туташтирилади.

12.3.2. АСТАРНИ ЛОЙИХАЛАШ



12.5-расм. Чакмоқ занжирли етикларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.



12.6-расм. Ҷақмоқ занжирли этикларнинг астарини лойихалаш тасвири.

Чақмоқ занжирли этик астарини лойиҳалаш чақмоқ занжирсиз этик астарини лойиҳалашга ўхшаш. Улардан чақмоқ занжир остига қўйиладиган клапанин ва тўқима материалидан қилинган астарининг қирқимини қуриш билан фарқ қиласди.

Клапан ва қирқимнинг ўлчамлари чақмоқ занжирнинг ишчи қисмини ўлчамига, астарнинг материалига ва уларни тикилишига боғлик.

12.6-расмда клапан, түқима материалдан қилинган астар билан яхлит лойиҳаланган. Бундай конструкциядаги клапан, түқима материални чети титилиб кетмайдиган ёки зийига тесма тикилган бўлса қўлланилади. Келтирилган усул қўлланилганда танаворни йиғиш анча қийинлашади. Чунки астари икки қисмдан иборат бўлиб, бир-бири билан туташтирма ёки қўйма чок билан W - W' чизиги бўйича тикилади. Товон томонидан астар WW' чизиги бўйича клапанни қайтариб туриб, чақмоқ занжирни устки деталлари ва


астарнинг иккинчи қисми билан тикилади.

Енг оддий усуллардан бири чақмоқ занжир остига кенгроқ жияк тлкиш, жиякнинг эни 30 мм. Чақмоқ занжирнинг узунлиги бўйича танаворни йифишни охирида қирқим қилинади. Клапанларнинг қуришни ҳамма ҳолларида ҳам, чақмоқ занжирни тикаётганда (юқорига ва пастга ҳаракатланганда) тўқима астари халақит бермаслиги керак. Шунинг учун тўқима астар чақмоқ-занжими тикиш чизигидан 2 мм четроқда бўлиш керак.

12.4. АЁЛЛАРНИНГ КАЛТА ҚЎНЖЛИ ВА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ЭТИКЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Аёлларнинг ярим этиклари худди этиклардек лойиҳаланади. Қўнжнинг баландлиги Давлат стандарти томонидан белгиланади. Қўнжнинг эни, конструктив ечими ва 15-жадвалда келтирилган қийматларга асосан 12.5-расмда кўрсатилганидек лойиҳаланади.

Мактаб ёшидаги болалар учун чақмоқ-занжири олдида жойлашган (ёки боғичли) этикларни лойиҳалаш 12.7-расмда келтирилган.



12.5. ЭРКАКЛАРНИНГ ЧАҚМОҚ ЗАНЖИРСИЗ ЭТИКЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

12.5.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОВИХАЛАШ

Эркакларнинг этик ва ярим этиклари, этикни БҮН ва ҚҮН ёрда мидаги умумий қуриш услубига, чақмоқ занжирсиз, чақмоқ занжирли боғичли, этик ва ярим этикларнинг 16-жадвалда келтирилган (меъёрий) қийматларига асосан лойиҳаланади. Сиртқи деталларни қураётганда B_k ва $B_{\text{бн}}$ нуқталари жадвалдаги меъёрий қийматлар астарнинг материал қалинлигини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши керак.

Кўнжнинг юқори контурини ташқи ва ички томонлари бир-бириданж 4—6 мм га фарқ қиласди. Эркаклар этигининг кўнжи оёқни болдирига ёпишиб турмайди, шунинг учун кўнжни бир тўлаликда ишлаб чиқарса бўлади.

Бошлиқ кўпроқ тилчали лойиҳаланади, лекин уни исталган конструкцияда, эскизга мувофиқ ўзгартириш мумкин (12.8-расм).

Тилчали бошлиқларни лойиҳалаётганда бетликни чукурлашиш нуқтаси Γ ва бетликнинг нуқтаси C ни тўғри бурчакли учбурчак қоидасига асосан «Лоафер» типидаги кўнжсиз ботинкаларга ўхшаш топилади.


16-жадвал

Ф.Е.Пешиков усули бўйича этик ва ярим этикларни куришдаги норматив қийматлар

12.6-расмдаги шарти белгилар	Чақмоқ занжирсиз этиклар	Чақмоқ занжирли этиклар	Боғичли яриметиклар
B_kB	185	185	185
BB''	12-13	5	3
B_kB_k''	2-3	2-3	2-3
B_3B_3''	3-4	34	2-3
gg	22-24	14-15	8-10
dd''	7-8	—	—
ee''	0-2	—	—
kk''	3-5	—	—
uu''	10-12	—	—
tt''	22-24	13-14	8-10
B_0B_0''	350	215	205

Эслатма. Этикнинг кўнж баландлиги камида 215 мм, ярим этикларники 180 мм дан кам бўлмаслиги шарт.

Γ нуқта (тилчани формаси) эскизга қараб аниқланади ва KL , KL' чизиқларида ёки уларнинг орасида жойлашиши мумкин. Бетликни букиш чизиги, Γ нуқта аниқлангандан кейин тўғри бурчакли учбурча



12.8-расм. Эркакларни чақмоқ занжирсиз этикларини сиртқи деталларини лойихалаш тасвири.

К нүктасидан 4—5 мм дан кўпроқ масофада бўлиши мумкин эмас. Яхлит тилчали бетликни бичиш учун олдин тилчанинг контурини калкага кўчириб олиб, қирқилади ва иккинчи томонини худди резинали қўнжсиз ботинкаларнинг тилчасига ўхшатиб қуриб тузатиш киритилади. Агар тилчанинг узимлиги ССъ 20 мм дан катта бўлмаса, тузатишсиз лойихаланади. Букиш чизиги эса худди қўйма бетликли ботинкаларга ўхшаб қурилади.

12.5.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНЛЛОЙИХАЛАШ


Эркаклар этиги ва калта қўнжли этикларининг астарларини қуриш худди аёлларнинг чақмоқ занжирсиз этик астарини қуришга ўхшаш.

12.6. ЭРКАКЛАРНИ БИРИКТИРМА БОШЛИҚЛИ, ЧАРМДАН ИШЛАНГАН ЭТИКЛАРИНИНГ УСТКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

12.6.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Эркаклар этигидаги пойабзал олд томонининг кўп қисмини эгаллагани учун бетлик бошлиқ, тилча эса бўйинча дейилади.

Бу конструкциядаги этикларда бошлиқ қўнж билан бириктирма чок ёрдамида тикилади, бошлиқнинг бўйинчасини ўлчамлари ва тузилиши қўнжнинг бошлиқка тикиладиган чизиқ бўйича бўлган қирқимга тўла мос келиши керак.



12.9-расм. Эркакларни бириктирма бошлиқли чарм этик сирти деталларини лойиҳалаш тасвири.

Эркаклар этигини лойиҳалашни БЎНсиз, назорат чизиқлар B_k , B_1 , B_3 , $B_1 B_2$ БҲъ (12.9-расм) ёрдамида бажарилади. Бошлиқ бўйинчасини куриш учун B_1 , B_3 , чизигида, B нуқтадан 24 мм масофани юқорига қўйиб A нуқта топилади, ABC нуқталари текис туташтирилади. Бўйинчани ёйганда унинг эни 22 мм дан кичик бўлмаслиги керак. Бунда қўнжнинг бошлиққа тикиладигар чизигидаги қирқими, b нуқтада бириктирма чок учун бериладиган 1,5-2 мм қўшимча ҳисобга олинishi керак (12.9-брасм).

Шунинг учун бўйинча товон томонга 2 мм сурилиб B_1B_3 чизифИ бўйича лойиҳаланади. $BB'' = 5-6$ мм даги B нуқтада бўйинчанинг эни 11 — 12 мм бўлиши керак. B дан B'' гача масофа эса 5—6 мм га teng.

Бошлиқнинг қаноти эса, этикнинг баландлиги қўйиладиган чизик B_1 , B_2 гача боради. Бунинг учун B_c нуқтасидан B_3 а (назорат чизигига) тик 2 ўтказилади, B_{3b_1} , B бурчаги бисектриссасидан 17 мм масофани қўйиб, $r = 30$ мм радиусда бошлиқнинг чукирлашиш контури чизилади. Деталларниңг ўзаро яхши жойлашиши учун, қанотнинг бурчаги биритирма бошлиқни лойиҳалаётганда, 2 нуқтадан 4—5 мм пастда жойлашиши керак ($2 - 2^1 \frac{4}{5}$ мм).

Бошлиқнинг букиш чизиги $Ч$ " учбурчак қоидасига асосан б ва Б нүқталари орқали ўтади, шунда К нүқтадан букиш чизигигача бўлг масофа $3\div4$ мм дан ортмаслиги керак, кейинчалик бошлиқнинг тортис баҳяси тумшук қисмida тузатиш киритилиши шарт.

Тортиш баҳясининг кенглиги, иккинчи тузатиш киритилган контурга нисбатан қўйилади.

Бошлиқ ва бўйинчага тузатиш киритилгандан кейин қўнжга бошлиқнинг қанотларини тикадиган чизиги бўйича тузатиш киритиш керак. Унинг юзаси $1 - 2^1 - 1$ ъ учбурчак юзасига, танаворнинг ахми қисми қолипга яхши тортилиши ва шаклини ушлаши учун катталаштирилиши керак ва бу $1 - 1\text{ъ} = 5 \div 6$ мм ($12.9-a$ расм). Қўнжга бошлиқнинг қанотини тикиш учун янги ($1^1 - 2$) тузатиш киритилган, бўйинча билан эса олдинги контурига асосан қўшимча берилади.

Күнжнинг орқа контури чақмоқ занжирсиз этикларнинг кийиш қулайлигига асосан лойихаланади. Күнжнинг *B*" нуқтасида катта эгилиш ҳосил бўлади, юрганда оёқ панжасининг товон қисмини сирпанишига халақит беради.


Күнжнинг *BX*" в эни куйидагича топилади:

$BX_6 = B\bar{y}_k B + 4 \div 5$ MM

Етикларнинг қўнжини эни олд контури B_1B_3 га нисбатан энг кенг жойида эк
= 195 мм, юқори қисмида $ШШ_6$ = 192 мм қўйилади.

12.6.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Бириктирма бошлиқли этикларнинг ички деталлари (құнж ва бошлиқлар) чарм астаридан ташкил топған бүләди (12.10-расм). Құнжнинг сиртқи детали орқа контури бүйича мағизли бириктирма, ас-тари эса бириктирма чок билан тикилади. Танаворни йиғишни осонлаштириш учун құнжнинг астари 55^ъ ва 33^ъ чизиқлари бүйича қирқиб қўйилади ($A_{бъ} = 10$ мм), құнжнинг контуридан тайёр пойабзалнинг ичидаги астар фижимланиб қолмаслиги учун детал ва чоклар калинлигига кичик қилинади.



12.10-расм, әрқакларни бириктірмабошлықли чарм этик астаринилойихалаш тасвири.

Бошлиқнинг астари унинг бўйинчасини контуридан 7—8 мм, қанотларидан 8 — 10 мм қўшимча билан лойиҳаланади. Бошлиқнинг астари, букиш чизигидан 1,5 мм, тортиш баҳясидан 2—3 мм кичик бўлади.

Назорат саволлари

1. Этик ва калта қўнжли этик деталларини конструксион тавсифини изоҳланг.
 2. Болдир ўртacha нусхасининг андазасини қуринг.
 3. Болдирнинг ўртacha нусхаси ёрдамида этикларни сиртқи, ички, оралик деталларининг лойихасини тасвириланг.

13-боб. САНДАЛЕТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Сандалетлар — ёзги пойабзal, устки деталлари конструкцияси жиҳатида күнжисиз ботинкалар ёки туфлиларга ўхшаш бўлиб, турли шакл ва ўлчамдаги тешикчалари (перфоратсияси) бўлади. Сандалетларнинг товоn қисмида қаттиқ дастак ва чарм астар бўлиши шарт, тумшуқ қисми эса ишлатиладиган материалларга ва моделернинг қўйган мақсадига боғлик.

Қўйма дастакли сандалетларни кўпинча хром тузлари билан ошланган, қалин материаллардан, бетликни эса астарсиз, тешикча (перфорасия) лар билан лойиҳаланади. Тасмали ва бўйлама тасмали сандалетларнинг беталиги чарм астарли ёки астарсиз қилиб лойиҳаланади. Бетлик перфоратсияли, тумшуқ қисми очик, алоҳида деталларга бўлинган ёки яхлит бўлиши мумкин.

Тасмали сандалетлар оёқ панжасига тўқа ёрдамида маҳкамланади .Тўқа дастакнинг ташқи томонига тўқа тасмаси ёрдамида тикилади Бўйлама тасма турли шаклда, тасмани ўтказиш учун ҳалқали ёки қирқимли бўлиши мумкин. Дастакнинг юқори зийи ва тасма чети букилади қолган кўринадиган зийлар эса қирқилади.

Доппел усулидаги сандалетларнинг товоn қисми елим ёки мих ёрдамида патакка бириктирилади, тортиш баҳясининг периметрини қолган қисмида сиртқи деталлар ташқарига қайрилиб, безак ранти орқали (пошнагача) таглик тикилади. Астар эса бутун периметри бўйича қолипга тортилиб, патакка бириктирилади. Бундай технологияда сиртқи деталнинг тортиш баҳаси, ахми қисмида тортиш баҳасини қайриб тагликка тикиш учун ууъ = 11 мм қирқиб қўйилишт шарт (13.1-а расм).

Доппел усулидаги сандалетламинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки агар чарм астар, бетлик билан дастакни тикаётганда эГ чизиги бўйича бириктирилса, унинг чарм астари ҳам ахми қисмида чок чизиги бўйича қирқиб қўйилади.

Дастаклар орқа контури (чизиги) бўйича туташтирма чок ёрдамида тикилиб, орқа ташқи тасма ёрдамида мустаҳкамланади. Дастакни ташқи томонига тўқа, тўқа тасмаси ёрдамида эса ички томонига тасма тикилади.

Лойиҳаланаётган сандалетлар танаворини йиғиша бетлик бойламиг тўқа бойламига тикиб олиниб, бетлик бойламига кийгизиб, бир йўла бетликни юқори зийи билан тикилади.

Шу жараённи бажараётганда ҳалқанинг иккинчи чоки тикилади, аммо астарнинг ахми қисмининг қирқиб қўйилган жойи чокка тушмайди.

13.1. ДОППЕЛ УСУЛИДАГИ САНДАЛЕТЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

13.1.1. СИРТҚИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Сандалетларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш учун қолипни ўрта нусхаси, умумий услубда кўрсатилгандек координата ўқларига жойлаб, базис ва ёрдамчи чизиқлар ўтказилади (13.1-расм).


Дастакни орқа контури, юқори зийи ва бетликни букилиш чизиги, айнан қўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларга ўхшаш қурилади. Доппел усулини елимлаш усулидан фарқи шуки, тортиш баҳясининг эни кичикроқ бўлади.

Оёқ панжасининг сирти очиқроқ бўлиши учун бетликни ўймасини энг чуқур Г нуқтаси, назорат чизиги KL да ёки тумшук томонга силжиган бўлади. Бу ҳолатда бетликни қолипга тортиш ва унинг шаклини олиш осонлашади.

Тасманинг ўқми йўналиши, $B_{\text{вн}}$ чизигига нисбатан $120—130^{\circ}$ да лойиҳаланади (13.1-*a* расм). Ингичка ва узунроқ тасмалар I ва III базис чизиқлари қолипнинг ўрта нусхасини қуи B ва юқори P контури билан кесишган нуқталарини туташтирувчи $B'P$ чизигига параллел қилиб ўтқазилади, Тасма ва тўқа тасмаси, тўқанинг ички ўлчамларига асосан лойиҳаланади. Тасма тўқага осон тақилиши учун унинг эни, тўқани ишчи энидан W_1 (13.1-*b* расм) 1—2 мм кичик бўлиши керак.

Тасмани букилиш чизиги $B'B$ (13.1-*a* расм) қолипни ўртача нусхасининг кўтарилиш қисмини, тасма билан кесишган нуқтаси B' орқали ўтқазилган нормал бўйича тасмани, бўйлама тасмани қалинликларини ҳамда танаворини кўндаланг кесими бўйича деформатсиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади.

Тасма ва тўқа тасмасининг дастак билан бириктириладиган қисмини лойиҳалашида, деталларни ўзаро жойлашишини ва қўлланиладиган чокни



13.1-расм. Доппел усулидаги сандалетларнинг сиртқи деталларини лойиҳалаш тасвири.

конструкцияси ҳисобга олиниши керак. Тасманинг эни W бутун узунлиги бўйича бир хил бўлиши шарт.

Оп нуқта дастакнинг юқори контури билан тасмани кесишган нуқтасл бўлиб, B_p а чизигидан 6—8 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак. Тасмани кесиш чизиги, унинг йўналишига тик бўлади. Тўқанинг ишчи қисми (13.1-*b* расм) ўқ 1, ишчи илгак 2 ва айланувчи силиндрлардан ташкил топган. Айланувчи силиндр (валик) тасмани тўқага тақиши осонлашлиради. Тўқа тасмани узунлиги l_b (13.1-*a* расм), тўқанинг олд қисмини узунлиги l_5 га ва тикиш усулларини ҳисобга олган ҳолда куйидагича аниқланади:

$$L_6 = L_5 + (2 \div 4) \text{ мм}; \\ L_8 = 2 L_6 + 2 (8 \div 10) \text{ мм}$$

Бунда: L_6 — тўқа тасмасини кесиш чизиги (ёки тикиш чизиги)да букилиш чизигигача; L_5 — тўқанинг олд қисмини узунлиги; L_8 — тўқа тасмасининг умумий узунлиги; $(2 \div 4)$ мм — материалларни қалинлиги вал букилишига бериладиган тузатиш; $(8 \div 10)$ мм — тўқа тасмаси ва тасмани дастакка тикиш учун бериладиган қўшимча.

Тасмани кесиш, букилиш чизиги ва тўқани жойлашиш маркази аниқлангандан кейин унинг узунлиги $L_{\text{тас}}$ қуидагича аниқланади:

$$L_{\text{тас}} = L_1 + L_2 + L_3 + (8 \div 10) \text{ мм}$$

Бунда: L_1 — тасмани чизигидан букилиш чизигигача бўлган масофа; L_2 — букилиш чизигидан тўқанинг марказигача бўлган масофа; L_3 — тасманинг эркин қисми, тайёр пойабзални оёқ панжасига маҳкамлагандан узунлигини созлаш учун ($L_3 = 25 \div 30$ мм).

Бетликнинг букилиш чизиги давомида бўйлама тасма лойиҳаланади. Унинг эни тайёр пойабзалнинг ташқи қиёфаси (эскизи) га, узунлиги эса конструкциясига асосан аниқланади.

Бўйлама тасмада ҳалқа (петля) бўлса, у ҳолда букилиш чизигининг ; Аъ А" жойи аниқланиши керак (13.1-б расм). Бунда, танаворни қолипга тортганда бўйлама тасманинг ва ҳалқанинг тумшук томонига силжиши ҳисобга олиниши керак. Шунинг учун бўйлама тасма (ҳалқа)нинг букилиш чизиги, А қолипнинг ўрта нусхасини, назорат нуқтаси С дан Б нуқтасигача бўлган (13.1-а расм) масофадан $5 \div 6$ мм узунроқ, яъни $AC = BC + (5 \div 6)$ мм, ёки $AB = 5 \div 6$ мм бўлиши шарт.

Яси бетликни қуриш учун AC чизиги бетликни букилиш чизигига ўтказилади, бунда $AC = A1C$ га teng бўлиши керак.

Бўйлама тасмадаги ҳалқага тасма кийгизилади, шунинг учун ҳалқанинг узунлиги $A1D$, деталларни қалинлигини ҳисобга олган ҳолда ва тасмани ўтказишни осонлаштириш учун 4—6 мм каттароқ лойиҳаланади (13.1-б расм).

Бўйлама тасма билан бетликни кесиш чизиги (бириктириладиган жойи) аниқлангандан кейин, бўйлама тасманинг умумий узунлиги $L_{\text{бт}}$ аниқланади:

$$L_{\text{бт}} = 2A \Delta D + \bar{D} + 2(8 \div 10) \text{ мм}$$

Бунда: $A \Delta D = A \Delta D'$ — ҳалқанинг букилиш чизигидан унинг тикиладиган чизигигача бўлган масофа; \bar{D} — ҳалқанинг тикиш чизигидан бўйлама тасманинг бетлик билан кесишган чизигигача бўлган масофа; $8 \div 10$ мм — тикиш учун берилган қўшимча, ҳалқа учун $D \Delta D'$ ва бўйлама тасма учун \bar{D} .

Дастакни ахми қисмидаги баландлиги тайёр пойабзалнинг ташқи қиёфаси


(эскизи) бўйича аниқланади. Тортиш баҳясининг эни 18-жадвалда кўрсатилган қийматларга асосан лойиҳаланади.

Дастакни тортиш баҳаси узъ чизиги бўйлаб қирқиб қўйилиш керак (узъ = 11 мм), $B_{\text{ку}}$ масофа эса пошнанинг узунлигига тенг.

13.1.2. ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Сандалетнинг ички деталлари дастакни чарм астари ва бетикни чарм астаридан иборат бўлиб, чарм астарни қуриш умумий услуб (8.13-расм)га асосан лойиҳаланади (13.2-*a* расм). Факат дастакни чарм астарини олд контурининг ўймасини чукурлиги 12 мм (13.2-*b* расм) бўлиши керак, шакли эса турлича бўлиши мумкин.

Ҳалқа остига чарм астар лойиҳаланмайди, чунки бетликни чарм астари 3-4 мм чиқиб, ҳалқа чокини беркитиб туради. Тасмани чарм астарининг кесиш чизиги, танаворни йиғиш усулига қараб лойиҳаланади (13.2-*b* расм).



13.2-расм. Сандалетларнинг ички деталларини лойиҳалаш тасвири


13.2. ЕЛИМЛАМА УСУЛИДАГИ ОЧИҚ САНДАЛЕТЛАРНИНГ СИРТҚИ ВА ИЧКИ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Очиқ сандалетларнинг конструкцияси доппел усулидаги сандалетларнинг конструкциясига ўхшаш. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуидагилар : ахми ва тумшуқ қисмининг очиқ бўлиши ҳамда бўйлама алоҳида конструкцияга эга бўлишидир (13.3-*a* расм).

Дастак ва бўйлама тасманинг қирқилган А"Дъ қисмини аниқлаш юқорида келтирилгандек бажарилади. Бетликни контури тайёр пойабзалнинг ташки қиёфаси (эскиз) бўйича аниқланади. Бетлик билан бўйлама тасмаларнинг ўзаро тикилиш ҳолати назорат чизиги КЛ билан белгиланади. Эркакларнинг очиқ сандалетларини тумшуқ қисми факт ён томонидан очиқ қилиб лойиҳаланади. Тортиш баҳасининг эни елимлаш усули учун 12-жадвалда кўрсатилган қийматларга асосан лойиҳаланади.

Астарни лойиҳалашни ўзига хос белгиларидан бири, бикир дастакни чўнтагини қуриб бўлиб, унинг товон қисмida букилиш чизигини

үтказишидир. Қолған контури эса расмда күрсатылғандек қурилади (13.3-б расм).



13.3-расм. Елимлама усул билан сандалетларни а) сиртқи ва б) ички деталларини лойиҳалаш тасвири.

Назорат саволлари

1. Сандалетлар деталларининг конструксион тавсифини изоҳланг.
2. Доппел усулидаги сандалетларнинг сиртқи, ички, оралиқ деталлари лойиҳасини тасвирланг.
3. Елимлама усулидаги сандалетларнинг сиртқи, ички, оралиқ деталлари лойиҳасини тасвирланг.

14-боб. ПОЙАБЗАЛНИНГ ТАГ ДЕТАЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Таг деталларини лойиҳалаш икки гурухга бўлинади. Ясси шаклдаги таг деталлар (чарм, резина, пластмасса ва ҳоказо материаллардан), иккинчиси шакллантирилган, яхлит қўйма, ярим қўйма ва қўйма усулда тайёрланган деталлар.

Таг деталларининг конструкцияси, шакли, ўлчам (размер)лари пойабзал кўринишига, конструкциясига, ёш-жинсий гурухига, пошна баландлигига, таг деталларини бирлаштириш усулига ҳамда тагликга ишлов берилишига боғлик. Лекин иккала гурухдаги таг деталларини қуришда ҳам қолипнинг таг қисмининг нусхаси асос қилиб олинади. Шунинг учун қолипнинг таг қисмидан нусха олишни билиш шарт.

Қолипнинг таг қисмини юпқа қоғозга қўйиб, уни қоғозга нисбатан тик қилиб контури чизиб олинади. Шу контурга 8—10 мм қўшимча бериб, янги ҳосил бўлган контур орқали қирқиб олинади ва ҳар 10—15 мм масофада 15—20 мм чуқурликда япроқчалар кесилади.


Шу кесилган қоғозни қолипнинг таг қисмига елим ёрдамида ёпиштилириб, қолипнинг қирралари (контури) қалам ёрдамида қоғозга кўчирилади. Кевин қоғозни кўчириб олиб, қалинроқ қоғозга елимлаб янги ҳосил бўлган контур орқали қирқиб олинади, унга қолипнинг размери Н, тўлалиги W, таг қисмининг узунлиги L_n ёзиб қўйилади.

Асосий патакни лойиҳалашда шу олинган қолипнинг таг қисми нусхасидан фойдаланилади. Пойабзалнинг таг деталларини лойиҳалаш, устки деталларни лойиҳалашга нисбатан осон ва бир-бирига ўхшаётди. Таг деталларини тузилиши: ўлчамлари, шакли, пойабзалнинг конструкциясига, кўринишига, ёш-жинсий гурухига боғлиқдир. Ҳамма таг деталларини қуриш учун қолипнинг таг нусхаси (патак) асос қилиб олинади. Шунинг учун биринчи навбатда асосий патак лойиҳаланади.

14.1. АСОСИЙ ПАТАКНИ ЛОЙИХАЛАШ

Асосий патакни қуришда қолипнинг таг қисмининг нусхасидан фойдаланилади. Яқин йилларгача қолипнинг таг қисмини нусхаси асосий патакнинг контури деб юритилиб, уни қолипга бириттиргандан кейин товон қисми зийи бўйича шилиб ташланар эди.

Ҳозирги пайтда патакни контури қолипнинг таг қисмини контурига нисбатан Й миқдорга қисқартириш қўзда тутилмоқда. Бундай қилинганда, биринчидан



14.1-расм. Асосий патакни қуриш тасвири.

Бир технологик (патакнинг товоң қисмини шилиш) жараёни қисқаради ва иккинчидан материал иқтисод қилинади.

Шундай қилиб, устки деталларни текис қолипга тортиш учун патакнинг контури қисқартирилиши керак. Бу қуйидагича топилади:

$$\bar{Y}_1 = T_{\text{пат}} * t \alpha$$

Бунда: \bar{Y}_1 — қисқартирилиш қиймати; $T_{\text{пат}}$ — давлат стандарт бўйича патакнинг қалинлиги; α — қолипнинг ён қисмига ўтказилган уринма $кк$ ва қолипнинг таг қисмига ўтказилган тик СС орасидаги бурчак (14.1-расм).

а бурчак қолипнинг ҳар хил кесимларида турлича бўлиб, А.А.Афанасевнинг тавсиясига биноан қуйидаги қийматларга эга:

	градус
Товоң қисмининг орқа томонида.....	20—25
Товоң қисмининг ён томонларида.....	8—23
Ички ахми қисмида	40—50
Ташқи ахми қисмида.....	7—25
Ташқи тутам қисмида	0—15
Ички тутам қисмида	0—15

Патак узунлигини қисқартириш қуйидаги tenglama ёрдамида топилади:

$$D_{\text{пат}} = D_k - m_{\text{пат}} * \operatorname{tg} \alpha.$$


Бунда: $D_{\text{пат}}$ — патакнинг узунлиги; D_k — қолип таг қисмини узунлиги.

14.2. ТАГЛИКНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ

Тагликни лойиҳалашда патакнинг контури асос қилиб олинади. Патакни контури ингичка ёрдамчи чизиқ билан чизиб олинниб (14.2-расм), унга устки деталларнинг қалинлиги, қадолатни (таг чармни кўринадиган) эни ва ишлов бериш учун қўшимча қиймати қўшилади (14.2-а расм).

$$\Sigma P = P_t + p + \phi,$$

бунда: ΣP — патак контурига қўшиладиган қўшимча қийматнинг эни; P_t — давлат стандарт бўйича танавор деталларининг қалинлиги; p — тайёр пойабзалдаги қадолат (тагликни кўринадиган қисми)нинг эни. СНИИКП



14.2-расм. Ясси тагликни қуриш тасвири.

тавсиясига биноан 17-жадвалдан олинади; ϕ — тагликта ишлов бериш учун қўшиладиган қиймат.

Бу ўз навбатида $\phi = \phi_{\min} + \phi_{\text{кўш}}$ га teng, яъни ϕ_{\min} — ишлов бериш учун минимал қиймат

$\phi_{\min} = 0,5 \div 15$ мм; $\phi_{\text{кўш}}$ — тагликни танаворга бириткиришда ва ишлов беришда вужудга келадиган хатоларни ҳисобга олувчи қўшимча қиймат $\phi_{\text{кўш}} = 0,5 \div 4$ мм.

Танавоминг деталларини қалинлиги P_t қуйидаги tenglama билан ҳисобланади:

$$P_t = \sum T_t * K_c$$

Бунда: $\sum T_t$ — тайёр пойабзалдаги танавор материалларини қалинлиги (Давлат стандарти бўйича); K_c — зичланиш коеффиценти (яъни, қолипга пойабзални тортганда материал чўзилиб зичланади).

А.А.Афанасевнинг тавсиясига биноан, K_c нинг ўртача қиймати $0,75 \div 0,9$; СНИИКПни тавсиясига биноан тумшуқ қисмида $K_c = 0,5$, товон қисмида $K=0,7$ ва ахми қисмида $K_c = 0,5$. Бу қийматлар тажриба йўли билан топилган.

Қуйидаги мисолда эркаклар пойабзалида товон қисмининг орқа чоки бўйлаб танавор деталларининг қалинлигини ҳисобга оладиган қўшимча қиймат (P_t) ни ҳисоби келтирилган.

Қалинлиги давлат стандарти бўйича, мм да

Орқа ташқи тасма (чармдан)	0,8
Устки дастак (чармдан)	0,7
Оралиқ астар (газмол)	0,4
Қаттиқ дастак (чарм, картон)	2,2
Чарм астар	0,6
Жами	$\sum T_t = 4,7$.

СНИИКПнинг тавсиясига биноан $K_c = 0,7$ бўлса, унда

$$\sum P_t = \sum T_t K_c = 4,7 * 0,7 = 3,29 \text{ мм} \approx 3 \text{ мм};$$

Тайёр пойабзалда тагликнинг очик қирғонини кенглик мөъёри г, мм да

Биритириш усули	Пойабзалини ёш- жинсий гурухи	Таглик хом- ашёси	Енг бўртиб чиқкан қисмида		Тумшук-тутам қисми (0.73Л)		Ахми қисми (0,4 ИЛ)		Товон қисми (0.И8Л)	
			тумшук	товор	ички	ташқи	ички	ташқи	ички	ташқи
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Рантли (товорнгача)	Эркаклар ва ўғил болалар	Фовак резина, чами	6,5±0,5	2,0±0,5	6,5+0,5	6,5+0,5	7,5+0,5	7,5±0,5	2,5±0,5	2,5±0,5
	Аёллар ва қиз	- - “ - -	5,0±0,5	1,5±0,5	5,0±0,5	5,0±0,5	0±0,5	6,0+0,5	2,5+0,5	2,0±0,5
Кантли (айланма)	Эркаклар ва ўғил болалар	- - “ - -	6,5±0,5	5,0±0,5	6,5±0,5	6,5±0,5	7,5+0,5	7,5+0,5	5,5+0,5	5,5±0,5
	Аёллар ва қиз	- - “ - -	5,0±0,5	4,5±0,5	5,0+0,5	5,0+0,5	6,0±0,5	6,0±0,5	4,5±0,5	4,5±0,5
Йслимли	Эркаклар ва ўғил болалар	Фовак резина	2,5±0,5	1,5+0,5	2,5+0,5	2,5±0,5	2,5±0,5	2,5±0,5	1,5±0,5	1,5±0,5
	Аёллар ва қиз	- - “ - -	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0±0,5	1,0+0,5
	Аёллар	Куйма	1,5±0,5	-	1,5±0,5	1,5±0,5	-	-	-	-
	Аёллар, қиз болалар ва мактаб ёшдагилар	Чарм	2,0±0,5	1,5±0,5	2,0±0,5	2,0±0,5	2,0±0,5	2,0+0,5	1,5±0,5	1,5±0,5
Винтли ва михли	Эркаклар ва ўғил болалар	Чарм	4,5±0,5	2,0±0,5	4,5±0,5	4,5±0,5	2,5±0,5	2,5±0,5	2,5±0,5	2,5±0,5
	Аёллар, қиз болалар ва мактаб ёшдагилар	- - “ - -	4,0+0,5	1,5±0,5	4,0±0,5	4,0±0,5	2,5±0,5	2,5+0,5	2,5+0,5	2,5+0,5
Доппел	Ёсли болалар	Чарм	6,5+0,5	4,0±0,5	6,5+0,5	6,5±0,5	6,5±0,5	6,5±0,5	4,5±0,5	4,5+0,5
"Парко 1"	Ёш болалар	Чарм	5,0±0,5	4,0±0,5	5,0±0,5	5,0±0,5	5,5±0,5	5,5±0,5	4,5±0,5	4,5±0,5
"Парко 2"	Ёш болалар	Чарм	5,0+0,5	2,0±0,5	5,0±0,5	5,0±0,5	5,0±0,5	5,0±0,5	2,5+0,5	2,5±0,5

Бунда $\Sigma \Pi_1$ аниқлангандан кейин 17-жадвалдан $r = 1,5$ мм олинади ва f танланади:

$$f_{\min} = 1,5; f_{qo'sh} = 2,5 \text{ mm.}$$

$$\Sigma \Pi = \Pi_t + r + f_{\min} + f_{qo'sh} = 3 + 1,5 + 1,5 + 2,5 + 8,5 \text{ mm.}$$

Олдиндан ишлов берилган тагликлар учун $f_{qo'sh}$ хисобга олинмайди.

Тагликни қуриш учун бериладиган қийматлар патакнинг товон, тумшук, ахми, тутам қисмлари учун алоҳида ҳисобланади, чун-ки бу қисмларда деталларнинг сони ва қалинлиги ҳар хилдир. Бу қисмларнинг аниқ жойларини оёқ панжасининг узунлигига нисбатан аниқланади, яъни товон — 0,4 $l_{o.p.}$; ахми — 0,4—0,6 $l_{o.p.}$; тутам — 0,6—0,8 $l_{o.p.}$ ва тумшук — 0,8—1,0 $l_{o.p.}$ қисмлари учун $\Sigma \Pi$ алоҳида ҳисобланади.

Шундай қилиб, патакнинг контуруни чизиб, ўқ чизиги ўтказилгандан ва товон, ахми, тутам, тумшук қисмларини белгилаб олингандан кейин, ҳар бир қисми учун алоҳида ҳисоблаб чиқилган $\Sigma \Pi$ ни белгилаб, лекала ёрдамида текис туташтирилади (14.2-б расм).

Тилчалик тагликни лойиҳалашда тагликни ахми, тутам ва тумшук қисмлари юқорида келтирилгандай лойиҳаланади. Тилча эсапошнанинг фронтал контурига энг ками 12 мм қуриб туриши керак.


Пошнанинг узунлиги қуидагича аниқланади:

$$D_p = 1/4 D_t + (10 \div 15) \text{ mm.}$$


Бунда D_t — таглик узунлиги.

Ўрта ва баланд пошнали пойабзаллар учун крокулли тагликлами қуриш эсатовон қисмидан ташқари, худди юқорида келтирилган қаби лойиҳаланади. Киокуллик тагликлами қуриш учун пошнани патакнинг товон қисми контурига қўйиб, пошнанинг фронтал чизигини олиб, унга шу чизиқдан бошлаб, пошнанинг фронтал юзасидан олинган нусхасини қўйиб, контури чизилади (14.3-расм). Крокуллик тагликни товон қисмда пошнанинг фронтал томонини нусхасига нисбатан (ени бўйича) 3 : 3,5 мм ва узунлиги бўйича 5 : 7 мм қўшимча қўйилади.

Понасимон пошнали тагликлами қуришда пошнанинг фронтал чизиги топилиб, унга пошнанинг таг томонини нусхаси қўйилиб чизиб олинади. Пошнанинг нусхаси асосий патакнинг товон қисмидан чиқиб туриши керак. Шундай ҳолда пошнанинг нусхасини контурига 3,5 : 4 мм қўшимча берилади. (14.4-расм).



14.3-rasm. Tilchali taglikni qurish.



14.4-rasm. Ponasimon taglikni qurish.

Тагликнинг қолган қисми юқорида келтирилган услуб бўйича қурилади. Юпқа таглик ва юмшоқ тагликлами лойиҳалаш ясси тагликни контури бўйича бажарилади.

Ташқи ва ички капак, тагликни тумшук ҳамда тутам қисмидаги контури бўйича 1—2 мм қўшимча берилиб қурилади, узунлиги тутам (панжа-кафт) чизигига параллел ҳолда 30—40 мм товон қисми томонига ўтиб туради.


14.3. ПОШНАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

Паст пошнали пойабзалларга “пошна остини” қуриши. Бу детални қуришда таг чарм товон қисмининг контури асос қилиб олинади. Лекин таглик ўнг ва чап оёқ учун алоҳида бўлиб, товон қисми асимметрикдир.

Пошна, пошна ости деталлари эсаўнг ва чап оёқ учун бир хил, яъни симметрик бўйади. Шунинг учун тагликнинг узунлигини $1/4$ бўллагига $10—15$ мм қўшиб, пошна ости деталини узунлиги топилади (14.5-расм).

$$L_p = \frac{1}{4} D_t + 10 \div 15 \text{ mm}$$

масофани товон томонидан ўқ чизигига қўйиб нуқта белгилаб олинади. Бу нуқтадан ўқ чизигига тик туширилиб, тагликни товон қисми қирқиб олинади ва тик чизиги бўйлаб икки қават қилиб букилади. Уни букканда пошна остининг ташқи ва ички томонини контури бир-бирига тўғри келмайди. Контурларнинг ўртасида янги бир чизик ўтказиб, симметрик контур бўйлаб қирқиб олинади. Кейин қирқиб олинган андоза тагига (қоғознинг букилган чизиги, пошна остининг ўқида ётган) икки қават букилган қоғоз қўйиб қирқиб олинади. Букилган чизик, пошна остининг ўқ чизигида ётиши шарт. Ҳосил бўлган контур буқланган чизик бўйлаб ёйилиш натижасида симметрик пошна ости вужудга келади (14.5- b расм).



Пошна остининг олд қисми сиркул ёрдамида туташтирилади. Бунинг учун унинг энини қийматига teng радиус орқали ўқ чизигида радиус маркази топилади ва шу нуқта орқали ёй чизилади.

Ўрта ва баланд пошнали пойабзаллар учун, пошна ости деталларини қуришида пошнанинг таг қисмини контуридан фойдаланилади. Бунда крокулли таглик ва қопламанинг қалинлиги ҳисобга олинган контурга 2 мм қўшимча берилади.

Паст пошнали пойабзаллар учун фликлами қуришида пошна ости контури асос қилиб олинади, ва унга 0,5—1 мм қў- шимча берилади. Фликлар 2—3 қаватдан ташкил топган бўлиши мумкин.

Ўрта баландликдаги пошнали пойабзаллар учун фликларни қуриши, пошнанинг ляпис қисмини ва пошна остининг контуруни чизиб олиб, бир хил нуқталарини бирлаштириб, teng боғлакларга болинади. Бўлакламинг сони фликламинг сонига teng бўлади. Белгилаб олинган нуқталар орқали фликларни

контури алоҳида-алоҳида чизиб олинади.

Йигма пошналарнинг жиягини қушида паст пошнали пойабзаллар учун пошна остининг контури, ўрта ва баланд пошнали пойабзаллар учун тагликга тегиб турадиган фликни контури асос қилиб олинади. Пошна жиягининг ички контури эсаташқи контурга евидистал қилиб, қуйидаги ўлчамда чизилади:


Жиякнинг эни

Эркаклар пойабзали учун	18—20 мм
Аёллар ва мактаб ёшидаги болалар пойабзали учун	17—19 мм
Мактаб ёшигача бўлган болалар пойабзали учун	16—18 мм
Болалар ва ёш болалар пойабзали учун	15—16 мм

ҚЎЙГИЧ ВА ТЎЛДИРГИЧ (ГЕЛЕНКА ВА ПРОСТИЛКА)ЛАРНИ ҚУРИШ

Қўйгич ва тоидиргичлами қуриш учун асосий патакни контурига тортиш баҳясининг эни, йелимлама ва мих тортиш усулларида (14.6-*b* расм) ёки рантли патак лабининг ички контури (14.6-*a* расм) асос қилиб олинади. Қўйгич ва тўлдиргични қуриш учун асосий патакни контури чизилиб, унга тутам (панжакафт) чизиги чизилади. Қўйгичнинг олд чизиги тутам чизигига 8—10 мм ютмайди, толдиргичнинг олд қисми эсаққўйгичнинг олд қисмини 8—10 мм беркитиб (ёпиб) туради.

Тортиш баҳясининг контури билан тўлдиргич ва қўйгичнинг ораси 1,5—2 мм бўлиш керак.



14.6-расм. Қўйгич ва тўлдиргичларни қуриш.


14.5. ИЧ ПАТАК, ЯРИМ ИЧ ПАТАК ВА ТОВОН ОСТИ ИЧ ПАТАКЛАРИНИ ҚУРИШ

Ич патакни қуриш учун асосий патакнинг контури асос қилиб олинади. Ич патакнинг тумшук қисми асосий патакнинг контуридан 2—3 мм қисқартирилиб, ахми қисмининг ички контурига 3—4 мм, ташқи контурига 3 мм, товон қисмидаги эса 1,5—2 мм қўшимча берилishi керак. Ёзги очик ва тасмали пойабзаллар учун ҳам ички патак юқорида қўрсатилгандек қурилади, фақат ички патакнинг тумшук ва товон қисмидаги контури асосий патакнинг шу қисмлардаги контурига мос келиши керак.

Ярим патак ва товон ости ич патаклари ҳам худди ич патакга ўхшаб қурилади, фақат ярим ич патакнинг олд контури тутам чизигида ётади. Товон ости ич патакнинг узунлиги эса $1/4 L_p + 10$ мм га teng бўлади Бу деталларнинг олд контури текис, фигурали ёки бошқа исталган шаклда болиши мумкин.

14.6. БИКИР ДАСТАКЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Бикир дастакламинг тузилиши, ўлчамлари, биринчи навбатда пойабзални қўринишига ва пошна баландлигига боғлик. Пошна қанча баланд бўлса,



14.7-расм. Бикр дастакларни лойиҳалаш.

бикир дастакнинг қанотларини узунлиги шунча узун бўлади. Бикир дастак баландлиги эса $V_d = 0,15N + (8:9)mm$ каби тенглама ёрдамида топилади.

Бикир дастакни қуриш учун қолипнинг ўрта нусхаси юкорида кўрсатилгандек координата ўқларига жойлаб, базис ва назорат чизикларини чизгандан кейин, баландлигини қолипнинг ўрта нусхасини орқа контурига қўйиб V_d нуқтаси белгилаб олинади. V_d нуқтадан назорат чизигига параллел чизик ўтказилади. Агар пойабзал паст пошнали бўлса, унда бикир дастакнинг қанотларини узунлиги I базис чизигигача (14.7-0 расм), ўрта пошнали пойабзаллар учун II—III базис чизикларини ўртасигача (14.7-*d* расм), баланд пошнали пойабзаллар учун III базис чизигигача (14.7-*d* расм) бўлади. Оғир пойабзаллар, яъни этиклар учун бикир дастак 14.7-*e* расмда келтирилгандек қурилади.

Тортиш баҳяси учун бериладиган қўшимча қиймат эсатагликнинг бириктириш усулларига қараб қуидагича бўлади.

Тортиш баҳясининг эни, мм да

Йелимлама усул	$15,0 \pm 0,5$
Қадолатли (рант)усул	$14,0 \pm 0,5$
Мих, сандал ва тикиш усуллар	$13,5 \pm 0,5$
Доппел усули	$12,0 \pm 0,5$
“Парко” усули	$5,0 \pm 0,5$

14.7. ТУМШУҚ ОСТИНИ ҚУРИШ

Тумшуқ остини қуриш учун *V* базис чизигидан бетликни контур нусхаси қирқиб олиниб, шу контурга нисбатан тортиш баҳяси бўйича 3—4 мм га, ён томонлари эса 4—5 мм қисқартирилиб чизилади. Тумшуқ остининг *B* базис чизигига ёъналган томонининг контури ҳар хил шаклда (текис, ёй симон ва ҳоказо) бўлиши мумкин. Бунда фақат деталлами озаро жойлашиши ва хомашё кам сарф бўлиши ҳисобга олиниши керак.

Назорат саволлари

1. Пойабзалнинг таг деталлари тўғрисида умумий таъриф беринг.
2. Асосий патак ҳақида айтиб беринг.
3. Таглик қандай лойиҳаланади?
4. Пошналар қандай лойиҳаланади?
5. Қўйгич ва томонлар қандай лойиҳаланади?
6. Бикир дастаклами лойиҳалаш усулларини таърифланг.
7. Тумшуқ ости қандай лойиҳаланади?


15-боб.
ЧАРМ-АТТОРЛИК
БҮЮМЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ
15.1. ХАЛТАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ

Чарм-атторлик буюмларини лойиҳалаш жараёни буюм эскизини барпо етиш, эскизни бадиий кенгашда тасдиқлаш, маҳсулотни назорат чизмаси ва деталлар ишчи чизмасини тайёрлаш, намуна ҳамда тажриба партиясини ишлаб чиқариш, техник ҳужжатлами тузиш ва маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришга жорий етиш каби асосий босқичлардан иборат.

Рассом, маҳсулотнинг силуети, пропорсияси ва лининг алоҳида деталларининг чизмаларини ишлаш учун уларнинг асосий размерларини аниқлаган ҳолда, керакли сонда ишчи проекцияларини кўрсатиб, эскизга ишлов беради. Ишчи проекцияларнинг сони маҳсулотни конструкциясига, яъни мураккаблигига боғлиқ. Қоидага биноан, модслайер-конструктор маҳсулотнинг керакли ўлчамларини аниқлаб олиши учун уни икки проекцияда (олд ва ён томонидан) тасвирлаши кифоя. Икки деворча ва тубдан иборат халталар учун эсатубини ҳам ўлчамларини кўрсатиш мақсадида уч проекцияда тасвирланади. Оддий конструкциядаги буюмлар фақат изометрияда берилиши мумкин. Кичик ва ўрта ўлчамли маҳсулотнинг ишчи проекциялари асл катталигига, катта ўлчамдаги маҳсулотлар эсамасштабга асосан, кичиклаштирилиб берилиади.

Маҳсулотнинг асосий конструктив ўлчамлари; узунлиги *D*, кенглиги *K* ва баландлиги *B* ҳисобланади. Агар буюм трапетсия шаклида бўлса, унинг баландлиги, узунлиги ва кенглиги тепа ҳамда паст қисми бўйича кўрсатилади. Ундан ташқари, тубига нисбатан деворчани оғиши бурчаги *B* ва деворчанинг ён чизиқ оғиши бурчаги *Y* белгилаб қўйилади. Керак бўлган жойларда чизмада радиуслар қўйилиб, текис чизиқ билан туташтирилади. Агар рассом маҳсулотнинг асосий ўлчамларидан ташқари, баъзи деталларга қўшимча ўлчам қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, унда ишчи проекцияларида шу размерлар ҳам кўрсатилиши керак. Эскиз тасдиқлангандан кейин модслайер-конструктор назорат ва ишчи чизмаларини ишлаб чиқаради. Назорат чизма технологик жараёнлар учун бериладиган қўшимчаларсиз ва ишчи чизма эсақўшимчалари билан берилади.

Чарм-атторлик буюмлар ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни қўпайтириш каби вазифаларни йециш омилларидан бири унинг деталларини унификациялаштириш ҳисобланади. Чарм-атторлик буюмларининг корпуси, боғлам ва деталлари ҳамда фурнитураларни унификациялаш мумкин (15.1-расм).



15.1-расм. Унификациялашган рамка қулфли (а) ва корпуслж (б) аёллар халталари.

Детал ва безаклами унификациялаш маҳсулотнинг иқтисодий самара-дорлигига катта таъсир кўрсатади. Чарм-атторлик буюмлари конструкциялари жиҳатидан жуда кўп (400 номдан иборат) турларга бўлинади. Бу турларнинг ҳаммасини кўриб чиқиши имконияти ёъқ. Шунинг учун чарм-атторлик буюмларини катта гурухлари бўйиган халта ва қўлқопламинг лойиҳалаш асосий вазиятлари кўриб чиқилади.

Халтани танаси (корпуси) икки деворча ва ботандан иборат бўлса, уни лойиҳалаш учун деворчаламинг устки ($D_{d.u.}$), пастки қисмлари ($D_{d.p.}$) ни ҳамда бурчаклари радиус (R) лари керак бўлади (15.2-а расм).

Ботани контурини чизиш учун унинг узунлиги L_b ни технологик ишлови учун бериладиган қўшимчани ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Мисол учун, $A'B_1B_2C_1C'D'$ нинг периметри $AB_1B_2C_1D$ нинг узунлигига нисбатан катта, чунки B_1B_2 , B_1B_2 дан ва C_1C' , C_1C' , дан катта (15.2-а, б расм).


Шундай қилиб,

$$L_b = 2 [AB_1 + 0,018 (R + \Pi) \cdot d + B_2M] \quad \text{га тенг бўлади.}$$

Ботанинг ўрта қисмидаги кенглиги MM_1 ишчи проексияда берилган халтани тубини кенглигига тенг бўлиш керак. Ботанини кенглиги AA_1 ва DD_1 устки қисмida тубни кенглигига тенг ёки кичик ва катта (15.2-б, д, е расм) бўлиши мумкин. Биринчи ва иккинчи ҳолларда AA_1 ва DD_1 рассом томонидан берилган бўлади, д ҳолда эсаҳалтанинг оғзини очилиши инобатга олиниб, маҳсус ёл билан ҳисобланади.

Ботанинг контурини қуриш O_1 нуқтадан бошланади. Бу нуқтадан тепа ва пастга $O_1A = O_1A^1 = 0,5AA_X$ масофа қўйилади. OM ва OM_1^1 масофалар $0,5MM_1$

га тенг. Ҳосил бўлган M ва M_1 нуқталардан горизонтал ўқга



5.2-расм. Танаси икки деворча ва ботандан иборат халтанинг чизмаси:

a — дсворча; *b* — бир хил кенгликдаги ботан;

d — устки қисми кенг ботан; *e* — устки қисми тор ботан.

параллел чизиқлар чизилади. A ва A_1 нуқталардан халтанинг деворчаларини узунлиги AB_1 ва DC_1 га тенг радиус R_1 да, M ва M_1 нуқталаридан чиқкан параллел чизиқда $B_1 \cdot B_1^1$ белги қўйилади. Охирги нуқталардан $B_1 B_2 = B_1^1 B_2^1 = 0,018 (R + \Pi) \cdot a$ масофа белгиланади. $B_1 M_2$ ва $B_2^1 M_1$ кесмалар, девор-чани тубидаги кенгликни ярмига тенг бўлади. Ботанинг иккинчи ярми ҳам юқорида келтирилган сингари чизилади.

Чарм-атторлик буюмларнинг устини ёйилиш усулига асосан, корпуснинг асосий детал лари ва спетсифик (ўзига хос) деталларини қуриш хусусиятлари.


Рамкаси қулфлар ёрдамида ёпиладиган халталар. Бундай маҳсулотлар ағдарма ёки ноағдарма усуллар билан тайёрланади. Корпуслари юқорида келтирилган услублар асосида қурилади. Лекин рамкали қулфга тиқиладиган деталлардан устки қисмнинг ўлчам ҳамда шакли, қулфни ўлчам ва шаклларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади (15.3- *a*, *b* расм).

Маҳсулотнинг деталларини лойиҳалашда рамкали қулфни:

- қулфнинг ташқи ён қирралари орасидаги узунлиги, D_3 ;
- рамканинг тепа қиррасидан ошиқ-мошиқ марказигача баландлиги, B_3 ;
- қулфнинг ички қиррасини егрилик радиуси, R ;
- рамканинг ташқи қирралари орасидаги кенглиги, W_3 ж
- рамканинг кенглиги, W_p
- рамканинг ён томон баландлиги, H ;
- қулфнинг материал баландлиги, γ ;

детаининг устки қирғофини, қулф тирқишига тақиладиган чуқурлиги *b*

каби ўлчамларини билиш керак (15.2- a, b расм).



15.3-расм. Рамкали қулфларни ва унга жойлашган деталларни қуриш тасвири.

Махсулотнинг деворчаси устки қисми узунлигини рамкали қулфни узунлигига асосланиб олинади. Бунинг учун қулфни контури қофозга туширилади (15.3- b расм). Агар материал қулфни тирқишига пастдан тиқилса, рамкали қулф ёй маркази O аниқланади. O нүктадан r радиуси билан айлана чизилади. $r = R - \Delta$, бунда Δ — қулфни бурчаги қийиқ ва деворчани тиқиши қулайлигини берувчи, қулф ва детал оралиғидаги масофа.

Δ — материаллар қалинлигига қараб 2—5 мм га teng деб қабул қилинган. Горизонтал чизиққа α бурчак остида радиус r га уринма ўтказилиб, BN нүкталари ҳосил бўлади. α бурчак ишчи проекцияларда кўрсатилган бўлиши керак. N нүкта деворчани тепа узунлигини чегараловчи

нуқта ҳисобланади.

Агар материал қулфни тирқишига устидан тиқилса (5.3-*e* расм), деворчанинг узунлиги қулфни горизонтал қисми узунлигига teng бўлади. Деворча усти қисмининг баландлиги NN_1 материални қулфга тиқиш жойига бўлди.

Агар пастдан бўлса, деворчани баландлиги қулфдаги тирқиши баландлиги (δ) га, тепа томонидан эса($H + \delta$) га teng бўлади. Қийикни ёки ботанинни қулфга киргизиладиган қисмидаги ўлчами, қулфни B_3 га ва қулфни ёйилиш бурчаги n га боғлиқ (5.3-*a* расм). Қулфнинг ёйилиш бурчаги φ қанча кичик бўлса, қийик устки қисмининг кенглиги ва майдони шунча кам бўлади. Лекин φ бурчаги учун катта боммаганда, материални, айниқса ошиқ-мошиқ қисмida қулф тирқишига жойлаштириш қийинлашади. Тайёр буюмдан фойдаланиш пайтида бу жойларда катта кучланишлар пайдо бўлади ва материални йиртилишига ёки тирқишдан чиқиб кетишига олиб келади. Шунинг учун φ бурчаги 120° кам бўлмаслиги керак. Рамкали қулфни устки қисмiga материал жойлаштирилганда $\varphi = 180^\circ$ бомса, қийик устки қисмининг кенглиги $NN^1 = 2(B_3 - H)$ ва $NN^1 = N^1N_1^1 = H$ га teng болади. Қийик ёки ботанинни қулфга бириктири-ладиган $EN^1 = NN^1N_1^1E^1$ қисмининг баландлиги AH_X ва материални тирқишда мустаҳкам жойлашиши учун берилган 4—5 мм кўшимчалар йигиндисидан иборат бўлади (15.3-*e* расм). Агар $\varphi < 180^\circ$ бўлса қийикни ёки ботанинни кенглиги $NN^1 = 2(B_3 - H) \sin(\frac{\varphi}{2})$ га teng бўлади. Детални қулфга жойлаштирилдиган қисм контурини чизиш учун H нуқтадан (15.3-*f* расм) (қулфни горизонтал чизигидан) ошиқ-мошиқни марказигача бўлган радиус билан горизонтал оқка белги қўйилади (O_1 нуқта) ва O_1N чизиги олтказилиб, O_1N_1 гача давом эттирилади.

N_1 ва N_1^1 нуқталардан $R_1 = AN_1 + (4—5 \text{ мм})$ ва O_1 нуқтадан $R_2 = B_3$ радиуслари билан белгилар қўйилади. Радиусларни кесишган жойларида E ва E_1 нуқталари ҳосил бўлади. Агар материал қулфга тепа қисмидан қўйилса, қийикни кенглиги $NN_1 = 2(OB + 0,018 \alpha R)$ ва баландлиги H га teng бўлади.

15.2. ЧАРМ ҚЎЛҚОПЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Қўлқопни моделлаштиришдаги асосий кўрсафмалар. Чарм қўлқоплар қўл панжасига қийинчиликсиз кийилиши, ёпишиб туриши ва ҳаракатларини чекламайдиган бўлиши керак. Шунинг учун қўлқоп андозаларини лойиҳалашда қўл панжасининг ўлчамларидан ташқари, қўлқоп чармларини хоссалари ҳам ҳисобга олинади. Қўл панжасининг ўлчамлари юқори (З-боб)да келтирилган каби, бармоқлари тик ҳолда олинади. Қўлқоп материаллари нисбий чолзилувчанлиги 45 дан 70 % гача бўлган чармлардан тайёрланади. Шу кўрсаткичдаги чармлар 45 дан 50 % гача, 51 дан 60 % гача, 60 % дан кўп чўзилувчанлиги бўлган уч гурухга бўлинади. Бу гурухлардаги чармдан тайёрланган қўлқоп андозаларига ўзига хос ўзgartиришлар

киритилади (18-жадвал).

18-жадвал

Қўлқоп деталларининг андозасини қуришда қўл ўлчамларига нисбатан киритиладиган ўзгартиришлар

Чармнинг чўзилувчанлиги (%)	Андозанинг ўлчамларини ўзгариши (мм)	
	узунлик бўвича	кенглик бўйича
45-50	15	5
51-60	20	0
60 дан ко“п	25	-5

Ҳар хил корхоналарда турли мутахассислар томонидан тайёрланган қўлқоп андозалари хилма-хил бўлиб, лойиҳалаш усуллари бир-биридан фарқ қилган ва андозанинг кенглик ва узунлик ўлчамлари таққослаб боммайдиган даражада ўзгариб кетган. Келтирилган услубда ҳамма тажрибалар умумлаштирилган ҳолда умумий кўрсатмалар берилган. Бу услубда лойиҳалаш учун қўл панжасини 20 дан ортиқ ўлчамлари олинади. Панжани қучоқ оичами O_K ва андозани кенглиги Sh_1 ўртасидаги нисбат $Sh_1 = K \cdot O_K$, каби тенглама билан ифодаланади,

Бунда K қўл панжасининг букканда қучоқ ўлчамини ошиш коефитсиенти.

Коефитсиент $K = 1 - \left(\frac{\Delta Q_k}{O_2} \right)$ тенглама бўйича аниқланади.

Бунда: ΔQ_k — панжани букканда ўзгариши; эркаклар учун 15,5 мм, аёллар учун 12,2 мм.

Кафтни букканда унинг узунлиги D_p ошгани сабабли кафт рўмолчасини узунлиги D ҳам узвавтирилади:

$$D_p = D_k \cdot K_1$$

Бунда: D_p — кафт рўмолчасининг узунлиги; D_k — қўл кафтининг узунлиги; K_1 — қўл кафтининг букилиш коефитсиенти.


Деталларини бириктирилишига қараб (чоклар учун) қўлпоқларга қуйидаги қўшимчалар берилади: кафт рўмолчаларини тикишда; тўғри баҳя, ярим ағдарма ва ҳалқа қавиқ усуллари учун 1,0—1,5 мм, дент ва ағдарма усулида — 1,5 мм.

Бош бармоқ рўмолчасини лойиҳалашда икки қатор қўйма чок учун 5 мм қўшимча берилади. Чокни бажарилиш қулайлигини ошириш учун бош бармоқ рўмолчасининг пастки қисмида 10 мм оширилиши мумкин. Бош бармоқ рўмолчаси қирғоқларини тикиш учун 1,5 мм қўшимча берилади.

Кафт рўмолчасини қуриши. Кафт рўмолчасини қуриш учун андоза ўлчамларига ўзгартиришлар киритган ҳолда, панжанинг кафт томони бўйича

узунлиги D_1^1 ; бешинчи кафт суюк бошчасининг маркази бўйича қучоқ ўлчами O_k , иккинчи l_3 , учинчи l_3 , тўртинчи l_4 , бешинчи l_5 бармоқлами флексор узунлиги, бешинчи бармоқ давомида кафт узунлиги l_0 каби панжа оичамлари дастлабки маълумотлар сифатида олинади.

Қоғозга I—I тик чизиги чизилади (15.4-расм) ва унда бостиёрий A нуқта қўйилиб панжани кафт томон узунлиги D_p^1 белгиланади ва B нуқта ҳосил боиади. A ва V нуқталардан I—I чизигига тик чизиқлар II—II ва III—III ўтказилади. Шу чизиқлар бўйлаб ўнг ва чап томонга $\frac{O_k}{2}$ га тенг масофалар қўйилади. Ҳосил бўлган B ва B_1 , G ва G_1 нуқталар тўғри чизиқлар билан туташтирилади. BG чизиги учинчи бармоқни чўққиси, B_1G_1 эсапанжани асоси ҳисобланади.



15.4 – расм. Кафт рўмолчасини қуриш тасвири.

А нуқтадан I—I чизиги бўйлаб l_3 миқдор қўйилади ва O нуқта ҳосил болади. I—I чизиглига тик равишда О нуқтадан BB_1 ва GG_1 чизиги билан туташгунча IV—IV чизиги ўтказилади ва O_1, O_2 нуқталар билан белгиланади. Ҳосил бўлган O_1O_2 чизиги кафт рокмолчасини иккинчи, учинчи ва тўртинчи бармоқлами кафт томонини асоси ҳисобланади. O нуқтадан ўнг ва чап

томонга 4 мм га тенг масофа қўйилади (D ва D_1 нуқталар). Бу миқдор ҳамма размердаги қолқоплар учун доимий бўлиб, иккинчи бармоқ кенглигини оширади, чунки бу жойга мил тикилмайди. DO_1 ва D_1O_1 масофани тенг иккига бўлиб, учинчи ва тўртинчи бармоқлар оралиғидаги кесим E ва E_1 нуқталари белгиланади.

Иккинчи ва учинчи бармоқлар оралиғи J ҳамда J_1 нуқталар билан ифодаланиб, DE ва D_1E_1 нинг ўртаси ҳисобланади. EO_1 ва E_1O_2 бўлакларини иккига бўлиб Z ва Z_1 нуқталар топилади. Z нуқтадан чапга ва Z_1 нуқтадан ўнгга бешинчи бармоқнинг кенглигини ошириш учун 1 мм дан қўшимча берилади. Чунки бешинчи бармоқнинг ҳам бир томонида мил бўлмайди. Ҳосил бўлган K ва K_1 нуқталардан тўнинчи ва бешинчи бармоқлар оралиғи ўтади.

Бешинчи бармоқнинг асосини аниқлаш учун G нуқтадан G_1G чизиги бўйлаб l_0^1 миқдор қўйилади ва Π нуқта ҳосил бўлади. Ундан O_1O_2 га параллел В—В чизиги ўтказилади. Бу чизик қафт томонида бешинчи бармоқ, орқа томонидан эсаиккинчи, учинчи ва тўртинчи бармоқлар асоси ҳисобланади. Бешинчи бармоқни орқа томондаги асоси $\Pi_1\Pi_2 = 12 \text{ мм}$ масофада жойлашган.

O_1O_2 чизигидан ҳар бир бармоқ учун симметрик $hh^1, bb^1, dd^1, ss^1, h_1h_1^1, b_1b_1^1, d_1d_1^1, s_1s_1^1$, лари ўтказилади. Ҳосил бўлган h^1, d^1, s^1 нуқталардан

$O_1 O_2$ chizig'idan har bir barmoq uchun simmetrik o'q $hh^1, bb^1, dd^1, ss^1, h_1 h_1^1, b_1 b_1^1, d_1 d_1^1, s_1 s_1^1$ lari o'tkaziladi. Hosil bo'lgan h^1, d^1, s^1 nuqtalardan simmetrik o'q bo'ylab l_2^1, l_4^1, l_5^1 masofalar qo'yiladi va a, r, d kaft tomonida, a^1, r^1, d^1 orqa tomonida barmoqlar cho'qqilari topiladi. h_1^1, d^1, s^1 nuqtalardan simmetrik o'q bo'ylab L_2^1, L_4^1, L_5^1 masofalar qo'yiladi va a, r, d kaft tomonida, a_1, r_1, d_1 , orqa tomonida barmoqlar cho'qqilari topiladi. $a_1 a_1^1, b_1 b_1^1, e_1 e_1^1, d_1 d_1^1$ nuqtalardan chizmadagi barmoqlar kengligi Sh^1 ni yarimi pastga qo'yiladi va $a_2, a_2^1, b_2, b_2^1, e_2, e_2^1, d_2, d_2^1$ nuqtalardan $R = 0,5 Sh^1$ radius bilan barmoqlarni ustki konturi bo'lismish yarim doira chiziladi (15.3-b rasm).

Yarim doirani pastki nuqtalari M_A va N_A nuqta bilan tutashtirilgandan keyin a_2 nuqtadan M_2 va N_2 chizig'iga tik tushiriladi. Chiziqlar kesishgan nuqtalar M_2 va N_2 davom ettirilib M_2 va N_2 nuqtalar hosil bo'ladi. $M_1 M_2$ va $N_1 N_2$ kesmalarning o'rtasida M_3 va N_3 nuqtalar bo'lib, a_2 nuqtadan radiusi $r = a_2 M_3 = a_2 N_3$ ga teng bo'lgan, M_3, a_3, N_3 qismlari bo'ylab yoy chiziladi va M_3 bilan M, N_3 bilan N nuqtalari tekis chiziq bilan birlashtiriladi.


Qo'lqopni qadama yon qismi III—III chizig'idan pastda moda yo'naliishiga asosan joylashtiriladi.

Bosh barmoq ro'molchasini qurish. Bosh barmoq ro'molchasini qurishda andoza o'lchamlari, material cho'ziluvchanligi hisobga olgan holda: bosh barmoq tenar asosidan barmoq oxirigacha L_1 ; bosh barmoqni fleksor uzunligi l_1 ; birinchi kaft suyagini boshchasi darajasidagi quchoq o'lchami O_1 ; birinchi $g_1 d_1$ va ikkinchi $s_1 j_1$ tenar yoylari, barmoq oxiridan tirnoq o'rtasigacha U_1 ; tirnoq o'rtasi bo'ylab O_n quchoq o'lchamlari dastlabki ma'lumotlar sifatida olinadi (3.12-rasm).

XX o'qida ixtiyoriy D nuqta olinib, undan L masofa qo'yilib, D_1 hosil qilinadi (15.5-a rasm). D nuqtadan YY o'qi o'tkaziladi. D nuqtadan $D_1 = l_1$ teng masofa qo'yilib va P nuqta belgilanadi. PD_1 masofani teng uch bo'lakka bo'lib G va U nuqtalari aniqlanadi. DD_1 o'qida $P_1 G$ va U nuqtalardan perpendikular chizilib,

$$PP_n = PP_b = 0,5 O_1; \quad GG_n = GG_b = 0,5 g, d; \\ UU_n = UU_b = 0,5 e, j$$

masofalar qo'yiladi va radiusi $r = 0,5 g, d$ bilan, U_n, D_1, U_b nuqtalar yoy bilan, qolgan $U_n P_n$ va $U_b P_b$ nuqtalar to'g'ri chiziqlar bilan tutashtiriladi.



15.5-rasm. Bosh barmoq ro'molchasi (a) va qo'lqop mili(b)ni loyihalash.

Agar chizma to'g'ri bajarilayotgan bo'lsa, yuqoridagi chiziqlar G_a va G_b nuqtalardan o'tadi. D nuqtadan pastga $DK = U_1$ masofa qo'yiladi. K nuqtadan XX o'qiga tik o'tkazib, unda

$$KK_1^1 = K_1^1 K_b = KK_2^1 = K_2 K_b = 0,5O_n$$

masofalar belgilanadi.

K_1^1 va K_2^1 dan tik chiqarib, YY o'qi bilan kesishgan joyda K_1 va K_2 nuqtalar olinadi. K_1^1 va K_2^1 nuqtalaridan quyidagi radiusi bilan yoy chiziladi.

$$r_1 = 0,25O_n$$

Qo'lqop yurakchasini qurish. Yurakcha deb, panja ro'molchasi kaft tomonida joylashgan, bosh barmoq ro'molchani o'rnatish uchun chizilgan o'ymaga aytildi (15.4-d rasm). Yurakchani konturini chizishda, K_d va K_{sh} koeffitsientlarini hisobga olgan holda: birinchi va ikkinchi barmoqlararo nuqtalar oralig'i L^1 ; tenar asosi va barmoqlararo parda oralig'i L_1^1 ; yordamchi chiziq va ikkinchi barmoq o'qi oralig'i C^1 kabi masofalar aniqlanadi.

O^1 nuqtadan pastga AV chizig'i bo'ylab $OH = L^1$ va hosil bo'lgan H nuqtadan $HH^1 = L_1^1$ masofalar qo'yiladi. C^1 masofa HH^1 ga parallel qilib $H_1 H_2$ va $P_1^1 H_4$ chiziqlar o'tkaziladi. Oxirgi masofa $1/8 Sh_p$ ga teng. Bu yerda Sh_p — ro'molcha kengligi. $H^1 H_4$ va $P_1^1 H$ chiziqlari HH^1 ga tik. H_1^2 , H_2 va H_4^1 nuqtalar $r = 0,5H_2 H_4$ radiusli yoy bilan biriktiriladi. H_1^1 nuqtadan 15.4-a rasmda keltirilgan $P_1 P_2$ masofa pastga qo'yiladi va P_2^1 nuqta belgilanadi. Oxirgi nuqta R_1^1 va N_1 bilan tutashtiriladi. Ikkinchi barmoq o'rtasidan o'tgan o'q pastga HR_1^1 chizig'igacha davom ettiriladi va ρ_1 radius bilan yoy chiziladi. Yoyni ikkinchi barmoq simmetrik chizig'i bilan kesishgan nuqtasi R_2^{11} deb belgiladi.

Qo'lqop milini qurish. Odatda, qo'lqop milini andozasi seriyadagi eng katta uchinchi barmoq o'lchamlari asosida quriladi va bu andoza hamma barmoqlar hamda razmerlar uchun ishlataladi. Chunki har bir razmer uchun tayyorlash juda ko'p kesgichlar tayyorlash va detallarni komplektlashdagi qiyinchiliklar kabi xaratatlarga olib keladi.

Qo'lqop mili (strelka)ning konturini chizish uchun uchinchi barmoqni fleksor uzunligi l_3 va tirnoq o'rtasi darajasidagi qalinligi t_3 va uchinchi barmoq asosini qalinligi T_3 kabi o'lchamlarni bilish kerak. Shu o'lchamlarga asoslanib 15.5-d rasmda keltirilganday chiziladi. Qo'lqop mili har bir qo'lqop uchun oltitadan bichiladi.

Nazorat savollari

1. Charm-attorlik buyumlari to'g'risida umumiylar ta'rif bering.
2. Xaltalar qanday loyihalanadi?
3. Charm qo'lqoplarni modellashtirishda asosiy ko'rsatmalarni keltiring.
4. Kaft ro'molchasi qanday quriladi?
5. Bosh barmoq ro'molchasi va qo'lqop mili qanday quriladi?

16-боб. ПОЙАБЗАЛ ДЕТАЛЛАРИНИ СЕРИЯГА КОТАЙТИРИШ

16.1. СЕРИЯГА КҮПАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Пойабзалларнинг янги модели, асосан, ҳар ёш-жинсий гурухнинг оқрта размери учун лойиҳаланади. Маълумки, оммавий пойабзал ишлаб чиқаришда, пойабзаллар турли размерда ва томаликда ишлаб чиқарилади. Бир хил фасондаги, қолип ҳамда пойабзални ва унинг деталларини турли размер ва тўлалиқдаги қаторига серия дейилади. Қолип, пойабзал ва уни андозалар сериясини ишлаб чиқиш усули, серияларга кўпайтириш ёки серияларга градатсия қилиш дейилади.

Градатсия (градатио) сўзи лотинчадан олинган бўлиб, секин-аста бир босқичдан иккинчи босқичга оқтишни билдиради.

Аҳолини қулай ва лойиқ пойабзалга бўлган талабини қондириш учун қолип, пойабзал ҳамда уни деталларининг сериясини ишлаб чиқаётганда, антропометрия натижалари ва ундан келиб чиқадиган қонуниятлар асос қилиб олинади.

Абсолут ва нисбий орттиrmалар ҳақида тушунча

Маълумки, қолип ёки пойабзални узунлик ўлчами ва тўлалиги ўзгарганда, унинг қолиган ўлчамлари ҳам ўзгаради.

Антропометрия бўлимидан, узунлик бўйича оёқ панжасининг барча ўлчамлари, унинг умумий узунлигига пропорсионал ўзгаради, яъни қуйидаги нисбатда бўлади (16.1-расм):


$$K = L/L_{mal} \text{ юки } N/N_{mal} = a/a_{mal} = l/l_{mal}$$

Андоза, детал ва қолиларни асосий ўлчамларини размердан размерга ўтишдаги ўзгарувчанлиги **абсолут орттирма** дейилади.

Агар узунлик бўйича бир размердан иккинчи размерга ўтаётган- даги абсолют орттирма АйВ деб белгиланса, ёки А *a* ва А / лар қолипни ва пойабзални хоҳлаган узунликлари бўйича орттиrmалари бомса, у ҳолда қидирилаётган катта размердаги детаининг узунлиги *H*, *a*. ва *Lx* лар қуйидагича топилади:

$$N_i = N_{mal} + \Delta N; \quad a_i = a_{mal} + \Delta a; \quad L_i = L_{mal} + \Delta L.$$

Бунда: *N_{mal}* — маълум пойабзалнинг размери; *a_{mal}* ва *L_{mal}* — маълум пойабзалнинг бошқа узунлик ўлчамлари.



16.1-rasm. Poyabzal detailari va qoliplarni bo'ylama (a) va ko'ndalang (b) yo'naliishlardagi gradatsiyasi.

Пойабзал учун, узунлик бўйича абсолют орттирма $AH = 5$ мм, унда қолипни ва пойабзални узунлик бўйича ўлчамларининг нисбий орттиримаси бир хил бўлади, яъни $\bar{y} = 5/\bar{B}_{\text{мал}} = A - A_l / L_{\text{мал}}$ ва ҳоказо. Шундай қилиб, узунлик бўйича нисбий орттирма, пойабзални (қолипни) $H_{\text{мал}}$ размерига боғлиқ екан. Қидирилаётган детални размери, маълум детаининг размеридан н номср фарқ қилса, яъни — $A_{\text{мал}} = n$ бўлса, нисбий орттирма n кўринишда бўлади.

Лойихаланаётган размердаги пойабзал деталларини узунлик ўлчамлари абсолют орттиримаси, нисбий орттиргага алмаштириш ва баъзи ўзгаришилар натижасида қуидаги тенгламалар ҳосил бўлади:

$$\begin{aligned} N_i &= N_{\text{мал}} (1 \pm ny); \\ a_i &= a_{\text{мал}} (1 \pm ny); \\ L_i &= L_{\text{мал}} (1 \pm ny). \end{aligned}$$

Бунда: $n = N_i - N_{\text{мал}}$ қидирилаётган ва маълум размерлар орасидаги фарқ.

Бу тенгламаларда $1 + ny = K_u$ узунлик бўйича пропорсионаллик коеффицитиенти деб белгиласак, юқоридаги тенгламалар қуидагида кўринишда бўлади:

$$\begin{aligned} N_i &= N_{\text{мал}} \cdot K_u; & a_i &= a_{\text{мал}} \cdot K_u; \\ L_i &= L_{\text{мал}} \cdot K_u. \end{aligned}$$

Кўндаланг кесим ўлчамлари $Sh_{\text{мал}}, h_{\text{мал}}, C_{\text{мал}}$ ва бошқалардан, бирорта ен ўлчамлари (масалан: $Sh_{\text{мал}}$ — оёқ панжасининг эни) ўзгарса, бошқа ўлчамлар унга пропорсионал равишда ўзгаради.

Лекин кўндаланг кесимлар бўйича нисбий орттирма n , узунлик бўйича нисбий орттирма \bar{y} га нисбатан антропология қонуниятларига асосан кичик бўлади. Шунинг учун K_u ва K_m лар турлича, яъни $K_u > K_m$ деб ҳисобланади. Натижада қолиплами кўндаланг кесим ўлчамларининг нисбий орттирмалари қуидагида топилади:

$$\beta = 3/O_{\text{мал}}; \quad \Delta Sh/Sh_{\text{мал}} = \Delta O/O_{\text{мал}}.$$

Бунда: $O_{\text{мал}}$ — маълум қолипни тутам қисмидаги периметри (кучок

ўлчами).

Күндаланг кесим ва баландлик x ўлчамларини топиш учун қуидаги тенгламалардан фойдаланилади:

$$\begin{aligned} O_i &= O_{\text{mal}} (1 \pm n\beta), \\ Sh_i &= Sh_{\text{mal}} (1 \pm n\beta), \\ C_i &= C_{\text{mal}} (1 \pm n\beta), \\ h_i &= h_{\text{mal}} (1 \pm n\beta). \end{aligned}$$

Бу тер.гламаларда, агар катта детал ўлчами топилиш керак боМса (+) ишораси, кичик детал бўлса (-) ишораси қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, амалда бу қонунларга тўла амал қилинмайди, чунки пошнали пойабзal кафт- бармоқ бўғимида бирмунча эгилиб туради (16.2-расм). Тутам қисмидаги эгилишни ҳисобга олиш учун қолипни оёқ панжасининг кафт- бармоқ бўғимигача (1—2 ёъналиш) узунлик бўйича нисбий ортУрма \bar{y} ёрдамида, кейин (2—3 ёъналиш) \bar{y} ва $/?$ ёрдамида узунлиги аниқланиши керак.


Амалда бундай қилинмайди, бу эсакичик хатога олиб келади, бу хато қолипни пардозлаётганда тузатиб юборилади ва узунлик (1—2—3) бўйича абсолют орттирма 5 мм га тенг деб қабул қилинаверади.

Худди шу нарсани қолипнинг баландлик ўлчамлари учун ҳам айтиш мумкин, яъни кўндаланг кесим ўлчамлари 5—4 ёъналишда емас, 4—5¹ ёъналиши бўйича ўзгаради.


Бунинг натижасида кўндаланг кесим ўлчамлари бўйича кичкина хатога ёМ қўйилади, бу хато қолип ишлаб чиқаришда ҳисобга олинмайди.

Айрим яssi деталларни серияга қўпайтирганда ҳам худди юқоридаги камчиликларга ёМ қўйилади. Шундай қилиб, гулчин ва тумшуқнинг андозасида бўйлама ўқи, тайёр пойабзалнинг гоҳ бўйлама, гоҳида кўндаланг (баландлик) ёъналишдаги ўқига мос келади. Шунинг учун детални \bar{y} ва ёрдамида ўзгартириш керак. Яssi гулчин орқа чок атрофида, бўйи ёъналишида /3, олд қисмида — \bar{y} ёрдамида ўзгариш керак (16.2-а расм). Шунингдек, грунт-моделнинг бўй ўлчамлари олд (тумшуқ қисмида) ва орқа томонда бўйича, ўрта қисмида эсай бўйича ўзгаради.

Серияларга градатсия қилганда, сиртқи деталларнинг ҳамма размерларида тортиш баҳяси, чоклар ва детал четини букиш учун берилган қўшимчалар ўзгармайди. Шундай қилиб, сериядаги деталларнинг факат соғюзаси ҳеч қандай қўшимчаларсиз градатсия қилиниши керак (16.3-



16.2 - расм. Қолипнинг из 1—2—3 чизиг'и ва қўндаланг 4—5 қисмларининг асосий ёъналишидан оғиши.



16.3 - расм. Серияга қўпайтиришда градатсия ёғналишига (а) ва қўшимчаларга (б) боғлиқ хусусиятлар.

б расм). Чунки бериладиган қўшимчалар пойабзал размеридан қатъи назар ўзгарувчанлиқдан мустасно.

Юқорида айтилган хатоларни ҳисобга олиб, тузатишлар киритилмаслиги нималарга олиб келишини мисолда кўриб чиқамиз.

Размери $H = 270$, то*лалиги $W = 6$ бўлган эркаклар пойабзали тумшуғининг андозасини узунлиги (16.3-б расм) $l_m = 120$ мм, тортиш баҳясининг эни 14 мм, букиш учун берилган қўшимча 4 мм дейлик.

Тумшуқнинг қўшимчаларсиз узунлиги $I = 102$ мм. Қўшим-чаларсиз юза, тенг уч (I—III) бўлакка бўлинади ва 1 бўлак й ёрдамида $\bar{y} = 5 / 270 = 0,0185$;

III бўлак n вордамида $\phi u = 3/254 = 0,0118$; II бўлак эса($\bar{y} + /?$)/2 ёрдамида ($\bar{y} + /?/2 = (0,0185 + 0,0118)/2 = 0,0151$.

Демак, тумшуқнинг қўшимчаларсиз узунлиги ўртача нисбий орттирма А

ёрдамида серияларга кўпайтириш керак:

$$\lambda = (0,0185 + 0,0118 + 0,0151)/3 = 0,0151.$$

300 размердаги, яъни олти размерга катта ($n = 6$), пойабзалнинг тумшук узунлиги қўшимчаларсиз қўйидаги қийматга ега бўлади.

$$C_{300} = C_{270} (1 + 6\lambda) = 102 (1 + 0,0906) = 111,2 \text{ mm.}$$

Қўшимчалар билан тумшуқнинг узунлиги

$$C_{300} = 111,2 + 14 + 4 = 129,2 \text{ mm.}$$

Агар тумшуқнинг узунлигини ҳисоблаётганда А ёрдамида емас (яъни турли бўлакда турли нисбий орттирма бўйича емас), факат й ёрдамида, қўшимчалар билан унинг узунлиги аниқланса:

$$C_{300} = 120 (1 + 6 \cdot 0,0185) = 133,2 \text{ mm,}$$

яъни 4мм га катта болади, бу мутлақо нотоғри.

СЕРИЯГА КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ

Хозирги пайтда деталларни серияга кўпайтиришнинг графоаналитик ва механик усуллари мавжуд. Андозалар сериясини асосий ҳисобларини ЕВМ ёрдамида ва «Атлас» типидаги графопостроител билан ЕВМ бирлаштирилган блок ёрдамида серияга кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Пойабзалламинг устки ва таг дсталлари, қолипларни серияга кўпайтириш қўйидаги графоаналитик усуллари бор.

1. Йереван пойабзал моделлар уйи (ЙЕДМО) усули.

2. Б.П.Хохлов ва А.А.Йерёмин усули.

Бу усуллар турли турдаги танавор ва таг деталларини кўпайтиришда Қўлланилади. Улардан биринчиси иккинчисига нисбатан соддароқ ва камроқ вақт талаб қиласи, шунинг учун Йереван пойабзал моделлар уйи усули кўпроқ Қўлланилади.

Қайси усул қўлланишидан қатъи назар, грунт-моделни, устки деталларини серияларга кўпайтиришда:

1. грунт-модел ва таг деталларининг ўрта размерини тайёрлаш;

2. грунт-модел ва таг деталларига узунлик ҳамда ен чизиқларини чизиш;

3. абсолют орттирма қийматларини, энг катта ва кичик размердаги грунт-модел ва деталларнинг узунлигини аниқлаш;

4. бенг катта ва кичик размердаги грунт-модел ҳамда таг деталларини куриш;

5. грунт-моделнинг устки ва таг деталларнинг сериясини қуриш;
6. грунт-модел ва таг деталларининг сериясини андозаларини олиш;
7. бир нусхада устки деталларнинг андозасини барча қўшимчалар билан бергага тайёрлаш;
8. олинган сериядаги андозаларини тартибга келтириш каби босқичлар бажарилиши керак.

Хозирги пайтда механик усулни градатсия қилишда юқори иш унумдорлиги билан графоаналитик усулини сиқиб чиқармоқда.

16.2.1. ЙЕРЕВАН ПОЙАБЗАЛ МОДЕЛЛАР УЙИ (ЙЕДМО) УСУЛИ

Бу усулда пойабзал ясси андозаларининг ўлчамлари қолипнинг асосий оичамлари билан пропорсионал боғланиши асос қилиб олинган.

Сериянинг четки размерларида (енг катта ва кичик) грунт-моделлар узунлиги қўйидаги tenglama ёрдамида хисоблаб топилади:

$$L_{\text{gri}} = L_{\text{gr mal}} \pm L_{\text{qo'n}} \cdot n.$$

Бунда: L_{gri} — энг катта ёки кичик размердаги грунт-моделнинг узунлиги; $L_{\text{gr mal}}$ — маълум (ўрта размердаги) грунт-моделнинг узунлиги; L . — ҚЎНни узунлик бўйича абсолют ортирима, метрик системада.

$$\Delta L_{\text{qo'n}} = 5 + (L_{\text{qo'n}} - L_1) \beta; \quad 5 < \Delta L_{\text{qo'n}} < 6.$$

Бунда: n — сериядаги размерлар сони.

ЕНГ ЧСТ размердаги гнмт-моделни график равишда қуриш учун грунт-моделнинг кўндаланг кесим ўлчамларини қолипнинг $0,72/0,68$ L_{on} кўндаланг кесими ўлчамлари билан пропорсионал боғланишини асос қилиб олиб, градир учбурчак қурилади. $O_{y,=O_{0,72/0,68}}$ И_{оп} Давлат стандартидан олинади.

Градир учбурчакни қуриши. Йереван пойабзал моделлар уйи усулида градир учбурчак, тўғри бурчакли учбурчак қилиб (16.4-0 расм) қурилади. Бунинг учун OX ўқи бўйича Oa масофа қўйилади. Бу масофа ўрта размердаги қолипнинг $0,72/0,68$ L_{on} кўндаланг кесимини қучоқ ўлчамининг ярим қиймати $0,5 O_{ly}$ га teng. a нуқтадан энг катта расмердаги қолипнинг қучоқ ўлчамининг ярим қиймати $0,5 O_m$ га teng радиус билан OY ўқига ёй чизилади (b нуқта).

ЕНГ кичик размердаги грунт-модел учун учбурчак қурилаётган бўлса, OX ўқига энг кичик размердаги қолипнинг $0,5 O_{ly}$ га teng масофа қўйилади ва ўрта размердаги (маълум) қолипнинг $0,5 O_{tug}$ га teng радиус билан OY ўқида ёй чизилади.


Четки размердаги грунт-моделни қуриши. Ўрта размердаги (маълум) грунт-моделни координата ўқларига шундай жойлаштириш керакки, бетликнинг букиш чизиги, OX ўқида ётиши, товон қисмининг энг бўртиб чиқсан X_b нуқтаси, ОК ўқига тегиб туриши керак (16.4-/? расм).

Ўрта размердаги (маълум) грунт-моделни характерли ва қўшимча $\{X_b$ 1;2;3 ва ҳоказо) нуқталаридан OX ўқига тик туширилади (ёки чиқарилади) ва HB чизиги билан кесишгунча давом эттирилади. X нуқтадан ($OX = L_{p\text{ мал}}$) энг катта размердаги грунт-моделнинг узунлиги- га тенг радиусда, дёйқида ёй чизиб, B нуқта топилади. Топилган X а B нуқталар туташтирилиб, XB чизиги ўтказилади.

Деталларнинг радиуслари қанча кўп бўлса, шунча кўп қўшимча нуқта (1; 2; 3; 01; 02; 03 ва ҳоказо)лар белгиланади. Грунт-моделнинг энг кичик размери қуриладиган бўлса, OX ўқида қидирилаётган, яъни энг кичик размердаги грунт-моделни узунлиги $OX = L_{\epsilon \text{ южчик}}$ ва XB чизигида $XB = L$ | масофалар қўйилади.

1", 2", 3" ва ҳоказо нуқталардан XB чизигига тик чизиқлар ўтказилади ва уларда сиркул ва градир учбурчак ёрдамида, четки размердаги грунт-моделнинг кўндаланг ўлчамларига тенг кесмаларни белгилаб олинади. Бунинг учун ҳар бир белгиланган (1; 2; 3 ва ҳоказо 16.4-6 расм) нуқтадан OX ўқигача бўлган масофани ўлчаб (1.1¹, $X_x O | 2,2 \epsilon$ ва ҳоказо), градир учбурчакда a нуқтадан aO чизиги бўйича ёй чизиб, 1., 2_ж(3_{ ва ҳоказо (16.4-а расм) нуқталар белгилаб олинади.

Хосил бўлган 1, 2. ва ҳоказо нуқталардан aO ўқига тик чиқариб, ab чизиги билан кесишгунча давом эттирилади (1!; 2! ва ҳоказо). Учбурчакнинг гипотенузаси ab да топилган кесманинг узунлигини (алж; $a2 |$ ва ҳоказо) сиркул ёрдамида, ўзига хос XB чизигида ўтказилган



16.4-rasm. YEDMO usuli bilan seriya lens qilish tasviri.

тик чизигига X_1 2^ъ; 02¹; с^м; З^{нл} ва ҳоказо нүқталар күчирилади. Топилган нүқталарни лекала ёки ўрта размердаги андоза ёрдамида текис туташтириб, энг четки размердаги грунт-моделни контури чизилади.

Енг чет размердаги грунт-моделринг андозасини деталларга бўлиб, боиувчи учбурчак ёрдами билан график усулда грунт-модсл ва устки деталларнинг сериясини қуриш мумкин.

Грунт-моделламинг сериясини қуриши. Маълум ва ҳосил қилинган четки размердаги гнмт-моделламинг андозаларида //,/ чизиги ва шу масофани ўртасидан **EE?** чизиги ўтказилади (16.4-с!расм). Грунт-моделламинг андозасини қурилишини текшириб кўриш учун, андозалами навбатма-навбат 64° ли бурчакка (**16A-2** расм) шундай жойлаш керакки, X_6 ва X нүқталар **ABC** бур-чакнинг томонларига тегиб туриши, **EE** чизиги эса **BC** бурчакнинг биссск-трисаси(ВД)да ётиши керак. Агар бу шарт бажарилмаса, бурчак **ABC** ни тўғри қурилганлиги текшириб кўрилади. Бунинг учун **A BC** учбурчагининг асоси **AC** ни, биссектриса **BD** га нисбатан тўғри бурчакда ўтказиш керак, агар **AD** ва **CD** томонлари бир-бирига тенг бўлмаса, бурчак **ABC** га тузатиш киритилади.

Четки размердаги грунт-моделни тўғри қурилганлигини текшириш учун бурчакнинг **B** нүқтаси билан маълум грунт-моделнинг характерли нүқталарини (b_x , c бошқалар) бирлаштириб, назорат чизик(нур)лари ўтказилади. Агар четки размердаги грунт-модслни ўхшаш нүқталари назорат чизикларида ётса, у ҳолда олдинги чизмада четки размернинг грунт-модели тўғри чизилган бўлади. Иккита четки размердаги грунт-моделлар ёрдамида бутун сериядаги грунт-моделларни қуриш учун уларнинг орасидаги масофани размерлар сони **n** га маҳсус ўйчагич ёки учбурчак ёрдамида бўлиш керак (16.4-/, **e** расм).

Бўлувчи учбурчакни қуриши. (16.4-/расм). Учбурчакнинг асоси **ab**, ҳар қандай бўлининиши керак бўлган кесмадан катта бўлиши шарт. Учбурчакнинг баландлиги асосидан 1,5 баробар катта олинади. Учбурчакнинг асосини **n** та бўлакларга бўлиб, уни билан туташтирилади. Бўлувчи учбурчакдан фойдаланиш осон бўлиши учун уни мм ли қоғозда бажарган маъқул.

Маълум ва четки размердаги грунт-моделларнинг орасидаги назорат ва қўшимча нурларда жойлашган кесмалар **n** та бўлакка бўлинади (16.4- /расм). Бўлувчи учбурчакни навбатма-навбат бўлининиши керак бўлган кесмаларга шундай қўйиладики, унинг асосини биронта параллел чизиги, кесмага мос келсин. 16.4-;/ расмда маълум грунт-моделнинг /? нүқтаси билан четки размердаги **B** нүқтаси орасидаги кесмани, бўлувчи учбурчак ёрдамида (240 дан, то 260 размергача) **n = 4** бўлакка бўлиш чизмага бигиз ёрдамида ўтказилади. Тўғри чизикларни пропорсионал тенг бўлакларга бўлиш учун учбурчакдан ташқари, бўлувчи ўлчагич ва сиркулдан ҳам фойдаланиш мумкин (16.4-е расм).


Ҳар бир размернинг топилган нүқталарини четки ёки ўрта размердаги грунт-моделнинг андозаси ёрдамида туташтириб, грунт-моделни серияси чизиб олинади. Грунт-моделларни деталларга ажратганда, уларнинг тикиш ва ишлов бериш учун қўшимчалари боммайди. Деталлар андозасининг ссияси

текширгандан кейин уларга тикиш, тортиш баһяси ва күринадиган зийларига ишлов беришга құшимчалар берилади.

16.2.2. Б.П.ХОХЛОВ ВА А.А.ЙЕРЁМИН УСУЛИ

Маълум размердаги грунт-модел боМса, графоаналитик усулида сериянинг икки четки (катта ва кичик) размердаги грунт-модел қурилади. Маълум (ўрта) размердаги грунт-моделни координата ўқларига шундай жойлаштириш керакки, унинг OX узунлиги OX ўқида ётиши (15.5-0 расм) шарт. Грунт-моделнинг узунligини бир нечта тенг боМакларга пропорсионал бўладиган сиркул ёки қўшимча $X\Delta$ ($\phi\phi$ Δ) чизиқлар ёрдамида қолдиқсиз бўлинади. Тенг боМак сони қанча кўп бўлса, градатсия шунча аниқ бўлади. Белгиланган нуқта-лар орқали OX ва OX ўқларига тик чизиқлар ўтказилади ва ўрта (маълум) ҳам четки размердаги грунт-моделламинг нуқталари бир хил тартибда белгиланади.

Кўндаланг ўлчамларини қуриш учун градир учбурчакдан фойдаланилади (15.5- δ расм), аммо бу учбурчак Йереван пойабзal моделлар уйи тавсия қилган градир учбурчакдан бироз фарқ қилади. Иккала градир учбурчакнинг назарий асоси бир хил бўлиб, деталларнинг кўндаланг ўлчамларини қолипнинг асосий кўндаланг кесим ўлчами бўлган $0,72/0,68 L$ даги ($0_{\text{лу}} M$) қучоқ ўлчами билан пропорсионал боМаниши асос қилиб олинган. Кўйида тенг ёнли градир учбурчакни қуриш берилган. Тенг ёнли $/43$?Кучбурчакни асоси A B , маълум размердаги (ўрта) қолипнинг тутам қисмини қучоқ ўлчамини ($0,5 \cdot O_{\text{лу}}$) ярмига тенг, баландлиги BE эсаасосидан 1,5 баробар катта. Сўнгра A нуқтадан четки размерлардаги қолиплами (катта ва кичик) қучоқ ўлчамларининг ярмини ($0,5 \cdot O_{\text{ту}}/I_{\text{калу}}$ ва $0,5 \cdot 0_{\text{ут}}/\text{кичик}$) қўйиб Δ ва Γ нуқталари белгиланади. Δ ва Γ нуқталари B



16.5 - расм. Ҳажмли ва Тазовий танаворлами четки размерларини қуриш тасвири.

нуқта билан туташтирилади. **БД** энг катта размердаги ва **БГ** энг кичик размердаги қолипнинг ен ўлчамларини топишда ишлатилади.

Агар топилаётган детаининг баъзи кўндаланг ўлчамлари **AB** дан катта боМса, учбурчакнинг томонларини пастга (масалан, **аb** чизигигача) давом эттирилади. Градирлаётгандан (16.5-а расм) ўлчагич ёки сиркул ёрдамида маълум размердаги гаинт-моделнинг масофаларини ўлчаб (л-л¹¹, 2—2", 3—3" ва ҳоказо), детаининг контуридан то ОХ ўқигача, кейин градир учбурчакнинг **BA** ва **BВ** томонлари орасидаги горизонтал чизиқлардан шу ўлчанганд масофага (л-л¹¹, 2-2", ...) тенгини топиб, шу чизик бўйича то **БД** чизигигача (катта четки размер учун) узайтириб ёки боМмаса **БГ** чизигигача (кичик четки размер учун) қисқартириб олинган масофалар. қурилаётган грунт-моделнинг ўзига мос чизигига **ОХ** ўқидан лъ-л¹¹, 2ъ- 2ъ" ва ҳоказо масофалар қўйилади (16.5-/? расм).

Енг характерли нуқталарнинг ҳаммаси ҳам ўтказилган тик чизиқларда ётмаганлиги 16.5-расмда кўриниб турибди. Уларнинг узунлигининг тўғри топилганини қуидаги формула ёрдамида текшириб кўриш мумкин:

$$L_i = L_{\text{мал}} \left(1 \pm \frac{\Delta L_{\text{ко'н}}}{L_{\text{ко'н}}} n \right).$$

Масалан: энг ички размердаги грунт-моделнинг

$$O^1 b^1 = O b \left(1 \pm \frac{\Delta L_{\text{ко'н}}}{L_{\text{ко'н}}} n \right).$$

б¹ нуқтасигача

$$O^1 g^1 = O g \left(1 \pm \frac{\Delta L_{\text{ко'н}}}{L_{\text{ко'н}}} n \right).$$

Енг четки размердаги грунт-моделни қургандан кейин қолган размердаги грунт-моделлар ЙЕДМО усулидаги каби (16.4-й расм) қурилади.

16.2.3. МЕХАНИК УСУЛДА СЕРИЯЛАРГА КЎПАЙТИРИШ (ГРАД1РЛАШ)

Хозирги пайтда деталларни градирлашнинг механик усули маҳсус машиналарда амалга оширилади. Ўзбекистонда ва ҳамдўстлик давлатлар- да бу мақсад учун АСГ-3 ва Олмонияда ишлаб чиқарилган «Албеко- 24» русумли градир машиналар ишлатилади.

АСГ-3 градир машинаси жисмнинг узунлиги ва эни бўйича градирлаш плантографларга ега бўлиб, бу машинанинг бир бошининг тезлиги иккинчисига нисбатан тезлаштирадиган ёки секинлаштириладиган механизмлардан иборат. Градир машина градирланадиган детаининг ўлчамларини юқорида келтирилган қонуниятлар асосида ўзгартиради.

АСГ-3 градир машинаси кинематик схемаси ва асосий ишчи органлари (16.6-расм) модел столи (4), нусха олувчи каретка (5), қирқувчи каретка (14), узунлик ва эни бўйича 2 та пантографдан ташкил топган.

Хар бир пантограф ричаглар системасидан ташк.ил топган, уларнинг енг асосийлари «тяга-9» ва «маятник-17» бўлиб, улар *A* нуқтада қисқич **10** билан бириклирилган. Градировка қилинадиган андоза (1) ўИчамларини ўзгартириш учун си ва узунлик пантографларида, тягалар **9(9ъ)** билан маятниклар **17(17ъ)** орасидаги *a* бурчакни ўзгартириш керак. Бурчак а қанча катта бўлса, з(зъ) масофа ҳам шунча катта бўлади, бунинг натижасида қирқадиган каретка ҳам катта масофа босади. $\bar{Y} = X + AX$ ($\bar{Y}' = X + AA^1$). Агар *a* = 0 ва з — 0 боиса, *X* = \bar{Y} бўлади, яъни детал ўз ўИчамларини ўзгартирмайди.

Пантографлами ишлашини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг кинематик тасвири деталларнинг ўлчамларини бир-бирига тик ёъналишида аниқ пропорсионал ўзгартириш имконини беради. Бунинг учун тяга 9 нинг асосий шкаласини градатсия сонига созлаб, керакли бўлган орттиргага эришилади.

Сериялардаги детал қўшимчаларининг қийматини ўзгартирмай сақлаш учун маятник **17(17ъ)** ларга маҳкамланган корректор **16(16ъ)**дан фойдаланилади. Корректорда ҳаракатланадиган шайба **18** да шкала ва ҳаракатсиз диск **19** да лимба бўлади (16.6-6 расм). Стрелканинг ёъналишида ҳаракатланадиган шайба **18** ни шкаласидаги ракамни ҳаракатсиз дисқдаги **19** лимба билан мосланади. Бунинг натижасида (тортиш баҳясининг эни, чок эни ва ҳоказо) қўшимчаламинг ўлчамлари, сериядаги барча размерлар учун доимий қолади.


Орқа ташқи тасмалар, гумбаз усти тасмалар каби айрим деталларнинг эни барча размерлар учун бир хил бўлиш керак. Бундай деталларни серияга кўпайтириш, ползун ёни плита 6 даги шкаласини **0** га қўйиб, маҳкамланади. Агар деталларни катта размерлар томонига градирлаш керак бўлса, ползун **8** ни, плита **6** даги (+) ишора томонига, кичик размерлар керак бўлса (-), ишора томонига буриб маҳкамланади.

АСГ-3 машинаси турли диаметрдаги чизиш штифтлари билан таъминланган бўлади.

Куриш сонини ҳисоблаш ва андозаларни механик усулда градирлашга тайёрлаш. *Деталларни механик усулда градирлаш бир неча босқичда бажарилади:*

1. грунт-модел ва таг деталларнинг ўрта размерини тайёрлаш;
2. грунт-модел ва таг деталларга узунлик ҳамда ен чизиқларини чизиш;
3. узунлик ва эни бўйича абсолют орттирма қийматлари ҳамда машинанинг градирлаш сонини ҳисоблаш;
4. сериядаги ҳамма деталларни картон ва ҳамма қўшимчалар билан қофоздан икки нусхада олиш;
5. сериядаги андозаларни тартибга келтириш.

Андозаларни модел столига ўрнатиш учун уларни контурига триос бўлган юпқа металл ёки пластмасса пластинкага йелимлаб ишлов бериладиган контурлари белгиланиб, тузатиш керак бўлган қийматлар ёзиб қўйилади. Андозаларда (грунт-моделни, патакни ва ҳоказо) бўйи ва энига параллел қилиб ўқ чизиқлари ўtkазилади (16.6-*a* расм) ҳамда қўшимчалар



16.6-rasm. Градир ниасфиналарнинг кинсматик (асвири

16.6-rasm. Градир ниасфиналарнинг кинсматик (асвири

учун тузатиш киритилади (16.7-6 расм) ва модел столига болтлар ёрдамида ўрнатиш учун тешикчалар қилинади.

Барча андозаларни градирлашга тайёр қилингандан кейин узунлик ва ен пантографлари учун алоҳида-алоҳида грунт-моделнинг ёки патакнинг узунлиги ва эни бўйича градирлаш сонлари U ва U_{ph} ҳисобланади. Улар кўйидаги тенгламалар ёрдамида аниқланади:

$$\begin{array}{ll} \text{узунлик бўйича} & \frac{ha}{U_{uz}} = (L_{gr} + d_{shf}) / \Delta L; \\ \text{эни бўйича} & U_{en} = (Sh_{gr} + d_{shf}) / \Delta Sh. \end{array}$$

Бунда: L — тортиш баҳяси билан грунт-моделнинг узунлиги; Sh_{gr} — грунт-моделнинг тортиш баҳяси билан эни; — чизиш шрифтининг диаметри (кўпинча $d_{shf} > 2$ мм); $\Delta L = 5 - (L - L_1)\beta$; L_1 — қолипнинг таг юзасини узунлиги; ASh — қолипнинг ён сиртини эни бўйича абсолют орттирмаси,

$$\Delta Sh = \Delta O_{int} \cdot Sh / \Delta O_{TUT}; \quad \Delta O = 3 \text{ mm}.$$


Тенгламадан кўриниб турибдики, градирлаш сонини ҳисоблаш учун грунт-модел узунлигига тортиш баҳясининг эни ҳам қўшилиб ўлчанади, абсолют орттирма эсақолипнинг ён сирти учун ҳисобланади. Бу билан кичик хатога ёл қўйилса ҳам тортиш баҳясининг эни сериядаги барча андозалар учун ўзгармай қолишига эришилади.

Градир машинанинг модел столи **4** (16.7-а расм) томонларига лотин ҳарфлари билан **H** — шимол, **C** — жануб, **W** — фарб, **O** — шарқ деб белгиланган. Худди шу ҳарфлар пантографламинг корректорларида ҳам қўйилган; узунлик бўйича **Hva C**, эни бўйича **Wva O** (16.6-3 расм). Мисол учун қўнжсиз ботинкалами дастагининг баландлигини давлат стандартига мувофиқ қолдириш керак бўлса, тортиш баҳясининг энига **B**/ бўйича ен пантографминг корректори ёрдамида тузатиш киритиш керак. Бунинг учун ҳаракатланувчи шайбадаги шкала **18** да (16.6-б расм) тортиш баҳясининг энига тенг қийматни (15 мм) топиб милни X'ёналишида 75 бўлимга буриб, кўрсатгич **20** га мосланади. Тузатиш киритилиши керак бўлган ёналишни андозанинг модел стolidаги томонларига нисбатан танланади.

Градир мсишинада ишлари. Барча тайёргарлик ишларини бажаргандан кейин, чизиш-штифти 3 (16.3-0 расм) ишчи ҳолатга келтирилади ва чап қўл билан мотоми улаб, пуансон **11** ни ишчи ҳолатига туширилади. Ўнг қўл билан нусха олувчи каретка 5 ни танланган ишчи ҳолатига келтириб, андозага чизиш-штифтини теккизиб, соат мили бўйича чизиш кареткаси айлантирилади.

Контури бўйича қирқишдан олдин детаининг ўртасида бўлган барча тешиклар қирқилади. Шундай тартибда градирлашни бажарганда картон силжиб кетмайди, чизиш-штифтини алмаштириш ва корректоми маълум қийматга созлаш осон бўлади. Чизиш-штифти тузатиш керак бўлган жойга келганда, машинани тўхтамасдан чап қўл билан корректорнинг шайбаси

маълум рақамга созланади ва яна чизиш кареткасини айлантириш давом эттирилади.



16.7 - расм. Грунд-модел дсталларига ўқ чизиқларини чизиш ва уларни модел столига жойлаштириш.

Агар андозани контури бўйича чизиш кареткасини айлантираётганда андозанинг ўлчамини маълум қўшимчага (тикишга, букишга ва ҳоказо) катталаштириш керак бўлса, штифт алмаштирилади.

Масалан: букиш учун қўшимча 4 мм бўлса, диаметри 2 мм ли штифт; 6 мм бўлса, 3 мм ли штифтга алмаштирилади.

Деталларни градирлаётганда жуда еҳтиёт бўлиш керак, чунки ҳар бир ортиқча ҳаракат ва қирқилаётган детаининг контурини бузилишига сабаб бўлади.

Агар модел столида бир нечта детал жойлашган бўлса, унда деталларни градирлаш ўнг томонда жойлашган деталдан бошланади. Орқа ташки тасмалар ва гумбаз усти тасмалами градирлаётганда уларнинг энини модел столига бўйлама ўқи бўйича жойлаш, яъни узунлик пантографининг ползуни 8 ни нул шкалага тўғрилаб маҳкамлаш керак.

Ҳамма деталларни градирлагандан кейин, текисликка, размерламинг ўсиб бориши тартибида қўйиб текширилади. Улар узунлиги ва эни бўйича ўзига хос бир хил орттиргмага катталашган бўлиши керак, акс ҳолда хатога ёл қўйилган бўлади.

Барча андозаларга моделнинг номери, фасони, размери, кўринадиган зийига ишлов бериш усули ёзиб қўйилади. Агар четлари текис бўлмаса, пичноқ ёрдамида текислаш ва андозаламинг четига лак суриб қўйиш керак.

Назорат саволлари

1. Деталларни серияга қўпайтиришда абсолют ва нисбий орттиrmалар қандай аниқланади?
2. Серияга қўпайтириш усулларини таърифланг.
3. Йереван пойабзал моделлари усулининг моҳияти нимадан иборат?
4. Б.П. Хохлов ва А.А. Йерёмин усулининг моҳиятини айтиб беринг.
5. Механик усулда серияга қўпайтириш машиналарнинг ишлаш принципини изоҳланг

17-боб. ПОЙАБЗАЛ ВА ҚҮЛҚОПЛАРНИ РАЗМЕР АССОРТИМЕНТИ

Пойабзал ва қолипларни ратсионал ҳамда түгри лойиҳаланганига қарамай, улар ахоли орасида нотүғри тақсимланиши, халқ талабини қондирмаслиги мумкин. Шунинг учун маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришда пойабзал ва қўлқопларни нафақат оёқ ва қўл ўлчамларига монанд қилиб тайёрлаш, балки маҳсулотни ҳар бир типо-размерини маълум миқдорда, яъни берилган ҳудуд учун керакли миқдор(размер ассортименти)да ишлаб ъ чиқарилиши керак. Бир тўп маҳсулотни размери бўйича фоиз ҳисобидаги нисбати — размер *ассортименти* дейилади. Пойабзал ва қўлпоқлар размер ассортиментини ҳисоблаш асосига оёқ ҳамда қўл панжаларининг туркумлаш, яъни оичамлардан гурухлар ва гурухчалар тузиш керак.

17.1. ПОЙАБЗАЛЛАРНИ РАЗМЕР ВА ТЎЛАЛИК АССОРТИМЕНТИ ПОЙАБЗАЛЛАРМНГ РАЗМЕР АССОРТИМЕНТИНИ ҲИСОБЛАШ

Пойабзал размери оёқ панжасининг узунлигига teng бўлгани учун, уни размер ассортиментининг асоси сифатида оёқ панжасини узунлиги бўйича текис тақсимланиш қонунияти келтирилади. Текис тақсимланиш қор.унияти оёқ ўлчамларидаги И-қонуниятдагидек бўлиб (III бўлимга қаранг), егри чизик ёки қуидаги формула ёрдамида ифодаланади:

Бунда: Y — берилган оёқ панжасининг узунлиги бўйича жамоадаги жодамлар сони; a — квадрат четланиш; X — оёқ панжасининг берилган тузунлиги; $A/$ — оёқ панжасининг ўртача узунлиги.

Бунда тақсимланиш кенглигини ва егри чизик шаклини, аниқ берилган [жамоани оёқ панжани ўртача узунлиги M_x ҳамда квадрат четланиши аниқлайди. Оёқ панжасининг ўлчам тадқиқотлари асосида $o = 10,3$ дан $12,2$ мм гача деб топилган ва балоғатта йетган ахолининг ҳар бир гурухи учун $c p = \pm 1$ мм қабул қилинган.

Шу ҳолатдан фойдаланиб, текис тақсимланиш тенгламасида o ни ўзгартирасдан, ҳар бир ҳудуд учун оёқ панжасининг узунлигини тақсимланиш миқдорини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, агар берилган ҳудуд учун эркаклар пойабзалини ўртача размери $H= 270$ боМса, унда размер ассортиментдаги 100 жуфтдан 20 жуфтни 270-размер ташкил қиласди. 275 размерда 16 жуфт ва ҳоказо. Агар берилган ҳудуд учун размер ассортименти аёл ахолисига тузиш керак бўлса ва уни ўртача размери 245 боМса, унда 100 жуфтдан 20 жуфт 245 размердан, 16 жуфт 240 размердан, 11 жуфт — 235 дан, 215 размер эса 1 жуфтни ташкил қиласди. Бу тақсимланиш миқдорлари 19-жадвалга асосланниб олинади. Агар баъзи ҳудудлар учун аёллар оёқ панжасини ўлчамлари боМмаса, унда аёлларнинг оёқ панжасини узунлиги эркаклар оёқ панжасининг узунлигидан 20—24 мм кам деб қабул қилинади. 100 жуфтга ҳисобланган размер ассортименти — *савдо размер*

ассортименти дейилади.

100 жуфт пойабзal учун размер ассортименти

Пойабзal размери	H-25	H-20	H-15	H-10	H-5	H	H+5	H+10	H+15	H+20	H+25
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Жуфт сонлар	1	4	8	11	16	20	16	11	8	4	1

Лекин пойабзalни ўрта размерини кўрсатувчи, оёқ панжасини ўрта узунлиги ҳар доим ҳам 0 ёки 5 рақам билан ифодаланмайди.

Бинобарин, ҳар бир ҳои учун тегишли ўрта размерларга қатор тақсимланишни ҳисоблаб чиқиши керак. Бу усул билан ҳисоблаш сермеҳнат бўлгани сабабли, метрик системасидаги типик размер ассортименти жадвал сифатига келтирилган (20-жадвал).

100 жуфт пойабзal учун размер ассортименти

0ърta размер ассортимен ти	Пойабзalни 100 жуфтга нисбатан сони											
	H-25	H-20	H-15	H-10	H-5	H	H+5	H+10	H+15	H+20	H+25	H+30
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
H+0	1	4	8	11	16	20	16	11	8	4	1	0
H+л	1	3	7	11	15	20	17	12	9	4	1	0
H+2	0,5	3	6	10	14	19	19	13	9	5	1,5	0
H+3	0	1	5	9	13	19	20	14	9,5	6	3	0,5
H+4	0	1	4	9	12	17	20	15	10	7	4	1
H+5	0	1	4	8	11	16	20	16	11	8	4	1

Келтирилган жадвал хоҳлаган худуд учун размер ассортиментини ҳисоблаш имконини беради. Бунинг учун берилган худуднинг аҳолисини оёқ панжаларини ўртача узунлигини билиш кифоя. Мисол учун, оёқ панжасининг ўртача узунлиги 238 мм бўлган аёллар туфлисининг размер ассортиментини олиш қўйидагича: бу ассортмент учун пойабзalни ўртача размери 235. Бинобарин 20-жадвални тепа қаторидаги H ни ўрнига 235 қўйилади. Изланаётган тартиб қаторидан размер ассортименти $H + 3 = 235 + 3 = 238$ болгани сабабли 20-жадвалдан H + 3 ассортимент қатори олинади. Натижада 21-жадвалдагидек размер ассортименти ҳосил бўлади.

Масалан, $L_o = 238$ мм ўрта ўлчамдаги размер ассортименти

Пойабзal И размери	215	220	225	230	235	240	245	250	255	260	265
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
И+3	1,5	5	9	13	9	19,5	14	9.5	6	3	0,5

Юқорида келтирилгандан ташқари катта сонлар қонунига нисбатан кичик жамоаларда, четки размерларни пайдо бўлиш еҳтимоли камроқ. Бу эсаўрта размерлар сонини кўпайтириб, четкиларни камайтириш заруратини тақозо қиласи. Шунинг учун сон жиҳатидан ҳар хил бўлган ҳудудларда хизмат қиласиган савдо корхоналари уч кўламда, И-ҳар хил ҳудудлардан келган кўпчилик аҳолига хизмат қилувчи шаҳардаги катта дўконлар учун = 11 мм; II-ўрта кўламдаги туман дўконлари учун $o = 10$ мм; III- кичик кўламдаги қишлоқ дўконлари учун $a = 9$ мм бўлган пойабзal размер шкаласи асосида размер ассортименти тузилиши лозим (22-жадвал).

Ҳар хил кўлам (четланиш)даги 100 жуфт пойабзалларнинг типик размер ассортименти

<i>a</i> мм	Размерлар											
	H-25	H-20	H-15	H-10	H-5	H	H+5	H+10	H+15	H+20	H+25	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
11	1	4	8	11	16	20	16	11	8	4	1	
10	0,5	2	6	13	17,5	22	17,5	13	6	2	0,5	
9	0,5	2	5	12	19	23	19	22	5	2	0,5	

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари учун ва ҳарбий хизматдаги аскарлар учун мўйжалланган пойабзаллар ассортименти (I) катта кўламда, кундалик пойабзаллар ассортименти (II) ўрта кўламда ва башанг пойабзаллар ассортименти кичик кўламдаги размер шкаласида тайёрлашм. Ташкил қилиш керак. Натижада, оёқ панжасининг ўртача узунлиги бир хил, яъни 238 мм бўлган пойабзаллар вазифасига қараб размер ассортименти турлича бўлиши мумкин.

Ёш болалар учун размер ассортименти катта ёшдаги аҳолини размер ассортиментидан бирмунча фарқ қиласи.

Бир ёш гуруҳдаги болаламинг оёқ панжаси узунлигини тақсимланиши ҳам текис тақсимланиш қонунига итоат қиласи. M ва a миқдорларини билиб, болалар пойабзали учун размер ассортиментини ҳисоблаш мумкин. Лекин ёнма-ён ёш гуруҳларини оёқ панжасининг узунлик тақсимланиши трансгресив табиатга ега. Яъни, ёнма-ён ёш гуруҳларни текис тақсимланиш чизиқлари бир-бирига киришиб кетиб, размер ассортимент тақсим-ланишга

таъсир кўрсатади. Шунинг учун, бир нечта ёнма-ён ёш гурухларга битта размер ассортименти хисобланади. Давлат андозалари таклифига биноан, болалар пойабзалини размер ассортименти, турли ёш гурухлар учун қуидаги (23-жадвал)ларга бўлинади.

Юқорида келтирилган жадвалга асосланиб ҳар бир ёш учун тақсимла-ниш чизиги қурилади. Болаларни ҳамма ёши учун маълумотлар гурухлар асосида бирлаштирилиб, янги жамланган чизик ҳосил бўлади. Агар ҳар бир гурухда ўлчанган болалар сони бир миқдорда бўмса, текис тақсимланиш чизиги ҳам ўхшаш бўлади. Лекин ёшига қараб текис тақсимланиш чизиклари бир-бирига нисбатан оғиг ёки чапга сурилади.

Натижада жамланган чизикнинг ўрта қисмида текислик. яъни плато ҳосил бўлади. Ҳар йили тутмладиган болаларнинг сони аслида бир хил бўммайди, шунинг учун жамланган чизик плато емас, балкит қабариқ ёки ботиқ бўлиб қолиши мумкин. Шу миқдорларни аниқлаган ҳолда болалар учун размер ассортименти қурилади.

Болалар пойабзалини размерлар бўйича бўлиниши

Пойабзални вош-жинсий гурухи	Размерлари (мм)	Ёши (йил)
0. Чақалоолар (I— гурух)	95-125	0.5-1.0
1. Чақалоқлар (II—гурух)	120-140	1.5—2.0
2. Мактаб ёшигача болалар (I—гурух)	145-175	2.5—3.5
3. Мактаб ёшигача болалар (II—гурух)	180-200	4.5-7.5
4. Мактаб ёшидаги қиз болалар	205-225	8.0-11.5
5. Қўз болалар	230-260	12.0-15.5
6. Мактаб ёшидаги ўғил болалар	205-225	8.0-11.5
7. Ўғил болалар	230-280	12,0-16.0

Эслатма: Ҳозирги пайтда болалар оёқ панжасининг узунлиги ўзгариши (аксессуарлар) муносабати билан бу жадвалга аниқлик киритилмоқда.

17.1.2. ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАЗМЕР АССОРТИМЕНТИ

Юқорида қайд қилинган савдо размер ассортименти бўлиб, ундан ташқари ишлаб чиқариш размер ассортименти ҳам мавжуд.

Катта пойабзал корхоналари бир қиёфа ва турдаги пойабзалларни, ҳар хил размер ассортиментига ега бўлган бир нечта ҳудудларга тайёрлаб чиқаради. Шунинг учун ишлаб чиқариш размер ассортименти ҳар бир ҳудуд учун мөмжалланган савдо ассортиментларни йигмандисидан иборат.

Истеъмолчи ҳудудларни ўзгариб туриши, ишлаб чиқариш размер

ассортиментини тез-тез ўзгаришига олиб келади. Ишлаб чиқариш размер ассортиментини қуриш учун ҳар бир таъминловчи ҳудуд учун моМжалланган савдо размер ассортиментларини битта жадвалга кўчирилади. Ҳар размеми жуфт миқдори, таъминловчи ҳар ҳудудни 100 жуфтлик сонига кўпайтирилади. Кейин сех режасида кўзда тутилган жуфт миқдорига умумий ассортмент жадвали тузилади. Пойабзални ҳар размерини йигМниси топилиб, сех учун


умумий размер ассортименти ҳосил қилинади. Ундан кейин узатма тўда (партия)ларга қайта ҳисобланади ва конвейерга шу тўдалар асосида қўйилади. Агар корхона пойабзални доимо бир ҳудуд учун ишлаб чиқарса, унда ишлаб чиқариш размер ассортименти сифатида савдо размер ассортиментини кўллаш мумкин.

17.1.2. ПОЙАБЗАЛНИ ТЎЛАЛИК АССОРТИМЕНТИНИ ҲИСОБЛАШ

Пойабзал қулайлиги нафақат размер (узунлик ўлчам) билан, балки кенглиги билан ҳам аниқланади. Бу ҳақиқатни размер ассортиментини қуришда еътиборсиз қолдириш мумкин емас. Шунинг учун размердан ташқари тўлалик ассортименти ҳам ҳисобланади. Пойабзал тоialiлиги оёқ панжасининг бешинчи кафт суюгининг дистал қисмидаги қучоқ ўлчами бўлгани учун, оёқ панжасининг шу ўлчами, қўшимча тур(тип)ларга гурухлаштириш, яъни тўлалик ассортименти ҳисоблаш асоси бўлиб хизмат қилади.

Аҳолини ратсионал размерли пойабзал билан таъминлаш учун оёқ панжасининг тутам қисмидаги қучоқ ўлчамлар оралиғи 8мм дан 3 тўлалик жорий қилинишини ҳисоблаб кўрамиз. Катта ёшдаги аҳоли учун кўндаланг квадрат четланиш $2 = 9$ мм деб қабул қилиб, текис тақсимланиш зичлиги, жадвал бўйича аниқланади. Шу жадвал бўйича аҳолини 81,6 % ратсионал размердаги пойабзал билан (17.1-расм), шу жумладан тор тўлаликдан — 23,4 %, ўрта тўлаликдан — 34, 8%, кенг тўлаликдан — 23,4 % аҳоли таъминланади. Қолган 18,4 % аҳоли қулай пойабзалга ега бўлмайди. Текис тақсимланиш егри чизигини *абвбъа¹* майдонини 100 % деб қабул қилсак, унда пойабзални тўлалик бўйича тақсимланиши тор тўлалик учун — 29 %, ўрта тўлалик учун — 42 % ва кенг тўлалик учун — 29 % бўлади.

Агар аҳолини 18 % ўта тор ва ўта кенг оёқ панжалик бўлса, улар тор ва кенг пойабзалларни сотиб олишади деб тахмин қилсак, унда четки тўлаликлар сонини андак кўпайтириш тавсия етилади. Шундай қилиб, тор



17. І-рasm. Овош панжасининг тоғыллік бөйінчә тақсимланышы.

түИалиқдан — 30%, ўрта тоМалиқдан — 40%, кенг тоМалиқдан — 30%, яъни 100 % тақсимланиш ҳосил бўлади.

17.2. ҚЎЛҚОПНИ РАЗМЕР АССОРТИМЕНТИНИ ҲИСОБЛАШ

Қўл панжасини 5-кафт суюги дистал бошчасини қучоқ ўлчами бўйича текис тақсимланиш қонунини ҳисобга олган ҳолда типо-размерлар сони ҳисобланади. Кўп тадқиқотлар асосида ахолининг Қўл кафтини қучоқ ўлчами бўйича квадрат четланиш $sr = 11,9$ мм дан 7,96 гача ўзгариши аниқланган ва ҳисоб учун шу тақсимланиш бўйича $a_{ок} = 9$ мм қабул қилинган.

Размер ассортиментини ҳисоблашда қўлқоп размери H , қучоқ ўлчами O_k га тенг бўлиб, ёнма-ён размерлар орасидаги фарқ $AH =$
мм ни ташкил қиласи.

Қўлқоп размер ассортиментини ҳисоблаш тартиби ва усули пойабзал размер ассортиментидан фарқ қилмагани учун таъриф бермасдан 24-жадвалда $M = 0,5$ см, $a_{оиж} = 0,9$ см учун қўлқоп типик размер ассортиментини кекириш билан кифояландик.

Қўлқопни типик размер ассортименти

($AH = 0,5$ см, $= 0,9$ см)

Ассортимен ти ўрта	Размерлар							
	H-1,5	H-1,0	H-0,5	H	H+0,5	H+1,0	H+1,5	H+2,0
1	2	3	4	5	6	7	8	9
H	6	13	19	22	19	13	6	2
H+0,1	5	10	17	21,5	19,5	15,5	9	2,5
H+0,2	4	9	16	21	19,5	16,5	10,5	3,5
H+0,3	3	8	15	20	20,5	17,5	11,5	4,5
H+0,4	2,5	7	14	19,5	21,5	18	12,5	5
H+0,5	2	6	13	19	22	19	13	6

Назорат саволлари

- Пойабзал ва қўлқоплами размер ассортиментини ҳисоблаш нимага асосланган ?
- Пойабзалламинг размер ассортиментини ҳисоблаш асосларини изоҳланг.
- Савдо ва чиқариш размер ассортиментларини тафовутини таърифланг.
- Тўлалик ассортиментини ҳисоблаш асосларини изоҳланг.
- Қўлқоп размер ассортиментларини ҳисоблаш асосларини келтиринг.

1. Зыбин Ю.П. История развития конструкции обуви. Учеб. пособие по курсу лекций. Изд. МТИЛПа, 1978.
2. Николаева Ж.Б. и др. Моделирование кожгалантерейных изделий. М. 1975.
3. Зыбин Ю.П. и др. Конструирование изделий из кожи. М. 1982.
4. Макарова В.С. Моделирование и конструирование обуви колодок. М. 1987.
5. Хайдаров А.Л, Камстов А.К. Чарм буюмларини конструкциялаш. Тип. ТТЕСИ, 1999.
6. Ключникова В. М. и др. Практикум по конструированию изделий из кожи. — М. 1985.
7. ГОСТ 23251-78. Обувь. Термины и определения. М. 1982.
8. Курепина М.М., Воккен Г.Г. Анатомия человека. М. 1971.
9. Татаринов В.Н. Анатомия и физиология. — М. 1967.
10. Крамаренко Г.Н. Вопросы этиологии и классификации статических деформаций стоп. Сб. Стопа и вопросы построения рациональной обуви. Изд. ЦИТО. М. 1972.
11. П.Пашаев В.С., Фамицин Б.М. Аппаратура для стерсфотограмметрической съемки плантарной части стопы. Кожевено-обувная промышленность, 1978, № 7.
12. Зыбин Ю.П. и др. Практикум по конструированию изделий из кожи. — М. 1972.
13. Катамадзе А.Г., Зыбин Ю.П. О размерах левой и правой стопы человека. Изв. ВУЗов Технология легкой промышленности, №3, 1977, с. 51-55.
14. Колесникова Н.А., Крамаренко Г.Н. Характеристика стоп женского населения г. Москвы. В кн. Стопа и вопросы построения рациональной обуви. М. ЦИТО, 1968.
15. Чумакова М.П. и др. О закономерностях размеров кистей рук. Изв. ВУЗов Технология легкой пром-сти №5, 1970, с. 94-99.
16. Чумакова М.П. и др. К установлению стандартных размеров перчаток. Изв. В У-Зов Технология легкой промышленности №4, 1971, с. 100-103.
17. Кобылянский Е.Л О изменчивости морфологических признаков в отдельных профессиональных и территориальных группах. Вопросы антропологии, Вып 35. 1970. с. 93-111.
18. Дунаевская Т.Н. и др. Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии М. 1973.
19. Xudoyberdiyev R.E. Odam anatomiyasi. Т. 1993.
20. Лыба В. П. Фукин В.Л Теоретические предпосылки силового взаимодействия стопы с обувью. Сб. трудов МТИЛП. 1981.
21. Шагапова ИМ Определение изгибающего момента для сращенных систем низа обуви. Изв. ВУЗов Технология легкой промышленности №5, 1972.
22. Горбачек В.Е. и др. Исследование распределения давления по плантарной поверхности стопы и обуви. Изв. ВУЗов Технология легкой пром-сти №2, 1970.
23. Калита А.Н. Исследование деформации верха обуви при изгибе с целью повышения его износостойчивости. Дис МТИЛП 1966.
24. Черников Н.Н. Установление срока службы материалов в деталях обувию. Гизлегп-ром. М. 1952.
25. Кедров Л.В. Теплозащитные свойства обуви. М., 1979.
26. Духота Ф.Ф. и др. Определение опорной жесткости пакетов низа детской кожаной обуви. Изв. Вузов Технология легкой промышленности № 1, 1980.
27. Ченцова К.И, Муханова В.Н. Проектирование и моделирование обувных колодок, М. 1971.
28. Фукин В.А. и др. Метод построения формы обуви. Сообщение I. Построение кон тура стельки методом сопряжения дуг. Изв. ВУЗов Технология легкой промышленности №6, 1964.
29. Хайдаров А.А. Проектирование рациональной внутренней формы обуви для жснс кого населешя Узбекистана. Тезисы второй Республиканской научно-техническо конференции 1975. Тех_
30. Фарниева О. В. Новый метод расчета ростовочного ассортимента, и - нология легкой промышленности №6, 1966. , ЭВМ
31. Катамадзе Г.А. Проектирование размерно-полнотного ассортимента ооу Сб. трудов МТИЛПа. М. 1979.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
1 - боб. Чарм буюмларини ривожланиш тарихи	5
1.1. Пойабзал конструкциясининг ривожланиш тарихи.....	5
1.1.1. Турли мамлакатларда пойабзал конструкциясини ривожланиш тарихи.5	
1.1.2. Марказий Осиё халқлари пойабзаллари конструкциясининг ривожланиш тарихи.....	11
1.2. Чарм-атторлик буюмлар конструкциясининг ривожланиш тарихи.....	13
2 - боб. Замонавий чарм буюмларининг конструктив тавсифи	16
2.1. Пойабзал ламинг конструктив тавсифи.....	16
2.1.1. Пойабзалнинг қиёфаси.....	16
2.1.2. Пойабзал ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар.....	16
2.1.3. Пойабзалнинг устки деталлари. уларнинг тузилиши ва ўлчамлари.....	17
2.1.4. Пойабзалнинг таг деталлари, уларнинг тузилиши ва конструкцияси....	20
2.1.5. Дсталларни биректирисда ишлатиладиган чоклар.....	23
2.1.6. Пойабзалнинг ички ўлчами (размери) ва шакли.....	30
2.1.7. Пойабзалнинг вазифаси бўйича турлари.....	32
2.2. Чарм-атторлик буюмларини конструктив тавсифи.....	34
2.2.1. Ихтиёрий ўлчам ва шаклдаги буюмлар деталларини сони, ўлчами ва шакли.....	35
2.2.2. Кўлқопларнинг конструкцияси бўйича тавсифи.....	39
3 - боб. Чарм бувумларни қуришда одам анатомия ва физиологияси, антропометрия ҳамда биомеханика асослари	41
3.1. Кўл ва оёқ анатомия ҳамда физиологияси	41
3.1.1. Скслстнинг тузилиши ва вазифалари.....	41
3.1.2. Суякламинг тузилиши.....	41
3.1.3. Суяклами туркумларга боТиниши.....	42
3.1.4. Суякламинг ўзаро бирлашуви.....	43
3.1.5. Ҳаракатчан бирикмалар (бўғимлар)	44
3.1.6. Кўл скелети.....	45
3.1.7. Кўл суякларининг бирлашуви.....	47
3.1.8. Оёқ скелети.....	48
3.1.9. Оёқ суякларининг бирлашувлари.....	49
3.1.10. Мушаклар системаси.....	51
3.1.11. Терминг тузилиши ва вазифаси.....	57
3.2. Оёқ антропометрияси.....	58
3.2.1. Оёқни ўлчаш усуслари.....	59
3.2.2. Оёқ панжаси ва болдирини ўлчашда ишлатиладиган асбоб ҳамда мосламалар	59
3.2.3. Оёқ панжаси ва болдирини ўлчаш учун асосий анатомик нуқталарни белгилаш.....	61
3.2.4. Оёқ панжаси, болдири узунлик ва баландлик ўлчамларини олиш.....	62
3.2.5. Оёқ панжасининг изи, контури ва унинг ен ўлчамларини аниқлаш.....	62
3.2.6. Оёқ панжаси ва болдирининг қучоқ Оълчамларини ўлчаш.....	63
3.2.7. Оёқ панжаси ўлчамларининг тақсимланиш қонуниятлари.....	63

3.2.8. Оёқ панжасини одам танасининг узунлиги билан бөгмиқлиги.....	66
3.2.9. Оёқ панжаси билан қўл панжасининг ўлчамларини ўзаро бөгманиши..	66
3.3. Қўл панжасининг антропометрияси	67
3.3.1. Қўл панжасининг узунлик ўлчамларини аниқлаш.....	67
3.3.2. Қўл панжаси ва бармоқларнинг қучоқ ўлчамларини аниқлаш.....	67
3.3.3. Қўл панжасининг ён ўлчамлари ва бармоқлар қалинлигини аниқлаш..	68
3.3.4. Олинган ўлчамларни ўрта типик қийматлар билан солиштириш.....	68
3.4. Оёқ панжасининг биомеханика асослари.....	69
4 - боб. Пойабзал деталларининг иши	72
5 - боб. Пойабзалнинг гигиеник ва физик хусусиятлари	75
5.1. Пойабзалнинг нам алмаштириш ва намдан ҳимоя қилиш хусусиятлари...	75
5.2. Пойабзални иссиқдан ҳимоя қилиш хусусиятлари.....	76
5.3. Пойабзалнинг бикирлиги.....	77
6 - боб. Пойабзал конструкциясининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари	79
6.1. Пойабзал конструкциясининг материал сарф ҳажмини аниқлаш.....	79
6.2. Пойабзалнинг меҳнат сарф ҳажмини аниқлаш.....	82
7 - боб. Пойабзал ички шакли(қолип)ни лойиҳалаш.....	87
7.1. Пойабзал қолипларининг конструктив тавсифи.....	87
7.1.1. Қолипларнинг конструкцияси.....	88
7.1.2. Қолиплами ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материаллар.....	90
7.1.3. Қолипларнинг товон қисмини кўтарилиш баландлиги	91
7.1.4. Қолипнинг индекси	91
7.2. Қолип лойиҳалашнинг умумий асослари.....	92
7.3. Қолипнинг асосий ўлчамларини ўзгариши.....	93
7.4. Қолипларни (унификациялаш) бир шаклга келтириш.....	94
8 - боб. Чарм буюмларини лойиҳалаш	95
8.1. Пойабзал устки деталларини лойиҳалашнинг умумий асослари.....	95
8.2. Пойабзал танаворини лойиҳалаш усуслари.....	97
8.2.1. Нусхалаш усули.....	97
8.2.2. График-нусхалаш усули.....	98
8.2.3. Бикир қобиқ усулида пойабзал танавори деформатсияхни ҳисоблаш...100	100
8.4. График-нусхалаш усулида пойабзал устки деталларини лойиҳалаш асослари.	102
8.4.1. Қолипнинг ён сиртининг шартли нусхасини олиш усувлари.....	103
8.4.2. Қолипнинг ўрта нусхасини олиш.....	107
8.4.3. Қолипнинг ўртача нусхасини координата ўқларига жойлаштириш, базис ва ёрдамчи чизиқларни чизиш.....	108
8.4.4. Пойабзаллар устки деталларининг асосий ўлчамларини ҳисоблаш...110	110
8.4.5. Танаворни йигМш ва кўринадиган зийларига ишлов бериш учун кўшимчалами ҳисоблаш.....	112
8.4.6. Пойабзалнинг ички детал (астар)ларини лойиҳалаш асослари.....	113
8.4.7. Оралиқ деталларни лойиҳалаш.....	116
9 - боб. Кўнжсиз ботинкаламинг устки деталларини лойиҳалаш	117
9.1. Кўйма дастакли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш.....	117
9.1.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш.....	117
9.1.2. Ички деталларини лойиҳалаш.....	119
9.1.3. Оралиқ деталларни лойиҳалаш.....	121

9.2. Кўйма бетликли қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш.....	121
9.2.1. Бетликни лойиҳалаш.....	122
9.2.2. Дастакни лойиҳалаш	122
9.2.3. Астарларни лойиҳалаш.....	123
9.3. Резинкаси ён томонида жойлашган қўнжсиз ботинкаларнинг устки деталларини лойиҳалаш.....	123
9.3.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	124
9.3.2. Ички деталларни лойиҳалаш.....	126
9.4. «Лоафер» туридаги қўнжсиз ботинкаларни лойиҳалаш.....	126
9.4.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш.....	127
9.4.2. Ички деталларини лойиҳалаш.....	129
10 - боб. «Қайиқсимон» туфлиларни лойиҳалаш.....	131
10.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш.....	132
10.2. Ички детал (чарм ва тўқима астар)ларини лойиҳалаш.....	134
11- боб. Ботинканинг устки деталларини лойиҳалаш.....	136
11.1. Кўйма бетликли ботинкаларнинг устки деталларини лойиҳалаш.....	136
11.1.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	137
11.1.2. Астарни лойиҳалаш.....	139
11.1.3. Оралиқ деталларни лойиҳалаш.....	141
11.2. Кўйма дастакли ботинкаларни лойиҳалаш.....	142
11.2.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш.....	142
11.2.2. Астарини лойиҳалаш.....	143
11.3. Эркаклар резинкали ботинкаларини лойиҳалаш.....	143
11.3.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш.....	143
11.3.2. Астарларини лойиҳалаш.....	145
12 - боб. Етиқ ва калта қўнжли этикланинг лойиҳалаш.....	146
12.1. этиқ ва калта қўнжли этикларнинг устки деталларини лойиҳалаш асослари.....	147
12.2. Чақмоқ занжирсиз этиқ ва калта қўнжли стиклар моделини лойиҳалаш	149
12.2.1. «Казачок» туридаги этикларнинг устки деталларини лойиҳалаш	150
12.3. Чақмоқ занжирли этикларни лойиҳалаш	153
12.3.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	153
12.3.2. Астарни лойиҳалаш.....	154
12.4. Аёлларнинг калта қўнжли ва мактаб ёшидаги болалар этикларини лойиҳалаш.....	155
12.5. Эркакламинг чақмоқ занжирсиз этикларини лойиҳалаш.....	156
12.5.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	156
12.5.2. Ички деталларини лойиҳалаш.....	157
12.6. Эркаклами бириктирма бошлиқли, чармдан ишланган стикларининг устки деталларини лойиҳалаш.....	157
12.6.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	157
12.6.2. Ички деталларини лойиҳалаш.....	159
13 - боб. Сандалетларни лойиҳалаш.....	160
13.1. Допсл усулидаги сандалетларни лойиҳалаш.....	161
13.1.1. Сиртқи деталларини лойиҳалаш	161
13.1.2. Ички деталларини лойиҳалаш.....	163
13.2. Йелимлама усулидаги очиқ сандалетларнинг сиртқи ва ички деталларини	

лойиҳалаш.....	164
14 - боб. Пойабзалинг таг деталларини лойиҳалаш.....	165
14.1. Асосий патакни лойиҳалаш.....	165
14.2. Тагликни лойиҳалаш асослари.....	166
14.3. Пошналами лойиҳалаш.....	170
14.4. Қўйгич ва тўлдиргич (геленка ва простилка)ларни қуриш.....	171
14.5. Ич патак, яримич патак ва товон ости ич патакларини қуриш.....	172
14.6. Бикир дастаклами лойиҳалаш.....	172
14.7. Тумшуқ остини қуриш.....	173
15 - боб. Чарм-атторлик буюмларини лойиҳалаш	174
15.1. Халталами лойиҳалаш асослари.....	174
15.2. Чарм қўлқопларни лойиҳалаш.....	178
16 - боб. Пойабзал деталларини серияга кўпайтириш	183
16.1. Серияга кўпайтиришнинг назарий асослари.....	183
16.2. Серияга кўпайтириш усуллари.....	187
16.2.1. Йереван пойабзал моделлар уйи (ЙЕДМО) усули.....	187
16.2.2. Б.П.Хохлов ва А.А.Йерёмин усули.....	191
16.2.3. Механик усулда серияларга кўпайтириш (градирлаш)	192
17 - боб. Пойабзал ва қўлқоплами размер ассортименти.....	197
17.1. Пойабзалларни размер ва тоМалик ассортименти	197
17.1.1. Пойабзалларнинг размер ассортиментини ҳисоблаш.....	197
17.1.2. Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарининг размер ассортименти...200	200
17.1.2. Пойабзални тўлалик ассортиментини ҳисоблаш.....	201
17.2. Қўлқопни размер ассортиментини ҳисоблаш.....	202
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	203

Озод Абдувалийевисли Ҳайдаров

**ПОЙАБЗАЛ ВА ЧАРМ-АТТОРЛИК БУЮМЛАРНИ
МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ**

Касб-жұнар колледжлари учун ўқыв құллонма

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа аксиядорлик компанияси Бөш таҳририяты — Тошкент — 2007.

Мұхаррір	<i>X. Пұлатхожсаіев</i>
Бадий мұхаррір	<i>Ж. Гурова</i>
Техник мұхаррір	<i>A. Салихов</i>
Мусахых	<i>M. Қисимова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>A. Юлдашева</i>

Босишига 24.08.07 да рухсат стилди. Бичими 60x90 ъ/₁₍₂₎. «Таймс» гарнитурасида оғест босма усулида босилди. Шартли б.т. 13,0. Нашр-хисоб.т. 13,2. Адади 850. 245-рақамли буюртма.

“Арнапринт” МЧЖ да саҳиТаланиб, чоп етилди. Тошкент, X. Бойқаро күчаси, 41.